

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

М.Т. Михридинова

КАСБИЙ ПЕДАГОГИКА

ўқув қўлланма

Тошкент - 2012

Тузувчи: М.Т. Михридинова. «Касбий педагогика». /ТАТУ. 195 б. Тошкент, 2012.

Ўқув қўлланмада касбий-педагогик мутахассисликка кириш, узлуксиз таълим тизимида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими, касбий ўқув муассасида таълим жараёни ва уни лойиҳалаш, касб таълими муассасида тарбиявий ишлар назарияси ва амалиёти, дидактиканинг асосий назарий муаммолари, касбий ўқитиш ва меҳнат бозори, фаолиятга йўналган ўқитиш назарияси, ўқитиш технологияси - амалий педагогик фан сифатида, инновацион педагогика ва шу каби бошқа долзарб масалалар ёритилган.

Ўқув қўлланманинг мақсади талабаларга ўзларининг бўлғуси касбий фаолиятлари учун зарур бўлган билимларни олиш, янги таълимий технологияларни ўзлаштиришда ёрдам бериш, уларни инновацион фаолиятга тайёрлаш ва ўз ишларига аналитик ёндашишга ўргатишдан иборат.

Қўлланма 5111000 - Касб таълими (Информатика ва ахборот технологиялари) йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

Ундан ўрта маҳсус, касб-хунар ўқув муассасалари ўқитувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Тошкент ахборот технологиялари университети илмийуслубий кенгаши қарорига асосан чоп этилган (2012 йил 24 май 50 - сонли баённома)

Тақризчилар:

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими

тизими кадрлари малакасини
ошириш ва уларни қайта тайёрлаш
институти “Амалий касбий таълим”

кафедраси мудири, п.ф.н.

Н.Ф. Абдуназорова

П.ф.д, ТАТУ
профессори

Ф.М. Закирова

© Тошкент ахборот технологиялари университети, 2012 йил

СЎЗ БОШИ

Республикамиз мустақилликка эришгач, касбий педагогикани ривожлантириш учун бир қанча янги асослар юзага келди. Жумладан, «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида шакллантирилаётган узлуксиз таълим тизимида касб таълимига алоҳида ўрин берилиши натижаси сифатида касб-хунар коллеклари ва лицейлар тизими шаклланди.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» юксак умумий маданиятга ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаоликка, сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётда тўғри йўл топа билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантириш, шунингдек ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда пухта ўзлаштирган, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутган педагогик тояни илгари суради.

Касбий педагогика умумий педагогиканинг тармоғи сифатида, касбий–техник таълим тизими такомиллашиши билан бирга шаклланиб бормоқда. Бугунги кунда ўзининг кенг тадбиғини кутиб ётган, фаннинг бошқа соҳалари билан боғлиқ равишда ишлаб чиқилган янги концепциялар ва назариялар ривожлантирилмоқда. Бошқа фанлар сингари, у ҳам ўз категория ва тушунчалар аппаратига, ушбу фан ўрганадиган ва унинг асосини ташкил қиласидиган ўзига хос воқеа–ходисаларига эга.

Мазкур “Касбий педагогика” ўқув қўлланмаси педагогларга ишлаб чиқариш қонунларининг педагогика қонунлари билан ўзаро алоқасини таъминлашда ва шу асосда ўқув ва ишлаб чиқариш жараёнларини бирлаштиришда, уларнинг интеграциясини таъминлашда ёрдам беради.

Бугунги кунда Республика изда таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида касбий педагогика фанининг асосий мақсади - жаҳон талаблари даражасида янгиланиб бораётган ишлаб чиқариш шароитларига мослаша оладиган, иқтисодни тиклашга ва юксалтиришга қодир бўлган юксак маҳоратли мутахассисларни шакллантириш, ва бу жараёнда энг асосийси-олинаётган ахборот ҳажми эмас, балки уни ижодий излай билиш, ўзлаштириш ва ундан оқилона фойдаланиш, мустақил фикрлаш ва тадбиқ қилиш сифатларини тарбиялашдир.

«Касбий педагогика» фанининг вазифаси қўйидагилардан иборат: таълим, тарбия, ўқитиш ва ўқувчиларни ривожлантириш қонуниятларини ўрганиш; ўқитиш ва тарбиялаш тамойилларини, ахборот ва педагогик технологияларни ишлаб чиқиш; касб-хунар ўқув муассасалари тури ва уларни бошқариш тизимини асослаш; педагогик назариялар, инновацион технологияларни лойихалаш усуллари, тизимни ривожлантириш йўллари ҳақидаги билимларни умумлаштириш; инсонни касбий фаолиятга тайёрлаш, янги авлод мутахассисини касбий тарбиялаш, малакали кичик мутахассислар авлодини етиштириб чиқариш.

Ушбу ва бошқа масалалар мазкур ўқув қўлланмада ўз аксини топган бўлиб, улар педагогик жамоаларни инсонпарвар тарбиявий мақсадларга, ташкиллаштирилган тажриба яратишга йўналтиради, касб таълими соҳасидаги педагогик ижод истиқболлари ва инновацион жараёнлар моҳиятини очиб беради. Ўқув қўлланмада касб-хунар муассасаларида ва ишлаб чиқаришда ўқитиш ва тарбиялаш мазмуни, педагогик фаолият методлари ва шакллари масалалари янгича ёритилади, таълим беришда шахсга йўналтирилган ёндашув асосланади.

Касбий педагогика предмети сифатида нафақат инсонни меҳнатга касбий тайёрлашдан иборат бўлган нисбатан тор соҳа, балки яхлит таълим тизими хизмат қиласди.

Айнан педагог ва ўқувчиларнинг ўзаро фаолияти жараёнида таълимнинг асосий вазифалари – ўқувчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш, уларнинг ҳар бири томонидан мос билим, кўникма, уқув, шахснинг дунёқараши ва аҳлоқий сифатларининг эгалланишига эришилади.

Касбий педагогиканинг вазифаси – ушбу жараённи янада самаралироқ, таълим сифатини эса янада юқорроқ қилиш. Шунинг учун, табиийки, фан сифатида педагогика предмети, энг аввало, таълим жараёни, унинг “технологик жиҳозлари”, яъни таълимнинг кутилаётган натижаларига эришишни таъминлайдиган аниқ ўқитиш методлари, воситалари ва ташкилий шакллари, ўқувчиларни тарбиялаш ва ривожлантириш ҳисобланади.

Шундай қилиб, касбий педагогиканинг предмети касбий таълимнинг у ёки бу даражасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шахснинг касбий мухим сифатларини шакллантириш жараёнидан иборат.

Шунингдек, бўлажак мұхандис-педагоглар «Касбий педагогика» курсида мутахассислик бўйича билимларини кенгайтирадилар ҳамда янги тушунча ва қарашлар билан қуролланадилар.

Равшанки, ўқув қўлланмада баён қилинган назарий ва методик материаллардан касб таълими турли тизимлари бошқа тоифа ходимлари ҳам фойдаланишлари мумкин, хусусан ишлаб чиқариш таълими педагоглари ва усталари.

Ушбу ўқув қўлланмада келтирилган маълумотлар талабаларга ўзларининг бўлғуси касбий фаолиятлари учун зарур бўлган билимларни олишда ёрдам беради, уларни педагогик билимлар билан, мавжуд билимларни янги таълимий технологиялар ва инновацион фаолият билан бойитади, ушбулар уларга кейинчалик ўз ишларига аналитик ёндашишга ва уни максимал маҳсулдор қилишга имкон беради деб умид қиласиз.

“Касбий педагогика” маъruzza матнини тайёрлашда Р.Мавлонова, О.Тўраева, К.Холиқбердиевларнинг “Педагогика” дарслиги, С.Я.Батышев ва бошқаларнинг “Профессиональная педагогика” дарслиги, М.Баракаев, Ш.С.Шариповларнинг “Касбий педагогика” маърузалар матни, А.Қ.Мунавваровнинг “Педагогика” ўқув қўлланмаси, И.Й.Турсунов, У.Н.Нишоналиевларнинг “Педагогика курси” дарслиги, Н.Н.Азизхўжаеванинг “Педагогик технология ва педагогик маҳорат” ўқув қўлланмасидан кенг фойдаланилди.

1-БОБ. КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ

1.1. Педагогиканинг умумий асослари

1.1.1. Педагогика фани, унинг мақсади, вазифалари

Мустақил Ўзбекистонимизда ислоҳотлар тобора кенг қулоч ёймокда. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, жумладан ёш авлод таълим-тарбиясида ҳам

кескин ўзгаришлар содир бўлмоқда. Маънавиятимизни қайта тиклаш, янада бойитиш борасида умумхалқ кураши бошланди. Күёш нурига зор бўлган алломаларимизнинг ўтмиш қаъридаги пурмаъно асарлари ёруғлик юзини кўрмокда.

Республикамизнинг ижтимоий, иқтисодий камолоти ёш авлоднинг саъий-ҳаракатларига боғлиқ эканлиги энди ҳеч кимга сир эмас. Ўсиб келаётган ёш авлод ва уларнинг келажакда қандай касб-кор эгаллашларига қараб, республикамиз келажагини тасаввур қилса бўлади. Келажак - ёшларники. Ёшлар фаолияти фаровон ҳаётимиз мезонидир. Худди шу маънода ёшларнинг таълим-тарбиясига жиддий эътибор бермоғимиз лозим. Ёшлар таълим-тарбияси ҳар бир ота-онанинг, ўқитувчи-тарбиячининг Ватан олдидаги муқаддас бурчларидир.

Савол туғилади: улар таълим-тарбия борасида нима қилишлари, қандай йўл тутишлари, нимага эътибор беришлари лозим? Бу ва бошқа саволларга маълум даражада педагогика фани жавоб беради. Педагогика фани нима ва у қачон пайдо булган? Мазкур саволга жавоб беришдан олдин тарихий манбаларга мурожаат этайлик. Манбаларда ёзилишича, кишилик жамияти пайдо бўлгач, ижтимоий ҳаётда орттирилган тажрибаларни қўйи авлодга ўргатиш эҳтиёжи туғилди. Тажрибаларнинг тўпланиши натижасида таълим-тарбиянинг дастлабки омиллари вужудга келди. Табиат, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тажрибалар асосида маълум билимлар бойиб борди. Таълим-тарбия ишлари билан шуғулланувчи тарбиячилар касб-хунар ҳомийлари сифатида ажralиб чиқа бошлишди. Уларнинг таълим-тарбия борасидаги фаолиятлари ва тўплаган тажрибаларидан ўринли фойдаланишлари педагогика фанининг вужудга келишига олиб келади. Шу аснода дастлабки мактаб кўринишидаги муассасалар вужудга келди, тараққий этди. Шундай қилиб, педагогика таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифалари, уларнинг мазмуни, усуллари ҳамда ташкил этиш шакллари ҳақида маълумот берувчи фанга айланди.

Демак, педагогика фани ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш учун таълим-тарбиянинг мазмуни, умумий қонуниятлари ва амалга ошириш йўлларини ўргатувчи фандир.

Баъзан, педагогика фанининг нима кераги бор? Педагогикадан хабари йўқ лекин болаларига яхши тарбия берган инсонлар кўп-ку? Ёки аксинча, педагогика фанини билган ҳолда ҳатто ўз болаларини рисоладагидек тарбиялай олмаганлар озмунчами, деган саволлар эшитилиб келади.

Шуни унутмаслик керакки, педагогика фани ютуқларисиз жамиятни олға силжитиши ғоят машақкатли кечади.

Агар педагогика фанидан хабарсиз бўлган кишилар педагогика фанини ўз вақтида ўрганиб, ютуқларидан самарали фойдаланганларида болаларни ҳам яхшироқ тарбиялаган бўлур эдилар. Педагогикадан яхши хабардор кишилар эса ўз

билимларини тажрибада ишлата олмаганликлари учун болаларни тарбиялашда муваффақиятга эриша олмаганлар.

Педагогика фанини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан пухта ўрганиш лозим. Таълим-тарбиядан кўзланган максадни англаш ва улар тизимида янги билимлар бериш — болаларни тӯғри тарбиялаш шартидир. Бунда тарбиячининг беғараз меҳнати, болаларни севиши ва уларга жон фидо айлашлари тарбия самарадорлигини таъминлайди.

Тарбиялаш ғоят нозик санъат бўлиб, унга жуда жиддий ёндошмоқ даркор. Айниқса, педагогик ишини ўзига касб қилиб олган кишилар мазкур фанни чукур ва пухта билишлари шарт. Педагогика фанидан бехабар тарбиячилар ўзлари билмаганлари ҳолда болаларда камчилик, нуқсонларнинг вужудга келишига сабаб бўладилар, уларнинг қобилияtlарини бўғиб қўядилар, ўсишига ҳалал берадилар.

Ҳозирги кунда педагогикани (ихтисосликдан қатъи назар) ҳамма билиши лозим бўлган фан деб ҳисоблаш лозим, чунки инсонлар ҳаёт фаолиятлари даврида таълим-тарбия ишлари билан маълум даражада шуғулланишга мажбурдирлар. (Хеч бўлмаганда ўз фарзандлари тарбияси билан шуғулланадилар-ку?!)

Юқорида таъкидлаганимиздек, таълим-тарбия кишилик жамияти пайдо бўлганидан буён мавжуддир. Ибтидоий жамоа даврида таълим-тарбия умумнинг иши ҳисоблангаи. Кулдорлик жамоаси даврига келиб қулдорнинг боласига бериладиган тарбия билан қулнинг боласига бериладиган тарбияда тафовут вужудга келди. Бу даврга келиб тарбия борасида уйғониш (резонанс) даври бошланди десак муболаға бўлмайди. Чунки таълим-тарбиянинг тамал тошини белгилайдиган қонун-коидалар, урф-одатлар тизими шаклланди, тараққий этди. Ўқитувчи—тарбиячи фаолият тизими ва унга қўйилган талаблар мукаммалликка эриша борди.

Бироқ, ижтимоий жараёнда тўпланган тажрибалар тарбия мазмунини ташкил этсада, уларнинг ҳаммасини ёш авлодга ўргатишнинг имконияти йўқ эди. Фақат ҳалқ таълими тизимига кирувчи бўғинлар орқали ортирилган тажрибанинг муайян қисмини қамраб олиш мумкин эди.

Бу ерда ҳам муаммо туғилди. Ҳозирги кунда барча хилдаги тажриба шакллари тарбия мазмунини ташкил эта оладими, ёш авлод тарбиясига алоқадор тажрибаларни қандай ажратиш мумкин, ким бундай иш билан шуғулланади?

Табиийки, барча хилдаги тажриба шакллари ҳам тарбия мазмунини ташкил этавермайди. Чунки:

- биринчидан, ҳар қандай ўтмиш тажрибасида жисмоний, маънавий-аҳлоқий жиҳатдан эскирган, яроқсиз томонлар мавжуд;
- иккинчидан, педагогика, хусусан ўзбек ҳалқ педагогикаси таракқиётида жуда мураккаб бўлган томонлар (ҳатто бу мураккабликнинг номаълум қисмлари)

мавжудки уларни ёшлар дафъатан ўзлаштира олмайдилар. Масалан, шарқ фалсафаси ёки мутафаккирларимизнинг маънавий меросини фалсафа, табиий ва гуманитар фанлар, диний манбалардан яхши хабардор бўла олмаганлигимиз сабабли ўрганишимиз қийин кечади;

- учинчидан, тарбияланувчиларнинг ёш хусусиятларига кўра ва ҳам усулий, ҳам моддий асоснинг етишмаслиги сабабли тўпланган тажрибанинг ҳаммасини олиш имконияти йуқ ва ҳоказо. Энг муҳими, жамият тарақкиётининг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларига ва келажакда кутиладиган ўзгаришларни ҳисобга олиб тарбия мазмунини шакллантириш даркор.

Масалан, қулдорлик жамиятида мавжуд бўлган тарбия усулларини капитализм жамиятияга тадбиқ этиб бўлмайди. Евropa таълим-тарбиясини ўзбек ҳалқи тарбиясига сингдиришга ҳаракат қилиш калтабинликдир. Мазкур муаммонинг мақбул йўли ҳар бир ҳалқ ўзининг камолотга эришувида ўзига мос таълим-тарбияни жорий қилиши ва бу борада умумбашарият томонидан тўпланган тажрибаларнинг самарали жиҳатларини танлай олиши ҳам шу баробарида ҳаётга тадбиқ этишидир. Биз хоҳлаймизми, йўқми ҳар қандай жамият ўзига хос таълим-тарбияга муҳтоҷ ва бундай таълим-тарбияни яратади ҳам. Жамиятга зарар келтирувчи жиҳатларни қабул қилмайди, балки уни таг-туғи билан йўқотиш учун курашади ва ўзлигини топишга интилади. Бундай ҳолат тарихни яхши билган ўқувчига кун каби равшан.

Ўзбек педагогикасининг вазифаси республикамиизда яшовчи турли миллат-элатларнинг орзу-истакларига монанд таълим-тарбиянинг ҳам назарий, ҳам амалий муаммоларини миллий қадриятлар асосида тўғри ҳал этиб беришдир. Бунда ислом дунёсида қалам тебратган алломаларимиздан тортиб, ҳозирги кунимизда фаолиятда бўлаётган олиму фузалоларимиз таълимотларидан ҳамоҳанг қирраларни излаб топиш тақозо этилади. Ёш авлод дунёқарашини шакллантиришда истиқлолдан аввал қораланган тасаввуф илмидан ҳам фойдаланиш жоиз. Негаки, бир мафкура яккаҳокимлигига эндиликда нуқта қўйилди. Эркин фикрлаш тарзи — ёш авлод руҳини тарбиялашдаги бош омиллардан биридир.

1.1.2.Педагогиканинг асосий категориялари

Педагогика фанининг «Дидактика»—таълим назарияси қисми худди шу қадимий ва лотинча «ўқитувчи» номи билан аталиши бежиз эмас.

Педагогика фанининг обьекти асосан мактаб, коллеж ўқувчилари, ОЎЮ талабаларидир, предмети эса уларга берилаётган таълим-тарбия назарияси ва амалиётидир.

Педагогика таълим-тарбия мақсадини жамият талабларига ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига қараб мазмунан ўзгариб боришини ўргатади, тарбиянинг таркибий қисмларини ва улар ўртасидаги боғланишларни очиб беради. Шу аснода таълим ва тарбия соҳасидаги тажрибаларни умумлаштиради, тарбиянинг келгусидаги ривожланиш истиқболларини, йўлларини кўрсатиб беради.

Педагогика фанига тавсиф берилганда «таълим», «тарбия», ҳамда «маълумот» деган сўзларни ишлатдик. Бу сўзлар ўзаро боғланган бўлиб, бир-бирини тўлдиради. Уларни педагогиканинг асосий категория-тушунчалари деб номлаймиз. Булардан ташқари, «ўқувчи», «ўқитувчи», «усул», «интизом», «жамоа», «ирсият», «муҳит», «директор» ва ҳоказо каби тушунча—номлар мавжудки, бу ҳакда мавзуулар юзасидан фикр юритилганда алоҳида тўхтайди.

Маълумки, тарбия тушунчаси ўсиб келаётган авлодда ҳосил қилинган билимлар асосида ақлий камолот — дунёқарашибни, инсоний эътиқод, бурч ва маъсулиятни, жамиятимиз кишиларига хос бўлган аҳлоқий фазилатларни яратишдаги мақсадни ифодалайди. Шу маънода тарбия деб тарбиячи ўзи хоҳлаган сифатларни тарбияланувчилар онгига сингдириш учун уларнинг руҳиятига маълум мақсадга кўра тизимли таъсир кўрсатишига айтилади. Тарбия бола туғилганидан бошлаб умрининг охиригача давом этадиган жараёндир. Шу туфайли тарбия сўзи кўп вақтларда таълим, маълумот жараёнларига кирадиган ишларнинг мазмунини ҳам англатади. Тарбия таълим ва маълумот натижаларини ўзида акс эттиради.

Таълим — маҳсус тайёрланган кишилар раҳбарлигига ўтказиладиган, ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантирадиган, билим, қобилиятларини ўстирадиган, уларнинг дунёқарашибни таркиб топтирадиган жараёндир.

Агар тарбия бола туғилганидан бошлаб умрининг охиригача оилада, мактабда ва жамоатчилик таъсирида шаклланса, камол топса, таълим чегараланган (масалан, синф хонаси, лаборатория, кабинетларда) жойда ташкил этилади. Ўқитувчи — тарбиячи раҳбарлигига муайян белгиланган вақтда олиб борилади.

Маълумот — таълим-тарбия натижасида олинган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда шаклланган дунёқарашиблар мажмуuidир.

Таълим, тарбия ва маълумот уйғунлашган ягона жараён булиб ўқитувчи-тарбиячи уларнинг шаклланишида етакчилик қиласи. Ўқитувчи мактабда дарс берар экан, ўқувчиларни фан олами янгиликларидан хабардор этади, айни пайтда уларда инсоний сифатларни шакллантиради, тарбиялади. Ўқувчиларнинг ақлий, аҳлоқий, жисмоний, эстетик, меҳнатсеварлик каби инсоний фазилатларини тарбиялаш учун уларнинг кундалик хатти-ҳаракат ва феъл-атворларига доимо таъсир кўрсатади. Ота-она, катта ёшли кишиларга, умуман, ўзидан катта ёшдагиларга ҳурмат ва кишиларга ғамхўр бўлиш, ҳар қандай топшириқни ўз вақтида бажариш, одоб доирасида муомала қилиш каби фазилатларни шакллантиради, камол топтириб боради.

Ижтимоий ҳаёт тажрибасининг кўрсатишича, агар инсон ўз шахсий манфаатини кўзлаб ўқиса, ўрганса, ўз устида тинмай шуғулланса у олий маълумот олиши, ҳатто олимликка даъвогарлик қилиши мумкин. Лекин ҳақиқий камолот эгаси бўлиши учун у таълим ва маълумотдан ташқари юксак инсоний фазилатлар асосида тарбияланган бўлмоғи лозим. Ана шу фазилатлар сохибига тарбия кўрган одам дейилади.

1.1.3. Педагогиканинг фанлар билан алоқаси ва педагогика фанлари тизими

Педагогика фани якка ҳолда мукаммалликка эриша олмайди. У ҳам бошқа фанлар каби ижтимоий фан ютуқларидан фойдаланади ва мазмунан бойиб боради. Ҳозирги кунимизда умумбашарият томонидан яратилган билимлар ва келажак ҳақида маълумот берувчи назариялар муайян даражада педагогика фани учун манба бўлади. Бошқа фанлар каби педагогика ҳар бир инсоннинг ижтимоий камолотига хизмат қиласди. Табиат ва жамиятнинг ривожланиш қоидалари тўғрисидаги маълумотларга асосланади ва ўзи ҳам ижтимоий фан сифатида ривожланиб боради. Шу сабабли фалсафа, тарих, иқтисод, психология ва социология, этика ва эстетика каби фанлар билан узвий алоқададир.

Ҳар бир ўқувчи, ўқитувчи-тарбиячи ўз она юрти тарихини билиши, ватанпарвар бўлиши лозим. Таълим-тарбия тарихи, педагогика тарихи фанидан хабардор бўлмай туриб ўқитувчилик қилиш мумкин эмас. Педагогика назариясини чуқурроқ англаш учун эса унинг ўтмишдаги тараққийсини билмоқ керак.

Масалан, педагогика тарихи ўтмишда таълим-тарбия борасида қандай самарали бўлгани, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитларнинг ўзгариши туфайли педагогик ғоялар, тарбия муассасаларидағи ишларнинг мазмуни, усуллари янгиланиб борганини, ўтмишда ижод этган олимларнинг педагогик қарашлари, уларнинг фаолиятлари билан таништиради.

Ўқитувчи-тарбиячи ўқувчиларга билим бериш, маълумотли қилиш, тарбиялаш мақсадида унга тизимли таъсир кўрсатади. Бунда психология ва ижтимоий омилларга асосланади. Яъни, кўрсатилаётган таъсирнинг самарасини билиш учун ўқувчининг сезги, идроки, тасаввур, диққат ва тафаккур- фикрлаш жараёнининг қандай кечеётганини билишига асосланаб таъсир кўрсатиш режасини белгилайди. Демак, педагогика фани психология ва социология каби фанлар билан ҳам узвий боғлангандир. Маълум маънода ўқитувчиларга хизмат қиласиган психология туркумидаги фанларни ҳам педагогик фанлар тизимига киритиш мумкин.

Фалсафа фани эса педагогика фани учун методологик асос бўлиб хизмат қиласди. Чунки, ҳозирги таълим-тарбия назарияси ютуқлари фалсафий фикрлар кураши ва

тараққиётнинг маҳсулидир. Фалсафа педагогикани илмий усуллар билан қуроллантиради, таълим ва тарбиянинг объектив қонун-қоидаларини ишлаб чиқишга манба бўлади.

Этика ва эстетика фанлари педагогиканинг тарбия назарияси бўлими бўйича маълумот беради. Бу фан ўқувчининг хулқи, одоби меъёрларини аниқлаш, белгилаш ҳамда гўзалликни чин маънода тушунтириш, ўқувчи онгидаги ҳаётнинг жозибали, нафис, қирраларига бевосигга рағбат ўйфотиши борасида педагогика фани билан алоқададир. Фанларни ўқитиш йўллари ҳам педагогика фанининг дидактикасига алоқадор, чунки ҳар қандай фанни ўқитилиш усули шу фаннинг мазмуни, тизимини ўқувчилар томонидан ўзлаштириб олинишига хизмат қиласди. Демак, педагогика фани болалар анатомияси, физиологияси, болалар гигиенаси ва педиатрия каби фанлар билан ҳам мустаҳкам алоқада, бу фанлар бир-бирларига чамбарчас боғлиқдир.

Педагогика фани обьекти йил сайин кенгайиб бормоқда, натижада унинг тармоқлари ҳам бир неча гурухларга ажралмоқда. Улар педагогика фанлари тизими деб номланади.

Маълумки, турли соҳада билим олувчи ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашнинг назарий ҳамда амалий томонларини ёлғиз педагогика фанининг ўзи муфассал ёритиб бера олмайди. Педагогика фани тармоқлари мазкур муаммоларни ижобий ҳал этишда муҳим омил ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда педагогика бир нечта тармоқларга бўлинган. Жумладан, умумий педагогика (мактаб ёшидаги ўқувчиларни тарбиялаш ва ўқитиш ҳақида баҳс юритади), мактабгача тарбия педагогикаси (мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш муаммолари билан шуғулланади), маданий-оқартув педагогикаси (маданий-маърифий ишларни бошқариш муаммоларини ўрганади), ҳунар-техника таълими педагогикаси, ҳарбий педагогика (армия сардорлари ва ўқувчиларини ватанимизнинг шон-шарафи ва ор-номуси учун етук курашчи, ҳарбий қурол-яроғлардан самарали фойдалана оладиган ёшларни тарбиялаш йўналишида) каби тизим-тармоқлари мавжуддир.

Педагогика фақат соғлом ўқувчиларнинг таълим-тарбияси билангина эмас, балки камолотда қусури бор болалар таълим-тарбиясини ҳам ўрганади. Бундай тармоқларни маҳсус педагогика деб юритилади. Маҳсус педагогика тизимига олигофreno педагогика (ақлий жиҳатдан орқада қолган болаларга таълим-тарбия бериш), тифло педагогика (кўр болаларни тарбиялаш), сурдо педагогика (кар-соқов болаларни тарбиялаш) каби фанлар киради.

1.1.4. Педагогика фанининг илмий-тадқиқот усуллари

Ҳар қандай фан фан сифатида ўзининг илмий-тадқиқот усуллариға эга. Бу усуллари орқали ўз мазмунини бойитиб, янгилаб боради. Ҳаётда ва объектив дунёни билиш назариясида нимани ўрганиш ва қандай ўргатиш керак, кимни ва қандай тарбиялаш лозим деган масалалар мавжуд бўлиб, улар ўзаро узвий боғлиқдир. Нима қилиш керак ва уни қандай амалга ошириш лозим деган муаммолар ўртасида диалектик бирлик мавжуд.

Педагогика ўз мазмунини бойитиши ва янгилаш мақсадида мавжуд педагогик ҳодиса ва жараёнларни унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган усуллари билан ўрганади. Шу маънода педагогиканинг илмий-тадқиқот усуллари деганимизда ёш авлодни тарбиялаш, билимли қилиш ва ўқитишининг реал жараёнларига хос бўлган ички алоқа ва муносабатларни текшириш, билиш йўллари, услублари ва воситалари мажмуини тушунамиз.

Педагогика ўқитиши, билим бериш, тарбиялаш жараёнларини ва уларнинг моҳиятини қуидагича ўрганиш-билишни маъқуллайди:

- 1) уларнинг умумий алоқаси, бир-бирини тақозо этиши ва ўзаро таъсир жараёнида болаларни ўқитиши ва тарбиялаш, фан, маданият, аҳлоқ ва санъат, таълим ва тарбиянинг қаерда амалга оширилишидан қатъи назар узвий боғланишда бўлиши;
- 2) уларнинг тараққий этиши жараёнида вужудга келадиган ўқитиши ва тарбиялаш вазифалари, шакллари, усулларининг ўзгариши, амалга оширишнинг мураккаблиги, ҳамма болаларни бир хил андозада ўқитиши, тарбиялаш мумкин эмаслиги;
- 3) болаларнинг ўсишида уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, ақлий ва хулқий фаолият, сўз ва иш бирлиги мезонларига таяниш;
- 4) болалар камолотига таъсир этувчи анъана, урф-одатлар, улар ўртасидаги тафовутларни билиш, аниқлаш асосида яхши билан ёмон, эскилил билан янгилик, жамоа ўртасида юз берадиган низоларни ҳисобга олиш, ўзаро танқид ва ҳоказо.
- 5) фалсафий категориялар — ҳодиса ва моҳият, сабаб ва натижа, зарурият ва тасодиф, мазмун ва шакл, имконият ва хаққоният, тарихий ва мантикий, умумий ва хусусий кабиларни билиш ва уларни педагогика фани тараққиёти нуқтаи назаридан талқин қила олиш ва ҳоказо.

Педагогиканинг илмий-тадқиқот усуллари қанчалик тўғри танланса таълим-тарбия мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш шу даражада яхшиланади, педагогика фани ҳам бойиб боради. Шу сабабли педагогик илмий-тадқиқот усулларига докторатик ёндошиш мумкин эмас. Иккинчи томондан, илмий-тадқиқот усуллари тизими ҳали ҳозирча фанда тўла яратилган, ҳал этилган эмас. Ҳозиргача мавжуд ва ишлаб чиқилган қуидаги илмий-тадқиқот усулларига таяниб фикр юритса бўлади: 1) кузатиш усули; 2) сухбат усули; 3) болалар ижодини ўрганиш усули; 4) тест,

сўровномалар усули; 5) мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш усули; 6) эксперимент, тажриба, синов усули; 7) статистика маълумотларини таҳлил қилиш усули; 8) математика-кибернетика усули;

Кузатиш усули. Педагогиканинг мазкур усули таълим-тарбия жараёнларининг амалдаги ҳолати билан таниширади, уларнинг оқибат-натижаларини билишга ёрдам беради ва шу аснода яратилган янги кашфиётлар учун далиллар, омиллар йиғиш имконини туғдиради. Бу усул анча мураккаб бўлиб, назарда тутилган мақсад қандай амалга ошаётганлигини аниқлаш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро алоқалари, индивидуал фарқларини қиёслаш учун ҳам қўлланилади.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, мақсад асосидаги кузатув маълум режа асосида йиғилган далилларни таҳлил қилиш, қиёслаш негизида ташкил этилсагина самарали бўлади.

Кузатишлар факат оддий ҳодисаларни кузатиш, айрим далилларни йиғиши, ҳисобга олиш, аниқлаш учунгина эмас, балки таълим-тарбия жараёнини яхшилаш ва мукаммалаштириш мақсадида амалга оширилади.

Одатда, табиий кузатиш орқали ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришлари, уларнинг хулқ-атвори ва муомалаларидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш ва тегишли таълимий-тарбиявий таъсир йўлларини белгилаш учун қўлланилади.

Илмий кузатишлар эса нафақат ўқувчиларнинг табиий фаолиятини, балки уларнинг илмий дунёқарашлари шаклланиши, фикрлаш жараёни кучи, хulosалар чиқаришдаги фаолликларини аниқлайди, уларни таҳлил этади. Бундай кузатишлар оқибат натижада педагогика фани мазмунини бойишига сабаб бўлади.

Сұхбат усули. Таълим-тарбия жараёнини яхшилаш ёки яратилган илмий фаразларнинг қанчалик тўғри эканлигини аниқлаш мақсадида сұхбат усулидан фойдаланилади. Одатда, (сұхбат усули мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилар жамоаси билан, ота-она ва кенг жамоатчилик билан якка ва гуруҳли тартибда иш олиб борилганда қўлланилади. Бунда сұхбат усулинин тадбиқ этишдан олдин режа тузилади, уни амалга ошириш йўллари белгиланади, натижалар таҳлил қилинади ва тегишли хulosага келинади. Шунингдек, тадқиқотчининг сұхбат олиб бориш ва уни керакли томонга йўналтира олишни билиши, сұхбатдошининг руҳий ҳолатига қараб сұхбат оҳангини мослаштириши ғоят мухимдир. Бунда:

- 1) сұхбат учун олдиндан савол тузиш;
- 2) вақти ва ўтказиш жойини белгилаш;
- 3) сұхбат иштирокчиларининг сони ва касбларидан хабардор бўлиши;
- 4) сұхбат учун қулай шароит ва эркин гаплашиш имконини яратиш;

- 5) маҳмадона ва бачкана бўлмаслик;
- 6) сұхбатдошнинг кимлигини, характер хусусиятини эсдан чиқармаслик;
- 7) сұхбат натижаларини зудлик билан таҳлил қилиш, қиёслаш, тегишли холоса чиқариш, лозим бўлса қўшимчалар киритиш ва мактаб ҳаётига татбиқ этиш педагогик жиҳатдан қимматлидир.

Болалар ижодини ўрганиш усули. Педагогик тадқиқот усуллари ичида болалар ижодини табиий ҳолатда ўрганиш ва илмий холосалар чиқариш усули мавжуд. Бунда мактаб ўқувчиларининг ўзига хос индивидуал тар-тибдаги фаолиятларига доир омиллар таҳлил қилинади, муайян холосаларга келинади. Мақсад мустақил Ўзбекистонимиз ёшларининг типик образлари ва уларда ижобий хислатларни шакллантиришdir. Шу сабабли ёшларнинг турли ёзма дафтарлари, тутган қундаликлари, ёзган хатлари, шеър ва ҳикоялари, ҳаётий режалари, иншолари, турли ёзма ҳисботлари улар маънавиятини ўрганиш учун манба бўлиб хизмат қиласди.

Оқибатда, мактаб ўқувчилари орасидан етишиб чиқаётган қобилиятли, талантли ёшларни эртароқ аниқлаш, уларнинг истеъдодларини намоён бўлиши учун режа ва шароитлар яратиш имкони пайдо бўлади. Болалар ижодини ўрганиш манбаи кўп бўлиб, улар қуидагича номланади: фан олимпиадалари, мавзулар бўйича конкурслар, мактаблар бўйича кўргазмалар, мусобақалар, саёҳатлар ва ҳоказо.

Тест, сўровномалар усули. Педагогик илмий-тадқиқот усуллари ичида етакчи усул сўровнома ва тест саволларидан фойдаланишdir. Сўровнома анкета (франсузча «текшириш» маъносини билдиради) усули қўлланилганда яратилган илмий фаразнинг янгилигини билиш, аниқлаш, ўқувчиларнинг якка ёки гурухли фикрларини, қарашларини, қандай касбларга қизиқишиларини, келажак орзу-истакларини билиш ва тегишли холосалар чиқариш, тавсиялар бериш мақсадида ўтказилади.

Республикамизда Марказий Осиёда биринчи бўлиб тест усулини мактаб, олий ва ўрта маҳсус таълим тизимиға тадбиқ этилди. Тест синовларидан кўзланган асосий мақсад оз вақт ичида ўқувчиларнинг билимларини ёппасига аниқлаш, баҳолашdir.

Бунда тест саволлари қанчалик аниқлик ва ақл билан, фикрлаш жараёнига зарар тегмайдиган қилиб тузилиши аҳамиятли эканлигини изазарда тутиш лозим. Тест саволларининг ўрни ва уларнинг мазмунан ранг-баранг қилиб тузилиши, ўқувчиларнинг мустақил фикрларини ўстиради, келажакни реал баҳолаш қобилиятини тараққий эттиради.

Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш усули. Республикамиз раҳбариятининг халқ таълими юзасидан қабул қилинган қарор ва йўл-йўриклиари асосида мактабда бажарилган ва бажарилаётган таълим-тарбия ишларини юритилган ҳужжатлар орқали аниқлаш усули ҳам мавжудdir.

Мактаб ҳужжатларини текшириш орқали ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоаси, уларнинг педагогик фаолияти ҳақида аниқ маълумотлар олинди.

Умуман, мактаб ҳужжатлари дейилганда, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг сони, ўқувчиларнинг шахсий ҳужжатлари, синф журнallари, кундалик дафтarlари, буйруқ дафтarlари, педагоглар кенгашининг қарорлари дафтари, мактабнинг режадаги пул ҳисоби ва унинг сарфланишига доир ҳужжатлар, турли инвентарлар дафтари ва бошқалар тушунилади.

Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилишда ўқувчиларнинг умумий миқдори, унинг ўсиши ёки камайиш сабаблари тавсифи, ўқувчиларнинг фанлар бўйича ўзлаштириш даражасига, синфда қолишининг олдини олиш, рағбатлантириш ва жазолаш чоралари турларига, мактабнинг моддий базасига эътибор берилади. Бу тадбир-ҳисоботларни кўздан кечириш, тўғри ёки нотуғрилигини аниқлаш, ўқувчилар фаолликларининг ўсиши билан таққослаш, илғор педагогик тажрибаларнинг умумлаштирилиши, жорий этилишини ва ниҳоят, ўқитувчи-тарбиячиларнинг илмий-педагогик фаолиятларини текшириш, тегишли чора-тадбирлар белгилаш мақсадида ўтказилади.

Эксперимент — тажриба-синов усули. «Эксперимент» сўзи лотинча «синаб кўриш», «тажриба қилиб кўриш» маъносини англатади. Экспериментал — тажриба ишлари асосан таълим-тарбия жараёнига алоқадор илмий фараз ёки амалий ишларнинг тадбиқи жараёнларини текшириш, аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Бунда ҳам илмий фаразларнинг дидактик ёки амалий аҳамиятига эътибор берилади.

Тажриба ишлари таълим ва тарбия ўртасидаги қонуний алоқаларни аниқлаш, натижаларни ҳисобга олиш асосида янги усулларни тадбиқ этишга, таълим-тарбия самарадорлигини оширишга қаратилади. Шунингдек, таълим-тарбия жараёнининг боришини, тузилиши ва натижаларини олдиндан кўра билиш имкониятини беради.

Эксперимент усули шароитга қараб З хилда ўтказилади:

I) табиий эксперимент; 2) лаборатория эксперимент; 3) амалий тажриба.

Педагогик эксперимент ўз мазмунига кўра дидактик, тарбиявий, мактабшунослик муаммолари юзасидан ўтказилади.

Педагогик эксперимент — тажриба ишларини ўтказишида қўйидаги талаблар мавжуд:

1) Ишнинг аниқ, илмий жиҳатдан асосланган фаразини аниқлаш ва кутилиши лозим бўлган натижага учун режа белгилаш лозим;

2) илмий иш ёки педагогик фаолият учун аниқ объект белгилаш; амалга ошириш борасида қўшимча усулларни аниклаш;

3) тажриба иши ўтказиш вақтини ва муддатини белгилаш;

4) тажриба учун лозим бўлган асбоб-ускуна ва ҳоказоларнинг тайёр туриши;

5) эксперимент натижаларини зудлик билан таҳлил қилиш, тегишли хуласа чиқариш ва тавсиялар бериш керак

Статистика маълумотларини таҳлил қилиш усули. Педагогик тадқиқот статистика маълумотларисиз, уларнинг таҳлилисиз ўзлигини намоён этолмайди. Чунки нафақат илмий изланишлар борасидаги, балки ҳалқ таълими соҳасидаги, жумладан ажратилган маблағларнинг оширилиши, ҳалқ таълими муассасаларининг доимо ўсиб бориши, дарслик ва ўқув қўлланмалари, кўргазмали қуроллар, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, мактаб қурилиши, хўжалик шартномалари ва улардан тушаётган маблағлар статистика усули орқали аникланади.

Республикамизнинг деярли барча таълим-тарбия муассасалари статистика маълумотлари билан қуролланган, келажак ривожланиш режаларига эга.

Истиқлолга қадар статистика соҳасидаги чалкашликлар, атайн орттириб, қўшиб ёзишлар ҳалқ таълими тизимида ҳам мавжуд эди. Ўша даврларда назоратнинг бўшлиги шунга олиб келди. Ҳалқ таълими соҳасидаги ислоҳотлар бу қабилдаги интизомсизликларга нуқта қўйди. Демак, статистик омил аниқ, ҳаётий бўлса бажарилаётган таълим-тарбия ёки илмий тадқиқотнинг қиммати юқори бўлади. Биз статистика маълумотлари-ни кучайтирдик, қўшиб ёздиқ, бутун дунёда социализмнинг «улуғ»лигини тарғиб қилдик. Лекин ҳаётда реал омилларни ўзгартиришга, яхшилашга эътибор бермади. Демак, статистика омилларини қандай бўлса ўшандай ифодаланиши ютуғимиз омилидир.

Математика ва кибернетика усуллари. Республикализнинг саноати, фан ва техникаси математик ҳисоб-китоб ва кибернетика ютуқларини зудлик билан ҳалқ хужалигига жорий этишни тақозо қилмокда.

«Кибернетика» грекча «ролни бажараман», «идора этаман» деган маъноларни англатади. Кибернетика ишлаб чиқаришни, техникани, тирик организмларни, кишилик фаолиятини бошқаришнинг умумий қоидаларини ва воситаларини ишлаб чиқади. Унинг мазмуни ахборот бериш, дастурлаштириш, алгоритмлар, бошқарувчи тизим, модел ясаш сингари асосий назарияларда ўзлигини намоён этади. Жумладан, мазкур усулни педагогикага ҳам татбиқ этиш ҳаракати кучаймоқда.

Ўқитиши назарияси, амалиётида ҳисоблаш математикаси ва кибернетика машиналари ёрдамида бир тилдан иккинчисига таржима қилиш, дастурли таълим ва уни машина орқали бошқариш, ўқитишини мустаҳкамлаш, баҳолаш орқали

таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, дифференциал ва индивидуал таълим бериш, мактаб ҳисботини машиналар ёрдамида тузиш каби жараёнлар бажарилмоқда.

Лекин, ҳали ҳозирча мактаб таълим-тарбия жараёнларига математик ҳисоблаш ва кибернетика ютуқларининг кириши суст, талаб даражасида эмас.

Тўғри, мактабларда кино, овоз техникаси, фото, телетасвир каби воситалар мавжуд. Лекин улардан фойдаланиш даражаси паст. Имкониятларимиз чеклангандир.

1.2. Касбий педагогиканинг умумий асослари

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, таълим соҳасида ҳам кенг ислоҳатлар бошланди. Олий Мажлиснинг 1997 йил 27 август куни бўлиб ўтган IX сессиясида Республикаиз президенти И. А. Каримов «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» номли сўзлаган нутқида таълим ислоҳатларини амалга ошириш йўллари ва усуслари тўғрисида гапириб ўтди. Шу сессияда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қабул қилинди. Бу қонун ва дастурда Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг миллий модели ўз аксини топган. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да асосий масалалардан бири сифатида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув муассасаларини яратиш қилиб белгиланган. Шу сабабли, ҳозирда касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни педагоглар билан таъминлаш техник олий ўқув юртлари касб таълими факультетларига юқлатилган. Касб таълими факультети ҳар бир талабаси янги ўқув муассасаларида ўз фаолиятини ташкил қилиш учун бир неча фанларни мукаммал билишлари зарур. Шу фанлардан бири «Касбий педагогика»дир. «Касбий педагогика»да янги турдаги ўқув муассасаларида ўқитиш жараёнининг моҳияти, ўқитиш тамойиллари, таълим методлари, замонавий ўқитиш усуслари, ноанъананавий дарсларни ўтилиши каби масалалар ёритиб берилади.

«Касбий педагогика» фани ҳам мустақиллик йилларида ривожлана бошлади. Ўзбекистонлик бир неча олимлар бу фаннинг мустақил фан сифатида шакланишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Шулардан И.Аллаёров, У.Нишоналиев, К.Мирсаидов, Р.Жўраев, Э.Чориев, А.Хўжабоев, К.Давлатов, О.Абдукудусов ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўзбекистонда қадимдан усталар ўз шогирдларига ҳунар ўргатар эканлар, шу ҳунарнинг ўзига хос сирларини турли ҳил усусларда ўргатганлар. Мамлакатимизда ҳунарларнинг тарихи бўйича адабиётлар жуда кам учрайди. Мавжуд бўлган адабиётларни шартли равища 2 гурӯхга бўлишимиз мумкин:

1 - гурухга XIX асрнинг охирларигача бўлган даврларда яратилган адабиётлар киритилади. Бу гуруҳдаги адабиётларга – тарихий (археологик қазишмалар натижасида топилган) безакларга берилган таърифлар ва санъатшунослик соҳасидаги адабиётларни киритиш мақсадга муофиқ. Бунга мисол қилиб, Г.Пугаченкова, А.Ремпель, Д.Фахретдинова ва Шишкинларнинг китобларини келтириш мумкин. Бу тадқиқотларда Ўзбекистонда амалий санъатнинг келиб чиқиши, унинг ривожланиш тарихи, тасвирий санъатнинг гуллаб яшнаган даврлари ўрганилади.

2 - гуруҳ – бу XIX аср охири ва XX аср бошларида Тукистондаги ҳунармандчилик ҳолатини ўрганишга багишланган адабиётлардир. XX аср бошларидаги илмий ишлар ўша даврдаги ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини батафсил тадқиқот қиласидар. Қизифи шундаки, санъатшунослик соҳасидаги адабиётларда ҳунарларга ўқитиш ҳақидаги баъзи эслатмалар ҳам шу даврга тегишлидир.

Юқоридаги адабиётлардаги берилган мулоҳазаларга асосланиб, Туркистонда шогирдларлар (усталар) тайёрлашда асосан оилавий мерос шаклидан фойдаланилган, деб айтишимиз мумкин. Бу усулда усталар шогирдларни тайёрлашда кўпроқ ўз фарзандларидан фойдаланишган. Четдан, яъни бегона болаларни шогирд қилиб олмаганлар. Бунинг бир неча сабаблари мавжуд. Биринчидан, ҳунарманд ўз фарзандига ҳунар ўргатиш орқали ўз касбини мерос сифатида қоллдиради ва маҳсулот тайёрлаш сирларини сақлаб қолади. Иккинчидан, четдан олинган шогидларни 17-20 ёшга тўлган ёшлар орасидан танлаб олганлар. Шу ёшдаги шогидларга ҳунарни бошидан ўргатиш жуда қийин бўлган. Учинчидан, иқтисодий томондан усталарга бирмунча қийинчиликларни келтириб чиқарган. Ўша замонларнинг қонунлари бўйича усталар ўз шогирдларини едириб, қийинтириши лозим бўлган. Бу эса усталар учун ошиқча харажат ҳисоблаган.

Мустақиллик даврида касб-ҳунарга ўргатиш усуллари такомиллашиб бормоқда. Ҳозирги кунга келиб, касб-ҳунарларга ўргатишнинг бир неча усуллари мавжуд:

1. Касб-ҳунар коллажларида касб-ҳунарга ўргатиш.
2. Ўқув комбинат (юрт)ларида касб-ҳунарга ўргатиш.
3. Касб-ҳунарга ўргатишнинг хўжалик ҳисоби шакллари.
4. Касб-ҳунарга уй шароитида(якка тартибда) ўқитиш.

«Касбий педагогика» фанида асосан касб-ҳунар коллажларида ўқувчиларга касб-ҳунар ўргатишнинг асосий қонуниятлари, методлари, таълим бериш ва ўқитиш (дидактика) назарияси ўқитилади.

«Педагогика» атамаси грекчадан таржима қилинганда «бала етакламоқ» деган маънони билдиради. Касбий педагогиканинг обьекти асосан касб-хунар коллажлари ўқувчилариидир, предмети эса ўқувчиларга берилаётган таълим-тарбия назарияси ва амалиётидир.

Касбий педагогика таълим-тарбия мақсадини жамият талабларига ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига қараб мазмунан ўзгариб боришини ўргатади, тарбиянинг таркибий қисмлари ва улар ўртасидаги боғланишларни очиб беради.

Демак, Касбий педагогика фани ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон ва касб-хунарли қилиб тарбиялаш учун таълим тарбиянинг мазмуни умумий қонуниятлари ва амалга ошириш йўлларини ўргатувчи фандир.

Хозиргача «Касбий педагогика» фанида мавжуд бўлган ва ишлаб чиқилган қуйидаги илмий-тадқиқот усулларини санаб ўтиш мумкин: 1) кузатиш; 2) суҳбат; 3) ўқувчилар ижодини ўрганиш; 4) тест, сўровномалар; 5) Ўқув муассасаси хужжатларини таҳлил қилиш; 6) эксперимент, тажриба, синов; 7) статистик маълумотларни таҳлил этиш; 7) математика-кибернетика.

Ўзбекистон Республикасида «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни қабул қилиниши ва уни амалга оширилиши натижасида мамлакатда ягона узлуксиз таълим тизими вужудга келди. Бу тизим қуйидагиларни ўз ичига олади:

Мактабгача таълим.

Умумий ўрта таълим.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими.

Олий таълим.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим.

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш.

Мактабдан ташқари таълим.

Миллий тизимга ўтишнинг асосий моҳияти шундан иборатки, бунда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими ташкил этилди. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимининг схемаси 1-иловада кўрсатилган.

Касбий педагогиканинг ривожланиш босқичлари. Касб таълими узоқ даврлар мобайнида ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашга йўналтирилиб борилди, бироқ ушбу тадбир битирувчиларнинг касбий маҳоратини шаклланиш даражасини пасайиши ҳисобига амалга оширилди. Бу ҳолат касбий маҳоратни ва лаёқатни ошириш, инсоннинг бутун умри давомида ўз билимини такомиллаштириб

бориш ва ўз-ўзини тарбиялаш эҳтиёжини оширишга хизмат қилмас эди. Республикализ таълим тизимидағи ислоҳотлар натижасида касбий таълим ишчи касбларига махсус тайёрлаш масаласига, таълим олувчи шахсида касбий маҳорат ва лаёқат сифатларини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Касб маҳорати дейилганда битирувчининг юқори даражадаги касбий кўнишка ва малакаларни эгаллаганлиги тушунилади, у шахснинг меҳнат бозорида эгаллаётган касби бўйича рақобатбардошлиқ даражасида ўз аксини топади. Касбий маҳорат ишчи кучларининг юқори даражада мослашувчанлигини ва янгиликларни тез ўзлаштириши, янги ишлаб чиқариш шароитларига оз вақт ичида ўта олиши, фаолият соҳасини мустақил танлай олиши каби сифатлар билан белгиланади.

Бугунги кунда Республикаизда таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида касбий педагогика фанининг асосий вазифаси сифатида жаҳон талаблари даражасида янгиланиб бораётган ишлаб чиқариш шароитларига мослаша оладиган, иқтисодиётимизни буюк давлат даражасига кўтарадиган мутахассисларни тайёрлаш ва бу жараёнда асосий омил сифатида бериладиган ахборотлар ҳажмини эмас, балки ижодий ёндошувни шакллантириш, мустақил фикрлаш ва тадбик қилиш сифатларини тарбиялашга эътибор қаратиш лозим. Касб таълимига бўлган эътиборнинг ортиб бораётганлигини қуидагилар билан изоҳлаш мумкин:

1. Таълим ислоҳатлари натижасида гимназия, лицей, коллеж ва бошқа турдаги янги ўқув муассасаларининг шакллантирилиши ва ривожлантирилиши;
2. Олий ўқув юртларида касб таълимини ташкил қилиш, алоҳида бўлим ва факультетларнинг ташкил этилиши;
3. Касбий педагогиканинг бошқа фанлар билан янада жипсроқ боғланиб бориши, истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган, билим соҳалари туташувида янги концепция ва назарияларнинг юзага келиши;
4. Касб таълими муассасаларининг аҳолига таълим хизматларини кўрсатиш турларининг ортиб бориши, ўз базасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва унга хизмат кўрсатишни йўлга қўйиши, меҳнатни ташкил қилишнинг илгор шаклларини жорий этиши ва бошқалар.

Касбий педагогика талabalарнинг таълими, тарбияси, ўқиши ҳамда ривожланиш қонуниятларини ўрганади, таълим-тарбия, педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш мезонларини ишлаб чиқади, касб таълими муассасалари турларини ва уларни бошқариш тизимини асослайди. Ушбу фан инсонни касбий фаолиятга тайёрлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш, малакали ишчи кучини янги талаблар даражасига мослаб боришни кўзда тутади.

1.3. Таълим - ижтимоий-маданий феномен сифатида

Илмий-техник тараққиёт, иқтисодий ва сиёсий силжишлар шароитида содир бўлаётган глобал ўзгаришлар таълимда қайтарилиш ўзгаришларга, унинг жамият ва ҳар бир инсон учун ижтиомий аҳамияти ва мавқеини англашга олиб келди. Инсоният асрлар алмашиши арафасида иқтисодий, ижтиомий маданият ва экологик муаммоларни ечишда таълимнинг устивор ролини янада яққолроқ ҳис қилмоқда.

Таълим соҳасида туб ўзгаришларни амалга оширишга бўлган эҳтиёж XX асрнинг иккинчи ярмидаёқ туғилган эди. У техника ва технология, меҳнатни ташкил қилиш шаклларининг янгиланиш суратларининг инсонлар авлодининг алмашиниш суратларидан анча ўзиб кетишига замин яратган илмий-техник инқилоб билан боғлиқ. Бугунги қунда илмий-техник инқилобнинг учта босқичи тўғрисида гапириш мумкин:

- технологик;
- информацион;
- информацион-технологик.

Учинчи босқич асосан иқтисодий жиҳатдан тараққий қилган давлатларга тегишли. Олимлар уни барча соҳаларга тадбиқ қилинаётган информацион технологиялар, яъни ахборотни қайта ишлашнинг микропроцессор ва микрокомпьютер воситалари ҳамда инсонни ишлаб чиқариш жараёнидан сиқиб чиқариш билан боғлиқ бўлган информацион-технологик инқилоб деб таснифламоқдалар.

Авваллари ҳеч содир бўлмаган ижтиомий ишлаб чиқаришнинг динамиклиги пайдо бўлди. У касбий фаолиятнинг мазмуни, характеристи ва йўналишларининг доимий равиша ўзгариб туришини талаб қиласа эди.

Ижтиомий ишлаб чиқариш тараққиётининг ғайриоддий сурати АҚШ давлатининг ишбилармонлар доирасида қуйидаги шиорнинг туғилишига олиб келди: "Яшаш учун ўзгариш керак". "Узокроқ яшаш учун тез-тез ўзгариш керак".

Уларнинг айтишича XXI асрда мамлакатни сақлаб қолиш муаммоси инновация ва ижоднинг самарадорлигига батамом боғлиқдир. Буларнинг ҳаммаси нафақат мутахассисларнинг сонини, балки уларни тайёрлаш сифатини, улар номенклатураларининг динамик ўзгаришини, малакасини узлуксиз ошириш заруриятини талаб қиласа.

Ижтиомий тараққиёт, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси суратларининг ошиши улардан анча орқада қолаётган консерватив ижтиомий институт бўлиб қолган таълим тизимида тезроқ ўзгаришлар бўлишини талаб қилмоқда. "Узлуксиз концепция" муаллифлари таъкидлаганларидек, бунинг натижасида таълимнинг

янги ҳаётий ҳақиқатлардан орқада қолиши содир бўлмоқда. Функционал саводсизлик, технологик ишсизлик муаммолари кучайиб кетди, ишчидан тортиб то раҳбаргача ўз вазифасини самарадор бажара олмаслик асоратлари намоён бўлди. Бугунги кунда таълим ҳар доимдагидан кўра инсоннинг эгилувчанлигини, ҳаёт ва касбий фаолиятдаги янги ўзгаришларга тез мослаша олиш қобилиятини таъминлаши керак. Бунга эса унинг умумий, ижтимоий ва касбий интеллектини яхлит ривожлантириш билан эришиш мумкин.

Биз "тўкин-сочинлик" жамиятida яшамоқдамиз, оммавий ахборот воситалари бизни даъватлар оқимиға кўмиб ташламоқдалар. Биз бу оқимда чўкиб кетишни истамасак, нима муҳим, нима йўқ, нима маънога эга, нима эга эмас, нима учун жавобгар бўлиш керак, нима учун йўқлигини аниқлаб олишимиз керак. Шу муносабат билан шахснинг ривожланишида, унинг камол топишида, ҳаётий муаммоларни ечишида, ўзлигини англашида ва ўзлигини намоён эта олишида таълимнинг ўрни кескин даражада ошади.

Шундай қилиб жамиятда таълимнинг роли ва ўрни, ижтимоий маъноси, характеристи, мақсад ва вазифалари, мазмуни ва технологияси, таълим жараёни қатнашчиларининг муносабатлари ўзгармоқда, таълим тушунчасининг ўзи бошқача маъно касб этмоқда. Яқин вақтларгача ўқимишли киши дейилганда энциклопедик билимга эга бўлган одам тушунилар эди. Замонавий шахс олдида шундай муаммолар турибдики, уларни фақатгина билимларни, хуқукий меъёрларни оддигина тўплаш билан еча олмайди.

Бугунги кунда ўқимишли одам қуйидаги сифатлар билан тавсифланади:

- эгилувчанлик, ривожланган тафаккур, жамиятнинг тез ўзгараётган ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжларига ҳозиржавоб бўлиш;
- толерантлик, чидамлилик, ўзга инсонларни, ўзга маданиятни тушуниш;
- доимий ўз-ўзини ўқитиш ва ўзини такомиллаштиришга тайёрлик;
- ижтимоий, психик ва жисмоний соғломлик, замонавий ҳаёт оқимининг сурати ва зичлигини кўтара олиш қобилияти;
- маънавий етуклик, ўзининг муносабатларини ўраб турган ижтимоий ва табиий муҳит билан уйғунлаштира олиш.

Таълим яхлит – жисмоний, интеллектуал ва маънавий етуклик жараёни ва натижаси сифатида қаралади. Таълим бутун умр давом этади ва фақатгина ўқитиш билан чегараланиб қолмайди. У инсонга ўз ва ўзга дунёлар маданиятига киришга, бу маданият намоёндаларининг овозларини эшитишга, уларнинг бой меросларни ҳис қилишга, ўз туйғуларига қулоқ солишга, ўзини, яшашдан мақсадини англашга, маданиятда, шу баробарида ҳаётда ўз ўрнини топишга имкон яратади. Бугунги таълимнинг мантифи ана шундай.

Бу нуқтаи назардан таълим жараёни яхлит мантиқий жараён бўлиб, ўқитиш эса унинг таркибий қисми, инсон таълимининг бир воситаси ҳисобланади халос. Унинг энг муҳим қисмларидан бири ўқув фаолиятдан ташқарида маҳсус ташкил қилинган тарбия ҳамда мустақил таълимдир.

1.4. Янги таълимий парадигма

Замонавий дунё ҳамжамиятидаги кризис таълимнинг ҳаёт ҳақиқатларидан, тараққиётдан орқада қолища намоён бўлмоқда (таълим консерватив институт бўлиб қолмоқда). Бу кризисдан чиқиш йўли таълимни такомиллаштириш, қадриятлари, мақсадлари ва уларни амалга ошириш воситаларини аниқлашдан иборат. Бу саволларга жавоб сифатида янги таълимий парадигма юзага келди.

Парадигма – бу дунёни тушунтиришдаги етакчи ёндашув, ғоялар, қадриятлар тўплами бўлиб, у маълум бир қатор фанларда умум қабул қилинган (Т. Кун). Янги таълимий парадигманинг пайдо бўлиши фақатгина ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлмай, маданиятнинг тараққиёти натижаси ҳамдир. Унинг пайдо бўлишида ватанпарвар фалсафа ва психология катта роль ўйнади.

Бу концепциянинг бошланғич нуқтаси - ҳар бир шахснинг бетакрорлиги, индувидуаллигини, қадрлилигини тан олишдир.

Инсонпарвар фалсафа инсоннинг энг олий эҳтиёжи бўлган ўзини сафарбар қилиш ва ўзини фаоллаштиришни тан олган ҳолда буларни юзага чиқаришнинг энг муҳим шарти сифатида инсон ўзининг бетакрорлиги, ўзини – ўзи қабул қилиши, ўзининг шахсий фаолиятини амалга ошириш ва бунда маъсулиятни ўзига олишда кўради.

Фундаментал фанлар соҳасидаги янгиликлар, тарбия мақсадлари ва қадриятларига бўлган янгича қарашларнинг пайдо бўлишида маълум ахамиятга эга бўлиб, у табиат ва инсон ривожланиши қонуни ҳақидаги умуммиллий парадигманинг ўзгаришига олиб келди. Барча ҳодиса ва воқеаларни чизиқли алоқанинг қатъий ягона йўналишда кўриб чиқадиган катъий белгиланган кўриниши ўрнини турли хил даражалардаги ва бир қатор чизиқли бўлмаган алоқалар орқали боғланган мустақил ривожланувчи мураккаб тизимнинг ўзаро таъсири тарзида дунё тасаввuri эгаллади. Ҳодисаларнинг тасодифий характеристи, уларнинг ноаниқлиги ва бир қийматли эмаслиги аниқланди. Синергетика асосчилардан бири У. Пригожиннинг таъкидлашича дунёнинг бир ўлчовли, рационал кўринишга тасодифга тўла, хаотик, ўз – ўзини ташкиллаштиручи дунё қарама – қарши қўйилган. «ўзини ташкиллаштириш» тушунчаси янги илмий парадигма ҳар қандай кўп ўлчовли мураккаб объекти номутаносиб ҳолатдаги тизим сифатида ўрганади ва унинг ривожланиши нафақат ташқи факторлар, балки ўзининг ичидаги тўсатдан

пайдо бўлувчи тартиб ва ўзини ташкиллаштириш жараёнида хаос ва тартибсизликни ташкиллаштириш орқали ҳам аниқланади.

Синергетика, гуманистик фалсафа ва психология томонидан эълон қилинган ўзини ташкиллаштириш, ўзини ривожлантириш, ўзига таъриф бериш, ўзини сафарбар этиш ва ўзини фаоллаштириш ғояларига айниқса замонавий ижтимоий – маъданий холатда талаб ошди, бу эса таълимнинг шахсга йўналтирилган парадигмасининг пайдо бўлишини белгилаб берди ва унинг мохияти қуидагиларда насоён бўлади.

Инсон мурақкаб мустақил ривожланувчи тизим сифатида қаралади, хар бир шахснинг унваллигини ва бетакрорлигини ва унинг ривожланишининг, ўзини баходашнинг траекторияси тан олинади.

Таълимнинг мақсади шахсни яхлит ривожлантишда ёрдамчи шарт – шароитларни ташкил этиш учун шахсни ахборотлаштириш билан аралашиб кетади. Дунёнинг эҳтимолий модели нуқтаи – назаридан дунёни ўзлаштириш даражаси нафақат уни англаш, балки уни тушуниш, яъни маъносини ўзлаштириш орқали аниқланади. Шахсга йўналтрилган таълимнинг мақсад ва вазифалари фақат натижаси дунёни ўзлаштириш бўлиши керак бўлган «илмни ўрганиш», билимлар тизими ва фаолият усулларини ўзлаштириш бўлибгина қолмай, балки дунёни ва ўзини тушуниш, атроф – мухит ва маданиятда ўрнини аниқлаш бўлиб ҳисобланади.

Ўқувчининг таълим жараёнидаги позицияси ўзгариб, энди унинг позицияси у ўрганаётган эҳтиёжлар, қизиқишлар ва имкониятларга мувофиқ ҳолда кўрилиши, фаолиятнинг мазкур шахс учун мазмунга эга бўлишини таъминлаши, бу эҳтиёжлар, қизиқишлар ва имкониятларнинг юзага чиқиши ва ривожланиш учун замин яратиши лозим.

Янги парадигманинг вужудга келиши шахсга йўналтириган таълим ва ўқитишнинг педагогик концепцияларини ишлаб чиқиши талаб этади ва улар асосида педагог - амалиётчиларнинг ўз фаолиятиларини қайта ташкиллаштиришга бўлган эҳтиёжини келтириб чиқаради. Аммо «шахсга йўналтирилган таълим» ва «шахсга йўналтирилган ўқитиш» тушунчалари кундалик ишлатишда ҳам ва илмий жиҳатдан ҳам бир хил маънони англатмайди. Шахсга йўналтирилган таълим ва ўқитишни аниқлашга бўлган интилиш шахсга йўналтирилган ўқитиш, «маданиятни тушунтирувчи», инсонни яратувчи характер, авваламбор дидактик эмас балки тарбиявий мақсадларини амалга ошириши билан боғлиқ.

Шундай қилиб, шахсга йўналтирилган таълим жараёнининг характеристикиси ўзга мақсадга йўналтирилганлиги ва қатнашчининг позицияси бўлади: талаба ўқиши жараёнининг ҳақиқий субъектига айланиши ва у бу жараёнда ўзининг ҳаёт фаолиятини, индивидуалигини тўла амалга ошириши, ўқитувчи эса талабанинг маданиятга кириши ва унда ўзини топишини таъминловчи талаба фаолиятининг ташкиллаштирувчиси, координаторига, у билан маданият ўртасидаги боғловчи бўғинга айланишидир.

1.5. Узлуксиз таълим тизимида ўрта махсус, касб-хунар таълими. Касб таълими вазифалари

Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари ҳамда турли даражалардаги таълим дастурларининг изчилиги асосида таъминланади ва қуидаги таълим турларини ўз ичига олади:

мактабгача таълим;

умумий ўрта таълим;

ўрта махсус, касб-хунар таълими;

олий таълим;

олий ўқув юртидан кейинги таълим;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

мактабдан ташқари таълим.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хос хусусияти мустақил равишдаги тўққиз йиллик умумий ўрта ҳамда уч йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълимини жорий этишдан иборатдир. Бу эса, умумий таълим дастурларидан ўрта махсус, касб-хунар таълими дастурларига изчил ўтилишини таъминлайди.

Умумий таълим дастурлари: мактабгача таълим, бошланғич таълим (I-IV синфлар), умумий ўрта таълим (I-IX синфлар), ўрта махсус, касб-хунар таълимини қамраб олади.

Умумий ўрта таълим негизида ўқиши муддати уч йил бўлган мажбурий ўрта махсус, касб-хунар таълими узлуксиз таълим тизимидағи мустақил турдир. Ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналиши академик лицей ёки касб-хунар коллежи ўқувчилар томонидан ихтиёрий танланади.

Академик лицей давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим беради. ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши, чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, техника, аграр ва бошқа соҳалар) билим савияларини ошириш ҳамда

фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-хунар кўникмаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Бу кўникмаларни ўқиши муайян олий таълим муассасаларида давом эттириш ёки меҳнат фаолиятида рўёбга чиқаришлари мумкин.

Касб-хунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълими беради; ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради.

Касб-хунар коллежлари жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибнинг танланганлиги, ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касб-хунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълим олиш ўқувчиларга ўз билимларини чуқурлаштириш ва танлаган ихтисосликларига эга бўлишни таъминлайди. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқиши давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-хунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш хуқукини беради.

Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қўйидагилар зарур:

академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари фаолият кўрсатишининг норматив базаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

соҳа учун олий таълим муассасаларининг, ишлаб чиқариш, фан ва маданият соҳасининг мутахассисларини жалб этган ҳолда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, шу жумладан чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув муассасалари учун таълим ва касб-хунар дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқиш;

академик лицейларнинг ўқувчилари меҳнат фаолияти кўникмаларини эгаллашлари учун ихтисослаштирилган дастурлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

касб-хунар колледжларида тайёрланадиган мутахассисларга нисбатан ихтисос ва касб-хунар, малака талабларининг рўйхатини ишлаб чиқиш;

худудларнинг жўғрофий ва демографик шарт-шароитларини ва тегишли соҳадаги мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими таълим муассасаларининг ташкил этилишини ва улар

оқилона жойлаштирилишини таъминлаш, уларга ўқувчиларни имкон қадар оиласидан ажратмаган ҳолда қамраб олиш;

академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий-техника ва ахборот базаларини мустаҳкамлаш.

Шахсга йўналтирилган касб таълимини амалга ошириш унинг, барча вазифаларини қайта қўриб чиқиш, ичидан энг асосийларини белгилаб олишини кўзда тутади. Шундай вазифаларга:

- когнитив;
- шахсни ривожлантирувчи;
- ижтимоийлаштириш ва профессионаллаштириш;
- маданий инсонпарвар;
- технологик вазифалар киради.

Когнитив вазифа. Бу вазифа таълимни талабаларнинг умумфан, касбий ва ижтимоий билимлар, кўникма ва малакаларини касбий фаолият асослари сифатида эгаллашларини ўз ичига олади. Таълимнинг когнитив функцияларини амалга ошириш илмий билимларини касбий фаолиятнинг муайян шароитида онгли кўллай билишда намоён бўлади. Талаба эгаллаши зарур бўлган касбга оид билимлар, кўникма ва малакалар тизими касб таълими бўйича Давлат таълим стандарти томонидан белгилаб берилган ва ўқув режалари ҳамда хар бир фан дастурларида ўз аксини топган. Таълимда етакчи ўринда турган ушбу функция бугунги кунда ўзининг биринчи даражалик ўрнини йўқотиб таълимнинг қолган бошқа функцияларини (мутахассис шахсини ривожлантириш, уни ижтимоийлаштириш ва профессионаллаштириш, технологиялаштириш, умум ва касбий маданиятнинг эгаси сифатида шаклланишини) амалга оширувчи восита ва шарт сифатида намоён бўлмоқда.

Шахсни ривожлантириш. Рақобатга бардошли, профессионал мобил мутахассисни ахборот-технологик жамият шароитида тайёрлаш, касб таълими тизимидан бўлажак мутахассиснинг шахсини ривожлантиришга кўпроқ эътибор беришни талаб қиласди. Психологияда ривожланиш, шахсдаги сон ва сифат ўзгаришларнинг (унинг физиологияси, руҳий жараёнларнинг, мотивацион намоён бўлиши) қайтарилмас жараёни сифатида қўриб чиқиласди. Илмий-техник ривожланишнинг истиқбол ўзгаришларини олдиндан башорат қилаётган социологлар ишлаб чиқаришни тотал компютерлаштириш хотиранинг чексиз, улкан ресурсларини яратишини таъкидламоқдалар. Шундай қилиб, инсон ўз хотирасида ўзига керакли бўлган касбий билимларни сақлаш заруриятидан озод бўлди. Ривожланган тафаккур, ахборотни топиши ва қайта ишлаш қобилияти, ахборотни бошқариш, ундан ижобий фойдаланиш касбий фаолият самарадорлигининг асосий шарти

бўлиб қолмоқда. Ахборот, компьютер саводхонлиги, умумфан кўникума ва малакаларини шакллантириши, ўз касбий фаолиятини башорат қилиши, лойиҳалаштириши, таҳлил қилиш имконини берувчи методологик билимларни эгаллаш, ушбу қобилиятларни ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади.

Ушбу функциянинг яна бир таркибий қисми шахснинг мотивацион муҳитини, унинг кейинги меҳнат фаолиятига, таълимни давом эттиришига, ўз устида мунтазам ишлашига руҳан тайёргарликни таъминловчи маънавий ва касбий эҳтиёжларини ривожлантириши ҳисобланади. Статистика маълумотларига кўра касбнинг эскириш меъёри индустрисал ривожланган мамлакатларда 8 йилни, айрим соҳаларда 5 йилни ташкил этади, яъни ҳар йили ҳар бир мутахассис билимининг 20-30% и кераксиз бўлиб қолади. Касбий мобилликнинг бундан юкори даражаси инсонни ўз касбини ёки касбининг мазмунини ўзгартиришга мажбур қиласи, уни янги билимларни эгаллашига, бу билимларни бойитишга, чуқурлаштиришига ундиади. Бундай шароитда касб таълими кўп йўналишили, ўз касбий фаолиятининг тури ва мазмунини ўзгартиришга тайёр мутахассисларни етказиб беришни таъминлаши керак.

Мамлакатимизнинг дунё иқтисодий турмушига дадил кириб бориши, Ўзбекистон мутахассисларининг халқаро меҳнат бозорига чиқиши касб таълими жараёнида нафақат маҳсус, ўрганиш қобилиятини, балки шахснинг мулоқотга, ҳамкорликка киришиш қобилияти, шахсий ташшаббуси, тадбиркорлик қобилияти, интуицияси, мустақиллигини ҳам ривожлантиришини талаб қиласи. Киришимлилик имкониятлари нафақат техник воситаларни билиш, балки кўпроқ чет тилларини ўрганиш билан таъминланади. Корхоналарда, лабораторияларда, конструкторлик бюроси бўлимларида ишлаб чиқариш фаолияти учун тайёргланган ўрта касбий маълумотга эга, техник-механик, механик-конструктор, техник-технолог, синовчи техник лавозимларида ишлаётган техник, муҳандислик фани ва техникаси соҳасида янги интеллектуал маҳсулот яратиш жараёнида иштирок этиши керак. Шунинг учун касб таълими олиш жараёнида унинг ижодий онги ривожлантирилиши, ўз-ўзини ўқитиш, ривожлантириш баҳолаш усусларини, лойиҳа-технологик фаолиятини амалга оширувчи билим ва қўникмаларини эгаллаши лозим.

Шахсни ижтимоийлаштириш ва профессионаллаштириш. Таълим маънавий ишлаб чиқаришнинг маҳсус муҳити бўлиб, унинг энг муҳим вазифаси инсонни ижтимоий мавжудод сифатида ишлаб чиқаришдан иборат.

Ижтимоийлаштириш - бу шахсни ижтимоий муносабатларга, ижтимоий амалиётга жалб этиш жараёнини ва натижаларини, инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгалланиши ва амалда қўлланишини билдиради.

Ижтимоийлаштириш шахснинг нафақат ижтимоий шароитга қўникиши, балки унинг ўзгартиришга фаол интилишини ҳам назарда тутади. Замонавий шароитда ижтимоийлаштиришнинг етакчи механизми бу мослашиш эмас, балки ўз ўрнини, ўзлигини топиш ҳисобланади. Таълим жумладан, касбий таълим ёшларга атрофни ўраб турган оламда, жамият меъёрлари ва қадриятлари тизимида, сиёсий хаётида

ўз ўрнини топишга, касбий танловни амалга оширишда ёрдам бермоғи керак. Шахсни ижтимоийлаштириш зарурияти касбий таълим мазмунига маълум талабларни қўйдики, у шахснинг барча ҳаётий муносабатлари бойликларини моделлаштиради ва қайта ишлаб чиқаради.

Профессионаллаштириш ижтимоийлаштиришнинг таркибий қисмидир. Бу инсоннинг профессионал сифатида шаклланиши, унинг профессионал муносабатлар ва профессионал фаолияти тизимиға жалб этиш жараёни ва унинг натижасидир. У таълимнинг талаба томонидан касбий фаолият мазмуни ва қадриятини белгилаш ва қабул қилишга, ўзини ушбу фаолиятнинг субъекти сифатида англашга, унинг касбий ривожланиши мақсадларини лойихалашга ва унга эришиш усусларини эгаллашга фаол йўналтирилган бўлишини талаб қиласиди. Талабани маҳсус амалий фаолиятга жалб этмай, таълим ёндашувларини амалга оширмай туриб, профессионаллаштиришни амалга ошириб бўлмайди. Ушбу вазифани тадбиқ этишни қийинлаштирувчи энг қийин муаммолардан бири бу академик, анъанавий таълимнинг жамият ижтимоий амалиёти ва танлаган касб амалиётидан узоқлигидадир, бу эса талабани меҳнат дунёсига, танланган касб оламиға ёдсираб қарашига олиб келади.

Жамият тараққиётининг ҳозирги вазияти ижтимоийлаштириш ва профессионаллаштириш жараёнлари характерининг мураккаблашуви билан ажralиб туради. Касб таълими жараёнида талабанинг касбий ўзлиги муаммоси-иктисоднинг бир меъёрда эмаслиги, ёш мутахассисларга талабнинг камлиги битирувчиларда ишончсизлик туйғусини келтириб чиқаради. Касб таълими олдида қуидаги вазифалар туради: ўқувчинингнинг кейинги ҳаётий ва касбий ўзлигини англашга, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларда ишлашга, фаолият соҳасини ўзгартиришга, ҳаётда учровчи ижтимоий, шахсий муаммоларни ечишга бўлган қобилиятини шакллантириш.

Ушбу вазифаларни ечиш учун касб таълими ўқувчиларга ҳаётий йўлни танлашга, ўз мақсадларини, ўз имкониятларини англашга, ўз йўлини лойихалаштиришга шахслараро ва касбий муносабатлар тизимида ўзлигини англашга, мулоқот қўнималари ва малакасини эгаллашга, ташкилотчилик қобилиятини ривожлантиришга, бўлажак мутахассиснинг бошқарувчанлик қобилиятини ривожлантиришга, ижтимоий профессионал қарорлар қабул қилишга тайёргарлик кўришга ёрдам бериши лозим.

Шундай қилиб саралаштириш ва профессионаллаштириш муваффакияти касб таълими шахснинг индивидуаллигини ривожлантириш, унинг ижодий салоҳиятини такомиллаштириш ўқувчининг ижтимоий ва касбий позициясини ўрганишга йўналтирилган бўлишига боғлик.

Маданий-инсонпарвар функция. Таълим жамият интеллектини қайта ишлаб чиқишининг жамият маданиятини асраш, ривожлантиришнинг асосий социогенетик механизми бўлиб, унинг цивилизацион олдинга ҳаракати характерини белгилаб беради. Маданий-инсонпарвар функция индивиднинг маданият кишиси сифатида,

шаклланишини таъминлайди, унинг ривожланишини ижтимоийлашуви, унинг шахсий, фуқаролик ва иқтисодий барҳаётлиги сифатини белгилаб беради.

“Маданият” тушунчаси жуда катта маъно юкламасига эга. Социологлар унинг 500 га яқин таърифини келтирғанлар.

Инсоннинг исталган фаолияти, жумладан, касбий фаолияти ҳам маданий хисобланади, чунки унда нафақат моддий ва маънавий бойликларнинг яратилиши, балки инсоннинг шахс сифатида ўсиши, унинг маънан бойиши амалга ошади.

Ўрта маҳсус таълим муассасалари битирувчилари касбий фаолият турларини таҳлил қилиш натижасида шу маълум бўлдики, битирувчиларнинг моддий ва маънавий маданиятга мутахассис сифатида эҳтиёжи ошиб бормоқда.

Ташкилий бошқарув фаолият муаммолари инсонларнинг ҳохиш ва манфаатларини эътиборга олиб ҳал қилиш, колективда маданий муносабатларни шакллантириш имконини берувчи юқори даражали бошқарув маданияти талабалари асосида амалга оширилади.

Мутахассис фаолиятининг интеллектуал соҳаси (ҳисоб-аналитик, назорат-баҳолаш, илмий-тадқиқот услуби) унинг ижодий қобилиятини тадбиқ этишни, интеллектуал, моддий буюм, амалий фаолиятнинг маданий усулларини эгаллашни талаб қиласида. Шу билан бирга маданий-гуманистик функция мутахассисини нафақат касбий маданиятининг шаклланишида намоён бўлади. Маданиятни фан, санъат, таълим каби таркибий қисмларига бўлиш шартлидир. У инсон фаолияти тарафларининг бир бутунлигини англатади.

Шунинг учун таълимнинг гуманитар, табиий илмий, техник йўналишларга бўлиш учвалик ҳам ўзини оқламайди. Жамиятда ишлаб чиқаришнинг исталган соҳасида мутахассис нафақат касбий, балки, умумий маданият (маърифий-маънавий, эстетик, экологик, сиёсий, иқтисодий ва ҳ.к.) даражасига эга бўлиши керак. Ушбу талаблар касб таълим мининг фанлараро интеграллаш характерида, уни инсонпарварлашида ўз аксини топади.

Технологик функция. Ўрта маҳсус касб таълим мининг ушбу вазифаси мутахассисларнинг режалаштириш, ташкиллаштириш, бошқарувнинг қўйи ва ва ўрта бўгинининг эксплуатацион, ҳисоб-аналитик, сертификацион назорат-баҳолаш, илмий-тадқиқот ва услубий фаолияти билан белгиланади. Ўрта маҳсус таълим муассасасида ўқиётган талаба ўқув-ўрганиш фаолияти давомида моҳиятан технологик бўлган билимлар тизими, ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш воситалари ва усулларини эгаллайди.

Ишлаб чиқариш жараёни технологияси бошқарув фаолиятининг мантиғи юқори даражада тизимли бўлиб, таълим жараёнида билимлар, қўнікма ва малакалар тизимини шакллантиришни ташкил этишни талаб қиласида.

Таълим мазмуни тобора интеграллашиб, комплексли, тизимли ва технологик бўлиб борар экан, ўзини таълим жарёнида технологик функциялар воситасида намоён этади. Махсус фанлардан назарий билимлар бериш жараёни технологик касбий ишлаб чиқариш фаолиятининг умумлаштирилган йўналтирилган асосларининг шаклланиши ўзига хос босқичи бўлиб бормокда.

Ўрта маҳсус касб таълими тизимида талабаларнинг мустақил ўқув-ўрганиш фаолияти таълимда, ақлий ривожланишда ва тарбияда касбий-педагогик масалаларни ечишда технологик силжиш жараёни акс этади.

Ўрта маҳсус касб таълимини технологик функциясининг намоён бўлиши феноменлари мутахассис шахснинг шаклланишига маҳсус касбий-технологик ёндашув заруриятни тасдиқлади.

Касб таълими тизими ривожланишининг асосий қонунияти ва шарти унинг асосий функцияларининг бирлиги ва ўзаро алоқасидадир. Уларнинг уйғунлиги ва амалий касбий фаолиятга тадбиғи давлатнинг касб таълими соҳасида ижтимоий сиёsatгагина боғлиқ эмас, бу ҳар бир ўқитувчидан ўқув-тарбиявий жараённинг мақсади, вазифалари ва бошқа компонентлар тизимини аниқлаш орқали ушбу функцияларни тадбиқ этишни талаб қиласди.

1.6. Касбий таълимнинг шаклланиши ва ривожланиши

Ижтимоий-иктисодий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари таълим тизимида маълум талаблар қўяди ва уни ривожлантириш тенденциялари ҳамда ислоҳот тамойиллари сифатида намоён бўлади. Касб таълимини ривожлантиришнинг етакчи тенденциялари ўзида таълимни ривожлантиришнинг умумий - бутун дунё, миллий ва регионал тенденцияларини акс эттирган ҳолда маҳсус, фақатгина касб таълими тизимини ривожлантириш учун хос бўлганларни ҳам ўз ичига олади. Касб таълимини ривожлантиришнинг етакчи тенденциялари қаторига унинг узлуксизлиги, инсонпарварлилиги ва ижтимоийлашриш, демократлаштириш, интеграциялаш, интенсификация, кооперация киради.

Таълимнинг узлуксизлиги. Узлуксиз таълим моҳияти ЮНЕСКОнинг «Мавжуд бўлишга ўрганиш» маъruzасида берилган бўлиб, инсон мавжуд бўлишининг шундай усулики, бунда у янги тажриба учун очилади. Бироқ узлуксиз таълимни мунтазам равишда ўқиш-ўрганиш ёки уни маълум муддатлар оралиғида малака оширишга келтиришга уринишлар ушбу ҳолатнинг талқинини торайтириб қўйди. Узлуксиз таълим моҳияти асосан умумий ва касбий таълим давридаёқ унга ўзини мустақил равишда мукаммаллаштириш ва таълим олишни давом эттиришга имкон берадиган, мураккаб ижтимоий ва касбий муаммолар доирасида тўғри мўлжал оладиган, ўзгараётган шароитларга осон мослаша оладиган ва унга зарур бўлган

билим ва уқувларни қидириб топишгм имкон берадиган билим, уқув ва шахс сифатларини шакллантиришдан иборат. Бундай шароитларда професионалнинг етакчи хислатлари қуидагилардан иборат: ривожланган тизимли тафаккур; факатгина мавжуд ахборот билан ишлай оладиган эмас, балки янгиларини қабул қилиш, турли фаолият турларини ўзлаштиришга имкон берадиган методологик билимларга эга бўлиш; фаол ҳаётий ва касбий позиция; касбий-шахсий ривожланиш ва мукаммаллашишга бўлган эҳтиёж, шунга тайёрлик.

Ушбу тенденция узлуксиз касб таълими концепцияларини, касбий таълим мазмунининг унинг ҳамма зинапояларида (бошланғич, ўрта, олий) ворислиги ва ўзаробоғлиқлигини таъминлайдиган ва мутахассис шахсини узлуксиз ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва професионаллаштириш йўналтирилган таълимий дастурлар тузиш орқали кўп сатҳли касбий тайёргарлик тизимини ишлаб чиқишида ўз аксини топади. Касб таълимининг узлуксизлиги ва таълимий дастурларнинг ворислиги ўрта ва олий касб таълими давлат стандартларини киритиш билан таъминланади.

Таълимни инсонпарварлаштириш етакчи тенденция сифатида унинг ривожланиши таълимнинг инсонга қаратилганлигини, унинг индивидуаллигини намоён қилиш ва ривожлантириш учун шароитлар яратишни билдиради. У инсонни ўзининг уникаллигини йўқотишдан, ҳаёт, табиат ва маданият дунёсидан бегона бўлишдан ҳимоя қилиш, инсоннинг энг олий – ўз-ўзини фаоллаштириш, ўзини сафарбар қилиш, маънавий, ижтимоий ва касбий етукликка бўлган эҳтиёжларини максимал қондиришга йўналтирилган бўлиши лозим.

Замонавий жамиятга ўзининг шахсий устунликларини ҳис қила оладиган ва уни ўраб турган инсонларнинг устун хислатларини тан оладиган мутахассис-професионаллар зарур.

Бошқарувчилик функцияларини амалга ошира туриб мутахассис ишлаб чиқарувчиларни зарур шарт-шароитлар, мавжуд бўлиш, ўз-ўзини сақлаш воситалари, инсоний эҳтиёжларни қондириш, уларга меҳнат фаолиятида ўзларини намоён қилишга шароит яратиш ҳақида қайғуриши зарур.

Таълимни ижтимоийлаштириш – инсонпарварлаштиришнинг воситаси ҳисобланади ва касбий таълим мазмуни характерини ўзгаришишга қаратилган. Бунда ўқув режа тузилмасида ижтимоий фанларнинг улушкини ошириш тушунилмайди, миқдорнинг ошиши ҳар доим ҳам сифатни таъминламаган. Хаттоки этика, эстетика, тарих каби фанлар инсонларнинг ички дунёсини қўзғатаолмаслиги, инсоннинг дунёга ва ўзига нисбатан эмоционал-қимматли муносабатни шакллантира олмаслиги мумкин. Касб таълимини ижтимоийлаштириш – бу энг аввало талабани маданиятга, ўзини ва табиат, инсоният муносабатлари, техника дунёсида ўз ўрнини англашга олиб борадиган йўлдир. Билимларни «инсонлаштириш», уларни шахснинг маънавий ривожланиш қуролига айлантириш унинг моҳиятини ташкил қиласи. Ушбу жараён факатгина ижтимоий фанларни ўрганишда эмас, балки маҳсус курсларнинг ижтимоий

йўналганлиги воситасида амалга оширилиши мумкин ва зарур. Бу эса қуидагиларни назарда тутади:

ўрганилаётган ўқув материалининг маънавий-аҳлоқий, эстетик салоҳиятини фаоллаштириш;

ўқитиш мазмунига умумтехник ва маҳсус билимларнинг тарихий аспектларини киритиш;

диққатни инсон ва табит, инсон ва техниканинг ўзароалоқасига қаратиш;

талабаларни нафақат назарий, балки эмоционал-образли тафаккурини ҳаракатга келтирадиган ижодий вазифаларни қўйиш;

когнитив (билишли) муаммоларни эмоционал, шахсий аҳамиятга эга бўлганларга ўтказиш.

Таълимни демократлаштириш инсонпарварлаштиришнинг натижаси ҳисобланади ва педагогик жараён қатнашчиларининг ҳуқуқларини кенгайтиришни билдиради. Бу энг аввало талабаларга турли-туман таълимий хизматлар спектрини, таълим олишнинг альтернатив шаклларини (якка, экстернат, масофадан ўқиш ва ҳ.к.), таълим муассасаларида рўй берадиган ташкилий муаммоларни ечишда талабаларнинг ролини ошириш, уларнинг ўз-ўзини бошқаришни ривожлантиришда намоён бўлади.

Бу тенденциянинг намоён бўлиши ўқитишни яккалаштириш ва дифференциаллаштиришдан келиб чиқади. У курсни эркин танлаш, ўқитишнинг якка йўллари ва усуслари воситасида амалга оширилади.

Касб таълими олиб бориладиган мутахассисликларни, ўқув режа ва дастурларни аниқлашда ўқув муассасасининг ҳуқуқлари анча кенгайтирилмоқда. Шу билан бирга демократлаштириш шароитида касбий таълим тизимида рўй берадиган ҳавфларни ҳисобга олиш зарур. Ҳар қандай давлатнинг таълим тизимида иккита объектив тенденция мавжуд. Биринчиси ҳар бир инсон учун таълимнинг бир хиллиги эвазига эришиладиган тенг таълимий имкониятларни таъминлашдан иборат бўлади. Иккинчиси эса шахснинг индивидуал қизиқишилари ва талабларини кондиришни таъминлайдиган турли-туман ва вариатив таълимга бўлган эҳтиёжлар билан боғлиқ.

Собиқ Совет таълим тизими асосан бирхиллик тамойилида қурилган бўлиб, бир томонда ижтимоий тенглик, иккинчи томондан – «ўртача» ўқувчи ва «ўртача» ишчини тайёрлаш учун реал мақсад ва вазифаларга эга бўлган.

Иккинчи тенденция америкача таълим тизимида яққолроқ намоён бўлади. Унинг педагогик жараённи демократлаштириш ва инсонпарварлаштиришдан иборат бўлган позитив аҳамиятини кўрсатиб, уни тадбиқ қилишда пайдо бўладиган

муаммо ва камчиликларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Америкалик педагоглар предметларни эркин танлаш, тавлат таълим стандартларининг йўқлиги шароитида таълимнинг умумий даражаси бораётганлиги тўғрисида ташвиш билдирилмоқдалар. Уларнинг фикрича америкача таълим тизими қийшиқ дараҳтга ўхшаш мутахассисларни тайёрлаб беради, битта йўналишда чўзилган, бироқ бошқа йўналишда ривожланмаган ва кесиб қўйилган.

Бизнинг тизимда бундай ҳавфнинг олдини олиш учун ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими давлат стандартлари киритилган бўлиб, у касбий тайёргарлик сифатини таъминлаб беради.

Интеграция тенденцияси талабага тез ўзгараётган ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида эркин кўчиб юриш, муваффақиятли ижтимоийлашиш ва маданиятга киришни таъминлайдиган интеграллашган касбий таълим олиш учун максимал имкониятлар яратиш зарурияти билан боғлиқдир.

Мутахассилар профессионал фаолияти баъзи турларининг интеграцияси фаолият соҳаси ва мутахассислар сонининг қисқаришига олиб келди. Мутахассислар интеграциясининг қуйидаги даражалари ажратилади: умумишлиб чиқариш, умумтармоқ ва умумкасбий.

Интеграцияни амалга ошириш қўйидаги имкониятларни яратади:

- мутахассис ўзини касбий фаолиятнинг турли соҳалари ва у билан қўшни бўлган фаолиятда синаб кўради ва ишлайди;
- дунё ва меҳнат соҳасининг яхлит манзарасини шакллантириш учун шароит яратади;
- професионалнинг ҳодисаларни уларнинг барча ўзаро алоқаларида тасаввур қилишга имкон берадиган тизимли фикрлашини ривожлантиради;
- шахснинг яхлит (ижтимоий, жисмоний, маънавий, интеллектуал) ривожланишини таъминлайди;
- ўқишининг амалий фаолият билан, ишлаб чиқаришнинг фан билан алоқасини ўрнатади;
- талабаларга ортиқча юклама бериш муаммосини ҳал қиласи.

Алоҳида олинган курслар, машғулотлар даражасида интеграция характеристи турлича бўлиши мумкин: қўшни фанларни бирлаштиришга асосланган интеграция; турли соҳалардаги (фан, техника, санъат) билимлар интеграцияси; маҳсус фанлар назарий курслари билан амалий курсларнинг интеграцияси.

Шу билан бирга интеграллашнинг турли усусларини ҳам ажратиш мумкин:

фанлараро – асосий фанни ўқитишида бошқа предметлар бўйича билимлар талаб қилинади;

координация – курсни ўрганишида ўқитувчи бошқа билимлар соҳасига эътибор қаратади;

фанлараро ўқув ва ишлаб чиқариш муаммоларни ва турли фанлардан олинган материаллар асосида уларнинг ечимини излаш.

Интенсификация. Касбий таълимда ушбу тенденциянинг пайдо бўлиши ижтимоий ҳаёт ва касбий фаолият характерининг мураккаблашиб бориши, ижтимоий-иктисодий ва ишлаб чиқариш шароитларинингшиддат билан ўзгариб бориши, замонавий технологиялар ва фаннинг жадал ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, у ўқувчиларнинг максимал ривожланиши, мashaқатли интеллектуал ва амалий фаолиятга тайёрлиги билан боғлиқ.

Интенсификацияни касбий таълим жараёнини тизимли такомиллаштириш асосида касбий тайёргарликнинг максимал самарадорлигига эришиш сифатида қараш мумкин. Ушбу тенденция шахс ва жамиятнинг нафақат ижтимоий-иктисодий эҳтиёжларини, балки улар тараққиётининг психологик-педагогик ва медико-физиологик жиҳатларини ҳам акс эттиради. Унинг асосида психологларнинг шахсни интенсив ривожлантириш шароитлари ҳақидаги тасаввурлари ётади.

Интенсификация тенденцияси қуйидагиларда намоён бўлади:

- талабалар ҳаётининг ижтимоий зичлиги;
- ўқув меҳнатининг интенсификацияси, талабаларни фаол ижодий фаолиятга ундейтиган юқори қийинчилик даражасида, зўриқиши суратида ўқиши;
- ўқув материали назарий даражасининг ошиши, унга предметлар, воситалар, меҳнат маҳсули ҳақидаги умумлашган билимларни киритиш;
- талабаларнинг тизимли ва продуктив тафаккурини ривожлантириш учун шароитлар яратадиган таълимнинг янги технологияларини тадбиқ қилиш;
- талабаларни замонавий компьютер воситалари ва автоматлашган тизимлар билан ишлашга тайёрлаш;
- талабаларнинг иш қобилиятини ва ўқишига бўлган қизиқишини оширадиган ўқитишининг форма ва методлари, техник воситалар ва ЭХМ ларнинг мақбул бирикмаси.

Кооперация. Касб таълимининг махсус, ўзига хос тенденцияси бўлиб, унингижтимоий-иқтисодий тизимда мавжуд бўлишининг замонавий шароитлари билан боғлиқ. Ушбу тенденциянинг назарий асоси тизимли ёндашув ҳамда синергетик тамойил ҳисобланади. У ҳар қандай тизимнинг яхлит фаолият кўрсатишининг муҳим шарти - унинг бошқа тизимлар билан барқарор алоқалари ва муносабатлари, уларнинг бир-бирини тўлдириши ва бир-бирини бойитишидан иборат деб қарайди. Кооперация тенденцияси касб таълимининг узлуксиз таълим, яхлит ижтимоий-иқтисодий тизимдаги ўрни ва аҳамиятини, касбий таълим муассасасининг ишлаб чиқариш, бошқа ижтимоий муассасалар билан ўрнатадиган янги алоқа ва муносабатларни акс эттиради ва аниқлайди. Ташқи кооперациянинг асосий йўналишлари ва формалари:

1. Бандлик хизматлари билан кооперация:

битиruvchilarни тақсимлаш;

банд бўлмаган аҳоли учун таълимий хизматлар кўрсатиш.

2. Ишлаб чиқариш билан кооперация:

ишлаб чиқариш ўқуви ва амалиёти;

корхона, фирмаларнинг буюртмаларини бажариш;

битиruvchilarни тақсимлаш;

ишлаб чиқаришдаги кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил қилиш.

3. Бошқа таълим муассасалари билан кооперация:

таълимий дастурларни координация қилиш;

ҳамкорлик дастурида (таълимий, тадқиқий, хўжалик ҳисоби) қатнашиш;

касбхунар таълими муассасаси ходимларининг малакасини олий ўқув юртлари ва малака ошириш институтларида оширишни ташкил қилиш.

Ташқидан ташқари ички (таълим муассасаси доирасида) кооперация ҳам амалга оширилади.

Педагогик ходимларнинг ўз фаолиятларида касб таълимини ривожлантиришнинг мавжуд тенденцияларини ҳисобга олишлари ўрта махсус касб-хунар муассасалари олдида ҳаёт ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши эҳтиёжлари қўяётган масалаларни максимал бажарилишини таъминлайди.

1.7. Касбий ўқув муассасида таълим жараёни ва уни лойихалаш

Машғулотнинг аниқлаштирилган ўқув мақсадлари (кутиладиган натижалар).

Талабалар бу мавзуни ўзлаштирганларидан сўнг:

- ишлаб чиқариш таълими тушунчасининг вужудга келиши ва моҳиятини тушунтиради;
- ишлаб чиқариш таълимини дидактик таҳлил қиласи;
- ишлаб чиқариш таълими ва назарий таълимнинг ўзаро боғлиқлигини тушунтиради;
- ишлаб чиқариш таълимининг ўзига хос жиҳатларини тушунтиради;
- ишлаб чиқариш таълими жараёнида ҳал қилинадиган топшириқларнинг хусусиятларини таҳлил қиласи;
- мухандис-педагогнинг ишлаб чиқариш таълими жараёнида ҳал қиласидаган вазифаларини тушунтиради;
- мухандис-педагогнинг ўргатувчи(ўқитувчи) фаолияти мазмунини тушунтиради.

Ишлаб чиқариш таълимининг умумий тавсифи. Касб-хунар таълимига оид бир қатор ттадқиқотларни назарий таҳлил қилиш “ишлаб чиқариш таълими” тушунчаси ҳам ўзининг вужудга келиши ва ривожланиш тарихига эга эканлигини кўрсатди. 1920 йилда Туркистон ҳунар-техника таълими Комитетининг ташкил этилиши билан мамлакатимизда аҳолининг техник саводхонлигини оширишга оид аниқ мақсадли ишлар амалга оширила бошланди. Турли турдаги касб-хунар мактаблари: фабрика-завод, ҳунармандчилик, темир йўл билим юртлари ташкил қилинди. Уларда ёшлар у ёки бу касбни эгаллаб, ижтимоий-фойдали меҳнатга тайёрландилар. Кейинчалик бундай ўқув юртлари соникенг миқёсда ошиб борди, шу билан бирга, бўлажак ишчиларни тайёрлаш мазмуни ҳам такомиллашиб борди. Шундай қилиб, касб-хунар мактабларидағи ўқув-тарбиявий жараён назарий ва ишлаб чиқариш таълими шаклларида олиб борилишини жорий қилинди. Ишла чиқариш таълимининг мазмуни асосан бўлажак ишчиларни касбга оид амалий тайёргарлигидан иборат бўлиб, асосан у бевосита корхона ва ташикилотларда ўтказилган.

С.А.Шапаринский “ишлиб чиқариш таълими”ни амалий тайёргарликнинг айнан ўзи деб тушунилади. Бундай таъриф янада аниқлаштиришни талаб қиласди. Гап шундаки, ишлиб чиқариш таълими фақатгина касб-хунар колледжларида эмас, балки олий ўқув юртларида ҳам олиб борилади. Бу ўқув юртларида “ишлиб чиқариш амалиёти” тушунчасидан кенг фойдаланилади. Лекин, каб-хунар дидактикасида бу атама ишлиб чиқариш таълим мининг якунловчи босқичи бўлиб, асосан бевосита корхона ва ташкилотларда ўтказилади. Шундай қилиб, “ишлиб чиқариш таълими” “ишлиб чиқариш амалиёти” тушунчасига нисбатан кенг маънога эга.

1980 йилларда олиб борилган тадқиқотларда ишлиб чиқариш таълими - ўқув устахонаси, полигон ва бевосита ишлиб чиқаришда (иш ўрнида) ўтказиладиган амалий машғулотлар сифатида таърифланади. Бу таърифлар ишлиб чиқариш таълим мининг ўзига хос жиҳатларга эканлигини кўрсатди, лекин унда жараён иштирокчилари-муҳандис-педагог ва ўқувчининг ҳамкорликладаги фаолияти ёритилмаган. “Дидактика производственного обучения”да эса ишлиб чиқариш таълими янада кенгроқ маънода таърифланади: “.... бу уста ва ўқувчилар томонидан ўқувчиларда бўлажак касби маҳорати асосларини шакллантирувчи масалалар тизимини ҳал қилиш”. Бу таърифга асосий касб маҳорати деганда, фаолиятнинг сенсор, ҳаракатга оид ва интеллектуал таркибий қисмлари ва замонавий касб-хунар мактаби битирувчисига хос бўлган шахс сифатларининг мажмуаси назарда тутилади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ишлиб чиқариш таълими тушунчасига тўлақон таъриф Р.Х.Жўраев тадқиқотларида баён этилган ва унинг жараёнли, шахсга оид ва ижтимоий қисмлари очиб борилган. Сўнги йилги тадқиқотларда “Ишлиб чиқариш таълими-касб хунар билим юрт(лицей)лари ўқувчиларининг муайян касб бўйича меҳнат фаолиятига давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ тайёрлаш” деб таърифланмоқда.

Юқоридгилардан кўриниб турибдики, “ишлиб чиқариш” таълими интегратив тушунча бўлиб, мутахассислар тайёрлаш жараёни эса, яхлит тизим эканлигидан далолат беради. Муҳандис-педагог ва ўқувчилар ҳал қиласиган топшириқлар мазмуни кўп жиҳатдан ишлиб чиқариш таълим мининг ўзига хослигига боғлиқ бўлади. Уларнинг баъзиларини кўриб чиқайлик.

Ишлиб чиқариш таълими нафақат ўқув, балки маълум даражада меҳнат фаолияти ҳамdir. Ўқувчилар ўз меҳнат фаолиятларини дидактик (шакли ва мазмуни) жиҳатдан ташкил этилган, ҳамда ўзи танлаган касбга оид ишлиб чиқариш соҳасида руёбга чиқаради. Ўқувчиларни меҳнат фаолиятига тўғри тайёрлаш учун, танланган касб буйича ўқитиши мазмунини ўғри танлаш, яъни ишлиб чиқариш жараёнини дидактик таҳлил қилиш ҳамда амалий тайёргарлик ўқув-моддий базасининг мавжудлигини аниқлаш даркор.

Ишлиб чиқариш таълим мининг дидактик таҳлили ишлиб чиқариш жараёни ва унинг элементларини бевосита ўқув жараёнига кўчириш, имкониятини аниқлашга, яъни қандай ишлиб чиқариш жараёни ва унинг айрим қисмлари (амаллар, иш турлари ва

х.к.) ишлаб чиқариш таълимининг таркибий қисмлари, ёҳид ўқув элементлари бўла олишини аниқлашга йўналтирилган бўлади. Шу билан бирга бу таҳлил ишлаб чиқариш таълимини битирувчининг реал ишлаб чиқариш фаолиятига яқинлик даржасини ҳам аниқлаши даркор. Бундай тхҳлил асосида ўқув устахоналари, полигон ва ўқув хўжаликларида қандай меҳнат жараёнларини бажарилиши ва қандай асбоб-ускуна ва жиҳозлардан фойдаланиш зарурлиги аниқланади. Шунинг учун ҳам мухандис-педагог ва ўқувчилар ҳал қиласиган топшириқлар фақатгина ўқитиш, билишга оид ва ўқув тавсифини бўлмай, балки у амалий йўналишга ҳам эга бўлади – унда моддий бойлик яратилади. Бундан ташқари, ҳал қилинадиган топшириқлар мазмунида, ишлаб чиқариш таълимининг ўзига хослиги ҳамда бу жараённинг дидактик имкониятлари ҳам акс эттирилиши зарур.

Ишлаб чиқаришнинг яна бир ўзига хослиги, уни назарий таълим билан бир вақтда олиб борилишидир. Ўқувчилар назарий таълим машғулотларида танланган касбга оид назарий билимлар ва қисман амалий кўникмалар тизимини эгаллайдилар. Бу тизим-биринчидан, ўқув жараёнида ўқувчиларнинг техник обьектлар тузилиши, ишлаш принциплари ва уларни ишлатиш асосларини, ҳомашё ва тайёр маҳсулотнинг умумий физик-кимёвий хусусиятларини, технологик жараёнларни яратиш ва амалга ошириш принциплари тўғрисида кенг тарздаги маълумот олишлари; иккинчидан эса, билим ва кўникмаларни синтезлаш ҳамда уларни муайян техник обьект, технологик ва меҳнат жараёнларга қўллашуда фаоллашуви асосида шаклланади; учинчидан, у ўқувчиларда билим олиш ва улардан фойдаланиш кўникмалари мавжуд бўлиши, техник хужжатлар, назорат ўлчов асблори, жиҳоз ва ускуналар билан ишлашга оид амалий кўникмаларга эга бўлишини назарда тутади. Бу тизим, бир томондан ишлаб чиқариш таълими жараёнида янада ойдинлашди ва такомиллашади. Иккинчи томондан эса, билим, кўникма ва малакаларнинг назарий-амалий тизими ўқувчиларнинг муайян касб бўйича амалий малакаларни онгли равишда эгаллашларини таъминлайди. Топшириқлар тузишда ишлаб чиқариш таълимининг бундай ўзига хослигини эътиборга олиш даркор.

Ишлаб чиқариш таълимининг учинчи ўзига хослиги шуки, унда ўқувчилар фақатгина касб-маҳорати эгаллабгина қолмай балки яратувчи меҳнатда ҳам иштирок этиб, маълум даражада моддий бойликлар яратувчиси бўлиб ҳам хисобланадилар. Шу муносабат билан мухандис-педагог ўзаро боғлиқ бўлган ўқув фаолияти ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларининг ташкилотчиси ва бошқарувчиси вазифаларини бажаради. Шунинг учун ҳам, мухандис-педагог ва ўқувчилар ҳал қиласиган топшириқлар-фақатгина танланган касб-маҳоратини эгалланишини эмас, балки ўқувчиларнинг аста секин меҳнат унумдорлигини оширишларини ҳам эътиборга олиши зарур.

Ишлаб чиқариш таълими жараёнида ҳал қилинадиган масалалар. Ўқув фаолияти, шу жумладан ишлаб чиқариш жараёнида ўқувчилар мухандис-педагоглар раҳбарлигига муайян ахборот ҳажмини эглайдилар. Мулоқот воситалари ёрдамида узатиладиган ахборот ва мухандис-педагог-ўқувчи ўртасида ўзаро алоқа ҳамда уларнинг ўаро таъсири ўрнатилади. Ахборот мазмуни мухандис-педагог ва

ўқувчи фаолиятида турли топшириқларни ҳал қилишда руёбга чиқади. Ҳал қилинадиган топшириқлар қуйидаги ўига хос хусусиятларга эга бўлишлари эътиборга олинади.

Биринчидан, у таълим жараённида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўқув юрти олдига қўйилган мақсадларни мувофақиятли руёбга чиқаради;

Иккинчидан бу мақсадларни ўқувчилар мақсадларига ва ўқув топшириқларга айлантиради;

Учинчидан, ишлаб чиқариш жараёнларининг дидактик хусусиятларива имкониятларини эътиборга олади ва ўқув жараёнининг қисми кўринишида намоён бўлади;

Тўртинчидан, ўқув топшириқларини бажариш билан ўқувчилар мустақиллигини аста секин ортиб боришини назарда тутади, ва демак, мухандис-педагог томонидан ўқувчи фаолиятига раҳбарликни тобора мураккаблашиб, такомиллашиб боришини талаб қиласди;

Бешинчидан, тизимнинг алоҳида ташкил этувчилари (бу ҳолда алоҳида ўқув гурухлари) ўртасидаги ўзаро алоқа ва боғланишларни амалга оширади. Бу бир гурух топшириқларни муваффақиятли ҳал қилиниши, иккинчи гурух масалаларини, шунингдек, топшириқни бутунлигига ҳал қилинишига таъсир кўрсатишда намоён бўлади.

Демак, илмий асосланган топшириқлар (масалалар) тизими бир томондан ўқувчилар касб маҳорати асосларини шаклланиш жараёнини бошқаради, иккинчи томондан эса, ушбу асосларни эгаллашда ўқувчиларга ёрдам беради. Мухандис-педагогнинг ишлаб чиқариш таълими жараёнидаги вазифасини икки жиҳатда тасвирилаш мумкин;

- 1) ўқувчиларга касбга оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантирувчи вазифалар;
- 2) ўқувчиларда ўз-ўзини тарбиялашва мустақил таълим олишга дастлабки кўникма ва малакаларни шакллантирувчи вазифалар.

Бир қатор тадқиқотларда ўз-ўзини тарбиялашга таърифлаб берилган. Масалан, Адет Я.А. бу тушунчани қуйидагича таърифлайди: “Ўз-ўзини тарбиялаш – инсон ёки жамоанинг ўзида салбий сифатларни бартараф қилиб, ижобий сифатларни таркиб топтиришдир”.

Кенгроқ маънода эса ў-ўзини тарбиялаш мустақил таълимни ҳам қамраб олади ва шахс ёки жамоанинг ўз устида ишлашини англатувчи таълим тарбиявий ишдир. Касб-хунар коллежи ўқувчиларининг ўз-ўзини тарбиялаши ўзида умуминсоний ва касбий сифатларни рифожлантиришдан иборатдир.

Ўргатувчи топшириқларни ҳал қилиш нафакат ўқувчиларнинг ривожланишига, балки ўқув жараёнида уларни тарбиясига ҳам таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, тарбиявий вазифаларнинг ҳал қилиниши ўқув топшириқларни муваффақиятлиҳал этилишини, яъни танланган касб бўйича кўникма ва малакаларни муваффақиятли шаклланишини таъминлайди. Ўқувчиларда танланган касбига оид амалий кўникма ва малакаларни шакллантирувчи топшириқлар ўқув топшириқлари деб аталади. Ўқувчиларда миллий мустақиллик маънавиятига хос бўлган белгиларни ва касбга оид маҳсус сифатларни шакллантирувга топшириқлар тарбиявий тавсифга эга бўлган топшириқлар деб аталади.

Бу гурухлар таркибидаги ҳар бир топшириқларни, уларнинг ўига хос белиглари ва асосларига биноан чегаралаш мумкинки, улар ўзаро йиғилиб муайян тизим ташкил қиласидилар. Ўқувчиларнинг меҳнат фаолиятига тайёрланишини эътиборга олган ҳолда, ўқиш жараёнида уларни бу тизимнинг асосий қисмларини руёбга чиқаришга тайёрлаш даркор. Бу асосий қисмлар қуидагилардан иборат:

- 1) технологик жараённи режалаш ва ташкил қилиш;
- 2) уни амалда бажариш;
- 3) олинган натижаларни таҳлил ва назорат қилиш.

Ўргатувчи топшириқлар ўқувчиларда технологик жараённи режалаш ва ташкил этиш, уни амалга ошириш, уни бажарилишини таҳлил ва тезкор назорат қилиш ҳамда олинган натижаларни таҳлил ва назорат қилишга оид кўникма ва малакаларни шакллантириш зарур.

Тарбиявий тавсифга эга бўлган топшириқларни ҳам айрим асосий жиҳатларини кўриб чиқайлик. Ўқувчиларда меҳантга нисбатан ижобий муносабатларни, илғор ишчилар фаолиятига қизиқиш, ўз ишида доимо янги, илғор усуслар қўллашга эҳтиёж ва шахснинг бошқа бир қатор сифатларини шакллантирмасдан уларни бўлажак касбий фаолиятга тайёрлаб бўлмайди. Шу муносабат билан меҳнатга ижодий муносабатни шакллантирувчи топшириқлар алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Замонавий мутахассис факатгина ижрочи бўлибгина қолмай, маълум даражада ташкилотчи ҳам бўлиши зарур. Шунинг учун ҳам, ўқиш жараёнида ўқувчиларнинг ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантирилиши, яъни ана шу қобилиятларни шакллантирувчи вазифалар топшириқларни кўпроқ ечиш даркор.

Мухандис-педагог олдида турган вазифалар ўқувчилар ишлаб чиқариш таълими жараёнида ҳал қиласидиган топшириқларда ўз аксини топади. Юқорида таъкиндалганидек, ўқувчилар асосан икки гуруҳдаги топшириқларни касб-маҳоратини шакллантирувчи топшириқларни, ҳамда ўз-ўзини тарбиялашга оид бошланғич кўникма ва малакаларни шакллантиришга оид топшириқларни ҳал қиласидилар. Буни қуидаги жадвалда изоҳлаш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Ўқувчилар ишлаб чиқариш таълими жараёнида ҳал қиласиган ўз-ўзини тарбиялашга оид топшириқлар

Ечилиши қуидагиларни шакллантирувчи топшириқлар

Шахснинг аҳлоқий иродавий сифатлари ва белгилари
Шахснинг касбий сифатлари ва белгилари

Ўрганилаётган касбга ижодий муносабатни вужудга келтириш
Халқ хўжалигини у ёки бу соҳасига техник тараққиётини рӯёбга чиқариш учун иш циклини муваффақиятли якунлаш учун касбнинг аҳамиятини англаш

Ишдаги қийинчиликларни енгишга тайёр бўлишни ривожлантириш
У ёки бу касбни эгаллаётган ўқувчи шахсига қуиладиган талабларни ўрганиш ва англаш

Ихтирочилик фаолиятига қизиқишни ривожлантириш
Бажарилаётган иш усуллари, амаллар ва иш турларининг шахснинг касбий сифатлари ва белгиларини шакллантиришдаги аҳамиятини қиёсий баҳолаш

Жамоада ишлашга оид кўникиш ва малакаларни эгаллаш
Ҳар хил иш турларини бажаришда шахснинг касбий сифатлари ва белгиларини мақсадга мувофиқ тарзда ривожлантириш

Ишлаб чиқариш таълими жараёнини, мухандис-педагог ва ўқувчилар ҳал қиласиган масалаларни таҳлил қилиш улар фаолиятининг асосий кўринишларини ажратиш ҳамда бу фаолиятларнинг мураккаб тавсифга эга эканлиги кўрсатиш имкониятини яратади.

Мухандис-педагогнинг ўргатувчи (ўқитувчи) фаолияти ташкилий ва ахборот узатишдан ҳамда назорат ва ҳисоблашлардан иборат бўлади. Мухандис-педагогнинг тарбиявий фаолияти ҳам ўзига хос мураккабликка эгадир. Бу фаолият жараёнида ўқувчига: иш ўрнини ва меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, илгор технологиялар, замонавий ускуна ва меҳнатнинг юқори самарали методларига, ўқув ва ўқув ишлаб чиқарув меҳнатини оқилон ташкил этишга ижобий муносабатларни шакллантирувчи шароитлар яратиш бўйича самарали таъсир кўрсатиши керак. Шу билан бирга, мухандис педагогнинг тарбиявий фаолияти ўқитишда моддий ва маънавий рағбатлантиришдан оқилона фойдаланиши, ўқувчилар гурӯҳи ва микрогурӯҳ (звено, бригада) ларда юксак аҳлоқий муносабатларни шакллантириши, ўз шахсий намунасидан унумли фойдаланиши зарур. Мухандис-педагогнинг тарбиявий фаолияти гурӯҳ, звено ва бригада ўқувчилари ўртасида тўғри муносабатларни таъминлаши даркор. Агар гурӯҳ, звено

ва бригадалар ўқувчиларнинг ҳақиқий микро ва макрожамоасига айлансагина, хамда уларга ижобий шахс қадриятлар йўналишига ва ҳурматга сазовор бўлган ўқувчилар бошчилик қилсаларгина бунга эришиш мумкин. Муҳандис-педагог ўз фаолиятида бунга алоҳида эътибор бериши даркор.

Ўқувчилар фаолияти (ўқув ва ўз-ўзини тарбиялаш) ниҳоятда мураккаб. Ўқув фаолияти билишга оид топшириқларни англаш, бўлажак ҳатти-харакатларни режалаш ва ташкил этиш, турли топшириқларни бажариш, ўз-ўзини назорат қилиш ва иш натижаларини хисобга олишда амалга оширилади. Ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялашга оид фаолиятларининг таркибий қисмлари қуидагилардан иборат: ўз имкониятлари ва жамоадаги тутган ўрнини тўғри баҳолаш, касбий сифатларни касбга оид фаолиятни муваффақиятли амалга оширишдаги аҳамиятини англаш, касбий ва аҳлоқий сифатларни мақсадга мувофиқ ҳолда ўз-ўзини тарбиялаб боришдан иборат бўлади.

1.8. Касб таълими муассасида тарбиявий ишлар назарияси ва амалиёти

Талаба ёшларнинг маънавий-аҳлоқий одатларини тарбиялаш

Хозирги кунда ёшларни баркамол инсон, ўз ватананинг илғор кишиси сифатида тарбиялаш энг асосий масалалардан бири ҳисобланади. Чунки айнан ёшлар давлатимизнинг келажагидир.

Мамлакатимизда чуқур, кенг қамровли иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Жамият маънавий юқасалиши ва янгиланиши сари юз тутгун бир пайтда Ўзбекистон Республкаси Президентининг 1999 йил 3–сентябрдаги “Республика маънавият ва маърифат кенгашининг қўллаб қувватлаш тўғрисида”ги Фармони замиридаги ғоялар, улардан келиб чиқадиган асосий мақсадлар маънавиятнинг устуворлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун Инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси Билан биргаликда етилган. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўғити билан бирга сингади. Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради. Табиатга яқинлик, жонажон улканинг бениҳоя гўзаллигидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озиқ беради, кучайтиради. Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушиниб етишга суюнгандагина қурдатли кучга айланади.

Маънавияти юксак шахслар юртни танитади. Шахсни эса унинг маънавий қиёфаси танитади. Маънавият – тарбиядан бошланади. Таълим – тарбиясиз маънавиятнинг бўлмаслиги барчага аён ҳақиқатдир.

Миллий педагогика асосчиларидан бири Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё хаёт, ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё садоқат, ё фалокат масаласидир!” деган сўзлари фикримизга далил бўлади.

Тарбия – маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари ва эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда, ўқитувчининг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро амалий ва назарий мулоқотидир.

Тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги роли ниҳоятда бекиёсdir. Инсонни тарбиялаш, уни билим олишга, меҳнат қилишга ундаш ва бу хатти-ҳаракатини секин-аста кўникмага айлантириб бориш лозим. Бу эса, инсонни мушоҳада қилиш қобилиятини тарбиялайди ва мушоҳада қилиш ақлни пешлайди. Ақл онгни сақлайди, онг эса моддий ва маънавий манбага айланади. Шу тарзда инсон аста-секин комилликка эришиб боради. Аммо бунинг учун тарбиячи ва тарбияланувчидан узоқ давом этадиган масъулият, шарафли меҳнат ва қунт, иродани талаб этади.

Жамият тараққиёти тарихи шуни кўрсатадики, фақат маънавият-маърифат кенг қулоч ёйган, илм-урфон тараққий этган мамлакатдагина адолатли жамият қуриш ва унда бир-бирига меҳр-оқибатли, камолатли инсонлар шаклланиши мумкин. Бундай жамиятда халқнинг эртанги кунга ишончи ва бунёдкорлик, яратувчилик ишига, эзгуликка интилиши кучли ва жамият фуқароларида соғлом фикр, ақл-идрок ҳар доим устувор бўлади.

Мустақиллик бизга маърифий, маданий, адолатли ва инсонпарвар жамият қуриш имконини берди. Энди бу жамиятга ҳар бир инсон ўз ўрни, мавқеига яраша вижданан ҳисса қўшмоғи лозим.

Инсоннинг маънавияти унинг одоби, аҳлоқий, ҳукуқий, иқтисодий ва сиёсий билимлари замирида шаклланади. Мазкур билимлар ўз навбатида инсон ижобий сифатларининг камол топиб, бойиб боришига олиб келади. Фазилатлар инсоннинг ижобий сифатлари мажмуидан иборат.

Сифат – алоҳида бир шахснинг муайян бир хислатини ифодаловчи аҳлоқий категориядир.

Фазилат – алоҳида шахс, эл, элат, халқ, улусга тааллуқли бўлган ижобий аҳлоқий сифатлар мажмуи.

Одамнинг инсон сифатида шаклана бориши жараёнида унинг камолоти даражаси одоб, аҳлок, маданият, маънавият элементларининг унда қанчалик

мужассамланганлиги билан белгиланади. Шу ўринда бу категорияларнинг моҳияти устида тўхталиб ўтиш жоиздир.

Одоб – ҳар бир инсоннинг ўзи бир инсон ёки жамоа билан бўлган мулоқотида хамда юриш-туришида ўзини тута билишидир.

Аҳлоқ - жамиятда қабул қилинган, жамоатчилик фикри билан маъқулланган хулқ-одоб нормалари мажмуи.

Маданият – жамиятнинг ва унда яшовчи фуқароларнинг фаолияти жараёнида тўпланган барча ижобий ютуқлар мажмуаси.

Маънавият – инсон онгини акс эттирувчи барча ижобий, руҳий, интеллектуал фазилатлар мажмуаси.

Камолотга эришган, ҳар томонлама ривожланган авлодни тарбиялаш жараёни унинг доимий, мунтазам изчил ва бир тизимга кирган шаклда бўлишини тақоза этади. Бу йўлда касбий таълим муассасаларида таълим жараёнини такомиллаштириш, профессионал фанлар сингари ғоявий мазмуни талабаларга янги жамиятнинг ҳар бир мутахассисига зарур бўлган ижтимоий дунёқарашни шакллантирувчи тасаввурлар заҳирасини ҳосил қилиши лозим бўлган ижтимоий гуманитар фанларни ўқитишга янгича ёндошув асосида аҳлоқ малакаларини ҳосил қилиш мумкин. Талаба ёшларда ягона педагогик жараёнда маънавий-аҳлоқий одатларни тарбиялашда қўйидаги вазифалар ҳал этилиши лозим:

- шўролар ҳокимиюти даврида таълим соҳасидан ўрин олган мафкуравий маҳдудликдан халос бўлиш;
- ўзбек миллий менталитети ва жаҳон цивилизацияси ютуқларига таянадиган маънавий қадриятлар тизимини мустаҳкамлаш;
- Шарқ мутафаккирлари асарларида кўтарилилган Комил инсон гояси таълимотларига амал қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида таълим-тарбия хусусан ҳозирги замон ёшлари қандай бўлиши керак деган таълимотига нисбатан жавобларга тўла амал қилиш кабилар.

1.9. Касб таълими муассасаларида олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг асосий моҳияти ва мазмуни

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган ўзининг мустақил тараққиёт йўлига асосланган ҳолда бозор иқтисодиётига тўла ишонч билан ўтиб бормоқда. Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, «Сиёсий мустақиллик ривожланган, ўзаро мутаносиб, тўлақонли иқтисодиёти билан мустаҳкамланмас экан, у бор-йўғи қуруқ, баландпарвоз гаплар, сохта обрў-эътибор ортириш воситасига айланиб қолаверади».

Мустақилликнинг ўтган 16 йиллик даври давомида миллий хўжалигимиз иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб, инқироз ҳолатидан чиқарилди ва унинг кўпгина соҳаларида барқарор ўсишга эришилди. Бозор механизмининг таркибий қисмлари қарор топди ва унинг инфратузилмалари вужудга келтирилди, ҳозирги кунда эса иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш, иқтисодиёти ҳар тарафлама эркинлаштириш амалга оширилмоқда. Энг муҳими шу давр ичида миллий истиқлол ғояси ва мафкураси шаклланиб, кишиларимиз онгига сингиб бормоқда.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов айтганларидек, «Истиқлол мафкураси қўп миллатли Ўзбекистон халқининг эзгу фоя-озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу интилишлари, ҳаётий идеалларини ўзида акс эттиради»

Бу қўйилган дастлабки қадамларимиз натижасида шаклланиб келаётган миллий иқтисодимиз янги XXI асрда биз яшамоқчи бўлган умумий уйимиз, яъни янгиланаётган ватанимизнинг ҳаётий асосини, унинг келгусидаги тараққиёт манбайнин ташкил этади.

Бугунги кунда халқнинг бой замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида мутахассислар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «.. бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири – буларнинг барчаси, авваломбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлингини барчамиз англаб етмоқдамиз».

Таълим-индивидуиднинг жамият ҳаётининг турли соҳаларига жамиятда мавжуд маданиятга тайёрлаш ва мослаштириш вазифасини бажарувчи ижтимоий институтдир,

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ҳар қандай соҳада бўлганидек таълим соҳасида ҳам муаммолар мавжуд. Бу каби муаммолар мустақил республикамизни ҳам четлаб ўтган эмас. Ушбу муаммоларни ҳал этиш ҳамда таълим соҳасида зарурий ислоҳотларни амалга ошириш мақсадида «Таълим тўғрисида» қонун ва «Кадрлар тайерлаш миллий дастури» қабул қилинди. Қонун ва миллий дастурга

кўра мамлакатимизда ягона узлуксиз таълим тизими яратилиб, таълим ислоҳоти ва унинг истиқболларини қўйидаги тамойиллар асосида белгиланди:

- а) миллати, дини, ирқи, эътиқодидан қатъий назар, барча фуқаролар учун таълим олиш имконияти яратилганлиги.
- б) таълим тизимининг узлуксизлиги, илмийлиги, дунёвийлиги ва изчилиги.
- в) таълимда умуммиллий, умуминсоний, маънавий-маърифий қадриятларнинг устуворлиги.
- г) таълимнинг инсонпарварлиги, демократиялилиги, таълим-тарбия муассасаларининг сиёсий партия ва бошқа таъсирларидан холилиги.

Демак, юқоридаги тамойиллар амалга оширилаётган экан, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси, хоҳ дурадгор, ҳисобчи, корхона раҳбари ёхуд машҳур сиёсатчи бўлсин, бу соҳага юксак ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлиши лозим. Ваҳоланки, юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлагаларидек: «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, ақлли, доно ва албатта баҳтли бўлишлари шарт» деган шиори ҳамиша ҳар биримизнинг диққат марказимизда бўлиши шарт.

Касб таълими муассасаларида олиб борилаётган ишларнинг моҳияти – унинг миллий истиқлол мағкурасига асосланган, маънавий-аҳлоқий, ҳуқуқий, ватанпарварлик, фуқаровий, меҳнат, маданий-маиший, экологик ва шу сингари йўналишлар билан эришиладиган ғоявий аъмол ва идеалларга мос ҳолда олиб борилиши мақсадга молик масаладир. Бу муаммоларни амалга ошириш барча педагогларнинг олдида турган юксак вазифадир.

Мустақиллик шароитида талаба-ёшларни маънавий-аҳлоқий тарбиялашда қатор вазифаларни ҳал этиш талаб этилади. Жумладан:

- ҳар бир таълим олувчининг онгода давлат мустақиллигига халқнинг олий ғоявий-аҳлоқий қадрияти экани, ўз ватани билан фаҳрланиш, унинг хавфсизлигини таъминлаш ва Ўзбекистоннинг улуғ тарихий ўтмишига, бозор муносабатларига асосланган янги демократик жамият қуришда танлаб олган ўзига хос йўлини мустаҳкамлаш, ислом дини руҳи билан суғорилган олий маънавий-аҳлоқий қадриятларни тўғри тушунириш ва уни эътиқодга айлантириш;
- таълим олувчиларда умуминсоний инсонпарварлик аҳлоқи, маданияти меъёрларини, замонавий қадриятлар эҳтиёжи, ўзи юқори тутиш ва виқор сақлаш, оиласи тантаналарда ўзини кўрсатишга уриниш, хизмат вазифасидан шахсий мақсадлар учун фойдаланиш қўринишларига муросасиз бўлиш руҳини тарбиялаб бориш уларнинг юқори аҳлоқ малакалари билан куроллантиришнинг гарови бўлиб ҳисобланади.

Умуман олганда, аҳлоқий тарбия тарбиявий ишлар комплексида етакчи ўрин тутади. Касб таълими муассасаларида талаба-ёшларда аҳлоқий тарбияни амалга оширишда аввало аҳлоқий тушунча ва ишонч ҳиссини яратишдан бошлаган маъқул. Чунки ёшларда аҳлоқий тушунча эътиқодларни таркиб топтирмай туриб, аҳлоқий одатларни, хатти-ҳаракат билан боғлиқ малака ва одатларни ҳосил қилиб бўлмайди. Бунда асосан ёшларга аҳлоқ-одоб норма ва қоидлари мазмунига оид билим беришга катта аҳамият бериш лозим.

Касб таълими муассасаларида аҳлоқий тарбия муаммоси. Аҳлоқий тарбия мазмунининг шаклланишида ўзбек мутафаккирларининг алоҳида хизматлари бор. Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино каби буюк мутафаккирлар тарбия жараёнига жиддий қараганлар ва бу борадаги қимматли фикрларини дунёга танилган асарларида баён этганлар. Ушбу асарлар нафақат Ўзбек халқининг, балки бутун инсониятнинг ривожланиш жараёнида муҳим аҳамият касб этган. Уларнинг илмий қарапашлари бугунги кунда ҳам инсоният учун дастури амал бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Абу Наср Форобий - машҳур мутафаккир, қадимги Юнон илми ва фалсафасининг шарқдаги энг йирик тарғиботчиси. Ўрта аср ижтимоий-фалсафий фикр тараққиётига асос солган мутафаккир. Форобий «Ақл ҳақидаги рисола», «Фалсафадан олдин нимани ўрганиш керак», «Субстанция ҳақида», «Фалсафа манбалари», «Логикага кириш», «Масалалар манбай» каби 160 дан ортиқ рисолалар яратди. Форобий бу асарларида давлат тузилиши ва уни бошқариш, турли ижтимоий низоларнинг олдини олиш ҳамда камолатга эришган ижтимоий жамоани яратиш каби масалалар устида фикр юритади. Етук жамоани вужудга келтириш, комил инсонни яратиш муаммосини ҳал этиш билан боғлиқ эканлигини биринчи бор ўрта аср шароитида Форобий олға сурди. Унинг «Идеал жамоа ҳақида», «Бахт-саодатга эришув тўғрисида» каби машҳур асарлари шу масалаларга бағишлиланган. Форобий таълим-тарбияга бағишлиланган асарларида таълим-тарбиянинг муҳимлиги, унда нималарга эътибор бериш зурурлиги, таълим-тарбия усуллари ва услубиятлари ҳақида фикр юритади. Унинг «Фозил одамлар шахри», «Иҳсо-ал-илм», «Илмларнинг келиб чиқиши», «Ақл маънолари тўғрисида» каби асарларида ижтимоий-тарбиявий қарапашлари ўз ифодасини топган.

Жамиятда мавжуд анъана ва урф-одатларда ҳам аҳлоқ меъёрлари ва мазмуни ўз аксини топади. Аҳлоқий тарбиянинг бир категорияси сифатида аҳлоқий қадриятлар қабул қилинган ва бу аҳлоқий қадриятлар аҳлоқий тарбиянинг мазмунини ва меъёрларини белгилашда асосий омил бўлиб хизмат қиласи. Умуман қадриятлар деганда миллий ва умуминсоний қадриятлар тушунилади. Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Қадриятлар кишиларнинг турли соҳадаги, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун фойда келтирадиган нарсалар, ходисалар мажмуи билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Сўнгра аста-секин субъект фаоллигининг орта бориши натижасида нисбий мустақил соҳа тарзида амал қила бошлайди. Аҳлоқий мазмундаги қадриятлар боланинг онги ва фаолиятини фаоллаштиради, иш ва сўз бирилигини таъминлашга ёрдам беради. Бундай қадриятлар жумласига инсонпарварлик, маърифатпарварлик, меҳр-муҳаббат,

поклик, катталарга хурмат, муҳаббат, хушмуомалалик, дўстлик, сахийлик, саҳоват, шириңсўзлик ва бошқалар киради. Мазкур қадриятлар негизида жамиятда, оилада, мактабда болани юксак инсоний фазилатларга онгли равишда амал қилишга даъват этиш ғояси ётади.

Аҳлоқий тарбия жараёнининг дастлабки босқичида шахс аҳлоқ меъёрларига маълум даражада тўғридан-тўғри бўйсунган ҳолда кўр-кўронга амал қиласа, аҳлоқийликнинг юқори даражасига етганда, тўғридан-тўғри кўр-кўронга бўйсунниш онгли идрок этишга якка шахснинг аҳлоқ меъёрлари ва жамият аҳлоқ меъёрлари ўртасида уйғунликнинг ҳосил бўлишига эришиш лозимдир. Аҳлоқий маданиятнинг муҳим белгиларидан бири ҳам худди ана шу шахс ва жамият орасидаги уйғун муносабатнинг, аҳлоқий бирликнинг ҳосил бўлишидир.

Инсон аҳлоқий маданиятнинг энг оддий меъёрларини илк ёшлигидан бошлабоқ аввал оилада, сўнг ўртоқлари билан бўладиган муносабатларида эгаллай бошлайди. Бу аҳлоқий меъёрларга амал қилишнинг мотивлари турлича бўлади. Ота-онага бўлган ҳурмат ва муҳаббат болани аҳлоқий талабларга амал қилишга ва шу орқали ота-онанинг ҳайриҳоҳлигига ва меҳрига сазовор бўлишга ундейди. Бундан ташқари меъёрларга амал қиласлик ҳолатида жазолашдан фойдаланиш ҳам болани огоҳ бўлишга ундейди. Ўз тенгқурлари билан мулоқотга киришиш иштиёқи, ички эҳтиёж ҳам болада аҳлоқий меъёрларга амал қилиш мотивациясини уйғотади. Буларнинг барчаси ҳар бир ёш болани аҳлоқий меъёрлар билан тўқнашишига ва уларга амал қилишни ўрганишига ёрдам беради. Буларнинг барчаси инсонда аҳлоқий меъёрларга амал қилиш малакасини ва кўнимкасини ҳосил бўлишига олиб келади. Аммо бундай аҳлоқий меъёрларга амал қилишни биз хали аҳлоқий онглилик даражаси деб айта олмаймиз. Чунки бу ҳолда аҳлоқий меъёрлар ички эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда эмас, балки ташқи таъсирларнинг натижаси сифатида вужудга келади. Шунга қарамай аҳлоқий даражанинг бу дастлабки поғонаси жуда муҳим аҳамият касб этади, чунки у бошланғич нуқта сифатида кейинги ривожланиш учун хизмат қилади. Аҳлоқий ривожланишнинг бу босқичида атроф-муҳитдаги аҳлоқий маданият даражаси энг муҳим ролни ўйнайди.

Ривожланишнинг барча босқичларида жамиятда қарор топган аҳлоқий билимлар янги аҳлоқий билимлар билан тўлдирилиб бириши талаб этилган. Айтиш жоизки, бу қонуний жараёндир. Демак, ҳозирги вактда ҳам аҳлоқий билимларимиз қанчалик бой бўлмасин диалектик ривожланиш қонуни ушбу аҳлоқий билимларни янада тўлдириб борилишини талаб этади. Айниқса Ўзбекистон республикасида рўй беряётган сифат ўзгаришлар бугунги кунда аҳлоқий қарашларни қайтадан талқин этишни, фан ва техниканинг ривожи натижасида эришилаётган янги билимлардан аҳлоқий тарбия жараённада фойдаланишни тақозо этишини назарга олсак, бу вазифани қанчалик зарурлигини ҳис этамиз. Демак, биз аҳлоқий тарбияни учинчи вазифасини ҳам аниқлаб олдик бу : - аҳлоқий билимларни янада тўлдириб бориш, илм-фан эришган янги билимлардан ва ютуқлардан фойдаланишни йўлга қўйишдан иборат.

1.10. Ёшларни касбга йўналтиришда миллий истиқлол мафкурасига асосланган маънавий-аҳлоқий, маданий-маиший ишлар

Ўзбекистон Республикасида чукур кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётган бир пайтда, замон талабларига жавоб берадиган олий маълумотли иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашга ихтисослаштиришган узлуксиз иқтисодий таълим тизимини шакллантиришга биринчи даражали аҳамият берилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Биз қийин шароитда келажагимиз пойдеворини қуриб олдик. Бунга ўрнимизга келадиган ёш авлод қандай баҳо беради, лойиҳаларимиз, ишларимизни тарозига солиб кўриб нима дейди? Ҳар биримиз мана шу саволни дилга туғиб меҳнат қилишимиз лозим. Менинг ишончим комилки, Ўзбекистон халқи фаровон турмуш кечирадиган буюк давлат бўлади».

Маълумки, қайси давлатда кадрлар тайёрлаш сиёсати тўғри ва омилкорлик билан ташкил этилса, ўша давлатда ҳар доим тараққиёт бўлади.

Таълим ҳар бир жамиятнинг ажralmas қисми, маданияти ва ривожланишнинг асосий кўрсаткичидир. Ҳар қандай мамлакат истиқболли режалар тузар экан, аввало таълимга эътиборни кучайтиради. Шу маънода мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб, Президентимизнинг «Келажак бугундан бошланади», «Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади», «Тарбиядан хеч нарсани аямаймиз» деган даъватлари остида таълимни ислоҳ қилишга киришилди.

Мамлакатимиз халқ хўжалигини янада юксалтириш, республиканинг ақл заковат салоҳиятини ўстириш, давлатимиз қудратини ошириш, унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун хизмат қиласидиган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги қонуни» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ишлаб чиқилди. Таълим тизимининг молиявий ва моддий таъминоти қонуний йўл билан ижобий ҳал этилди.

Фақат ўтиш даврининг ўзида бу дастур учун 65 млрд. сўм ажратиш кўзда тутилган. 1999 йилда бу мақсадлар учун 34 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 8-10 фоизга тенг қисми маърифат, таълим ва тарбияга ажратилмоқда – бу катта миқдордаги маблағдир. Масалан, республикамида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» доирасидаги таълим харажатлари 1999 йили 159,2 млрд. сўм, 2000 йили 248,8 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2001 йили 336,1 млрд. сўм сарфланган.

1997 йилда ташкил топган «Умид» ва бошқа жамғармалар орқали иқтидорли ёшлар ривожланган Давлатлардаги энг нуфузли ўқув марказларида таҳсил олмоқдалар. Ёшлар хориж ҳаётини кўриб, халқаро ҳаётий тажриба орттириб, чет

тилларини мукаммал эгаллаб, замонавий бакалаврлик ва магистрлик даражасига республиканизнинг турли босқичдаги кадрлар хорижий таълим марказларида тажриба ва малака орттириб келмокдалар. Бундай ёндашувлар ҳам Ўзбекистон таълим тизимининг ёрқин истиқболига ва унинг мавқеини оширишга хизмат қиласиди.

Бугунги кунда келажаги буюк давлатни қуриш тафаккури, дунёқараши замон талабларига мос равишда ўзгарган мутахассисларимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Янгича фикрлайдиган, янги бозор шароитларида муваффақиятли хўжалик юритадиган юксак малакали, чуқур билимли мутахассисларни тайёрлаш давр талаби ва ҳақиқат тақозосидир.

Бугунги кунда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодчи мутахассислар тайёрлашнинг умумий мазмуни ва ўзига хос хусусияти шундан иборатки:

- у бозор иқтисодиётининг фундаментал асоси;
- замонавий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири;
- аҳоли касб таълимининг обрўли соҳаси;
- узлуксиз таълим тизимиning муҳим бўғинларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш тизимини барпо этиш ва ривожлантириш тажрибаси катта илмий ва амалий қизиқиш уйғотади, чунки у замонавий иқтисодий таълимнинг ахволини таҳлил қилиш ва назарий жиҳатдан изоҳлаш, унинг узлуксиз касб таълими тизими билан уйғулаштириш ва самарали дидактик ривожланишни башорат қилиш вазифаларини ҳал этиш имконини беради.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, - «Иқтисодиёт, сиёsat соҳасидаги барча ислоҳотларимизнинг асосий мақсади инсонга қаратилган. Мана шунинг учун ҳам миллий уйғони ғоясини амалга оширишга қобил янги авлодни тарбиялаш иши давлат иши, унинг устивор вазифаларидан бири бўлиб қолади».

Ривожланган мамлакатларда касб таълими (шу жумладан олий таълим)нинг бош мақсади – рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ва барча тоифадаги малакали ходимларни тайёрлаш орқали рақобатбардош хизмат кўрсатишдан иборат.

Raқобатбардош мутахассисларсиз рақобатбардош иқтисодиёт бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистонда мазкур масалани ечишда Кадрлар тайёрлаш миллий модели асос бўлиб ҳисобланади. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

- шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг асосий субъекти ва объекти, таълим хизматини талаб этувчи ҳамда амалга оширувчи;
- давлат ва жамият – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими фаолият кўрсатишини назорат қилиш ҳамда иш олиб боришнинг бошқаришни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларга талабгорлик кафолати;
- узлуксиз таълим – ўз таркибига барча таълим турини, давлат таълим стандартларини, фаолият кўрсатиш тузилмаси ва муҳитини олган малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш асоси;
- фан – юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва талаб этувчи, илғор педагогик ва информационный технологияларни ишлаб чиқарувчи;
- ишлаб чиқариш – кадрларга бўлган талабни, шунингдек улар тайёрланганлик сифат ва даражасига талабни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимларини молиялаш ва моддий-техник таъминлаш иштирокчиси.

Касб таълими муассасаларида аҳлоқий тарбия муаммосини амалга ошириш учун қатор муаммоларни ҳал этишга эътиборни қаратиш керак. Улар:

1. Ўқитиши жараёнини илғор педагогик технология ва ахборот технологияси асосида уюштириш;
2. Талаба ва устоз ўртасидаги аҳлоқий ҳамда ақлий савияни оширишга эришиш;
3. Таълим-тарбия масалалари қатъий режа асосида олиб борилиши;
4. Ўқув муассасида ижобий эмоционал шароит яратиш;
5. Таълим олувчиларни ўқув муассасининг умумий тартиб, ҳаёт тизимига риоя қилишга эришишни таъминлаш.

Шундай қилиб, ягона таълим-тарбия жараёнида аҳлоқий тарбия ишини амалга оширишда сухбат, мунозара, маъруза каби методлардан, аҳлоқий одатларни эса машқ, турли фаолиятни уюштириш орқали амалга ошириш мумкин.

Аҳлоқий тарбияни дастлабки поғонасида аҳлоқий муҳит, аҳлоқий шарт-шароитлар энг асосий омил сифатида майдонга чиқади ва шунинг учун ҳам бизнинг биринчи вазифамиз бу поғонада ана шу қулай аҳлоқий муҳитни яратишга ҳаракат қилишдир. Бу аҳлоқий тарбиянинг дастлабки вазифаларидан бири. Аммо муҳит, хусусан аҳлоқий муҳит қанчалик қулай бўлмасин, у ўз-ўзидан аҳлоқни шакллантира олмайди. Ана шу аҳлоқий муҳитда яшайтган шахснинг индивидуал хусусиятлари (темперамент, характер, қобилияти) муҳит таъсирига нисбатан ўзининг жавоб реакциясини вужудга келтиради. Бошқача қилиб айтганда ҳар бир

шахс ташқи таъсирга ўз шахсий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда жавоб беради.

Таълим олувчиларда умуминсоний инсонпарварлик ахлоқи, маданияти меъёрларини, замонавий қадриятлар эҳтиёжи, ўзи юқори тутиш ва викор сақлаш, оиласи тантаналарда ўзини кўрсатишга уриниш, хизмат вазифасидан шахсий мақсадлар учун фойдаланиш кўринишларига муросасиз бўлиш руҳини тарбиялаб бориш уларнинг юқори ахлоқ малакалари билан қуроллантиришнинг гарови бўлиб хисобланади. Шу нуқтаи назардан ушбу бобда касб таълими муассасаларида ахлоқий тарбия муаммоси бўйича жуда кўп маълумотлар мисоллар асосида берилган.

2-БОБ. ДИДАКТИКАНИНГ АСОСИЙ НАЗАРИЙ МУАММОЛАРИ

2.1. Умумий дидактиканинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши

Дидактика грекча сўз бўлиб, "didasko" – ўқитиши, "didaskol" – ўргатувчи (ўқитувчи) сўзларидан шаклланган. «Дидактика»нинг сўзма сўз таржимаси – таълим назариясини англатади. Таълим назарияси таълим жараёни тушунчаси ва моҳияти, таълим принциплари, методлари ҳамда ташкилиш шаклларни ўз ичига олади. Дидактика ўз олдига ўқитишнинг ўқувчиларни хар томонлама камол топтириш мақсадларига жавоб берувчи умумий конуниятларни билиб олиш вазифасини қўяди. Таълимнинг асосий вазифаси ёш авлодда илмий билимлар, амалий кўникмалар, алоказалар тизимини шакллантиришдан, унинг баркамол шахсини ривожлантиришдан иборат. Демак, дидактика «нимага ўқитиши», «нимани ўқитиши» ва «кандай ўқитиши» каби саволларга жавоб излайди.

Собиқ иттифоқ давридаги адабиётларда умумий дидактиканинг фан сифатида шаклланиши буюк чех педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670)нинг 1632 йилда ёзилган ва 1833-38 йилларда қайта ишланиб лотин тилида чоп эттирилган «Буюк дидактика» асари билан боғланади. Албатта, ўқитишнинг дидактик принципларини, синф дарс тизимини асослашда, билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришда машқларнинг аҳамиятини очиб беришда Я.А. Коменскийнинг хизматлари. У ўқувчиларнинг тафаккури, меҳнат қобилияти ва нутқини ривожлантириш ўқитишнинг асосий вазифаси эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. «Кўргазмалилик ўқитувчининг олтин қоидаси» деган ибора ҳам унинг номи билан боғлиқ. Лекин шундай бўлсада, сўнгги йилларда чоп этилаётган адабиётларда умумий дидактика тушунчаларининг пайдо бўлиши ва ривожланишида «Авесто» (э.о. 548-529 йиллар) асарининг, ҳамда ўрта аср шарқининг буюк алломалари Форобий, Беруний, Ибн Сино, Умар Ҳайём ва

бошқаларнинг, айниқса уларнинг миллий таълим тарбия асосларини яратишдаги хизматлари тан олиниб кенг ёритилмоқда. Ўзбекистонда XX аср бошларида миллий таълим тизимини яратилиши М. Беҳбудий, А. Авлоний, С. Сиддиқий, И. Ибрат ва А. Фитрат уларнинг замондошлари номлари билан бевосита боғлиқдир.

Форобий (879-950) қобилиятларни ривожлантиришга оид бир қатор тавсиялар ишлаб чиққан. Яхши назариячи бўлиш учун, - дейди у, қандай фан бўлишидан қатъий назар қуидаги уч шартни бажариш зарур: 1) бу фан асосини ташкил этувчи барча принципларни билиши; 2) бу принцип ва маълумотларни муайян фанга қўллаб хулоса ясаш, яъни мулоҳаза ясаш (фикрлаш) қобилиятига эга бўлиши; 3) хато назарияларни инкор қилиш ва бошқа муаллифлар фикрларини таҳлил қилиб, ҳақиқатни ўрнатиб, хатоликни тузатиш. Фаробийнинг педагогик фикрлари унинг «Фозил одамлар шаҳри» (Тошкент 1993 й) асарида баён этилган.

Беруний (973 - 1051) ўзидан олдинги алломалар томонидан яратилган билишнинг илмий методини ривожлантириди ва янада чукурлаштириди. У дидактик тавсифга эга бўлган қуидаги хулосаларни шакллантириди: «Коинот тузилишини ўрганиш, шунингдек осмон ва ер шаклларининг қандайлиги ва хатто уларнинг ўртасида нима борлигини ўқиши ёрдамида, такрорлаш ёрдамида идрок қилиниши астрономия санъати учун жуда фойдалидир, ёхуд ўқувчи шу йўл билан бу санъат кишилари қўлладиган сўзларга одатланадилар ва қўнималар хосил қиласилар, уларни осонлик билан тушунади ва аҳамиятини яққол тасаввур эта олади».

Берунийнинг билим назарияси унинг замондоши Ибн Сино (980 - 1037) томонидан янада ривожлантирилди. У «ҳар қандай билинаётган (ўрганилаётган) нарса учун, уни билиш йўллари мавжуд бўлади» - деб таъкидлайди. Демак, у хар бир фан учун ўзига хос бўлган илмий тадқиқиот методаларининг мавжудлилигига ишора қиласиди. Ибн Синонинг билиш назариясида сабаблар тўғрисидаги таълимот муҳим ўрин тутади. У бевосита сезгилар орқали аниқланадиган ва яширин, ақл билан сезиладиган сабабларни ажратиб кўрсатади, ҳамда у нарса ҳақидаги тўла тасаввур, уни вужудга келиш сабабларни ўргангандан сўнггина пайдо бўлади, деб таъкидлайди. Ибн Сино ўзининг бу билиш қоидасига тиббиётда касалликни даволашдан олдин, уни симптомларини (пайдо бўлиш сабабларини) аниқлаш зарурлигига амал киласиди.

Ўзбекистонда 20 аср бошларида ўзининг умумидидактик қарашлари билан машхур булган мутафаккир жадидлардан бири А. Авлонийдир. Ўзбек педагогикасида А. Авлоний (1878-1943) педагогика тушунчасига биринчи марта тўғри таъриф берди. Ҳозирги кунда «Педагогика ўсиб келаётган ёш авлодни тайёрлаш тўғрисидаги фандир» деб таъриф берилса, А. Авлоний 1913 йилда ёзган «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» (Тошкент 1992 йил) асарида «Педагогик», яъни «Бола тарбиясининг фани» деб таърифлайди. Табиийки, бундай таъриф Авлонийнинг педагогика фанини яхши билганидан белги. Бу соҳада кучли ва кенг маълумотга эга бўлганлигидан далолат беради. У ўзбек миллий педагогикасининг асосчиси бўлиб ҳисобланади. Авлонийнинг ўқитиши назариясида матонат – фикр тарбиясига алоҳида эътибор берилади. У боланинг фикрлаш қобилиятини ривожлантиришни оиласа эмас, балки

мактаби, муаллимлар зиммасига юклайди. «Фикр тарбияси энг керакли кўп замонлардан бери тақдир (орзу) қилиниб келган, муаллимларнинг диққатлариға суюнган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифадир».

Умумий дидактикани ривожланишига назар ташлар эканмиз, у Я. А. Коменский томонидан «Ўқитиш назарияси» сифатида яратилган бўлса, Я. А Коменскийдан кейин дидактиканинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатган немис философи, педагог ва психологи И. Ф Гербард (1776 – 1841) бу тушунчага тарбия назариясини ҳам киритиш зарурлигини эътироф этади. Унинг бу фикрини поляк дидактлар Б. Наврочинский, К. Сосницкий ва бошқалар қўллаб қувватлайдилар. Б. Ниврочинскийнинг фикрига, «Таълим ва тарбия назарияси, яъни дидактика яхлит бир бутунликни ташкил қиласди ва уни биз педагогика деб атаймиз»

«Дидактика педагогик фанлар мажмуаси бўлимларидан бири» бўлиб, - дейди К. Сосницацкий, у инсоннинг интеллектуал қобилияларини қайта шакллантириш назарияси бўлиб хисобланади.

Россия дидактларидан Б. П Есипов ҳам ишига ўхшаш фикрни айтади ва у дидактика алоҳида фан бўлиб ҳисобланмайди, балки у педагогиканинг тарбия назарияси қисмини ташкил қиласди деб ёзди. М. А Дамилов эса бунга қушимча қилиб дидактикани мустақил фан сифатида шаклланаётганлигини таъкидлайди ва уни ўқитиш ва таълим бериш назарияси деб атайди. Л.Клинберг – дидактика ўқитиш назарияси сифатида «педагогиканинг илмий фани» деб хисоблайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, дидактия Европанинг кўпчилик мамлакатларида, жумладан Россияда ҳам мустақил фан сифатида тан олинган ва ўқитиш ва ўқиш назарияси сифатида кенг ривожланган. Бунинг натижасида умумий дидактиканан унинг шахобчалари – хусусий аниқ дидактикалар яъни муайян фан (мутахассислик) дидактикаси фанлари ажралиб чикиб, улар ҳам мустақил равища ривожланмокда. Касб ҳунар таълими дидактикаси ҳам хусусий дидактика сифатида ана шу тарзда вужудга келган.

Касб таълими дидактиканинг асосчиси академик Батышев С.Я. бўлиб хисобланади. Бу фаннинг ривожланишига Безрукова В. С, Беляева А.С, Махмутов М. И, Шапоринский С. А, Траченко Е. В, Романцев Г. В, Зиер Э. Ф ва бошқалар ҳамда Ўзбекистон олимларидан Антипова А. Г, Жўраев Р. Х, Хўжабоев А. Р, Мирсайдов К. Ж ва бошқалар ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

2.2. Касб таълими дидактикаси фани ва предмети,

унинг асосий тушунчалари

Касб - ҳунар таълими дидактикаси инсоннинг ёши, маълумоти, меҳнат фаолият обьекти ва характеристидан қатъий назар, унинг барча касб ҳунар тайёргарлик тизимига таъсир этувчи назарий ва амамлий йўналишга эага бўлган илмий билимлар соҳасини қамраб олади. Эртами кечми барибир ҳар бир инсонга ўз касби ёки мутахассислиги тўғрисида бош қотиришга тўғри келади. Мамлакатимиз халк хўжалигининг барча соҳаларида содир бўлаётган туб ўзгаришлар (бозор иқтисодиёти қонуниятларини амал қилиши, мулкчилик шаклларини давлат тасарруфидан чиқарилиши, корхона ва хўжаликларни вужудга келиши ва х. к.) ўзига хос маҳсус тайёргарликни талаб қиладиган жуда кўп касб ва мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш зарурлигини тақозо қилади. Меҳнат ва касб-ҳунар фаолиятининг турли туманлиги, турли ёш даврлари ва касб тайёргарликка эга бўлган кишиларни таълим тарбияси ва ривожланишининг илмий асосларини яратиш масаласини янада мураккаблаштириш ҳам тушунарли. Шунинг учун ҳам, юқорида қайд қилинган муаммоларга оид тизимли илмий тадқиқиот ишларни олиб бириш, яъни касб таълими дидактикасини мустақил фан сифатида этиш муҳимдир.

Касб таълими дидактикасининг фан ва ўкув предмети сифатида мавжуд бўлиши қўйидагиларга асосланади.

Унинг обьекти ва предметининг аниқ таърифга бўлиши. Касб ҳунар таълими дидактикасининг обьекти исоннинг тор доирадаги касб ҳунар фаолияти эмас, балки яхлит касб ҳунар тайёргарлик тизимидан иборат. Шу билан бирга, бу тизим фақатгина касб ҳунар таълими дидактикасининг обьектигина бўлиб қолмай, у ижтимоий, табиий ва хатто техник фанлар учун ҳам обьект бўлиб ҳисобланади. Бундай ўзаро боғлиқлик жараёнида касб ҳунар таълими дидактикаси фан сифатида ўз ўрни, ўз «юзига», ўзининг маҳсус функцияларини бажариш учун туб асосга эга эканлигидан далолат беради.

Касб - ҳунар таълими дидактикаси предметини янада яққолроқ тасаввур этиш учун педагогик фаолиятга мурожаат қиласлини. Бу муҳандис – педагогнинг кундалик ўкув тарбиявий ишлари билан боғлиқ, ўта амалий тавсифга эга бўлган фаолиятдир. Унинг асосий моҳиятини жараён ташкил қилади. Айнан муҳандис-педагог ва ўқитувчининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятида таълимнинг бош вазифаси ўқитиш, тарбиялаш ва шахсни ривожлантириш, касб ҳунар малакаларини шакллантириш амалга оширилади, дунёқараш шаклланади. Дидактиканинг асосий вазифаси ана шу жараённи янада самарали, таълим сифатини эса янада юқори бўлишини таъминлашдан иборатдир. Табиийки, аввало, таълим жараёни, унинг «технологик таъминоти», яъни муайян методлар воситалар ҳамда ўқитиш, тарбиялаш ва шахсни ривожлантиришнинг ташкилий шакллари дидактиканинг фан сифатидаги предмети кўринишида намоён бўлади, ёхуд улар таълимнинг кўзланган натижасига эришилишини таъминлайди. Бундан кўриниб турибдики тайёргарлик соҳа ва даражасининг ўзига хослигига боғлиқ холда, шахснинг касбий муҳим сифатларини шакллантириш жараёни касб ҳунар таълими дидактикасининг предметини ташкил қилади. Бироқ, бу фан предметини фақатгина жараён нуқтаи назаридан тасаввур этиш етарли эмас. Чунки, ҳар қандай маҳоратли мусиқачига

чолғу асбоби, нота, мусиқа асари зарур бўлганидек, энг маҳоратли ва ижодкор мухандис-педагогга ҳам фаолият кўрсатиш (жараённи рўёбга чиқариш) учун ўқув режа, ўқув дастури методик материаллар зарур бўлади. Чунки, бу хужжатларда касб - ҳунар таълимининг муайян даражаси ва шаклига мувофиқ холдаги, унинг мазмуни, қўлланиладиган методлар, воситалар ва ташкилий шакллари акс эттирилган бўлади.

Бошқача айтганда, таълим жараёни (мақсаддан натижага томон харакатланиши) ни рўёбга чиқаришдан олдин, бунинг учун пухта назарий ва методик тизимларни ишлаб чиқиши даркор. Айнан мана шу тизимларни мухандис-педагог фаолиятининг барча ташкил этувчилиари-партитураси (таълим стандартлари, таълимнинг мақсади, мазмуни ва ташкилий шакллари) яққол баён этилади.

Шундай қилиб, касб - ҳунар таълими дидактикасининг предмети (шахснинг касбий мухим сифатларини шакллантириш жараёни) икки жиҳат амалий педагогик фаолият ва кўп соҳани (илмий – тадқиқот, методик) педагогик тизимни конструкцияловчи ва лойихаловчи фаолиятдан иборат экан. Шуни таъкидлаш лозимки, педагогик фаолият ва педагогик тизим ўзаро узвий боғлиқ холда амал қиласидилар. Педагогик – тадқиқиотчилар ва методистлар юкори самара берувчи педагогик тизимни яратишида, уни кадрлар тайёрлашнининг муаян жараёни, ўқитувчилик контингенти, моддий техник базанинг ҳамда ўқув юрти мухандис-педагогларининг маҳорат даражасининг ўзига хослигини эътиборга олиши зарур. Ўз навбатида, амалий педагогик жараён ҳам факатгина касб ҳунар таълимнинг мақсади ва мазмуни аниқ белгиланганда гина юкори натижа беради.

Касб ҳунар таълими дидактикасининг вазифалари қўйидагилардан иборат:

- ўқув юртларида педагогик фаолият кўрсатиш учун илмий – педагогик салоҳият яратиш;
- ўқув юртида содир бўладиган турли туман вазиятларни ҳал қилишга оид тўғри педагогик йўналиш бериш;
- талабалар шахсида педагогик йўналганликни тарбиялаш;
- ўз-ўзини касбий тайёрлаш ва узлуксиз касбий таълим, касбий маҳоратни ошириш учун асос яратиш.

Касб - ҳунар таълими дидактикаси ўқув предмети сифатида асосий тушунчаларга ҳам эга. Бу тушунчаларнинг айримлари умумий дидактикадан олинган бўлсада (ўқитиши, ўқиши, таълим, тарбия, ривожланиши ва ҳ. к), касб ҳунар таълими, касб ҳунар тайёргарлик, касб, мутахассислик, касб ҳунар малакаси, касбий мустақиллик, техник тафаккур тренажер, машқ, ёзма йўлланма ва бошқалар каби ўзига хос тушунчалардан ибоарт. Уларнинг айримларини таърифлаб ўтайлик:

Касб - ҳунар таълими – шахсни касбий шаклланиши ва ривожланиши жараёни бўлиб, у муайян касб ва мутахассислик бўйича билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш билан амалга оширилади.

Касб - ҳунар тайёргарлик – халк хўжалигининг бирор соҳасига оид фаолият кўрсатишни таъминлайдиган билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши. Мамлакатимизда касб ҳунар тайёргарликнинг уч даражаси амал қилади: бошлангич (политехник), ўрта маҳсус, олий.

Касб - ҳунар инсон меҳнат фаолиятининг бирор турига оид маҳсус назарий билимлар ва амалий малакалар мажмуасидан ибоарт бўлиб, у маҳсус тайёргарлик ва иш тажрибаси натижасида эгалланади.

Мутахассислик – бир неча касблар миқёсида маҳсус тайёргарлик ва тажриба натижасида эгалланган билим, кўникма ва малакалар мажмуаси.

Касб - ҳунар малакаси – касб ҳунарга оид у ёки бу масала (меҳнат амали) ни, унга диққатни маҳсус жалб этмасдан, тайёргарликсиз – автоматик тарзда онгли равища бажариш.

Касб - ҳунар мустақиллиги – мутахассислик бўйича меҳнатга қўйиладиган талабларни тушуниш, фаолиятни мустақил равища режалаштириш бажариш ва уни назорат қилишга оид қобилият.

Техник тафаккур – инсонни фикрлаш тури бўлиб, у ишлаб чиқариш соҳасига оид билим, кўникма ва малакаларни қўллаш билан боғлиқ бўлган техник масалаларни хал қилишда намоён бўлади.

Тренажер – ўқув жараёнида ишлаб чиқаришдаги реал шарт шароитларни англатадиган техник восита. Тренажерлар ишлаб чиқариш шароитида машқ қилиш учун шарт шароитлар мавжуд бўлмаган ва ўқув жараёнида ишлабчиқаришдаги реал меҳнат амалларини айнан ўзини машқ қилиш имконияти бўлмаган кўникма ва малакаларни эгаллашда қўлланилади. Тренажерлар ўқувчиларда бошлангич касб ҳунар кўникмаларни шакллантириш ва уларни бўлажак меҳнат фаолиятига рухан тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Машқ - касб ҳунар таълими методи бўлиб, унда муайян хатти харакатлар жуда кўп марта такрорланиб онгли даражагача такомиллашади. Машқлар натижасида ўқувчиларда касб ҳунар кўникмава малакалари шаклланиши, билимлар эса чуқурлашиб, такомиллашади.

Ёзма йўлланма – ахборотнинг иссиқлик манбаи ва ўқувчиларга топшириқни уни бажаришга оид кўрсатмалар баён этилган холда топширилладиган ўқув хужжат шакли.

Биз юқорида касб ҳунар таълими дидактикасининг ўнта асосий тушунчаларига қисқача таъриф бердик, қолганлари билан навбатдаги маърузаларда ўзлаштириб борасиз.

Хулоса килиб, шуни айтиш мумкинки, хозирги даврда касб ҳунар таълими дидактикасини фан ва ўқув предмети сифатида барқарор шаклланган.

Касб - ҳунар таълими дидактикаси нисбатан янги фан бўлиб хисобланади. У узоқ давр мобайнида касб-ҳунар таълими педагогикаси, ишлаб чиқариш таълими педагогикаси, касб-ҳунар таълими методикаси, умумий дидактика негизида ривожланиб келди ва бу фанлар билан боғлиқ щолда ривожланмоқда.

Шу билан бирга касб - ҳунар таълими дидактикаси физиология ва психология курслари билан чамбарчас боғлиқ. Бу фанларга оид билимларсиз ғоялар сунъий, асосланмаган, тасодифий ва субъектив тавсифига эга бўлиб қоладилар. Педагогик амалиётда самара бермайдилар.

2.3. Касб таълими дидактик тамойиллари. Дидактик тамойилларнинг классификацияси ва уларни қўллашнинг услубий жиҳатлари

Касбий таълим тизими тараққиёти жараёнида ўқув жараёнини ташкил қилишнинг умумий меъёрлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар қандай қилиб ўқитиш мақсадларига эришишни кўрсатиб берар эди, уларни биз ўқитиш тамойиллари деб атаемиз. Равшанки, бу тамойиллар ҳар қандай ўқув жараёнига хос бўлади, лекин бизнинг ҳолда улар ўз хусусиятига эга ва маҳсус талқинни талаб қиласди. Агар ўқитиш мақсадлари нимани ўқитиш лозимлигини аниқлаб берса, у ҳолда ўқитиш тамойиллари буни қандай қилиш кераклигини кўрсатади. Ўқитиш тамойиллари генезиси (пайдо бўлиши, келиб чиқиши) тўғридан-тўғри педагогиканинг тараққиёти билан боғлиқдир.

Шундай савол туғилиши табиий: ўқитиш тамойиллари сони ўзгармасми, ёпиқми? Бу саволга поляк педагоги В.Оконь қуйидагича жавоб беради: «Бу саволга эҳтиёткор, ўқитиш жараёнининг ривожланиш билан боғлиқ бўлган ўсиб бораётган имкониятлари, узоқни кўрувчи тадқиқотчи йўқ деб жавоб беради. Маълумки, бизнинг тафаккуrimiz чегараланмаган, ва демак, ўқитиш жараёнига таалуқли бўлган ва тадқиқ қилинган қонун ва қонуниятлар бу қонун ва қонуниятлардан келиб чиқадиган меъёрлада ўз аксини топмаган... ва вақти келганда биз ўқитишни бошқарадиган ва янги тамойилларни киритишни талаб қиласдиган янги билишимиз мумкин бўлади». Ҳақиқатда ҳам, биз таълим жараёнига инновацион, интенсив, компьютер технологияларининг кириб келишининг гувоҳи бўлмоқдамиз, улар инсонларнинг касбий шаклланиш жараёнини бойитиб ва тезлаштириб қолмасдан, балки унинг ўрганилмаган томонларини ҳам ёритиб бермоқда.

Ҳозирги вақтда касбий таълимда дидактик тамойиллар сони нисбатан барқарорлашди. Уларни санаб чиқамиз:

кўргазмалилик тамойили;

билимларнинг тизимлилик ва изчиллик тамойили;

ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг онгли ва фаол иштироки тамойили;

ўқувчилар билимининг мустаҳкамлиги тамойили;

назариянинг амалиёт билан, ўқитишнинг ҳаёт билан боғлиқлиги тамойили;

ўқитишнинг илмийлик тамойили;

ўқувчилар билимининг тезкорлиги тамойили.

Булар ўзаро чамбарчас боғланган бўлиб, ўкув жараёнини уларга асосланиб қуриш ва ҳар бир дарсда бир вақтда бир қатор дидактик тамойиллар талабларини ҳисобга олиш ва уларни комплекс амалга ошиши учун шароитлар яратиш зарур бўлади.

Касбий таълимда ҳар бир тамойилни қўллашнинг ўзига хос хусусиятларини қисқача кўриб чиқамиз.

Кўргазмалилик тамойили. Кўргазмали ўқитиш деб аталадиган дидактиканинг асосчиси Ян Амос Коменскийдир.

Касб таълими педагоглари турли хилдаги кўргазмалардан фойдаланади: табиий ва расмли, график ва ҳажмли, овозли, рамзли. Агар методика тўғри танланган бўлса, у ҳолда материални қабул қилиш шунча муваффақиятли бўлади. Олимларнинг таъкидлашларича ахборотнинг 75% дан кўпроғини биз кўриш воситасида ўзлаштирамиз.

Бироқ, Я.А.Коменский огохлантирганидек, ҳиссий қабул қилиш билишнинг бошланғич босқичини билдиради, ва билишнинг навбатдаги муқаррар босқичи – бу абстракт фикрлашдир. Яъни ўқувчиларга кўргазмали материални тақдим қилиш, кейин уни албатта тушуниб етишни англатади.

Фрэнсис Бэкон (1561-1620) бу тамойилни шундай талқин қилган: аввал буюмни ўз ҳолича тафаккур қилиш, сўнг у ҳақда гапириш. Бироқ бошқа методикалар ҳам мавжуд бўлган. Педагогикада, масалан, «вербал ўқитиш» деган атама мавжуд, яъни предметларни уларни англатадиган сўзлар билан алмаштириш. Масалан, иезуит мактабларида шундай ўқитишган: ўқувчилар аввал сўзларни ўргангандар ва шундан сўнггина улар билдирадиган буюмларни.

Үша вақтлардан бери дидактика сезиларли бойиди, ва биз бугунги кунда үқувчиларнинг психофизик имкониятларини ҳисобга олиб ўқитишнинг изланувчан ва тайёр ҳолда бериш характерларидан фойдаланиш Маълумки, кичик мактаб ёшидагилар (7-12 ёш) аниқ-образли тафаккур билан характерланишади. Ва кўргазмалилик воситаларини қўллаб амалий фаолият орқали ўқитиш вербалга қараганда устуворроқ..

Аксинча, катта ёшдаги үқувчиларни ўрта маҳсус, касб – хунар (ЎМКХ) үкув юртида ўқитганда биринчи ўринга сўз-мантиқий тафаккур чиқади. Бу ҳолатлар албатта касбий таълимда кўргазмалилик тамойилига кирадиган 2 та қоидага риоя қилинган ҳолда ҳисобга олиниши зарур: (Ч.Куписевич бўйича)

- 1) воқеликни тўғридан-тўғри ўрганиш, яъни кузатиш, ўлчаш ва фаолиятнинг турли хилдаги амалий қўринишларига асосланган ўрганиш, бу дарсда ўтиладиган мавзуларни етарлича тушуниш учун зарур бўлган кузатиш ва тасаввурлар заҳирасига эга бўлмаган ҳолда үқувчилар билан ишлашнинг бошланғич нуқтаси бўлиши керак.
- 2) Ўқувчилар муайян предмет, ҳодиса ва жараёнларни бевосита ўрганиш йўли билан ишончли, мустаҳкам ва тезкор билимларни эгаллай олиши учун унинг ўрганиш фаолиятига раҳбарлик қила олиши зарур. Яъни уни мос кўрсатмалар тизими билан таъминлаши ва унинг диққатини ўрганилаётган предметнинг муҳим жиҳатларига жамлаши зарур.

Иккинчи қоида тажрибалари педагогларга яхши таниш ва ёш ўқитувчи ҳисобга олиши лозим бўлган ҳолатлар билан боғлиқ. Агар гуруҳ олдида кўрсатиш учун бирорта обьект (плакат, диафильм кадри, видеоматериал фрагменти ва ҳ.к.) тақдим қилинган бўлса, у ҳолда ҳамма үқувчиларнинг диққати ўқитувчи назарда тутган нарсага қаратилганлигига кафолат йўқ.. Шунинг учун ўрганувчиларнинг диққатини англаниши лозим бўлган элементларга жалб қилиш методик жиҳатдан тўғри бўлади. Намойиш вақтида изоҳ бериш янада муҳим, чунки асосий элемент назардан қочиши мумкин. Бироқ қўриш давомида талаба кўргазмага бутунлай берилиб кетган бўлса, изоҳни эшитмаслиги мумкин. Буни тажрибали артистлар яхши билишади, улар матнни жест ва мимика билан оқилона нисбатда олиб борадилар. Худди шундай педагог ҳам талabalар диққатини кўрсатилаётган нарсага ва ўзининг нутқига жалб қилишга ўрганиши керак.

Психологик нуқтаи назардан предмет, тасвирий ва оғзаки кўргазмалилик ажритилади.

Предметли кўргазмалилик касбий таълимда табиий ишлаб чиқариш обьектлари (машиналар, машина деталлари, маҳсулот намуналари, хом-ашё ва ҳ.к.), иш услублари ва ҳ.к. бевосита қабул қилишни билдиради.

Тасвирий күргазмалилик ўқув - күргазмали қўлланма ва воситалар: модел ва макетлар, ўқув жадваллари, технологик хариталар, телевидения, видео ва кинофильмлар ёрдамида амалга оширилади.

Оғзаки күргазмалилик дейилганда педагогнинг ўқувчилар кўз олдида аниқ тасаввурлар ҳосил қиласиган тиник-равон, образли, жонли нутқи тушунилади. Дарсларда күргазмалилик тамойилини оптимал қўллагандан ҳам у сўз-мантикий ўқитиш воситаларини сиқиб чиқариши керак эмас.

Тизимлилик ва изчилилк тамойили. Ҳар қандай фаолиятнинг ютуғи қўйилган мақсадга эришишда тизимлиликка боғлиқ.. Бу айниқса мутахассисларни тайёрлашда жуда муҳим. Тизимлилик тамойили ўқитишида қатъий мантиққа – ўқувчилар билим, ўқув ва қўникмаларни қадамба-қадам эгаллашларини билдиради. Яъни янги материални ўрганишга ўтиш, ундан олдингиси ўзлаштирилгандан кейингина амалга оширилади. Бу дидактик қоида дарс Ҳамда дарсдан ташқари ишларга тегишли бўлади. Ушбу тамойил ўқитиш дастури, ўқув ва услугбий адабиётлар структурасида ўз аксини топса ҳам касб таълими педагоги машғулотларга тайёрланиш ва уни ўтказишида қуидаги қоидаларга риоя қилиши лозим:

- 1) дастурнинг бирор бўлимини ўрганишда материални дарсларга бир текисда тақсимлаш керак.
- 2) Ўқувчиларни янги материал билан таништиришида яхши натижаларга эришиш учун уларнинг билим даражасини аниқлаб олиш ва ушбу билимлардан тизимли фойдаланиш зарур шартлардан ҳисобланади.
- 3) Ҳар бир дарсда унинг мазмуний марказини аниқлаш, ва унинг фонида, унга боғлиқ ҳолда амалий ишлар, билим ва ўқувларни олиш тизимини тузиб чиқиши муҳим бўлади.
- 4) Мутахассислик бўйича биринчи дарсдаёқ ўқувчиларни мустақил ишга жалб қилиш керак (вазиятлар ҳосил қилишга интилиб), шунда улар ўзларининг билимларидағи пробелларни аниқлайдилар ва уларни тўлдиришига ҳаракат қиласидилар.

Ваниҳоят, ёш педагогларга қуидаги маслаҳатни бериш мумкин:

Кўпинча янги материални тушунтиришида ўқувчи уни дарҳол тушунмайди, ҳамма тушунди, у эса йўқ. Дарс вақти эса тифиз, режа бўйича давом этиш керак. Мумкин эмас! Агар сиз ўқувчида инсон шахсини кўрсангиз, у ҳолда унга ҳурмат билан қаранг, яна бир марта, бошқачароқ қилиб тушунтиринг. Қолганлар учун ҳам фойдали бўлади, энг асосийси бу ўқувчининг билимида пробел бўлмайди, яна бундай инсонпарварлик ўқувчи назаридан четда қолмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, тизимлилик ва изчиллик тамойилини амалга ошириш педагогнинг ўзидан ҳам дарсга тизимли равища тайёрланишни, ҳар бир машғулотнинг мавзусини чуқур тахлил қилиш, доимий назоратни амалга ошириш ва ўқитиш натижаларини объектив баҳолашни талаб қиласди.

Шундай ёндашувда иш ҳақиқатдан ҳам муваффақиятли бўлиши эҳтимоли кўпроқ.

Кучига ярашалилик ва етказиб бера олишлилик тамойили. Я.А.Коменский материални етказиб бера олишлик кўргазмалилик каби ўқув жараёни ютуғининг муҳим шарти ҳисобланади. У қуйидаги қоидаларни келтиради:

ўқитища ўқувчига яқин бўлган нарсадан, унга шу пайтгача номаълум бўлган нарсага ўтиш керак

ўқитища осонидан қийинроғига ўтиш лозим

ўқитища маълумдан янгиға, номаълумга ўтиш лозим

индивидуал иш тезлигидаги фарқ ва ўқища илгарилаб кетган ўқувчилар ҳисобга олиниши зарур.

Тушунарлилик ва кучига ярашалилик тамойилига қатъий риоя қилиш – ҳар қандай ўқув-тарбиявий ишнинг муваффақияти гаровидир. Ўқувчиларга уларнинг кучи етмайдиган талабларни қўйиш уларнинг ўз кучларига бўлган ишончни йўқотади ва ўқиш истагини камайтиради, таълим мақсадларига эришиш йўлида жиддий психологик тўсиқлар пайдо қиласди.

Бироқ талабларнинг жуда паст даражада бўлиши ўқиш жараёнига бўлган қизиқишишларни сусайтиради, ўқувчиларнинг салоҳиятини сафарбар қilmайди.

Бу ерда бир нарсани ойдинлаштириб олиш лозим. Осондан қийинга, оддийдан мураккабга, маълумдан номаълумга ўтиш деганда, биз ҳеч қачон ўқитишини енгиллаштиришни назарда тутмаймиз. Агар ўқувчиларнинг ривожланиш даражаси, уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинса, ўқиш ўз-ўзидан осон бўлади.

Касб таълими ўқитувчиси материални тўғри танлаб, ишдаги қийинчиликларни режали асосда ошириб бориши ва шу тариқа ўқувчиларни уларни енгишга ўргатиб борилади. Бироқ бунинг учун у ўзининг ўқувчиларини яхши билиши, уларга пайдо бўлган қийинчиликларни тушунтириши ва уларни енгишга ёрдам бериши зарур.

Бахтга қарши ЎМҚҲ ўқув юртлари ўқитиши мазмуни ва суратини индивидуаллаштиришга муҳтож. Мутахассисликка ўқитища асосийси режа эмас, балки мақсад – ҳар бир ўқувчининг оптималь натижага эришиши, унинг қобилиятларини тўлароқ очиш. Шундай ёндашув Давлат таълим стандартларида ҳам ўз аксини топган.

Ўқитиши жараёнида ўқувчиларнинг онгли ва фаол қатнашиш тамойили.

2.4. Ўрта маҳсус, касб-хунар ўқув юрти педагогининг дидактик фаолияти

Ёшларга касбий таълим бериш мақсади қатор талаблар билан аниқланади: вақт тақозоси билан, илмий-техник тараққиёт талаблари билан, жамиятнинг ижтимоий буюртмаси билан, Ўзбекистон республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни билан, жаҳон фани ва фан-техника ютуқлари билан, ижтимоий- иқтисодий, психологик, моддий- техник ва маданий муносабатлар билан, инсоннинг табиат ва техносферадаги мавқеи билан.

Касбий таълим ўқитувчисининг функциялари қўйидагилардан иборат: ўқитиши, ривожлантириш, тарбиялаш (меҳнат, технологик маданият, ақлий, жисмоний, аҳлоқий, экологик, хуҳуқий, эстетик, маънавий, жамоавий), диагностик, бошқарувчи, муҳандислик, назорат қилувчи, тадбиркорлик, конструктор-технологик, ташкилий, лойиҳалаш, кашфиёт - рационализаторлик, информацион, сафарбарлик, тадқиқий ва бошқалар.

Педагогик фаолият структураси: амалий - ўзгартирувчи, қадрли-мўлжалланган, билиш, коммуникатив ва бошқалар.

Ўқитувчининг барча фаолиятлари у ёки бу ўқитиши методларида ўз аксини топади. «Метод» сўзи нима қилиш керак, қандай қилиш кераклигини ойдинлаштириш билан бирга кўлланилади. Метод деганда муайян масалаларни ечиш, маълум мақсадларга эришиш йўллари, усуллари, воситалари тушунилади. Шундай қилиб ўқитиши методлари педагог ва талаба, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ишлаш усуллари сифатида аниқланади ва улар ёрдамида билим, уқув ва қўнималарга эришилади, дунёкарош шаклланади ва қобилиятлар ривожланади. Ўқитиши методлари оғзаки, кўргазмали, буюм ва уларнинг тасвирларини кузатиш, иллюстратив, китоб устида ишлаш ва ҳ.к. «Маҳсус фанлар» таълимий соҳани ўзлаштириш ва ўқитиши методлари қўйидагиларни назарда тутади: дорматик, тарихий, бевосита кузатиш, тажрибавий, лойиҳавий. Бироқ ҳар қандай шароитда ҳам ўқувчиларга технологик билимларни эгаллаш усулларини, мантиқий фикрлашни ўргатиш зарур.

Талабаларнинг умумтехник тайёргарлигини таъминлаш учун ўқитишининг фаол методларидан фойдаланилади: техник ва технологик вазифаларни ечиш (иш режимларини ҳисоблаш, бошқарувчи дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни регулировка қилиш, кинематик ва динамик характеристикаларни ҳисоблаш, маҳсулот конструкциясини ишлаб чиқиш)

Ўзгартирувчи фаолият методлари қуйидагича бўлиши мумкин: репродуктив, муаммоли, изланувчан, тадқиқий, мустақил иш, амалий, лойиҳавий ва бошқалар.

Муҳандислик ва касбий тайёргарликнинг комплекс фаол методлари: дизайн-таҳлил, морфологик таҳлил, лойиҳалар методи, ақлий ҳужум методи, компьютерлаштириш, ишбоп ўйинлар, ўқув-тажриба ва боқалар.

Ўқув фаолият шакллари: индивидуал, индивидуал-гурухли, жамоавий, синф ва синфдан ташқари ва бошқалар.

Ўқитиш сифатини назорат қилиш қуйидагича бўлиши мумкин: кузатиш, билим ва укувларни текшириш, тестдан ўтказиш.

Ўқитувчининг касбий тайёргарлиги мотивацияси, бизнингча, энг аввало унинг ўқувчилар билан ишилашни жон-дили билан севишидир. Умумий ҳолда мотивация инсон фаолиятини бошқаришда унинг хулқ-автор мотивларидан фойдаланишидир.

Касбнинг шахсга талаблари: педагогик маҳорат, уқув, кўникмалар; психологияк-педагогик лаёқат; педагогик мувофиқлик ва такт; меҳнат таълими методикаси, технология ва тарбия таълими методикасини мукаммал билиш; ўқувчиларнинг потенциал имкониятларини ривожлантириш ва уларни юзага чиқариш, ўқиш натижаларини илмий баҳолай олиш ва бошқалар.

Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар: инсонпарварлик, ўқувчига қизиқиши ва муҳаббат, профессионал-педагогик йўналганлик, ижтимоий эҳтиёжлар, аҳлоқий ва умуминсоний қадриятлар, масъулият ва ижтимоий бурч, ташкилотчилик қобилияtlари, педагогик мустақил таълим ва бошқалар.

Ўқитувчига зарур бўлган билимлар: ижтимоий-гуманитар, психологик-педагогик, умумтехник, маҳсус, иқтисодий, экологик, умуммаданий.

Ўқитишнинг анъанавий тамойиллари: назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги, илмийлик, тизимлилик ва изчиллик, эришувчанлик, кучига ярашалилик, яхлитлилик, интегративлик ва универсаллик, табиат билан ўхшашлик ва маданий ўйғунлик, вариативлик, информативлик, модуллилик, қадриятларга ва амалий йўналганлик.

Ўқитувчининг муҳандислик фаолияти моделини яратишда етакчи дидактлар, хусусан А.И.Мищенко, В.Д.Симоненко ва ўқитувчининг мураккаб ва кўп қиррали фаолиятга касбий тайёргарлигини шакллантириш бўйича олимларнинг олиб борган тадқиқотлари асос қилиб олинган. Педагогнинг касбий тайёргарлиги хусусиятлари ва унинг модели асослари сифатида Н.М.Назаровнинг тадқиқотларидан фойдаланиш мумкин. Ўқитиш жараёнида университет талабаларининг касбий педагогик маданиятини шакллантиришнинг назарий асослари Т.Руднева ишларида тадқиқ қилинган.

Ўқитувчи фаолиятининг натижаси ўқувчиларнинг билимлилик даражасидан иборат: техника, технология ва технологик маданият асосларини билиш, содда буюмлар тайёрлаш бўйича лойиҳавий фаолиятни ўзлаштириш, функционал саводхонлик, касбий сафарбарлик, оддий технологик операцияларни бажариш укув ва кўникмалари, мустақил ишни ташкил қилиш ва бошқалар.

2.5. Ўрта маҳсус, касб-хунар ўқув муассасаларида ўқитишнинг назарий асослари

2.5.1. Ўқитиш жараёнининг моҳияти ва қонуниятлари

Талабаларнинг касб таълими олишларини таъминловчи педагогик жараёнларнинг мухим таркибий қисми бу ўқитиш жараёнидир.

Жараён бу тараққиёт дақиқаларининг бир-бири билан кетма-кет, қонуний ва узлуксиз алмashiшидир.

Ўқитиш жараёнига қўйидаги таърифларни бериш мумкин.

Коммуникатив нуқтаи назардан ўқитишни билим ва тажрибага эга бўлган одам билан уларни қабул қиласиган одам орасидаги мулоқот сифатида таърифлаш мумкин.

Фаолият нуқтаи назаридан ёндашилса, ўқитиш – бу таълимнинг етакчи функцияларини амалга оширишга қаратилган педагог ва талабанинг ўзаро боғлиқлиқдаги фаолиятидир.

Бошқариш нуқтаи назаридан ўқитиш – бу педагог томонидан талабанинг ўрганиш фаолиятини ташкил этишидир.

Барча таърифларда таълим жараёни учун хос бўлган бинар фаолият мавжуд.

Ўқитишни таърифлаганда, улардан бирортасини бирламчи деб олиш шу жараённинг бузилишига олиб келади.

Агар ўқитишни асосий, етакчи фаолият деб олсак, у ҳолда бундай фаолият тури талабани янги тараққиёт даражасига кўтара олмайди. Ўргатувчи бош фигура эмас, балки талабанинг ўрганишини таъминловчи ёрдамчиидир.

Етакчи маъно ҳосил қилувчи фаолият сифатида ўқиш, ўрганиш туради. Чунки у бўлмаса ёки етарли бўлмаса, у ҳолда ўқитувчининг фаолияти маънога эга бўлмайди.

Педаголар уларнинг фаолияти ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш характерида бўлиб, талабанинг фаоллигини ташкил қилиш ва ўрганишларига ёрдам беришдан иборат эканлигини ёдда тутишлари лозим.

Замонавий таълимнинг назарияси ва амалиётида асосий ургу ўқитувчининг ўргатувчилик фаолиятидан ўқувчининг ўрганиш, билиш фаолиятига қўчирилади.

Шундай қилиб, ўқитиши – бу педагог томонидан талабаларнинг янги-янги тафаккур масалаларини ёчишдаги фаолиятини ташкил қилинишидир. Бунда биринчى ўринда «нимани ўргатиши» эмас, балки «қандай ўргатиши» керак деган савол туради.

Ўқитиши жараёнини асосий ҳаракатга келтирувчи куч – бу талабаларда мавжуд бўлган ижтимоий тажриба ва билим билан уларнинг олдиға қўйилаётган масала орасидаги зиддиятдир.

Бу зиддиятни англаш талабаларни ҳамкорликка ундаиди. Натижада уларда ривожланиш рўй беради. Ўзи учун янги бўлган тажрибаларни ўзлаштиради. Шундай қилиб, ҳамкорликдаги фаолият характери зиддиятларни ечиш усуллари талабаларнинг ривожланиши ва уларнинг олға интилишларининг асосий сифати хисобланади.

Ҳамкорликдаги фаолият тури ва характерига кўра турли хилдаги ўқитишига ажратилади.

Анъанавий репродуктив ўқитиши усули талабалар томонидан янги вазифаларни ечиш учун билим ва фаолият усулларини қўчиришга ва қабул қилишга асосланган. Бунда уларни ўзлаштиришга эҳтиёжи борми ёки йўқми ҳисобга олинмайди. Натижада ижтимоий тажриба (ўқитувчи берган мавзуси) қисман ўзлаштирилади (асосан билим ва фаолиятнинг стереотип усуллари). Ижодий фаолият тажрибаси ва қадрият муносабатлари ўзлаштирилмайди, яъни ўқитишини ривожлантирувчи ва тарбиявий масалалари етарли ечишмайди. Олинаётган билимларнинг мотивацияси ва шахс учун маъноси юқори бўлмайди.

Замонавий инновацион (продуктив) ўқитиши усули педагог томонидан ўқувчи, ўрганувчиларнинг интенсив, мустақил ва ижодий фаолиятини ташкил қилишга асосланган. Шундай фаолият асосида улар аниқ тафаккур, хаётий ва касбий муаммоларни ечадилар, мустақил изланадилар, янги билимларни кашф этадилар.

Ижтимоий муносабатлар тизимида инсоннинг ўз-ўзини ўзгартириши рўй беради.

Шундай қилиб, мавзунинг моҳиятига кўра ўқитиши жараёни фақатгина интеллектуал ўзгаришларни ҳосил қиласдан, балки шахсдаги янги ўзгаришларга ҳам олиб келади.

Ўқитиши, ривожланиш ва тарбия орасидаги ўзаро алоқа ўқитиши жараёнининг объектив қонунияти сифатида ифодаланади. Бироқ ўқитишининг турига кўра тарбия

ва ривожланишнинг характери турлича бўлиши мумкин: позитив ва негатив, қисман ривожлантирувчи ва интансив ривожлантирувчи.

Ўқитиш жараёнинг ривожлантириш имкониятларини етарлича баҳоламаслик, ўқитувчининг талабалар томонидан фақатгина билим ва стереотип фаолият усулларини ўзлаштиришга эътибор бериши талабаларда репродуктив фикрлаш усулининг шаклланишига олиб келади (хотира, диққат ва қабул қилиш ривожланади). Продуктив ижодий тафаккур, шахснинг эмоционал соҳаси кам ривожланади. Оқибатда ностандарт масалаларни, мураккаб касбий муаммоларни ечишни талаба эплолмайди.

Ўқитиш жараёнининг структуравий компоненталари. Шахс компоненти. Ўқитиш жараёни субъектлари – педагог ва талаба. Бир томондан, ўқитишни ташкил этиш педагогдан муайян педагогик маҳорат даражасини талаб қиласди. Иккинчи томондан, бу жараённи ташкил қилишда бошланғич йўлланма бўлиб талабаларнинг ўрганиш имкониятлари ва уларнинг ўқишига тайёрлик даражаси, мотивацияси, билиш эҳтиёжлари ва қизиқишилари хизмат қиласди.

Мақсад компонентаси. Ўқитиш мақсадлари ЎМКҲТ давлат таълим стандарти, малакавий характеристика, мутахассис моделида профессионал шахси ва фаолиятига қўйиладиган талаблар билан аниқланади. Шу билан бирга улар бу талаблар ўқувчиларнинг реал имкониятлари, эҳтиёжлари ва қизиқишилари билан, ўқитиладиган курс мазмуни билан солишириш асосида аниқлаштирилади. Шундай қилиб, мақсадлар иерархияси қурилади ва унга ўқув жараёнининг шахс компонентаси ҳисобига аниқлик киритилади.

Мазмун компонентаси. Ўқитиш мазмуни қўйилган мақсадларга эришиш учун талабалар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлганлардан иборат бўлади. Унинг минимуми ЎМКҲТ ДТС и билан аниқланади. ДТС асосида касб таълими муассасасининг ўқув режалари ҳамда муайян ўқув фани дастурлари ишлаб чиқилади. Ўқув материалининг мазмунини танлашда педагог ўқувчиларнинг ўрганиш имкониятлари ва қизиқишиларини ҳам ҳисобга олади.

Операцион-фаолият компоненти (ўқитиш шакллари, методлари, услублари, технологиялари). Ўқитиш мақсадлари ва вазифаларини амалга ошириш муайян метод, усул, технологиялар, ташкилий шакллар ёрдамида ўқувчи билан ўзаро алоқани ташкил қилиш асосида амалга оширилади.

Дидактик шароитлар. Агар ўқитиш жараёнини самарадор амалга оширишни таъминлайдиган ташкилий, моддий ва психологик шароитлар яратилмаса, бу жараён амалга ошмаслиги мумкин. Ташкилий шароитлар – бу ўқитиш режимлари ва вақт чегаралари, ўқув жараёнининг ташкилий структураси, унинг фазовий ташкилоти (ўқувчиларнинг ўқув аудиторияларида жойлашуви ва х.к.). Ташкилий шароитлар фақатгина ўқув жараёнига қўйиладиган талаблар (ўқув режа, дарс жадвали) билан эмас, балки умумгигиеник талаблар, ўқувчиларнинг физиологик хусусиятлари ва эҳтёжлари (турли хилдаги фаолият турларининг алмашуви,

овқатланиш тартиби, энг катта иш қобилияти вақти, талабаларнинг ортиқча зўриқишига йўл қўймаслик ва ҳ.к.) билан ҳам аниқланади. Моддий шароитлар ўқув жараёнини ўқитиш воситалари билан таъминланганлиги билан боғлиқ: ўқув жараёнининг техник таъминланганлиги, кўргазмали қуролларнинг бўлиши, педагогнинг ўқув-методик комплекси, талабаларнинг мустақил ишини ташкил қилиш учун қўлланма ва ишланмалар. Психологик шароитлар ўқув жараёнидаги коммуникативликни таъминлаш ва педагогнинг мулоқотни бошқара олиш қобилияти билан ҳамда ўқитиш жараёнидаги қулай психологик мухитни таъминлаб берадиган гурухдаги коммуникатив муносабатларни ташкил қилиш билан боғлиқ.

Назорат-тўғриловчи компонент ўқитиш жараёнининг асосий таркибий қисмларидан биридир. Унинг аҳамияти ҳар қандай тизимли бошқаришда мухим элемент бўлган тескари алоқа зарурлиги билан аниқланади. Ўқитиш натижаларини назорат қилиш ўқув жараёнининг самарасини аниқлашга унинг барча бошқа компоненталарига ўзгариш киритиш имконини беради.

Баҳолаш-натижавий компонент ўқитиш жараёнининг якуни ва натижаси ўқитиш мақсадларини амалага ошиши ва уларга мос натижаларга эришиш билан боғлиқ. Шунинг учун ўқитишнинг ҳар қандай цикли унинг натижаларини таҳлил қилиш билан якунланади ва шуларга асосланган ҳолда янги босқич учун мақсад ва вазифалар белгиланади. Ўқитишнинг ҳар бир босқичига якун ясаш нафақат натижавийликни баҳолаш учун, балки ўқувчи ва педагогнинг ўзини рефлексия ва таҳлил қилиш хусусиятини ривожлантириш, ҳар иккисида ҳам олдинга интилиш ва мукаммалликка бўлган эҳтиёжларни шакллантириш учун зарур. Шунга мос равишда ўқитиш жараёнининг якуний босқичи ўз ичига қўйидагиларни олади: ўқувчилар ҳамда педагог фаолияти натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш.

Шундай қилиб, юқорида санаб ўтилган компоненталар ҳар қандай дидактик тизимнинг зарурий структуравий элементларини ташкил этади ва ўқитиш жараёнининг мантигини, унинг асосий босқичларини аниқлаб беради.

2.5.2. Ўқитишнинг психологик асослари. Ўқувчининг ўқув фаолияти. Ўқув фаолияти тузилиши

Талабаларнинг ўқув фаолиятини ўқитиш жараёнининг етакчи, маъно яратувчи қисми сифатида тан олиш ўқитувчидан унинг моҳияти, структуралари, психологик механизмларини чукур билиш ва тушунишни ҳамда уни ташкил қилиш ва шакллантириш усулларини эгаллашни талаб қиласди. Ўқув фаолиятнинг психологик асослари россиялик олимлар – Д.Б.Эльконин, В.В.Давидова, А.К.Маркова, П.Я.Гальперин, И.И.Ильясов, И.А.Зимняя, Л.С.Фридман ишларида ёритилган. Шу билан бирга ўқув фаолият етарлича мураккаб ҳодиса бўлиб, кўпинча турлича талқин қилинади. И.А.Зимняя «ўқув фаолият» тушунчаси

баъзида жуда кенгайтирилиб юборилади ва «ўқиши», «ўрганиши» ва ҳаттоки «ўқитиши» тушунчаларига айнан тенглаштирилади дейди.

Энг аввало «ўқиши», «ўрганиши» ва «ўқув фаолияти» тушунчалари қандай муносабатда бўлишини кўриб чиқайлик. Д.Б.Эльконин ва В.В.Давидов таълимотни инсон томонидан фаолиятларнинг турли қўринишларида билим ва уқувларни ҳамда бошқа одамлар билан мулоқот қилиш шаклларини ўзлаштириш сифатида қарайди. Унда ҳар қандай ўрганишни ҳам ўқув фаолиятга киритиш ярамайди. Инсон ўйин ёки меҳнат фаолияти жараёнида ўрганиши мумкин. Бундай шароитда ўрганиш мустақил фаолият бўлмай, балки бошқа фаолиятга кирган жараён бўлади, яъни шахсан ўқув фаолияти бўлмайди. Ўқиши ўрганиш натижаси бўлиб, шахс томонидан янги сифат ва хоссаларнинг эгалланишидан иборат бўлади, ҳар қандай фаолиятнинг кўзда тутилмаган натижаси бўлиши мумкин. Ўқув фаолиятнинг бошқа ҳар қандай фаолиятдан фарқи шундаки, агар иккинчидан асосий натижажа аниқ маҳсулот бўлиб, инсоннинг ўзгариши стихияли равишда, йўлма-йўлакай бўлса, биринчидан эса асосий маҳсулот сифатида унинг субъектининг ривожланиши, ўзгариши чиқади. Таққослаш учун мисол сифатида маълум маҳсулот яратишга йўналган конкрет ишлаб чиқариш фаолияти ва асосий натижаси касбий фаолият усулларини ўзлаштириш асосида талабаларнинг ўз ижтимоий-профессионал тажрибасини бойитиши ва касбий-шахсий ривожланишини таъминлайдиган ишлаб чиқариш ўқувини олиш мумкин.

Шундай қилиб, «ўрганиши» ва ўқув фаолияти синонимлар эмас. Ўқув фаолияти – бошқа ҳар қандай фаолиятни эгаллашнинг асосини ташкил қиласиган универсал фаолиятдир.

Ҳар бир фаолият ўз ичига ўзгартириладиган предметни олади, ўз мазмуни, воситалари ва амалга ошириш усуллари, маҳсулотга эга. Ўқув фаолиятнинг предмет мазмунини қараб чиқиб психологлар унда қуидаги компоненталарни ажратишиади.

Ўқув фаолиятнинг предмети ўрганувчиларнинг тажрибаси бўлиб у ўқиши давомида янги билимлар ва уқувлар ҳисобига бойитилади ва ўзгарган билим ва уқувлар аввалги тажрибалар тизимиға қўшилади.

Ўқув фаолиятнинг мазмуни сифатида янги билим ва фаолият усулларини ўзлаштириш жараёни ҳисобланади.

Ўқув фаолиятнинг воситалари қуидагилардан иборат: интеллектуал амаллар (фикрий амаллар) – таҳлил, синтез, умумлаштириш, таснифлаш ва бошқалар; билим ўзлаштириладиган формалар: белгили, тилли, вербал воситалар; индивидда мавжуд бўлган ва унга янги билимларни эгаллашга ёрдам берадиган – ўрганувчининг тезауруси; ижтимоий тажриба, билимлар, улар билан ишлаш орқали талаба ўз тажрибасини ўзгартиради.

Ўқув фаолиятнинг маҳсули ва натижаси – ўзлаштирилган ижтимоий тажриба фрагменти ва ушбу ўзлаштириш ҳисобига ўрганувчиларнинг аввалги тажрибалари билан бўлган ўзгаришлар, яъни билим, уқув ва қўникмаларнинг ўзлаштирилган тизими, олингин ижодий фаолият, дунёга қадрли муносабатда бўлиш тажрибасидир.

Ўқув фаолияти тузилмаси. Д.Б.Эльконин, В.В.Давидов, И.И. Ильясов ишларида кўрсатиб ўтилган ўқув фаолият тузилмасининг тавсифи исталган фаолиятнинг умумий тузилишини ҳисобга олади ва шу билан бирга ўрганиш фаолиятининг ўзига хос хусусиятини акс эттиради. Ҳар қандай бошқа фаолиятлар каби ўқув фаолияти қуйидаги босқичлардан иборат:

- мотивация (фаолиятга бўлган истак);
- мақсадларни қўйиш;
- режалаштириш, дастурлаш;
- бажариш, амалга ошириш;
- назорат;
- натижаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш.

Ушбу босқичларга мувофиқ ўқув фаолияти қуйидаги тузилмавий компонентларга бўлинади: мотивация; ўқув вазифаси; ўқув амаллар; назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш; баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолаш.

Талабаларнинг ўқиш мотивацияси. Ўқувчилар ўз фаолиятининг субъекти бўлиб ҳисобланади, уни бошқара олиш қобилиятига эга ва унга бўлган эхтиёжга қанча бўлса, шунчасини амалга ошириш ҳамда ўқув жараёнида юзага келадиган ўқув вазифаларини ҳал этишга интилиш имконига эга. Мотивация – ўрганиш ва ўқув масалаларини ечишга бўлган истакни аниқлайдиган барча омиллар мажмуи ҳисобланади: мотивлар, эҳтиёжлар, қизиқишлир, мақсадлар ва бошқалар. Ўқув фаолиятининг мавжуд тадқиқотлари шахс мотивацион соҳаси иерархик тузилишга эга бўлиб, характеристи ва муҳимлик даражаси бўйича турли хил интилишларнинг бирикмаси эканлигини тасдиқлади. Масалан, А.К.Маркова унга ўқишга бўлган эҳтиёж, ўқув маъноси, ўқув мотиви, мақсад, эмоциялар, муносабат ва қизиқишини киритади. Мотивацион ўқув марказида турли-туман мотивлар тизими туради. Амалдаги мотивлар таснифи уларнинг турли тавсифлари ва хусусиятларини акс эттиради.

Ўрганиш фаолиятининг ўзига нисбатан қуйидаги мотивларни ажратишади:

ички – ушбу фаолият учун аҳамиятли бўлиб, унинг мазмуни ва бажарилиши билан боғлиқ бўлган. Бундай мотивлар сифатида қуйидагилар бўлиши мумкин: ўқув

жараёнга қизиқиши; янги ахборот, амалий уқув ва кўнималар олиш учун интилиш (ўқиши натижалари); ўзини ривожлантиришга, ўқиши жараёнида ўзининг ижтимоий ва касбий тажрибасини бойитишга бўлган эҳтиёж; касбий фаолиятни ўзлаштириш истаги;

ташқи – ўқиши жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган. Уларга ижтимоий мотивлар (жамият тан олиши, жамият учун зарур бўлган мутахассисликларни эгаллашга бўлган эҳтиёж) ва шахсий (муваффақиятга эришиш, ўзини сафарбар қилиш ва тасдиғини топиш, ижтимоий ва моддий фаравонлик ва мартабага эришишга бўлган эҳтиёж) киради.

Талабалар томонидан англанганлик даражасига кўра ўқув мотивлари англанилган ва англанилмаган бўлиши мумкин.

Талаба ўз ўқишининг ҳақиқий мотивларини ўзи ва бошқлар учун қабул қила олиши ва англашга қанчалик тайёрлиги бўйича тушуна оладиган, айта оладиган, ҳақиқий, амалдаги мотивлар ажратилади.

Таъсир этиш соҳаси, талабалар фаолиятини вақтинча ёки доимий бошқариш қобилиятига кўра қуидагиларга бўлинади:

- истиқболга ундовчи (масалан, касбни эгаллашга ва юқорроқ даражадаги билим олишга интилиш);
- бевосита ундовчи (масалан, аниқ ўқув материалига, ижобий баҳо олишга интилиш ва бошқалар). Мотивацион соҳанинг мураккаблиги ва иерархиклиги унинг ролларининг турли-туманлиги билан боғлиқ. Бу ҳам талабаларни узоқдаги мақсадлар ва ўқиши истиқболларига эришишга ундаш, ҳам уларда конкрет ўқув материалларини ечишга истак уйғотиш, ҳам уларнинг нафақат билиш эҳтиёжларини, балки ижтимоий мақомини, шахсий ўз-ўзини топишни таъминлаштир. Шундай қилиб ҳар бир талабанинг ўрганиш фаолияти кўпинча полимотивлашган бўлиб, бунда барча мотивлар тизимида анча муҳимроқ, устунроқ бўлганлари ҳамда унча муҳим бўлмаганлари ҳам ажратилади. Бундан ташқари, талабаларнинг мотивацион соҳаси динамиклилиги, бутун ўқиши йиллари давомида ўзгариш хусусиятига эга.

Талабаларнинг ўқиши мотивацияси тузилмасида энг аҳамиятга эга бўлган психологик омиллардан бири сифатида касбга йўналганликни келтириш мумкин. Ўтказилган тадқиқотлар касбга йўналганлик ўқитиши натижалари ва талабаларнинг ўқув фаоллигига сезиларли таъсир этишини кўрсатди. В.А.Якунин маълумотларига кўра касбга бўлган қадрли муносабат ўз ўқувини ташкиллаштиришнинг юқори даражасини аниқлайди, шу билан бирга унинг ўқув фаоллик ва ўқув фанларни муваффақиятли эгаллашга таъсири жуда юқори бўлади. Ўқув фанларининг касбий муҳимлигини англаш ва уларга қизиқиши талабаларнинг ўқув фаоллиги даражасини оширади. Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики касбга ва ўқишига нисбатан паст қадриятда бўлган талабалар ўқиши жараёнининг ташқи шароитларига йўналган

бўлади ва ўз қийинчиликларини баҳолашда уларнинг сабабини шахсан ўзларининг ишларида эмас, балки кўпинча ўқув жараёнини ташкил қилишда, ўқитувчи фаолиятида кўрадилар. Касбга ижобий муносабатда бўлган талабалар эса қийинчиликларнинг сабабини ўзларидан қидирадилар ва уларни енгиш йўлларини ўзини ва ўқув меҳнатини такомиллаштиришда кўради. Шундай қилиб, улар ташки омиллар ва ўқитиш шароитларига унча боғлиқ бўлмай анча мустақилдирлар ва ўз ўқув фаолиятларини ўzlари ташкил қилишга ҳаракат қиладилар.

Шуни эътиборга олиш керакки ўқув мотивацияси тузилмасида касбга йўналганликнинг роли кўпинча таълим муассасаси тайёрлаётган касбий фаолиятнинг ижтимоий мақоми ва моддий шароитларига боғлиқ. Баъзи мутахассисликларга етарлича талабнинг йўқлиги ва уларнинг паст иқтисодий таъминоти талабалар ўқиши истиқболли интилишлар мотивлар тизимида касбий йўналганлик ролининг пасайишига олиб келади. Масалан, ўtkазилган тадқиқотлар шундан далолат бермоқдаки, 1990 йиллар давомида Россияда педагогик фаолиятга мўлжалланган педагогик олий ўқув юрти талабаларининг сони икки мартаға камайди. Истиқболли истаклар мотивлар иерархиясида олий маълумот олиш, моддий фаровонликка ва юқори ҳақ тўланадиган меҳнат соҳасида мартабага эришиш устунлик қилмоқда. Маълум касбий режалар ва кўзлаган мақсадларга эга бўлмаган, уларни қизиқтирган ва ҳаётда зарур бўладиган айrim фанларни ўқишига йўналган талабалар сони ортиб бормоқда. Чет тиллар факультети 1-курс талабалари орасида 1998-1999 йилларда улар 57% ни ташкил қилди. Ўсиб бораётган ишсизлик вазиятида касбий таълим муассасалари кўпинча ўқишига қизиқмайдиган ва шу билан бир вақтда ишга жойлашишга имкони бўлмаган ёшларни ижтимоий бандлигини таъминлаб, ижтимоийлаштириш институтлари ролини бажармоқдалар. Шундай қилиб, ўқишининг истиқболга интилиш мотивлари шаклланмаган талабалар сони ошиб бормоқда. Бевосита ундаш мотивларининг ўрни ошмоқда. В.А.Якунин таъкидлаганидек, улар орасида стипендия олиш ёки уни сақлаб қолиш, ўқитувчидан ижобий баҳо олиш, ота-оналар орзу-умидларини рўёбга чиқаришга интилиш кабилар кўпинча ҳал қилувчи бўлмоқда.

Шунга асосан, ўқитувчининг ўз фаолиятининг субъекти бўлган талабанинг фаол ўқув позициясини таъминлайдиган ва энг аввало яхлит профессионал фаолиятни ўзлаштириш, касбий-шахсий ривожланиш ва мутахассис бўлиш воситаси сифатида ўқишига қимматли муносабатни шакллантиришга йўналтирилган маҳсус ташкил қилинган фаолиятга зарурият туғилади.

2.5.3. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини шакллантириш. Ўқув фаолиятда ўқувчининг ўрни. Ўзлаштириш жараёни. Ўзлаштириш даражалари

Ўрганувчиларнинг ўқув фаолиятини шакллантириш психологик-педагогик назария ва касб таълими амалиётида энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

И.И.Ильясов, В.А.Якунин, В.П.Трусов ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар биринчи курс талабалари одатда нафақат ижодий, ҳаттоғи репродуктив даражадаги хилма-хил ўқув масалаларини ечишни таъминлайдиган ўқув амалларини яхши билмаслигини күрсатди. Аксарият қўпчилигига ўрганишга бўлган ижобий қизиқиш ва профессионал мотивация, ўз-ўзини назорат ва таҳлил қилиш, ўз фаолият натижасига баҳо бериш ўқув, уқув ва кўникмалари шаклланмаган. Ушбу муаммони турли фанларни ўқиши жараёнида ижодий масалаларни ечиш асосида фақатгина назарий тафаккурни ривожлантириб ечиб бўлмайди. Талабаларнинг ўқув фаолиятини шакллантириш – бу энг аввало талабанинг ушбу фаолият субъекти сифатида шахс бўлиб шаклланиши ва ривожланиши муаммосидир. Демак, педагог олдида талабанинг субъект позициясини таъминлайдиган ўқув жараёнини ташкил қилиш вазифаси туради.

Инсон ўз фаолиятининг субъекти ҳисобланади, қачонки у уни яхлит амалга ошиrsa, унинг ҳамма босқичларига кириб кетган бўлса: ўз фаолиятининг мақсадини ўзи қўяди ва уни амалга оширади; ўзини мукаммалаштиришга ва ўзгартиришга ундейдиган ўз фаолиятини таҳлил ва рефлексиясини амалга оширади. Шу нуқтаи назардан иккита ўқитиш турини таққослаймиз: анъанавий ва инновацион – ўрганиш фаолияти субъекти бўлган талабага қаратилган (2.1.жадвал).

Талабани субъект позициясига ўтказишнинг умумий маъноси унинг фаолияти барча компоненталарини ўзгартиришдан иборат бўлади:

ўқишининг ижтимоий қимматли касбий мотивацияни шакллантириш;

ўқув фаолиятининг истиқболли ва конкрет мақсадларини англаш ва аниқлаш;

ўқув амалларини эгалланганликнинг натижаси бўлган умумукув ва кўникмаларни такомиллаштириш.

2.1.жадвал. Ўқув фаолиятда талабанинг ўрни

Анъанавий ўқитиш

Инновацион ўқитиш

Талаба фаолият субъекти ҳисобланмайди, унинг яхлитлиги бузилган, мотивация, ўқишининг шахсан мазмуни кучсиз, улар фаолиятнинг ўзи билан эмас, балки ташки таъсирлар билан аниқланади

Педагог информатор, маданиятни узатувчи сифатида намоён бўлади, бошқаришнинг асосий усули – авторитар, яъни фаолиятни баҳо ва бошқа ташки таъсирлар асосида рағбатлантиришга асосланган

Талаба фаолият субъектига айланади, уни яхлит барча босқичларида амалга оширади, ўқиши жараёнини англайди ва уни бошқаради.

Педагог ўрганиш фаолиятининг координатори, ташкилотчиси сифатида намоён бўлади ва ушбу жараёнда талабага мақсадларни қўйиш, ўқув фаолияти усул ва услубларини эгаллаш, ўз-ўзини таҳлил қилиш ва баҳолашга ёрдам беради

Ўқиш мотивацияси ва мақсадларни қўйишни ташкил этишни шакллантириш. Шахснинг ўз-ўзини ташкил қилишида етакчи ўрин тутган мазмун яратиш ва мақсад қўйиш ўқитувчилар диққатини талабаларнинг ўз ўқишлиарининг мотив ва мақсадларини англаш учун шароитлар яратишга қаратиш заруриятини қўяди.

Касбий фаолиятни ўзлаштириш воситаси бўлган ўқишига қимматли муносабатни шакллантириш талаба олдида ушбу фаолиятнинг қуидаги асосий истиқболларини очиш билангина амалга ошириш мумкин бўлади:

касбнинг мақоми ва ижтимоий аҳамияти билан боғлиқ бўлган истиқболлар;

мехнат шароитлари (моддий, маънавий-психологик ва бошқалар);

касбда шахсий ўсиш ва ўзини намоён қилиш имкониятлари.

Бунда одатда талабаларни ўқишига ундовчи мотив шахсий ўсиш ва ўз-ўзининг мавжуд бўлиш истиқболидир.

Талабаларнинг касбий-шахсий ўз-ўзини аниқлашга йўналтирилган иш ҳар бир аниқ фанни ўрганишда давом этиши керак. Бунинг учун педагог нафақат ушбу курснинг мақсад ва вазифаларини, унинг шахснинг касбни эгаллаш жараёнида тутган ўрни, балки талабаларнинг ушбу курсни ўрганишдаги шахсий мақсад ва мотивларини англашлари учун вазиятлар ҳосил қилиши керак. Буни турли-туман услублар асосида амалга ошириш мумкин:

тренинг элементларидан фойдаланиш (доира бўйича танишиш, бунда ҳар бир талаба ўзи ҳақида, ўзининг мақсади, курсдан қутилаётган нарсалар тўғрисида сўзлаб беради);

анкета тўлдириш – ҳар бир талаба унга таклиф қилинган мумкин бўлган мақсадлар рўйхатидан ўзи учун асосий бўлганларни танлайди, масалан:

касбий фаолият учун зарур бўлган билим ва уқувларни олиш;

олинган билимларни ҳаётда қўллашга ўрганиш;

синовдан ўтиш;

имтихонда юқори баҳо олиш;

механизм, прибор, машиналар билан ишлаш уқув ва кўникмаларини эгаллаш;

курснинг алоҳида қизиқтирган масалаларини ҳал қилиш;

ўз қобилиятларимни ривожлантириш;

менинг келгуси касбий фаолиятимда ушбу предмет керак эмас;

менда мақсадларнинг ўз вариантим бор:

Талабалар танлаган мақсадлар асосида уларни амалга ошириш учун фаолиятга қўйиладиган талаблар аниқланади, ушбу фаолиятни режалаштириш амалга оширилади. Ўрганувчиларни ўқув фаолиятга киришишини таъминлайдиган психологик механизм мақсаднинг мотивга томон силжиши ҳисобланади.

Талабаларда ўқишининг позитив мотивациясини шакллантиришга йўналтирилган педагог фаолиятининг мазмуни қуидагиларни ўз ичиға олиши керак:

талабаларни предметга унинг моҳияти, мазмуни ва тузилмаси, касбни эгаллашда унинг аҳамияти ва ўрни ҳақидаги яхлит, қисқа, лўнда, образли тасаввурлар асосида олиб кириш;

ўқув материалининг мазмунини талабалар учун қизиқарли ва аҳамиятли далиллар, мисоллар билан бойитиш, уни ўзгача ва эмоционал тарзда етказиб бериш;

талабаларни гурухли ва жамоавий ишлашга жалб қилиш, ўқитишининг интерфаол (ишбоп ўйинлар, тренинглар, ақлий ҳужум ва х.к.) методларидан фойдаланиш;

мультиликацион, проекцион, интерфаол мультимедиа ва бошқа масалаларни ечиш имконини берадиган замонавий ахборот технологияларидан фаол фойдаланиш;

шахсий субъект позициясини англашни таъминлайдиган танлаш вазиятларини ҳосил қилиш;

талабаларни ўз фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолашга жалб қилиш ва х.к.

Ўқитувчининг талабалар ўқиши мотивларини шакллантириш ва мақсадларни қўйишини ташкил қилиш бўйича фаолияти бутун ўқитиши жараёни мобайнида давом этади: ҳар бир дарсда, ҳар бир мавзууни ўрганишда.

Умумўқув уқув ва кўникмаларни такомиллаштириш. Уларни иккита катта гурухга бўлиш мумкин:

Информацион-ўзгартирувчи уқувлар:

мантиқий умумўқув уқув ва кўникмалар;

матн билан ишлаш укувлари;

информацион библиографик укувлар;

оғзаки ва ёзма нутқни уларнинг турли шаклларида қуришга ёрдам берадиган укувлар.

Фаолиятни ташкил қилиш ва бошқариш укувлари:

хаёт ва ўкув фаолият вақтини ташкил қилиш укувлари;

ўкув фаолият фазосини ташкил қилиш укувлари (иш жойи, бино);

Талабаларнинг умумўқув укув ва кўникмаларини такомиллаштириш иккита йўл билан амалга оширилади:

- 1) ўрганувчиларнинг ўкув фаолияти тузилмаси тўғрисида, уни ташкил қилиш усуллари тўғрисида, маҳсус курслар доирасида ақлий меҳнат маданияти тўғрисидаги билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган маҳсус ташкил қилинган ўқитиш жараёнида;
- 2) бевосита маҳсус фанлар ва бошқа фанларни ўрганиш жараёнида.

Ушбу ишни муваффақиятли ташкил қилиш шарти маҳсус ўқитиш ва барча педагогларнинг талабаларнинг ўкув фаолияти услуб ва усулларини ўзлаштиришга ва ўзлаштирилган усуллардан ўқиш жараёнида доимий фойдаланишга йўналтирилган тизимли ўзаро алоқаси ва бирикмасидир.

Рефлексив – баҳолаш қобилиятларини ривожлантириш. Ҳар қандай фаолиятнинг энг муҳим таркибий қисми инсоннинг рефлексия деб аталувчи қобилияти билан боғлиқ бўлган таҳлил ва ўз-ўзини таҳлил қилиш ҳисобланади. Рефлексия (лат. *refleccio* – орқага қараш, акси) – инсоннинг шахсий амаллари ва қилмишларини йўналтирилган назарий фаолият шаклидир. Ўкув фаолият жараёнида рефлексияга асосланган ўз-ўзини таҳлил қилиш ва ўз-ўзини баҳолаш назорат, коррекцияни таъминлайди ва ўқувчиларни ўз-ўзини ривожлантириш ва такомиллаштиришга ундейди.

Талабаларда ушбу қобилиятларни ривожлантириш ўқитувчи томонидан таҳлил, ўз-ўзини таҳлил, баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолашни ташкил қилишнинг турли форма ва усуллари ёрдамида амалга оширилади. Ўз-ўзини таҳлил қилишга иккита ёндашув бор:

- 1) ўз натижасини эталон, намуна билан таққослаш асосида ўз-ўзини таҳлил;

2) ўз натижасини олдингиси билан таққослаш асосида ўз-ўзини таҳлил қилиш.
Бунда шахсий ўзгаришлар ва ривожланиш динамикаси таҳлил қилинади.

Умумий ҳолда ўз-ўзини таҳлил қилиш мантиғи қуидаги қадамлар билан аниқланади:

фаолият натижасини олиш;

уни этalon билан, ўзлаштириш критериялари билан таққослаш;

эталонга мослик даражасини аниқлаш (аввал - ижобий томонларни, аввалги натижалар билан таққослаш динамикасини, сўнгра - камчиликларни);

камчиликлар сабабини аниқлаш;

тузатиш киритиш бўйича вазифа ва конкрет амалларни аниқлаш.

Ўз-ўзини таҳлил ва ўз-ўзини баҳолаш амалга ошириладиган ўқув фаолияти босқичига кўра ўз-ўзини баҳолашнинг қуидаги турлари ажратилади:

«прогностик» - ўз имкониятларини олдиндан таҳлил қилиш асосида ўз-ўзини баҳолаш;

«процессуал» - фаолиятни ўз-ўзини назорат асосида амалга ошириш жараёнида баҳолаш;

«ретроспектив» - фаолиятнинг якунловчи босқичида ўз-ўзини баҳолаш.

Ўқув фаолияти жараёнида талабаларни ўз-ўзини таҳлил қилиш ва ўз-ўзини баҳолашдан аниқ ишлаб чиқариш вазиятларида ўз ҳаракатларини баҳолашга ва таҳлил қилишга, сўнгра ўзининг профессионал тайёрлиги ва компетентлиги даражасини баҳолаш ва анча умумлашган рефлексияга олиб бориш керак. Масалан, амалиётгача ёзма ўз-ўзини таҳлил қилиш ёрдамида («Менинг ўзим ҳақимдаги профессионал сифатида тасаввурларим») ва амалиётдан сўнг («Профессионал сифатида ўзим ҳақимдаги тасаввурларим қандай ўзгарди»). Шундай қлиб, талабаларнинг рефлексия-баҳолаш қобилиятларини ривожлантириш нафақат уларнинг ўз ўқув фаолиятини самарадор амалга оширишга ёрдам беради, балки ўзини ва ўз касбий фаолиятини доимий такомиллаштиришга тайёр турган мутахассис шахсини ижодий ривожлантириш шарти ҳисобланади.

Ўзлаштириш жараёни. Ўзлаштириш даражалари. Ўқув фаолиятининг асосий мазмуни ва энг муҳим вазифаси билим ва фаолият усусларини ўзлаштириш ҳисобланади. Ўзлаштириш жараён сифатида, ўрганиш натижаси сифатида қаралади. Ўзлаштириш одатда янги тажрибанинг олдингилари билан қўшилиши, тўпланган ижтимоий тажрибанинг шахснинг мулкига айланиши сифатида аниқланади.

Турли ўқитиши назариялари, ўзлаштиришнинг моҳияти ва унинг асосий босқичлари турлича талқин қилишади. Энг кенг тарқалган ёндашув ўқишининг ассоциатив-рефлектор назариясига асосланадиган психологлар ва С.Л.Рубинштейн ишларида олиб борилган. Унга кўра ўзлаштириш тўртта босқичдан иборат бўлган жараён сифатида қаралади;

1. Ўқув материали объект, предмет, ҳодиса, жараёнларни қўргазмали образлар (моделлар, схемалар ва х.к.) ёрдамида перцепция (бевосита қабул қилиш, идрок қилиш) асосида қабул қилиш ёки апперцепция, яъни объектни фондан ажратиб олиш ва унинг хоссаларини аниқлаш асосида идрок этиш.

Ўқитувчи турли хил қўргазмали воситалар ёки мавжуд бўлган тасаввурларга таянган ҳолда идрок этишни ташкил қиласди. Ўзлаштиришнинг ушбу босқичида ўрганувчиларда объект, ҳодиса ва х.к. тўғрисида тасаввур шаклланади.

2. Предмет мазмунини очиш орқали ўқув материалини тушуниб этиш (англаш). Бу босқичда тушунчаларнинг моҳияти қўйидаги фикрий амаллар асосида очилади: таққослаш, мос қўшиш, таснифлаш, таҳлил, умумлаштириш, абстракциялаш, ташқи, унча аҳамияти бўлмаган хоссалардан ажратиш ҳамда уни аввал ўрганилганлар билан ўзаро алоқасини ўрнатиш. Натижа сифатида тушунчаларни шакллантириш, сабаб-оқибат алоқаларини ўрнатиш, қурилманинг умумий тузилиш принциплари ва механизмларнинг ишлаш қонун ва қонуниятларини ўрнатиш ҳисобланади.

3. Ўқув материалини кўп марта такрорлаш, энг муҳим хоссаларини қайта тиклаш асосида ёдда сақлаб қолиш.

4. Ўрганилган материални амалий масалаларни ечиш учун қўллаш. Натижада фаолиятнинг стереотип ва ижодий усулларини эгаллаш, уқув ва кўникумларнинг шаклланиши рўй беради. Ўзлаштиришнинг ушбу босқичини ташкил қилиш ўрганувчиларни масалалар тизимини ечиш бўйича аста-секин мураккаблашиб борадиган фаолиятга жалб этишни талаб қиласди: аввал - билимларни стандарт вазиятларда қўллаш, сўнгра – уларни талаба учун янги бўлган вазиятга, янги масалалар ечишда фойдаланишга қўчириш.

Босқичларни бундай ажратиш етарлича шартли эканлигини эътиборга олиш зарур, чунки ҳар бир босқич бошқа босқични қисман ўз ичига олади.

Ўзлаштиришни шундай схема бўйича қуриш ўқитувчидан қўйидагиларни амалга оширишни талаб қиласди:

1. Талабаларга қабул қилиш ва идрок этишлари учун бирорта ўқув материалини бериш;

2. Уларда билимларни қўллаш усулларини шакллантириш жараёнига раҳбарлик қилиш, яъни уқув ва кўникмаларни намуна бўйича шакллантириш;
3. Аввал ўрганилган билим ва уқувларни ижодий қўллашни таъминлаш.

Ўзлаштиришнинг бундай схемасида ўқитишнинг анъанавий репродуктив турларини продуктив ижодий турлари билан боғлашга интилиш ўз аксини топади.

2.6. Ўқитиш мақсадлари

2.6.1. Мутахассис модели ўқитиш мақсадларини аниқлаш асоси сифатида

Узлуксиз таълим шароитларида касб таълими муассасалари мақсадлари замонавий жамият олдида турган ижтимоий, замонавий масалалар билан аниқланади. Иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт омили сифатида замонавий касб таълими талабанинг ўзини англашига, шахснинг ҳаёти, фаолияти, ижтимоий ва касбий соҳаларини ривожланиши ва ўзини намоён қилиши учун шароитлар яратиши, жаҳон ва миллий маданият тизимида унинг интеграциясига йўналтирилган бўлиши керак. Шундай қилиб, ўқитиш мақсадлари ўрта маҳсус, касб-хунар таълими бажарадиган етакчи функциялар билан аниқланади.

Мақсадларни аниқлаш жараёнини ўқитишнинг мақсадлар иерархиясини тузиши бўйича мураккаб тизимли фаолият сифатида қараш лозим бўлади: мутахассисни тайёрлашга қўйиладиган умумий талаблардан шу йўналиш мутахассисиси шахсига қўйиладиган талаблар билан аниқланадиган касб, мутахассис бўйича ўқитиш мақсадлари орқали – аниқ предметни ўқитиш мақсадларигача.

Шундай қилиб, турли даражаларда ўқитиш мақсадлари ўқитишнинг яқуний натижалари билан аниқланиши лозим: талабанинг касбий фаолиятни эгаллаши, унинг шу фаолият ва ижтимоий ҳаётнинг субъекти бўлиши билан. Касбхунар уқув юртларида ўқитиш мақсадлари мутахассис модели асосида тузилади. У ўз ичига битирувчининг мутахассис ва жамият аъзоси сифатида эга бўлиши лозим бўлган сифатлар: касбий ва ижтимоий-психологик сифатлар, билим ва уқувларни олади. Мутахассис моделини қуришга шахсий-фаолиятли ёндашувда унинг касбий фаолиятга тайёрликнинг икки томони намоён бўлади: функционал (фаолиятли) ва шахсий. Шунинг учун моделлаштириш даражасида мақсадларни қўйиш икки босқични ўз ичига олади:

- 1) замонавий мутахассис фаолиятининг тизимли характердалиги, яъни ўзида фақатгина предмет-инструментал эмас, балки мутахассис фаолиятининг моделини (касбий фаолият турларини, касбий фаолият соҳаси ва тузилмасини, фаолият

вазиятлари ва уларни ечиш усуллари, типик касбий масалалар ва уларнинг функциялари ва х.к.);

2) шу асосда ишчи учун зарур бўлган сифат ва хислатлар, билим ва уқувларни ўз ичига олган мутахассис шахсининг моделини аниқлаш.

Шундай қилиб, мутахассис модели ўқитиш мақсадларида аксланадиган қўйидаги етакчи функцияларни аниқлайди: таълимий, ривожлантирувчи тарбиявий.

Таълимий функция талабада ўқиши жараёнида илмий билимлар тизими, касбий укув ва кўникмалар шаклланиши асосида умумий, касбий ва ижтимоий компетентликни шакллантиришдан иборат. Билимлар тизими мутахассислар тайёрлаш даражасига кўра таълим стандартларига мос равища ўқув материалининг ҳар бир дидактик бирлигини ўзлаштириш асосида шаклланади. Ушбу функцияни амалга ошиши натижасида талаба ишлаб чиқаришнинг илмий асосларини эгаллаши, олинган билимларни касбий фаолиятнинг аниқ шароитларида – типик, ўзгарган ва янги вазиятларда қўллаши, умумилмий ва маҳсус алгоритмлаштирилган ва ижодий уқувларни шакллантиришдан иборат бўлади. Таълимий функцияни амалга оширилиши мутахассиснинг шахс бўлишига, ўқиши жараёнида унинг ақлий, жисмоний ва маънавий ривожланишини аниқлаб беради.

Ўқитишнинг ривожлантирувчи функцияси талабанинг идрок этиш, ўқув масалаларини ечиш, ўзининг ўқув фаолиятини бошқариш жараёнида талаба шахсининг интеллектуал, эмоционал ва жисмоний соҳаларини ривожлантиришга йўналганлигига намоён бўлади. Ўқитиш жараёнида ўрта бўғин мутахассисида ижодий фикрлаш, олдиндан кўра билиш ва рефлексия ривожлантирилиши, ўзини ўқитиш, ўзини англаш ва ўзини ривожлантириш каби асосий психологик механизмлар шакллантирилиши лозим. Ривожлантирувчи функция тадбиғининг хусусияти маҳсус фанларни ўқитиш жараёнида ривожлантирувчи масалаларни қўйиш ва уларни ечиш, талабаларнинг ўқув фаолиятини уларнинг ақлий ва ижодий фаоллиги нуқтаи назаридан энг самарали бўлган назария ва технологиялар асосида ташкил қилишда намоён бўлади. Масалан, ақлий фаолиятни босқичма-босқич шакллантириш назарияси, муаммоли ўқитиш, ўқув фаолияти ва ривожлантирувчи ўқитиш назарияси.

Тарбиявий функцияси мутахассис шахсини ижтимоийлаштириш ва профессионаллаштиришга унинг умумий ва касбий маданиятни тарқатувчиси бўлишга йўналтирилган ўқитиш жараёнининг тарбиявий салоҳиятини амалга оширишдан иборат. Инсоннинг тарбияланганлиги аввало унинг дунёга, ўзига бўлган муносабатлар тизими билан аниқланади. Улар фаолиятга бўлган эҳтиёжларда ва қизиқишларда, мақсад ва мотивларда, дунёқарашларда, қадр-қимматларни англашда намоён бўлади. Тарбиявий функцияни амалга ошириш талаба томонидан умуминсоний ва касбий қадриятлар, меъёрлар, ғоялар, мақсадларни ўзлаштириш ва ўзига қабул қилишни талаб қиласди. Улар факатгина кўчириб олиш йўли билан эмас, балки маҳсус ташкил қилинган шароитларда

талаба ва ўқитувчи ҳамкорлигига ўқув масалалари тизимини ечиш жараёнида амалга оширилади. Шундай қилиб, ўқитишнинг тарбиявий функцияси мутахассисни ижтимоийлаштириш ва професионаллаштиришни ҳамда таълимнинг маданий-инсонпарвар функциясини амалга оширишни таъминлайди.

Ўқитишнинг юқорида келтирилган функциялари ўқитувчи томонидан учта ялит ўқитиш мақсадларини қўйишда ўз аксини топади: дидактик, ривожлантирувчи ва тарбиявий. Ўз моҳиятига кўра учта мақсад ўқитишнинг маориф мақсадларини рўёбга чиқаради.

Шундай қилиб, мутахассис модели талабанинг компетентлик, ривожланганлик ва тарбияланганлик даражасига қўйиладиган талабларни ўз ичига олиши керак. Касб таълимнинг замонавий босқичида мутахассис шахси ва фаолиятининг модели ҳар бир мутахассис учун ишлаб чиқилган ўрта маҳсус касб-хунар таълими стандартларидаги касбий-малака таснифлагида берилади. Уларда мутахассиснинг асосий фаолият турлари ҳамда уларни бажариш учун ва талаба билиши зарур бўлган билим, ўқув ва кўнкимлар тавсифланган. Бу талаблар ўқувчиларнинг ижтимоий-маданий ва психологик компетенциялари маълум даражаларини белгилаб беради, бироқ битирувчиларда қандай шахсий ва психик сифатларни ривожлантириш ва шакллантириш лозимлигини кўрсатмайди, бу эса ўқитувчиларда мақсадларни қўйиш жараёнини қийинлаштиради.

Мавжуд мақсадлар иерархияси уларнинг бўйсуниш – кейингиларини олдингиларига мослашни талаб қиласди. Касб таълимнинг етакчи функциялари ва мақсадларини амалга ошириш ҳар бир ўқитувчи унинг фани мутахассис шахсининг яхлит шаклланиши жараёнида қандай ўрин тутганини аниқлаши билан боғлиқдир. Педагог ўз фани бўйича ўқитиш жараёнини режалаштирганда мақсадларни қўйиш жараёни қуидаги босқичларни ўз ичига олади:

стандарт талаблари асосида фаннинг ўзига хос хусусиятлари ва касбий тайёргарликда унинг ўрнини ҳисобга олган ҳолда фанни ўқитиш мақсадларини шакллантириш;

ўқув гурӯхининг хусусиятлари, конкрет шароитлар, эришишнинг восита ва усулларини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш мақсадларини аниқлаштириш;

бўлимлар, курс мавзулари, модуллари ва ҳ.к. бўйича ўқитиш мақсадларини аниқлаш;

конкрет машғулотларнинг мақсадларини режалаштириш, уларни ҳар бир босқичнинг микромақсадларига (вазифаларга) ажратиш.

Мақсад ва вазифаларнинг тартиб билан тузилган иерархияси ўқитиш жараёнининг тизимили характеристини таъминлашга ва унинг самарадорлигини оширишга имкон беради.

2.6.2. Ўқитиши мақсадларини қўйиш усуллари. Мақсадлар таксономияси

Педагоглар фаолиятида мақсадларни қўйиш энг муҳим ва шу билан бирга энг кам шаклланган компонент бўлиб, кўпинча ўқитиши натижасининг пастлиги мақсадларнинг ноаниқлиги, тарқоқлиги ва умумий характерда эканлиги билан боғлиқдир.

Мақсадларни қўйиш самарадорлиги ўқитиши натижаларининг қўйилган мақсадларга мослиги билан аниқланади, яъни:

мақсадлар ҳаққоний ва бажара олинадиган;

инструментал, технологик (уларга эришиш бўйича конкрет амалларни аниқлаш);

диагностик (ўлчаш, ўқув фаолият натижаларига мосликни аниқлаш мумкин бўлсин) бўлиши лозим.

Мақсадларни самарадор қўйиш технологияси америкалик психолог Б.Блум томонидан ишлаб чиқилган (2.3.-жадвал).

Шундай қилиб, мақсадларни қўйишнинг энг ҳаққоний, инструментал ва ташхислийси бу талабанинг конкрет фаолиятларида ифодаланган ўқитиши натижалари орқали қўйиш усулидир. Бу фаолиятлар мақсадларни қўйишида лойиҳалаштирилаётганлиги учун уларни модал феъллар асосида ифодалаш маъқул бўлади. Масалан, «керақ, шарт, лозим», «қилолади» ва ноаниқ шаклдаги феъллар: талаба билиши лозим, қилолиши керақ, қўллай олиши лозим ва х.к. Касб таълими педагогларининг фаолиятида ўқитиши натижалари ва ўқитувчи мақсадларини алоҳида режалаштиришга интилиш кузатилади, бунда улар орасида кўпинча мустаҳкам боғлиқлик бўлмайди. Ўқитувчи ўқитишининг аниқ натижаларига - талабалар томонидан ўқув материалини ўзлаштириш ва улар шахсини ривожлантириш ва шакллантиришда олдинга силжишга таянса унинг ўз фаолиятлари учун алоҳида мақсадлар қўйишига зарурят қолмайди. Педагог ва талабалар мақсадларини мослаштириш талабалар томонидан тушунча, далил, қонунлар, фаолият усуллари, қадриятларни ўзлаштиришнинг аниқ даражасини аниқлаб берадиган педагог фаолиятининг анча умумийроқ мақсадларини масалалар тизимига айлантириш воситасида амалга оширилиши мумкин (2.3. жадвал).

Ўқитувчига ўқитиши мақсадларини аниқ масалаларга айлантиришида Б.Блум ва унинг издошлари томонидан ишлаб чиқилган мақсадлар таксономияси ёрдам беради. Уларда ўқитиши мақсадлари когнитив (билиш) (2.2. - жадвал) ва аффектив (эмоционал-қадрли) соҳаларда тасвирланган (2.4. жадвал). Улардан биринчиси

педагогикада қараладиган анъанавий таълимий ва интеллектуал-ривожлантирувчи, иккинчиси – тарбиявий мақсадларни ўз ичига олади. Таксономия (грекча *taxis* – тартиб бўйича жойлаштириш ва *nomos* - қонун) – ўқитиш мақсадларини унинг муракаблашиб бориши тартибида кетма-кет жойлаштириш деган маънони билдиради. Когнитив мақсадлар таксономияси асосида ўрганувчининг ўзлаштириш даражалари бўйича илгарилаб бориши ётади. Б.Блум ўзлаштиришнинг биринчи даражаси билан боғлиқ бўлган ўқув мақсадлар категориясини келтирмайди.

2.2. жадвал.

Когнитив соҳада ўқув мақсадлари категориялари (Б.Блум бўйича)

Ўқув мақсадларининг асосий категориялари
Умумлашган турдаги ўқув мақсадларига мисоллар

1. Билим – ўрганиладиган материални ёдда сақлаб қолиш ва айнан тақрорлаш

Талаба билади: қўлланилаётган атамаларни; аниқ далилларни; усул ва процедураларни, асосий тушунча, қоида ва услубларни

2. Тушуниш – материални бирор кўринишдаги ифодасидан бошқасига ўтказиш: талабанинг материални интерпретация қилиши (тушунтириш, қисқача ифодалаш); ходисаларнинг кейинги ривожи тўғрисидаги тахмини

Талаба тушунади: далилларни, қоидаларни ва тамойилларни; схема, график, диаграммаларни талқин қиласи; сўз орқали берилган материални математик ифодаларга айлантиради

3. Кўллаш – ўрганилган материалдан конкрет шароит ва янги вазиятларда фойдалана олиш уқуви

Талаба кўллади: қонунларни, конкрет амалий вазиятларда назарияни; усул ёки процедуруни тўғри кўллашни намойиш қиласи; янги вазиятларда тушунча ва тамойиллардан фойдаланади

4. Таҳлил – материални таркибий қисмларга шундай ажрата олиш лозимки, унинг тузилмаси яққол кўринсин

Талаба ажратади: яширин фаразларни, мушоҳада мантиғидаги хато ва камчиликларни кўради, далил ва текшириш орасидаги фарқни ажратади, маълумотларнинг аҳамиятини баҳолайди

5. Синтез – элементларни шундай комбинациялаш керакки, янгиликка эга бўлган яхлит нарса олиш мумкин бўлсин

Талаба ёзади: ижодий ишларни, тажрибани ўтказиш режасини таклиф қиласи, у ёки бу муаммони ечиш режасини тузишда турли соҳалардаги маълумотлардан фойдаланади

6. Баҳолаш – аниқ мақсадлар учун у ёки бу материалнинг қийматини баҳолай олиш уқуви

Талаба баҳолайди: ёзма матн кўринишида материални мантиқий тузилишини баҳолайди, хulosаларнинг мавжуд маълумотларга мослигини баҳолайди, ички мезонларга асосланган ҳолда у ёки бу фаолият маҳсулининг аҳамиятини баҳолайди, ташқи сифат мезонларига асосланган ҳолда у ёки бу фаолият маҳсулининг аҳамиятини баҳолайди

2.3.- жадвал

Мақсадларни қўйиш усулларининг самарадорлигини баҳолаш

Мақсадларни қўйишнинг типик усуллари

Усул самарадорлигини баҳолаш

1. Мақсадаларни ўрганилаётган мазмун орқали аниқлаш.

Минус: инструментал эмас, натижга тушунарли эмас.

2. Мақсадларни ўқитувчининг фаолияти орқали аниқлаш: «...билин таништириш», «тушунтириш», «...хақида сўзлаб бериш»

Минус: Ўқитувчининг диққатини, ўз фаолиятига қаратиш, натижада аниқ эмас.

3. Мақсадалрни ўқувчиларнинг фаолияти орқали қўйиш: «масалалар ечиш», «машқлар бажариш».

Минус: диққатни фаолиятнинг ташқи томонига тортади. Унинг оқибатлари – ўқувчининг ривожланишидаги ўзгаришлар белгиланмаган.

4. Мақсадларни ўқувчилар ривожланишининг ички – интеллектуал, эмоционал, шахсий сифатлари орқали қўйиш: «Мустақил ўрганишни ривожлантириш», «муносабатларни шакллантириш».

Плюс: умумлашган мақсадлар даражасида ўқитиши.

Минус: аниқ дарс, мавзу мақсадлари даражасида ўқитиши (аниқлаштириш ва натижаларни кўрсатиши зарур).

5. Мақсадларни талабалар фаолиятида ифодаланган ўқитиши натижалари орқали қўйиш: "аниқ далилларни, қоидаларни, тушунчаларни билади, тушунади... ва талқин қиласди", "...бажара олади", "...лар учун қоидани қўллайди".

Плюс: Ўзлаштириш эталонини аниқлашга имкон берадиган энг инструментал усул.

Ўқув мақсадларининг ушбу таксономияси ўқитувчига аниқ бўлим, мавзу бўйича ўқитиши мақсадларини режалаштиришга, ўзлаштириш эталонини аниқлаш ва уни талабаларга тақдим қилишга ёрдам беради. Шу билан бирга эътиборни ривожлантирувчи мақсадларни аниқ ва равshan шакллантиришга қаратиш зарур.

Ўқув мақсадлари асосий категориялари

Умумлашган турдаги ўқув мақсадларига мисоллар

1. Қабул қилиш: талабанинг у ёки бу ҳодисаларни қабул қилиш қобилияти ва тайёрлиги.

Субкатегориялар: қабул қилиш истаги ёки тайёрлиги, танлов (ихтиёрий диққат).

Талаба: ўқишининг муҳимлигини англаиди, атрофдагиларнинг фикрларини диққат билан эшитади, бошқа одамларнинг муаммолари ва эҳтиёжларини, ижтимоий ҳаёт муаммоларини тушунишга ҳаракат қиласди.

2. Таъсирланиш - у ёки бу ташқи таъсир стимулига жавоб бериш қобилияти. Предмет ҳодиса ёки фаолиятга қизиқишнинг уйгониши.

Субкатегория: бўйсунган акс таъсир, ихтиёрий акс таъсир, таъсирланишдан қониқиши.

Талаба: ўқитувчи томонидан берилган вазифани бажаради. Масалаларни муҳокама қилишда қатнашади. Ихтиёрий равиша масалалар ечишга ҳаракат қиласди. Ўқув фанига қизиқишини намоён қиласди.

3. Қадриятларни ўзлаштириш- қадриятни ўзлаштириш даражалари у ёки бу обьектга, ҳодисага ёки фаолият турига муносабати, қадриятни қабул қилиш, қарашлар, урф -одатлар.

Талаба: ўз шахсий хулосасини чиқариш мақсадида турли нуқтаи назарларни ўрганади, у ёки бу ғояларни ёқлади, ўз ишончини намойиш қиласди.

4. Қадриятларга йўналтиришни ташкил қилиш–турли қадриятларни англаш, уларни бирлаштириш ва улар асосида ўз қадриятларини шакллантириш. Ташкил қилиш даражалари; ўзининг муносабатини англаш, қадриятлар тизимини ташкил қилиш. Талаба: ўзининг ҳаракатлари учун жавобгарликни ҳис қиласди, ўз имкониятлари ва чекланишларини тушунади, ўзининг қобилияtlари, қизиқишлиари ва қарашлари асосида ҳаётий режалар тузади.

5. Қадриятларни фаолиятга тадбиқ қилиш. Қадриятлар шахснинг хулқини, дунёқарашини ва ҳаёт тарзини аниқлади, қадриятларни фаолиятга тадбиқ этади. Талаба: гурух бўлиб ишлашда ҳамкорликга интилишни намоён қиласди, ишончли далиллар асосида ўз қарашларини ўзгаришишга тайёр бўлади.

2.4.- жадвал. Аффектив соҳадаги ўқув мақсадлари категорияси

Кўриб турганимиздек аффектив соҳадаги ўқув мақсадлари таксономияси амалда ўрганувчиларнинг тарбияланганлик даражасининг секин-аста юқорилаб боришини акс эттиради, педагоглар томонидан етарлича абстракт ва формал ҳолда бериладиган ўқитишининг тарбиявий мақсадларини аниқроқ қўйишга имкон беради.

2.7. Таълим мазмуни ва ўрта маҳсус, касбхунар таълими стандартлари

Ўзбекистон Республикасида туб иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар жараёнида мазкур ўтиш даврида пайдо бўлаётган муаммоларни ечиш учун янги концепция ва ёндашувлар қидирилмоқда. Бинобарин бозор иқтисодиёти тизимини яратиш ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўрта малакага эга бўлган мутахассисларнинг базавий билими, кўникма ва малакаларига нисбатан ҳам юксак

талаблар қўймоқда. Бунда касб-хунар таълимининг янгиланиш жараёнида таълим стандартлари асосий элемент бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартлари «Таълим тўғрисида»ги Конун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимида Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиши ва жорий риш ҳақида» 5-сонли қарори асосида ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 16 октабрдаги «Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисидаги» 400-сонли қарори асосида тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартлари Республиканинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, халқаро тажрибаларга ва чет эл экспертларининг маслаҳатларига ҳамда стандартнинг структураси ва мазмунига қўйилган талаблар ва ўзимизда мавжуд бўлган методология ва технологиялардан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқилган.

Европа таълим фондининг «Стандарт» доирасида ўтказилган халқаро симпозиумида Ўзбекистон Республикаси таълим стандартига қониқарли баҳо берилиб, халқаро стандарт талабларига мос эканлиги, яъни меҳнат бозори ва ишлаб чиқариш талабларига, шахсий ва касбий ривожланишга, ўқув ва баҳолаш хусусиятига йўналтирилганлиги таъкидланди.

Бугунги кунда Республикада Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 16 октябрдаги 400-сонли қарори билан Давлат таълим стандартлари «Асосий қоидалар» билан биргаликда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тармоқ таълим стандартлари амалиётга босқичма-босқич жорий этилмоқца.

Давлат таълим стандартларини ўқув муассасаларига жорий этиш самарадорлигини ошириш учун биринчи навбатда қўйидагиларни пухта аниқлаб олиш лозим:

- Таълим стандарти деганда нимани тушунамиз?
- Стандарт ўз таркибида нималарни киритади?
- Стандартнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

Шунингдек, стандартнинг нимага йўналтирилганлигини, стандартнинг мазмуни нимани белгилашга қаратилганлигини ва қайси хужжатлар ўрта маҳсус, касб-хунар таълими стандартларини характерлашини ва бошқаларни билишимиз керак.

Давлат таълим стандартларининг умумий характеристикаси

Давлат таълим стандартлари таълимнинг маълум босқичида ёшларнинг сифатли билимга эга бўлиши учун давлат кафолатини белгилайди ва тасдиқлайди.

Давлат таълим стандартлари — таълимнинг маълум йўналиши бўйича умумтаълим ва касбий фанлардан босқичма-босқич билимга эга бўлиш талаблари, қоидалари ва тамойиллари каби асосий тушунчаларни белгиловчи меъёрий хужжат ҳисобланади.

Давлат таълим стандарти — Ўзбекистон Республикасининг барча худудларида юридик кучга эга бўлиб, идоравий бўйсимиши ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча давлат ва нодавлат таълим муассасаларига жорий қилинади.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандарти (ЎМКҲТ ДТС) — аниқ мақсадга йўналтирилган таълим фаолиятини акс эттирувчи механизmdir. Стандарт маълум бир фаолиятда сифатни оширишнинг кучли воситаси бўлиб, реал натижага эришиш мақсадини ифодалайди.

ЎМКҲТ Давлат таълим стандарти — таълимнинг ягоалигини, узлуксизлигини, узвийлигини таъминлашга, молиявий ва моддий-техник воситалардан оқилона фойдаланишга қаратилган.

ЎМКҲ таълимининг Давлат таълим стандарти — узлуксиз таълим тизимида хаотик билим беришнинг олдини олиб, ўқув материалининг қайтарилишига йўл қўймайди.

ЎМКҲ таълимининг Давлат таълим стандарти — ўқувчиларнинг етарли ўқув юкламаси меъёрини кўрсатиб, ўқув режалари ва дастурлари сони кўпайишининг олдини олиб, ўқувчиларни ортиқча юкламалардан ҳимоя қиласади.

Стандартлар янги ўқув режа ва дастурлари ҳамда ўқув қўлланма, дарсликлар ва бошқа меъёрий хужжатлар яратиш учун асос ҳисобланади.

Таълим стандартлари очиқ ва қулай бўлиб, таълим муассасаларининг илмий-педагогик кенгашларига ишчи ўқув режаларини тузишда ўқув режа ва дастурлари мазмунига 15-20 фоизгача ўзгартириш киритиш ҳукуқини беради.

ЎМКҲТ Давлат таълим стандартларининг функциялари

1. Касб-хунар таълимининг сифатини таъминлайди ва унинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.
2. Очиқликни кафолатлади.

Стандартнинг мақсади — ўқитишининг мазмуни ва қўйилаётган талабларнинг даражаси таълим олаётганлар учун очиқ ва қўргазмали бўлишини, ўқувчилар учун ҳам, иш берувчилар учун ҳам иш жойига номзоднинг тайёргарлик мазмунини билиши кераклигини таъминлайди.

Вазифаси: мутахассисларни тайёрлаш сифати бўйича қулай талабларни ўрнатиш; кўникма ва малакаларни баҳолаш ва назорат қилиш мезонларини белгиловчи ҳамда касбий фаолиятни ўзлаштириш босқичига қўйиладиган мос талабларни ўрнатувчи ўқув-меърий ҳужжатларни яратиш; халқаро стандарт талабларига мос ДТС талабларини уйғун таъминлашдан иборат.

ЎМКХТ Давлат таълим стандартларининг асосий тамойиллари:

узлуксизлик ва узвийлик; мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишини, фан, техника ва янги технологиялар ривожланиши истиқболларини, халқаро стандартлар даражасининг ҳозирги замон ҳолатини ҳисобга олиш; ишлаб чиқариш, фан ва таълим интеграцияси; ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш.

«Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартлари»нинг асосий компонентлари. Ўзбекистон Республикаси Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартлари учта компонентдан ва уларнинг таркибиғига кирадиган структуралардан иборат.

Куйида ҳар бир компонентнинг мазмуни ёритилган:

1. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартлари «Асосий қоидалари» — ЎМКХТ мазмуни ва тизимиға, мутахассисларни тайёрлаш учун ишлаб чиқилган ўқув режалари ва тармоқ таълим стандартларига, уларни реализация қилиш шароитларига, ўқув юкламаси ва бошқа меърий ҳужжатларга қўйилган умумий талабларни белгилайди.
2. ЎМКХТ муассасалари битирувчиларига қўйилган талаблар — стандартни модернизация қилишнинг асоси ҳисобланади. Битирувчиларга қўйилган талабларга касбий маҳоратнинг тўлиқ мужассамланганлигини, яъни билим, кўникма ва малакаларнинг, универсал билимларнинг тўлиқ системаси ҳамда у ёки бу фаолият турида битирувчининг мустақил қобилиятини намоён этишда шахсий масъулият ва тажрибага эга бўлишни таъминлаш киради. Ўқувчиларнинг мустақил билим олиш хусусиятини, фикрлаш, таҳлил қилиш, ўзи ўрганиш, шахсий ва касбий масалаларни ечиш учун ахборот манбалари топиш, замонавий ахборот технологиялари, маҳсус адабиётлар ва справочниклардан фойдалана олиш, фаолият даврида пайдо бўладиган қийинчиликларни бартараф қилиш, касбий фаолият даврида мумкин бўладиган ўзгаришларга ва меҳнат бозорининг тез ўзгариши чоғида зарур бўлганда янги ихтисосликка тез мослашишга, ўзига, ўз кучига ва имкониятларига ишониш ва бошқалар киради.
3. ЎМКХ таълимидаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликларининг умумдавлат Таснифлагичини ишлаб чиқишига қўйилган талаблар — ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув муассасаларида кичик мутахассисларни тайёрлаш бўйича тайёрлов йўналишлари, касблар ва мутахассисликларнинг тизимлаштирилган рўйхати.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимидағи тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликларнинг умумдавлат Таснифлагиши Ўзбекистон Республикасида техникавий-икғисодий ва ижтимоий ахборотларни таснифлаш ва кодлаштириш бўйича ягона тузилма таркибиға киради ва Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 1998 йил 5 январдаги 5-сонли қарори асосида тайёрланган.

Меҳнат бозорининг тез ўзгарувчан инфратузилмаси билан мос тарзда тегишли ўзгаришилар киритиш учун очиқ ва қулай; Тайёрлов йўналишлари номи, коди ва шу тайёрлов йўналишлари туркумига кирувчи касблар ва ихтисосликлар рўйхати келтирилган; Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида юридик кучга эга бўлиб, идоравий бўйсуниши ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча таълим муассасаларига жорий қилинади.

Мазкур стандартда қўйидаги атамалар қўлланилган:

Кичик мутахассис — бу таълим дастурини муваффақиятли ўзлаштирган ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларига бериладиган малака даражаси.

Кичик мутахассис:

- тегишли ижтимоий ишлаб-чиқариш соҳасида унинг унумли фаолият кўрсата олишини таъминлайдиган назарий ва амалий билимлар мажмуасига, касбий билим, малака ва кўникмаларга эга бўлган;
- мазкур жамиятда ўзининг муваффақиятли ҳаёт даражасини таъминлайдиган умумий ва касбий маданиятга, ижтимоий аҳамиятли хусусиятларга ва шахсий сифатларга эга бўлган шахс.

Малака — ходимнинг касбий тайёргарлиги даражаси, ундаги маълум ишни бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларнинг мавжудлиги.

Ходимнинг малакасини белгиловчи кўрсаткич бўлиб, категория ёки дипломнинг мавжудлиги ҳисобланади.

Касбий фаолият соҳаси (КФС) — касбий билим, малака ва кўникмаларнинг қўлланиш доирасидир, унинг номланиши иқтисодий соҳалар) номлари билан мослаштирилади.

ЎМҚҲ таълими муассасаларидағи тайёрлов йўналишлари — аниқ касбий фаолият соҳасида мутахассисларга касбий таълим бериш доирасидир. Мутахассисларнинг касбий фаолияти аниқ соҳаси бўйича тайёрлов йўналишларининг номи меҳнат фаолиятининг мазмuni ва хусусияти орқали аниқланади.

Касб — махсус тайёргарлик ва иш тажрибаси натижасида маълум бир соҳада касбий фаолиятни амалга ошириш учун назарий билимлар мажмуасини, икки ва ундан ортиқ мутахассисликлар бўйича амалий кўникма ва малакаларни эгаллаган, унга жисмоний имконият, ақлий қобилият ва юридик хуқукларни таъминловчи инсоний меҳнат фаолиятининг (машғулотининг) туридир.

Ихтисослик — бирорта касб доирасида маълум бир фаолият тури учун махсус тайёргарлик ва иш тажрибалари билан эришилган зарурий билимлар, кўникма ва малакалар мажмуаси.

ЎМКХТ тайёрлов йўналишлари ва ихтисосликлар коди — касбий фаолият соҳаларига мувофиқ касблар ва мутахассисликлар бўйича тайёрлов йўналишлари ихтисослаштирилган рўйхатининг рақамли белгисидир.

Ўрта махсус, касб-хунар таълимидаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар умумдавлат Таснифлагичи Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган талаблар, Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизимида Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 1998 йил 5 январдаги 5-сонли қарори ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг меъёрий хужжатлари асосида тузилган.

Таснифлагичда таълим босқичлари, билим ва таълим соҳалари, тайёрлов йўналишлари ва ихтисосликлар етита рақамли код билан белгиланади. Таълимнинг халқаро классификациясига биноан таълим босқичи — ўрта махсус, касб-хунар таълими 3-рақам билан белгиланган. Масалан: 3144610, 3210210, 3380110 ва бошқалар.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими кодларида:

Биринчи рақам — таълим дастури босқичи коди;

Иккинчи рақам — билим соҳаси коди;

Учинчи рақам — таълим соҳаси коди;

Тўртинчи ва бешинчи рақамлар — тайёрлов йўналиши коди;

Олтинчи ва еттинчи рақамлар — ихтисосликлар коди

Узлуксиз таълим тазимидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим (бакалавриат)да узвийликни таъминлаш мақсадида Ўрта махсус, касб-хунар таълимидаги тайёрлов йўналишлари, кодлари олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари кодларига мослаштирилган.

Таснифлагичда саккизта билим соҳаси назарда тутилган:

1. Таълим;
2. Гуманитар фанлар ва санъат;
3. Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқук;
4. Фан;
5. Мұхандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари;
6. Қишлоқ хұжалиги;
7. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот;
8. Хизматлар.

Үрта махсус, касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари стандартлари қуидагиларни аниқлайды

- Қўлланиш соҳаси;
- Меъёрий ҳужжатларга ҳаволалар;
- Ўқув предмети стандартининг мақсад ва вазифалари;
- Ўқув предметининг умумий характеристикаси;
- Узлуксиз таълим тизимида умумтаълим фанлари мазмунининг зарурий ва етарли ҳажми;
- Умумий ва ҳафталик юқламанинг максимал ҳажми;
- Стандартнинг бажарилишини назорат қилиш.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиққан ҳолда умумтаълим фанлари блоки стандарти ёшларнинг шахс сифатида шаклланиши учун умумтаълим фанлари билан биргалиқца ёшларни ҳуқуқий, иқтисодий, информацион, эстетик, маънавий-аҳлоқий ва жисмоний тарбиялашга қаратилган. Дастурларнинг асосини миллий мустақиллик тамойиллари, демократия, халқнинг бой ақл-заковат мероси ва умуминсоний қадриятлар асосида маънавий-аҳлоқий тарбиялашнинг самарали шакллари ва усууллари ташкил этади.

Битирув иши ҳам Давлат таълим стандартлари элементларидан бири ҳисобланади.

Касб-хунар коллежи битириувчисига эгаллаган касби ва ихтисослиги бўйича фаолият қўрсатиш ва олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириш юридик хуқуқини берувчи белгиланган намунада «кичик мутахассис» дипломи берилади.

Академик лицей битириувчисига таълим муассасасини тугаллаганлиги тўғрисида белгиланган намунада диплом берилади ва олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириш ёки эгаллаган касби ва ихтисослиги бўйича фаолият қўрсатиш юридик хуқуқи берилади.

Касбий тайёргарликнинг зарур ва етарли ҳажми тизими қўйидаги ҳолатлардан ташкил топган:

1. Ўқув циклари
2. Предметлар тармоғи
3. Ўқув элементлари ва уларни ўзлаштириш даражалари.

ЎМКҲ Давлат таълим стандартларида ўқув элементлари ва уларни ўзлаштиришнинг 3 та даражаси мавжуд:

1 - даракта — аввал ўрганилган манбалар, хусусиятлар, жараёнлар билан танишиш, ёрдамга таянган ҳолда амалларни бажариш;

2 - даракта — намунавий амалларни мустақил равишда ёддан бажариш;

3 - даракта — аввалдан ўрганилган намунавий амаллар асосида бажарилиши лозим бўлган янги фаолият алгоритмини яратса олиш, самарали фаолият қўрсатиш.

Тармоқ стандартлари — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълими вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланади.

Стандартлар — Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш, метеорология ва сертификатлаштириш марказининг меъёрий хужжатлари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги «Ўздавстандарт» томонидан рўйхатдан ўтказилади.

ЎМКҲТ ДТС нинг амал қилиш муддати. Ҳозирги пайтдаги меҳнатни ташкил этиш ва ишлаб чиқариш технологияларининг кескин ўзгариши билим ва фаннинг интенсив ўзгаришларини ҳисобга олиб, доимо мавжуд стандартларни қайта кўриб чиқиб, янгилаб туришни тақозо қилмоқца. Шунинг учун стандартларни таълим жараёнига татбиқ этиш жараёнида стандартларга баҳо беришни ва назорат қилишни қузатиб бориш зарур. Стандартларни баҳолаш мезонлари қўйидагилар бўлиши мумкин:

- Ўқувчилар томонидан мазкур стандартга талаб қанча?

- Ўқувчиларнинг билими ва кўникмаларини баҳолашда, ўкув жараёнини ташкил этишда қандай муаммолар мавжуд?
- Битиравчиларнинг иш билан таъминланиш истиқболи қандай?
- Эгаллаган касб бўйича меҳнат фаолиятига ўтишда қандай қийинчиликлар мавжуд?
- Иш жойини ўзгартириш даражаси қандай?
- Мазкур стандартнинг эскириш даражаси қандай?

Бунинг учун қатор йиллар битиравчилар фаолиятини ва иш берувчилар билан алоқасини кузатиш зарур.

Стандартнинг жорий этилишини назорат қилиш шаклини, сифатини таъминлаш тамойиллари, яъни битиравчиларга бўлган талаблар қанча юқори бўлса, уларнинг иш билан таъминланиш имконияти ошади.

Тармоқ стандартларининг таълим жараёнида амал қилиш муддати 5-8 йил қилиб белгиланган.

Умуман олганда стандартнинг жорий этилиниши Ўрта маҳсус, касбхунар таълими бошқарув органи назорати остида ўкув муассасалари педагогик жамоаси томонидан амалга оширилади ва бунда ўхитувчи асосий ролни ўйнайди.

Ўқитувчи: доимо ўқитишиш воситаларини такомиллаштириш, янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш ва ўзининг малакасини ошириш устида ишлайди. Ўқув машғулотларини ташкил этишнинг бундай шакллари табиий ҳолда таълимнинг натижасига, яъни стандартнинг қандай амалга оширилишига боғлик.

Ўқувчи: биринчидан «Ўрта маҳсус, касб —хунар таълими битиравчилариға қўйилган талаблар»ни, малака тавсифномаси ва келгусидаги фаолият доираси билан таниш бўлиши; касб—хунар компетенцияси, шахснинг ижтимоий сифати белгилари, аниқлик, маъсулият, мосланувчанлик, гурухда ишлай олиш қобилияти, амалий кўникмаларга эга бўлиш, оғзаки нутқ ва ёзма сухбат даражаси, тўғри ечимни топа олиш хусусияти, ахборотларни топа олиш, компьютер билан ишлай олиш каби ва бошқа гусусиятларга эга бўлиши зарур.

Иш берувчи: битиравчининг кейинги фаолиятида иш билан таъминланиш учун унинг касбхунар маҳоратини аниқлашда муҳим рол ўйнайди; таълим жараёнида teng ҳуқуқли ҳамкор хисобланиб, таълим бериш мазмунини аниқлаш, ўкув жараёнининг бориши ва тугашининг ҳамма босқичларида фаол иштирок этади; муаммолар муҳокамасида ва хулосалар қабул қилишда коллегал иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шундай қилиб, иш берувчининг таълим стадартларини жорий қилишдаги ролини қўйидаги ишлар орқали баҳолаш мумкин:

- соҳа босқичида ёки коллежларнинг ўзида хомий кенгашларни тузиш;
- таълим муассасасининг назарий ва амалий машғулотларида ўқитувчи, наставниклар сифатида фаол иштирок этиш;
- таълим муассасаси битирувчиларининг жорий ва давлат аттестациясида ҳамда битирувчиларга дипломларни тақдим этиш жараёнида иштирок этиш;

Оила: ўқувчиларни касбга тайёрлаш жараёнида уларнинг ҳоҳиш ва қизиқишини белгилаб, уларнинг таълим жараёнида тўлиқ ипггироқини таъминлашда масъулиятли бўлиши; таълим стандартларининг очиқлилигини ва кўргазмалилигини эътиборга олиб, касбхунар тавсифномаси, келгуси касбий фаолият тўғрисида етарли ахборотларга эга бўлиш, зарурият бўлганда мутахассислар тайёрлаш дастурлари ва ўқув режаси мазмунини билиши зарур.

Олий ўқув юртлари: ўрта маҳсус, касбхунар таълими муассасалари ўқитувчи, мухандис - педагогларининг замонавий технологиялар ва янги билимларга эга бўлиши учун малакаларини оширади; таълим бериш мазмунини модернизация қилиш бўйича илмий жиҳатдан қўллаб қувватлайди; ўқув, илмий-услубий базаларни яратишда иштирок этади; ўрта маҳсус, касбхунар таълими тизими ўқув муассасалари кафедраларига давлат таълим стандартларини жорий қилишда узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш илмийуслубий раҳбарлик қилиш ва амалий ёрдамлар беришни олиб боради.

Жамоатчилик: васий ташкилотлар, худудий давлат органлари, иш билармонлар, жамоатчилик ташкилотлари, фондлар ва ҳомийлар вакилларини ўз ичига ҳомий кенгашлар Давлат таълим стандартларини самарали жорий қилишда фаол иштирок этадилар; ишлаб чиқариш талабларига мос мутахассисларнинг шаклланишига имконият яратади ва ниҳоят кадрларнинг рақобатборо дошлиги ва сифатини баҳолайди.

2.8. Таълим ва ўқитиши мазмунини танлашга қўйиладиган талаблар

Умуман таълим мазмунини танлашга талаблар И.Я. Лернер ва В.В.Краевскийлар томонидан шакллантирилган. Тизимли педагогик жараённинг мантиғига асосан бу талабларнинг энг муҳимлари - таълим мазмунининг унинг жамият, фан, маданият ва шахс ривожланиши талаблари билан аниқланадиган мақсадига мос келишидир. Бу тамойил таълим мазмунини лойиҳалаштиришнинг барча босқичларида акс этади ва унга жамият, илмий билимлар, маданий ҳаётнинг ривожланишига мос

келувчи ва шахсий ўсиш имкониятларини таъминловчи билим, хунар ва кўникмаларни киритишда кўринади. Касб-хунар таълим мининг мақсади сифатида нафақат умумилмий ва маҳсус билимларнинг, хунар ва кўникмаларнинг маълум тизимини шакллантириш, балки биргаликда мутахассиснинг касбий ва ижтимоий тайёргарлигини таъминловчи ижодий ривожланиш, шахсий оёққа туриш, қадриятлар йўналишларининг шаклланишини ҳам қараб чиқиб, И.Я. Лернер фикри бўйича педагог таълим мазмунини танлашда ҳар бир босқичда унга қўйидаги компоненталарни киритиши шарт:

илмий билимлар тизими;

типик ҳолатларда фаолият усуллари;

ижодий фаолият тажрибаси;

дунёга ҳиссий-қадриятли муносабат тажрибаси.

Афсуски, таълим мазмунининг берилган таркиби ўкув дастурлари ва дарсликларга киритиш лозим бўлган аниқ билимлар, хунарлар ва кўникмаларнинг мазмунини аниqlамайди. Бунинг учун, И.Я.Лернер айтиб ўтгандай, бошқа мезонлар: билим турлари, илм ва ўкув фанининг мантифи, хунар турлари ва ҳакозолар қўлланилади. Таълим мазмуни таркибий элементларининг тўлиқлигини таъминлаш, аввало, ўкув фани, шунингдек ўкув материаллари асосида амалга оширилади. Албатта, ижодий фаолият тажрибаси ва дунёга ҳиссий-қадриятли муносабат тажрибасига эга бўлиш нафақат ўкув мазмунини эгаллаш орқали, балки педагогик жараённинг мос ташкил этилиши ҳисобига, талабанинг ижодий ривожланиши, ижтимоий ва маданий оёққа туришини таъминловчи усул ва технологияларни қўллаш билан амалга ошади. Шу билан бирга, ўкув материалларини танлашда ўқитувчи олдида талаба эгаллаши шарт бўлган ижодий фаолият усуллари ва қадриятлар тизимини фаоллаштириш ва унинг ривожлантирувчи ва тарбияловчи салоҳиятини бойитиш масаласи туради.

Таълим мазмунини танлашга кейинги талаб аниқ педагогик жараённи ҳисобга олишни фараз қиласди. Бу - таълим мазмуни тузилмасини яратишда ўқитилаётган одамнинг қонуниятлар, тамойиллар, технологияларни тасаввур қилишини, эгаллаб олиш даражасини ҳисобга олиш шартлигини билдиради. Умумтаълим мазмунини танлашдаги мазмун ва жараён томонларининг бирлиги талаби касб-хунар таълими мазмунини танлашда ҳам қўл келади.

Таълим мазмунини танлашнинг турли босқичларида унинг таркибий бирлиги талаби назарий асослар, ўкув ва касб-хунар ҳаракатларнинг бир бутунлигини фараз қиласди. Шунинг учун, бу талаб мутахассис касб-хунар таълими мазмунини шакллантиришда ҳам ўзини кўрсатади. Умумтаълим мазмунини танлашда фундаменталлаштириш – гуманитар ва табиий-илмий билимларни интеграциялаш талаби ҳам ишлатилиши мумкин. Касб-хунар таълимига қўлланганда таълим мазмунини фундаменталлаштириш талаби касб-хунар фаолияти назарияси

асосларини ва ишлаб чиқариш (мутахассислик) технологияларини интеграциялашни фараз килади.

Мутахассислар касб-хунар таълими илмий билимларни акс эттирувчи маҳсус фан доирасида амалга оширилади. Шунинг учун, таълим мазмунини танлашда ўрганилаётган фан ва ўқув фани орасидаги ўзаро боғлиликни ҳисобга олиш зарур. Бу ўзаро алоқалар ўқув материалларини танлашга бир вақтнинг ўзида илмийлик ва тушунарлилик, барқарорлик ва башоратлилик, тўлиқлик ва етарлилик талаблари бажарилишини, такрорланишни олдини олиш билан ёндошишга имкон беради.

Шу билан бирга, ўқитишга касбий-фаол ёндошишдан келиб чиқиб, таълим мазмуни шаклини қуришда блок-модул усулини сақлаш талаб этилади. Бунга сезиларли даражада услубий муаммолар ва фан муаммоларини ишлаб чиқиша илмий замонавий ютуқлар, ўқув фани мантифини қуришда энг қўп аҳамиятга эга бўлган шакл, усулларини қўллаш ёрдам бериши мумкин.

Масалан, замонавий электроника электрон жараён ва ҳодисаларни ўрганувчи фан сифатида ҳам, техниканинг илмий қонуниятларини ўрганувчи тармоғи сифатида ҳам қаралади. Маҳсус фан ичидаги электрониканинг илмий ва техник томонларини ажратиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда, назарияга ҳам, амалиётга ҳам тегишли бўлган, уларнинг асосини ташкил этувчи асосий фундаментал қонуниятларни танлаб олиш керак бўлади.

Иқтисоднинг ихтиёрий соҳаси ўрта бўғин мутахассисининг касбий фаолиятида қурилиш қонуниятлари ва матиги назария асослари билан ажралмас бўлган ишлаб-чиқариш технологик жараёнлари бор. Шунинг учун маҳсус фан назарий асослари мазмунини танлашда ишлаб-чиқариш жараёнлари мантифини ишлатиш зарурдир.

Шу билан бир вақтда ўқитиш мазмунини танлашда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими талабаларини, ўқитишда қўлланилаётган технологияларини ҳисобга олиш аҳамиятлиdir, бу таълим ё тўлиқ мустақилликни, ё ўқитувчи ёрдамида, ёки қузатувида ўрганишни фараз қилади. Бундай дифференциаллаш таълим мазмунини танлашда турли даражадаги ёндошувни талаб қилади. Амалиёт шуни қўрсатадики, билим, хунар ва кўнікмаларини шакллантиришга турли даражада ёндошув шароитида тематик режалаштириш таълим мазмунининг ҳаракатчанлиги, вариативлиги, дифференциаллигига, жараённинг интенсивлигига, ўқитиш, ривожлантириш ва тарбиялаш масалаларини амалга оширишнинг бўлинмаслигига кишан бўлиб қолади. Касбий фаолият турлари бўйича ўқув элементларини синфларга бўлиш асосида режалаштиришга ўтиш зарурияти пайдо бўлиб, ҳар бир алоҳида олинган ўқув машғулотининг мақсади - талабанинг ўзлаштириш даражаси ва фаолиятидан иборат бўлади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб маҳсус фанлардан ўқитишнинг мазмунини танлашга талабларни шакллантириш мумкин.

1. Махсус фанлардан ўқитишнинг мазмуни мутахассиснинг касбий фаолияти тизимининг тузилиши мантиғидан келиб чиқиб шакллантирилиши керак. У касбий фаолиятнинг барча доирадаги ҳаракат, усул, операциялар, жараёнларининг умумлаштирилган назарий асосини акс эттириши зарур.
2. Ўқув материаллари дидактик бирликларининг зарур ва етарлилигини аниқлашнинг асоси ўқув дастури бўлиши керак. Бу дастур таърифлар, синфларга бўлиш, таққосий баҳолаш, машиналар ва жиҳозларнинг қурилмалари ва ишлаши, кўллаш, хизмат қилиш, таъмирлаш, ва сақлаш тамойилларини кўзда тутади.
3. Касбий фаолиятнинг назарий асоси ўқув фани сифатида фан, техника, ишлаб чикириш технологияларининг замонавий ютуқларини акс эттириши зарур.
4. Таълим мазмунини танлашда педагогик технологиялар жараённининг таълим берувчи, ривожлантирувчи, тарбияловчи вазифаларни амалга ошириши таъминловчи қонуниятларин, тамойилларини ҳисобга олиш зарур.
5. Ўқув материаллари дидактик бирлигининг, ҳар бир блокнинг тизимга солувчи мазмун компоненти қадрий-мақсад йўналиши бўлиши керак.
6. Мазмунни тузишнинг дедуктив асоси ўқитишнинг – умумийдан хусусийга мантиғига амал қилишни асосан таъминлаши керак.
7. Ўқитишнинг инсонпарварлик йўналиши лойиҳалаштирилганда махсус фанлар шундай мазмунни танлашлари керакки, талабаларга унинг жамиятдаги аҳамияти ва шахсий мақсадини тушунишларига имкон берсин.
8. Касб таълими мазмунини танлашда ўқитилаётганларнинг маҳсулдор ўқув-ўрганиш фаолиятга қобилиятларини ҳисобга олиш зарур.
9. Касб таълими мазмунининг экспериментал, тадқиқий асоси ҳар бир ўқув машғулотида, унинг ҳар бир босқичларида, босқичларнинг ҳар бир фазаларида ўзгартиришларни амалга ошириш зарурлигини ҳисобга олишни талаб қиласди. Бутун педагогик жараён тадқиқот бўлиб, унда ўқитувчи – тадқиқотчи ва ўқитилувчи – бошловчи тадқиқотчи иштирок этади.

3-БОБ. КАСБИЙ ЎҚИТИШ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ

3.1. Касбий ўқитиши

«Бозор иқтисодиёти ислоҳотларини амалга оширишда қандай чора-тадбирлар кўрилишидан қатъий назар, малакали мутахассислар етишмас экан, қўйилган мақсадга эриша олмаслигимиз мумкин. Малакали мутахассисларни тайёрлашда олий таълим муассасалари янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш вақти келди»^[1] – деган эди Президентимиз И.А.Каримов. Бу жараённи амалга оширишда хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг дастлабки босқичларини амалга ошириш ва бозор иқтисодиёти шароитида кадрларни тайёрлаш муаммоларини ўрганиш ушбу мавзуни долзарблигини белгилайди.

Бу каби муаммоларнинг оқилона ҳал этилиши эса ҳар томонлама бозор муносабатлари талабларига жавоб бера оладиган мутахассисларни тайёрлашга боғлиқдир. Чунки, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мустақил Республикамиз олдиғаги янгидан-янги мақсад ва вазифаларни тўғри англай билган, бу борада ўз фикр-мулоҳазасига эга бўлган, ўзининг етарли даражада замон талабларига мос келувчи билим ва тажрибасига эга бўлган мутахассисларгина мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши мумкин.

Маълумки, агар касб тўғри танланган бўлса, инсон учун меҳнат қувонч, ижодий илҳом манбаига айланади, бу эса шахс учун ҳам, жамият учун ҳам фойдалидир.

Онгли касб танлаш ўсмирлар етарли даражадаги умумий ва политехник тайёргарликка эга бўлган тақдирдагина мумкин бўлади. Ўқувчини у ёки бу касбга мақсадли йўналтиришдан аввал унинг шахсини ўрганиш лозим бунинг учун уни қузатиш, ўқувчининг мактабдаги, жамоат жойларидағи, оила ва меҳнатдаги амалий ҳаракатларини таҳлил қилиш, сўровнома ўтказиш, сухбат, тест, интервью олиш мумкин. Касбга йўналтиришда турли касблар, уларга қўйиладиган талаблар, бу касбни қаерда эгаллашлари мумкинлиги тўғрисида ўқувчиларга маълумот бериш катта аҳамиятга эга.

Касб танлаш – жиддий ва масъулиятли ишдир. Ўз ҳаёт йўлини жиддий суратда белгилаб олиш осон иш эмас. Бунинг учун узоқ вақт маҳсус тайёргарлик кўриш талаб этилади.

Ўқувчиларнинг касб–хунарга лаёқатини ўрганиш учун уларнинг ақлий, жисмоний қобилияtlарини билиш, малака ва қўникмаларини ўрганиш лозим.

Ишчи мутахассисларни тайёрлаш ҳар доим ҳам жиддий масала бўлиб келган, чунки ишлаб чиқаришнинг муваффақиятлари уларнинг малака даражасига боғлиқ

бўлган. Барча ривожланган давлатлар учун ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларида жисмоний меҳнатнинг солиштирма оғирлиги барқарор камайиб бориши тенденцияси характерлидир.

Кўпчилик ривожланган давлатларда ҳавфли ва заарли ишлаб чиқариш, монотон ва бир хилдаги иш билан боғлиқ бўлган кам малака талаб қилинадиган ишлар машина ва роботларга юклатилмоқда.

Меҳнат функцияларининг ўзгариши ёшлар учун турли хилдаги ишларнинг ўзига тортиш мезонини аниқ ажратиб берди. Бажариш жараёни қизиқарли ва ижодий куч-ғайрат талаб қиласидиган фаолият асосий ўринга қўйилмоқда.

Бу меҳнат фаолиятининг турли йўналишлари - саноат ва қишлоқ хўжалигидан тортиб то хизмат қўрсатиш соҳаларигача тегишлидир.

Дунё олимларининг тадқиқотларига кўра янги технологияларнинг ишлаб чиқаришга шиддат билан кириб келиш тенденцияси тез орада барча жойларни қамраб олади. Одат бўлиб қолган кўпгина ишлаб чиқариш жараёнлари ўтмишга айланмоқда ёки тубдан ўзгармоқда. Замонавий кичик мутахассис қадимги хунарманд - ишчиларнинг энг яхши сифатларини сақлаб қолган ҳолда янги технологияларга мослашиши ва уни эгаллашга тайёр бўлиши лозим.

Шундай қилиб, мамлакат саноати ва халқ хўжалиги учун малакали мутахассислар тайёрлаш вазифаси ёшларга касб сирларини ўргатишда янги ёндашувларни англашдан иборатдир.

Бу қадимдан ўқувчилар учун ҳар доим зарур бўлган ва ишлаб чиқаришнинг истиқболли талабларини ҳисобга оладиган қатор сифатларни шакллантиришдан воз кечиши билдирамайди. Улар қуидагилар эди:

- ишлаб чиқариш ва технологик интизомни тарбиялаш;
- жиҳоз ва асбобларни асраб-авайлашни сингдириш;
- олинган назарий билимларни амалиётда қўллай олиш;
- ишлаб чиқариш техника ва технологияси, меҳнатни ташкил қилиш тўғрисида, касбни эгаллаш ва ишлаб чиқариш малакасининг кейинги ривожланиши учун зарур бўлган ҳажмда чукур ва мустаҳкам билимларни шакллантириш.

Ҳозирги босқичда бўлғуси мутахассисдан ишлаб чиқаришнинг ўзгариб бораётган шароитларига осон мослаша оладиган ва фаол ҳаракат қиласидиган, ижодий ўйлайдиган шахс сифатлари талаб қилинади. Бошқача сўз билан айтганда, замонавий мутахассис қуидаги сифатларга эга бўлиши лозим: меҳнат фаолияти давомида ўзини онгли равишида ўзгартириш ва ривожлантириш, касбга ўзининг

индивидуал ижодий улушкини қўшиш, унда ўзига хос ўринни эгаллаш. Демак, малакали мутахассислар тайёрлашнинг асосий йўналиши ёшларга фақатгина билим беришдан иборат бўлмай, балки ҳаётнинг ўзи белгилаб берадиган устивор вазифаларни амалга оширишдан иборатdir.

Сўнгти йилларда ишлаб чиқариш ҳаётининг жонланиши натижасида малакали кичик мутахассис ходимлар етишмаслиги сезилмоқда. Шунинг учун эътиборни касб-хунар таълимига қаратиш ва унинг мазмунини янгилаш вазифаси муҳим аҳамият касб этади. Чунки замонавий ишлаб чиқаришда оддий ишчи эмас, балки малакали ва юқори малакали кичик мутахассислар етишмаяпти. Бу вазифани ҳал қилиш яқин даврларнинг энг долзарб вазифаси ҳисобланади.

XXI аср таълими бўйича ЮНЕСКО томонидан тақдим этилган Халқаро комиссия маъruzасида таълимнинг тўртта асосий тамойили кўриб чиқилган. Улар қисқа сатрларда баён қилинган бўлиб, чуқур мазмунга эга:

- билим олишни ўрганиш – шахснинг шаклланиши ва кейинги ривожланиши янгиликларни узлуксиз кузатиб бориш ва мустақил ўрганишни қўзда тутади;
- ишлашни ўрганиш – ишни оддийгина бажариш эмас, балки ҳар қандай буюрилган ишга фаолиятли ёндашув тушунилади (ҳар бир босқичдаги иш натижалари ва ўз фаолиятини баҳолаш ва таҳрирлашни билиш);
- яшашни ўрганиш – тез ўзгараётган замон шароитларига мослаша олиш, ўзини шахсий ва оиласвий ҳаётга, келажакдаги касбий фаолиятга ижодий сафарбар қила олиш;
- биргаликда яшашни ўрганиш – дунёга, инсонларга, ўзига нисбатан қадр-қимматни шакллантириш (жамият аъзоси сифатида индивиднинг барқарор ижтимоий муҳим жиҳатлари тизимини тарбиялаш).

Ҳозирги замонда таълимнинг глобал мақсади инсонни ҳар томонлама ривожлантиришдир. Биринчи ўринга ўқувчининг ички салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда унинг шахсини ривожлантириш масаласи чиқади. Бу фақатгина умумўкув укувларга тегишли бўлмай балки касбий ўқитишга ҳам тегишлидир. Агар авваллари у предметга йўналтирилган – асосий мақсади шу предмет соҳасининг мазмунини узатиш бўлган бўлса, ҳозир эса ўқувчини ривожлантиришга йўналтирилган ўқитишга ўтишдан иборат бўлмоқда. Дидақтиқада у «шахсга йўналтирилган» атамаси билан маълумдир.

Таълимнинг янги мазмунига юқоридагилар билан бирга мезонларни ўлчаш ҳам кириши лозим:

- одам қанчалик касб талабларига мос келади ва касб қанчалик инсон талабларига, унинг мотивлари ва лаёқатларига мос келади;

- инсон қай даражада касбнинг меъёр ва қоидаларини ўзлаштириб олди ва унда қай даражада ўзини намоён қилишга, ўзини касб воситалари ёрдамида ривожлантиришга интилади;
- инсонда ўсиш истиқболлари борми ва уни излайдими, бошқа одамларнинг касбий тажрибасини қабул қилишга тайёрми;
- инсон ўз муваффақиятларини миқдорий ва сифат жихатдан баҳолай оладими ва унга тайёрми, у уларни балл, мезонларда объектив баҳолай оладими.

Кўриниб турибдик мутахассисга ўз ишлаб чиқариш мажбуриятларини бажариши учун зарур бўлган шахсий сифатлар мажмуаси маълум тарзда ташкиллаштирилган ўқитиш шароитларида шакллантирилиши мумкин. Бу ерда кўзланган мақсад – янги жамият мутахассисини тайёrlашга қаратилган устивор йўналишлар тўғри танланиши мухим.

Касбий психология бўйича мутахассислар профессионалнинг муваффақият билан ишлаши учун зарур бўлган барча сифатларни учта блокка бирлаштириш мумкин деб ҳисоблашади. Худди шуларни ўқитиш жараёнида ҳисобга олиш зарур бўлади. Чунки инсоннинг профессисонализми фақатгина унинг ишлай олишида эмас. Замонавий кичик мутахассиснинг фаолиятини кўриб чиқиш ва унга баҳо беришда бу касбда уни нима ҳаракатга келтираяпти, нима учун ушбу иш билан шуғулланаяпти, у қандай қадриятлардан келиб чиқади, ўзининг қандай ижодий ресурсларини ихтиёрий равишда ва ички туйғу бўйича ўз меҳнатига қўшади. Мана шунинг учун ҳам бўлғуси кичик мутахассисни ўқитиш ва шакллантиришда куйидаги шахсий сифатлар тарбияланиши лозим:

- эмоционал-қимматли – ўқиши, меҳнатга бўлган муносабат; ахлоқнинг ўзлаштирилган меъёрлари (инсонларга муносабат); доминант эҳтиёжлар, рағбатлар ва х.к.;
- фаоллик-ирода – ишлаб чиқариш вазиятларига кириш ва ундан чиқиш учун ўзлаштирилган усуллар; тўсиқларни енгиш тажрибаси ва иродали бўлиш; натижаларни назорат қилиш ва таҳrirлаш усуллари; ижоднинг ўзлаштирилган процедуранари ва х.к.;
- образли-билимли – образларни умумлаштириш қобилиятлари, фантазия ва ҳаёлларни ривожлантириш; рефлексия тажрибаси; фикрий амаллар ва фикрий коммуникацияни ривожлантириш.

Педагогик фикрлашнинг янги кўриниши бўлган ҳамкорлик педагогикаси ўқитиш жараёнида мухим омил бўлиши мумкин. У барча турдаги таълимий муассасалар, барча касбий таълим, ўқитиш ва тайёrlаш шакллари учун яроқлидир. Унинг мазмуни педагогларнинг ўқувчиларга сингдирадиган оддийгина фикрларига асосланади: “Сен мутахассисликни эгаллайсан, у келажакда сен ва сенинг оиласнинг фаровонлигини таъминлаш усули, фаровон ҳаёт кафолатидир. Шунинг

учун билим ва уқувларни қанчалик эгаллашинг, малаканг даражаси сенинг саъй-харакатларингга боғлиқ бўлади, мен (педагог) эса бунда сенга ёрдам бериш учун ҳаммасига тайёрман”.

Шу билан бирга фақатгина меҳнаткаш, билимга чанқоқ, ижодий ишловчи ўқувчиларга мўлжал қилиш керак эмас. КҲҚ ўқув муассасалари таркибида ўқишни истамайдиган, унга ўрганмаганлар ҳам йўқ эмас. Бироқ улар бизнинг фарзандларимиз, мамлакатимизнинг бўлгуси фуқаролари ва педагогларга уларни ҳайдаш, жамиятдан чиқариб ташлаш ҳуқуқи берилмаган. Касб таълими педагогларининг вазифаси ҳар бир ўқувчини ўқув ва ўқув-ишлиб чиқариш фаолиятига фаол жалб қилишдан иборат. Ваҳолангки турли ўқувчилар бор экан, демак лаёқатли мутахассисларни тайёрлаш ва тарбиялашга ҳам турлича ёндашувлар бўлиши лозим.

“Ҳамкорлик педагогикаси” кўзланган мақсадга эришишда ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ўзаро муносабатларини таъминлайди. Уни “кириб борувчи технология” деб ҳам аташади. У қуйидаги характерли хусусиятларга эга:

- ўқув машғулотларининг демократик, дўстона тусда эканлиги, педагогнинг ўқувчилар билан муносабати зўрма-зўраки эмас, бир-бири билан эркин мулоқот қилиш мухити; “бўшроқлар” учун эркин ҳаракат қилиш, “кучли” лар учун эса жадал ривожланиш шароитларини яратиш, ихтиёрий ўзаро ёрдамни ташкил қилиш;
- ҳар бир дарсда барча ўқувчилар учун психологик қулай, муваффақиятдан завқланиш мухитини яратиш. Эпломасликдан қўрқиши ҳиссини йўқотиш. Руҳий эркинликни, ўрганиш давомида ташабbus ва мунозарани рағбатлантириш; ўқувчиларнинг педагогга ва бир-бирларига савол беришлари одатий ҳол бўлиши лозим;
- ҳар бир дарсда ижодий мухит яратиш, ўқувчиларнинг ўз кучларига, мустақил равиша ютуққа эришишига ишончни таъминлаш; ўқувчиларни ўқишга мажбур қилиш методларидан воз кечиш;
- ўқувчиларнинг ўқишдаги ютуқларини объектив ва адолатли баҳолаш, ўқитиши сифатини ошириш учун баҳодан фойдаланиш; барча ўқувчиларнинг ўқишдаги ютуқларини мустақил равиша назорат ва таҳлил қилишидан кенг фойдаланиш.

Ҳамкорлик педагогикасининг концептуал асослари, унинг ғояси ва технологияси юқори малакали мутахассислар тайёрлашда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шахснинг қандай қасбий сифатлари унинг ҳар қандай ишда меҳнатга мослашиб кетишини таъминлаб беради?

Ҳар доим шахсий сифатлар инсоннинг ҳаётда тутган ўрнини белгилаб берган. Бироқ кўп йиллар давомида сифатсиз, рақобатбардош бўлмаган, талаб бўлмаган

маҳсулотни ишлаб чиқариш одатий ҳол бўлиб қолган ва аҳволни тўғрилаш бўйича фавқулотда чоралар кўриш учун баҳона ҳам бўлмаган. Ҳаттоқи космик кемаларни ясашда ҳам қўпол хатоларга йўл қўйилганлиги тарихдан маълум. Бозор муносабатлари бундай психологияни ўзгартирмасдан, муҳим касбий сифатларни шакллантирмасдан туриб дунё бозорларидағи рақобат курашида ютуқقا эришиш мумкин эмаслигини кўрсатди.

Сир эмаски кўпгина ривожланган давлатларда кучларни ишлаб чиқаришдаги назорат аппаратларини қўпайтиришга эмас, балки ҳар бир ишчи ўринда нуқсонга йўл қўймасликка йўналтириш истиқболли эканлиги тан олинган. Қисқача айтганда, ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг иш сифати учун масъулияти ортиб бориши билан характерланадиган янги турдаги маданий-ишлаб чиқариш муносабатлари яратилмоқда. Агар америкача тизимда стандартларга қатъий риоя қилиш масаласи қўйилса, японларнинг сифат тўгаракларида (фақат кўнгиллилардан тузиладиган) стандартда кўрсатилгандан юқорроқ сифатга эришиш вазифаси қўйилади.

Шундай қилиб, эртага меҳнатга лаёқатли мамлакат аҳолисининг асосини ташкил қиласидиган авлодда касбий сифатларни шакллантириш муҳим миллий вазифага айланади. Мутахассисликка ўқитиш давридаёқ бўлғуси жамият аъзоларида қандай касбий муҳим сифатлар шакллантирилиши лозим?

Энг аввало – меҳнатга интилиш. Бу ҳам рўёга айланган орзудан лаззатланиш, ҳам сезиларли моддий натижани кутиш, бажарилган мажбуриятни англаш, зарур ишни бажариш учун масъулият ҳисси ва ниҳоят, меҳнат жараёнига ўзидан, янги бирор нарса қўшиш истаги.

Педагог шу ўринда ёш мутахассислар томонидан бажарилган ишларни мисол қилиб келтириши мумкин. Бу ўқувчиларни ижодий изланишларга ундаиди. Ҳар қандай ишчи - мутахассиснинг иш сифати унинг технологик интизомга риоя қилиши ва тайёрлаган маҳсулот сифати билан баҳоланади. Айтиб ўтганимиздек ривожланган давлатларнинг ишлаб чиқаришидаги қатъий технологик интизом чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати, ишончлилиги ва узоқ муддатлилигини таъминлаб беради. Буларнинг ҳаммаси, ҳаттоқи буюм ўхшашидан анча қимматроқ бўлса ҳам, барқарор харидни таъминлайди. “Мен арzon буюмлар сотиб оладиган даражада бой эмасман” деган нақл кўпчиликнинг қиммат бўлса ҳам сифатли маҳсулотга интилишини акс эттиради.

Ҳар бир иш ўринга назоратчини қўйиш мумкин эмас, технологик занжирнинг ҳамма босқичларини кузатиш жуда мураккаб. Фақатгина топширилган иш учун “Қандай бўлиши керак?” қабилида шаклланган масъуллик сифат кафолати бўлади.

Бир неча ўн йилликлар давомида атрофдаги ҳамма нарса “умумий” бўлгани сабабли унутилган “эгалик” ҳисси жуда кучли инсоний омилдир. Ўз шаънини ўйлайдиган ҳақиқий ишлаб чиқарувчи бўлмағур маҳсулот чиқармайди.

Ўқитиши шараёнида бўлғуси мутахассисларда эстетик, меҳнат гўзаллигидан завқланиш, бадиий дид, гўзал буюмлар яратиш уқувларини тарбиялаш учун шароитлар яратиш зарур.

Яна бир муҳим сифат – бу иқтисодий тежамкорлик ва ишлаб чиқаришнинг экологик оқибатларини ҳисобга олишга одатланиш уқувлари ҳисобланади. Қачонки параметрлар таққосланса, энергия истеъмоли, ихчамлик ва бошқа эксплуатацион характеристикалар билан баҳоланса, ишлаб чиқариш чиқиндилари масалалари таҳлил қилинса ва буларнинг ҳаммаси тарбияланган одатга айланса, у ҳолда технологик ва иқтисодий саводхонликнинг бирлиги, ташаббус кўрсатиш, тадбиркорлик ва ўз фаолияти самарадорлигини баҳолаш ўз-ўзидан таъминланади.

Ўрта маҳсус, касбҳунар таълими тизими асосида бўлғуси мутахассисларда бундай касбий муҳим сифатларни шакллантириш вазифасини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда, юртимизнинг тараққиёти бу вазифаларни ечиш билан боғлиқдир.

Бугунги илмий-техник тараққиётни ҳисобга олган ҳолда жуда ёшлик даврдан бошлабоқ ёшларда ижодий салоҳиятни шахсга хос бўлган мажбурий сифат тарзида шакллантириш керак. Цивилизациянинг барча дурдоналари ижодкор инсонлар томонидан ихтиро қилинган технология ва техник воситалар асосида яратилган. Кўпгина ривожланган давлатлар мавқеини ундаги мутахассисларнинг моҳир қўллари тутиб туради. Ўтган асрнинг бошларида ёқ америкалик тадбиркор Эндрю Карнеги шундай деган эди: «Менга менинг фабрикамни қолдириб, одамларни олиб кетинг – тез орада фабрика поллари ўт билан қопланади. Мендан фабрикаларимни олиб, менга одамларимни қолдиринг – тез орада бизда олдингисидан ҳам яхшироқ заводлар бўлади». Шубҳасиз, у ўзларини фабриканинг асосий бойлиги деб тушунган одамларни кўзда тутган эди. Шу ўринда Жанубий Корея меҳнат вазирининг айтган гапини эслаш ўринли бўлади: «Кореянинг қазилма бойликлари йўқ, лекин унинг гуллаб яшнаши учун хизмат қилаётган яхши мутахассислари бор».

Барча ривожланган давлатлардаги олға силжишлар инсониятни тараққиётнинг янги поғоналарига кўтарувчи шундай шахслар туфайли юз беради.

3.2. Касбий ўқитиши ва амалларни бажариш назарияси ҳақидаги билимлар. Касбий ўқитиши жараёнларининг моделлари. Касбий ўқитишида асосий тушунчалар тизими

Бирор фанни ўқитиши тизими деганда, шакли ва методларини белгиловчи асосий қоидалар тушиниллади. Агар касб-хунар коллажларида олиб борилаётган ишлаб чиқириш таълим мини тизим деб ҳисобланса, демак у ўзаро боғлиқ бўлган алоҳида қисмлардан иборат бўлиши ва бу қисмлар муайян қонунларга асосланган кетма-кетликда жойлашган, ўзаро таъсирлашиб, ягона яхлитликни

ташкил этишлари даркор. Шунинг учун ҳам, ишлаб чиқариш таълими тизими тўғрисида гапиришдан олдин, у қандай қисмлардан тузилган ва бу қисмлар ўзаро қандай боғлиғликка эга эканлигини кўриб чиқиш лозим.

Хақиқатан ҳам, касб-хунар коллежларида олиб бориладиган ишлаб чиқариш таълими бир неча қисмлардан иборат, улар: ўқувчи, мухандис-педагог-ташклотчи ва раҳбар, ишлаб чиқариш таълимининг мазмуни, шакли, методлари, дидактик топшириқлар, дидактик воситалар (моддий-техник база) ва ўқув ишлаб чиқариш базаси (устахона, полигон, ўқув участкава хўжалик). Шу билан бирга, ўқитишида дидактик кетма-кетликни таъминлаш учун бу қисмлар белгиланган муайян қоидаларга асосланган қатъий кетма-кетликда жойлашган. Касб-хунар коллежларида бундай кетма-кетлик аниқланган ва касб-хунар таълими жараёнида кенг қўлланилмоқда. Бу кетма-кетлик, умумий тарзда қўйидаги дидактик принципни осон (оддий) нарсани ўзлаштиришдан мураккаброғини ўзлаштиришга томон йўналганлиги билан ифодалаш мумкин. Ишлаб чиқариш таълимини янада майда қисмларга бўлиш уларни муайян кетма-кетликда жойлаштириш – бу принципни муваффақиятли амал қилишни таъминлайди.

Ишлаб чиқариш таълимини турли қасблар бўйича таҳлил қилиш, уларни муайян умумийликка эга эканлигини кўрсатди. Бу умумийлик, ҳар бир жараёнда кетма-кет жойлашган элемент (қисм)ларнинг: иш усуллар, меҳнат амаллари ва иш турларининг мавжудлигига, яъни ўқитиши (ўргатиши) элементар ва демак содда ва ўзлаштиришга қулай бўлган меҳнаттага оид хатти-харакатлардан бошланиб астасекин янада мураккаброқ иш мажмуаси ва турларини ўзлаштиришга томон йўналган бўлади. Бу қоида ақлий ва жисмоний меҳнатдаги деярли барча қасбларга хосдир.

Хақиқатан ҳам, бирор фаолият турини ўрганиш, энг самарали иш усулларини ўрганишдан бошланади. Масалан, текисликдаги ўлчамларни белгилаш – металл қалам (чертилка) билан юзани чизишдан; кимёвий жараёнларни бошқариш асбоблар кўрсатишларидан фойдаланишни билишдан, транспорт воситаларини бошқариш бошқарув дастагидан фойдаланиш усулларидан бошланади. Иш усуллари ўзлаштирилгандан сўнг, меҳнат амаллари, меҳнат амаллари мажмуаси ва иш турларини бажаришга ўтилади ва усуллар янада такомиллашади.

Қўйидаги ЭҲМ оператори қасблари бўйича ишлаб чиқариш таълими мазмуни иш усуллари, меҳнгат амаллари, меҳнат амаллари мажмуаси ва иш турларига бўлиннишига мисоллар қўйидаги жадвалда келтирилган(1-жадвал) бу мисоллардан кўриниб турибдики, турли қасблар бўйича ишлаб чиқариш таълимининг умумий белги (қисм)лари объектив тарзда мавжуд бўлиб, улар ўзаро боғлиқ ҳолда уни бориш кетма-кетлигини таъминлайди. Шунинг учун ҳам, тўла асос билан айтиш мумкинки, касб-хунар таълимининг умумий тизимидан ишлаб чиқариш таълими ҳам ЭҲМ оператори қасби бўйича ишлаб чиқариш таълими мазмунини қисмиларга ажратиш

Тизим сифатида мавжуддир. Бу тизимини қўйидагича таърифлаш мумкин.

Ишлаб чиқариш таълими – касб-хунар тайёргарлик мазмуни, шакли, методлари ва дидактик воситаларининг объектив бирлиги бўлиб, улар мухандис-педагог раҳбарлигига ўқувчиларнинг касбга оид иш усуллари, меҳнат амаллари, меҳнат амаллари мажмуасива иш турларини кетма-кет равишда эгаллашларини таъминлайди.

Бу тизимга, унинг юқорида қайд қилинган қисмларнинг умумийлигига асосланган бир неча хусусий тизимлар ҳам киради. Масалан, металлга совук ҳолда ишлов беришга оид касблар (токарлик, фрезерлик, рандаловчи)да бир хил метод ва ташкилий шакллардан фойдаланилади, кимёвий ишлаб чиқаришга оид айrim касбларда (аппаратчи-химик) айнан бир хил методик воситалардан фойдаланилади. Шундай қилиб, касбларни ишлаб чиқариш таълими қисмларининг умумийлигига асосан туркумларга учун маълум имконият мавжуд. қайси ташкил этувчи умумийликнинг асоси сифатида қабул қилинишига қараб, ишлаб чиқариш таълими тизимиға киравчи бир неча хусусий тизимларни яратиш мумкин. Касбга оид кўнишка ва малакаларини шаклда ҳар бир тизимнинг ўзига хос ишлаб чиқариш, педагогик психолокик ва физиологик жиҳатлари мавжуд бўлади.

Ишлаб чиқариш таълими тизимининг таркибий ташкил этувчи (компонент)ларини умумий таърифларига тўхталамиз. Ишлаб чиқариш таълими якка (индивидуал) ва гурухий ташкилий шаклларда олиб борилиши мумкин. Гурухда ўқитиши ўқувчиларни нисбатан катта гурухларда, звено ва бригадаларда ўқитишини назарда тутади. Шу билан бирга, гурух фақат ўқувчилардан (ўқув гурухлари) ёки ўқувчилар ва ишчилар (звено, бригада)дан иборат бўлиши мумкин.

Ўқув методлари ҳам турлича бўлиши мумкин. маълумки, ўқув методларининг оғзаки баён қилиш, кўргазмали ва амалий методлар гурухи мавжуд. Улар ўқитишининг барча кўринишларида, шу жумладан илаб чиқариш таълимида ҳам қўлланилади. Ўқитишининг касбий ўналганилигига боғлиқ ҳолда бу методлар турлича нисбатларда қўлланилади.

Ишлаб чиқариш таълимида қўлланиладиган дидактик воситалар ҳам турлича бўлади. Улар ўқувчилар фойдаланадиганжиҳозлар (дастгоҳ, асбоб, ускуна, тренажер ва х.к), турли техник (технологик) хужжатлар (чизмалар, технооигик карталар), кўргазмали қуроллар, шу жумладан экранли воситалар, айrim технологик қурилмалар, машина узеллар, бошқариш пультини англатувчи маҳсус қурилмалар ва ҳоказолар.

Ўқитиши жараёнининг таҳлил, турли касбларга ўргатишида турлича шакл, метод ва воситалар устивор бўлишини кўрсатади. Масалан, ўқувчиларни технологик жараёнлар, энергетик қурилмалар, харакатланувчи объектларни бошқаришга оид касбларга ўргатишида кузатиш, назорат-ўлчов асбоблар кўрсаткичларини олиш ва уларни таҳлил қилиш асосида амалий хатти-харакат стратегиясини белгилаш мухим бўлиб хисобланади. Бунда кечеётган жараённи меъёрдаги технологик жараён билан таққослаш катта аҳамиятга эга бўлади. Юқоридаги қайд қилинган

касблар ўқувчиларда реакция тезлиги, тезда қарор қабул қилиш ва уни тезлик билан амалга оширига оид амалий малакаларни шаклланишини талаб қиласи. Бу малакалар унчалик мураккаб бўлмасдан, улар асосан хатти-харакатга оид (вектилни бураш, тормоз дастагини харакатлантириш, тутмачани босиш ва х.к.) малакалардан иборат бўлади.

Материалларга механик ишлов бериш, қурилиш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва унга ўхшаш касблар бўйича ишлаб чиқариш таълими машоулотларида амалий методлар бевосита машқларни, ўқув-ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш ишларини бажариш мухимроқ бўлиб ҳисобланади. Иш билан бирга фақатгина машқлар фақатгина касбга оид асосий амалий кўникмалар билан бирга ёрдамчи (токар, электромонтер ва таркторчи машинистлар учун чилангарликни) меҳнат кўникмаларини ҳам шакллантириш зарур.

«ЭҲМ оператори» гурӯҳи ўқувчиларининг ўқув амалиёти бўйича уddaрай олиши

керак бўлган ишлар графиги

№ Уддалай олиш

1 курснинг ўқув хафталари

1
2
3
4
5
6
7
8
9
10
11
12
13

14

15

16

17

1.

Компьютерни ёқиши ва ўчириш. Ишчи столни созлаш.

2.

Word дастурида хужжат яратиш. Уни таҳирлаш, HDD ва дискетага ёзиш.

3.

Турли хилдаги иш коғозларини тайёрлаш.

4.

Хужжат тузишда Word нинг хат, ҳисобот, факс ва бошқа иловалар тузиш бўйича усталаридан фойдаланиш.

5.

ЭҲМ ишлашини текшириш; ОС ни тайёрлаш ва юклаш;

Дисковод, дискета ва HDD ларни текшириш.

6.

Ахборотларни бир компьютердан бошқасига күчириш. Ўчирилган файлларни тиклаш

7.

ЭҲМ тизимлари ва параметрларининг конфигурацияларини созлаш; HDD ни инсталлизациялаш ва HDD га хизмат килиш;

8.

ЭХМ га бошқа қурилмаларни улаш ва уларни ўрнатиш

9.

Вирусга карши текширишлар ўтказиш;

110.

Хужжатлар ва дастурларни йигиши, архивлаштириш ва сақлаш.

11.

Электрон почта орқали ахборотлар қабул қилиш ва юбора олиш;

12.

Замонавий нашриёт тизимлари, электрон жадваллар, тест таҳрирлари ва маълумотлар базаси билан ишлай билиш.

13.

Носозликларни топиш ва бартараф қилиш.

14.

Турли хилдаги хужжат. тез ва сифатли териш ва таҳрирлаш.

15.

Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш.

Ишлаб чиқариш таълими хақиқий ишлаб чиқариш жараёнига яқинлаштириб ўтказиш даражаси ҳам турлича бўлади. Шундай касблар борки, касб-ҳунар коллежларида уларга ўргатиш жараёнини табиий ишлаб чиқариш жараёнига юкори даражада яқинлаштирилиб ташкил қилиш мумкин. Масалан, металларга механик ишлов бериш, пардозлаш ишлари, қурувчилик касблари. Бундай касбларга ишлаб чиқариш устахоналари, ўқув хўжаликларида ўргатилади. Айрим катта (баланд) технологик қурилмалар, катта ўлчамли обьектларга ўргатишда .са, ўқитишни ишлаб чиқаришдаги ҳақиқий шароитга яқинлаштириш, технологик жараёнларнинг узлуксизлигини таъминлаш мумкин эмас. Бундай ҳолларда турли конструкциялардаги полигонлар ва тренежерлардан фойдаланилади. Табийки, ҳар иккала гурухдаги касблар ўзига ҳос ишлаб чиқариш таълими тизимиға эга бўлади., улар қўлланаётган шакл ва дидактик воситаларнинг умумийлигига асосланган.

Ишлаб чиқариш таълими даврида ҳал қилинадиган дидактик топшириклар ҳам турлича мазмунга эга бўлади. Масалан машинасозликка оид касбларда ишлаб чиқариш таълим мининг кириш, асосий даврларига ва маҳоратни эгллаш даврида олаҳида эътибор берилади. Темир йўл транспорти электромонтери тайёрлаш эса, бир неча даврларга бўлиниб, уларда чиланганирлк ишларига, электромонтаж ишларига алоқа линияси қурилиши ва ишлатилиши, автоматика ва электр таъминот қисмларининг тузилиш ва техник мазмунига оид турли дидактик топшириклар кўйилади ва ҳал қилинади. Хар бир дидактик топшириқ ўқитиш таркиби га ва демак ишлаб чиқариш таълими тизими га таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқариш таълим мининг мазмуни ўқитишнинг асосий таркибий ташкил этувчиси сифатида давлат таълим стандартларида, ўқув дастурларида акс эттирилади. Ўқитиш мазмунига қўйиладиган талаблар касб-малака тавсифномаларида баён этилиб, уларда муайян касбга оид ишнинг характерини акс эттиради. Ўқитиш мазмуни одатда касбнинг ўзига хослигини очиб беради ва ўқувчиларга умумий ва муайян касбга оид маҳсус-оддий кўникмалар эгаллашга имкон беради.

Ишлаб чиқариш таълим мини амалга ошириш тизимлари. Ишлаб чиқариш таълим мини амалга оширувчи тизимлар ўқув материалини ўзлаштириш кетма-кетлиги, ўқувчиларда кўникма ва малакаларни шакллантириш йўнлишларини белгилаб беради. Шуни таъкидлаш лозимки, турли ишлаб чиқариш соҳалари даги меҳнат жараёнлари ҳам турлича мазмунга эга бўлади. Шундай меҳнат жараёнлари борки, уларнинг асосий қисмларини ўқув тарбиявий жараённинг мустақил қисми сифатида ажратиб олиш мумкин (масалан, материалларга дастгоҳларда ишлов бериш). Шундай касблар ҳам борки, улардаги меҳнат жараёнларининг асосий қисмларини ўқув тарбиявий жараённинг мустақил қисми сифатида ажратиб бълмайди. (кимёвий қурилмаларда ишлаш). Шундай мутахассиснинг меҳнат функциялари ҳам турлича бўлади. У ишлаб чиқариш таълим мини амалга оширишда турлича маҳсус тизимларда н фойдаланишини тақозо қиласди. Бндай ҳар бир тизими ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг ишлаб чиқаришга оид, физиологик, психологик ва педагогик жаҳатлари билан фарқланади. Улардан айримларини кўриб чиқамиз.

Ишлаб чиқариш таълим мининг предметли тизими. Бу тизим ишлаб чиқаришнинг хунармандчилик даврида вужудга келган ва ўша замоннинг техник тараққиётига мос бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари бўйича тузилган. Ўқувчилар ўқиши даврида инструктор ттайёрлаган буюмни тайёрлаган. Бу ишлаб чиқариш таълим минин якка тартибда ўтказилишини акс эттирган. Муайян ишлаб чиқаришда яратиладиган маҳсулотлар рўйхатининг ўзи ўқитиш дастури бўлиб хисобланган. Бунда касб маҳорати босқичларининг машқ қилиш қатъий назорат қилинмаган. Буюмни тайёрлаш босқичларга бўлишатъий режа бўйича бўлинмаган, у ишлаб чиқаришдаги шароит ва инструкторларнинг бўлими ва тажрибасига боолик бўлган предметли тизимнинг асосий камчилиги усуллар ва амаллар машқ қилинмаганлиги бўлиб, бунинг натижасида ўқувчилар нотўори хатти-харакатларни

ўзлаштириб, уларни қайта ўргатишга тўори келарди. Эгалланган кўникма ва малакалар жуда ихчам бўлмаган.

Ишлаб чиқаришнинг амалли (операцион) тизими. Бу тизим мануфактурали ишлаб чиқариш даврида, машина техникасининг ривожланиши натижасида вужудга келди. Ишчи меҳнати мазмуни ва характеристининг ўзгариши, уларни аввало энг кўп истеъмол қилинадиган буюмларга ишлов беришда кўпроқ қўлланадиган иш усулларини ўзгартириш зарурлигини тақозо қилди.

Аста-секин мураккаблашиб борадиган алоҳида меҳнат амалларини кетма-кет равиша ўзлаштириш, ўқитишнинг бу тизим асосини ташкил этади. Ўқувчилар дастлаб бирор буюмни ишлаб чиқаришнинг алоҳида амалларини бажаради. Уларда бошланоич кўникма ва малакалар шаклланади. Сўнгра улар унча мураккаб бўлмаган буюмларни ясаганлар. Бу тизимга ўтилгандан сг ўқув жараёни тезлашди, ўқувчилар айрим буюмларни ясашни эмас, балки ўрганаётган касбга оид ишларни бажаришга ўргандилар. Предметли тизимни амалли тизимига алмаштирилганлиги бирмунча самарали. Чунки, технологик жараённи иш амалларига ажаратиш чуқурлашиб борган сари, уларни бажариш осонлашиб, меҳнат унумдорлиги ортиб боради.

Бироқ, бу тизимда ўқувчилар ўз меҳнати натижаларини кўриш имкониятига эга бўлмайдилар, чунки ўқув жараёнида меҳнат амаллари қисмлари ва уларни қўлланиши ўртасида бирор узилиш содир бўлади. Бундан ташқари, барча ўқувчиларнинг бир вақтда бир хил меҳнат амалини эгаллш уларни хомакай материал билан таъминлаш ва чала тайёр бўлган буюмларни сақлашда қийинчилик туодиради.

Предметли-амалли тизим. Ишлаб чиқариш таълимининг бу тизимининг моҳияти шундаки, меҳнат амаллари борган сари мураккаброқ буюмларни тайёрлаш жараёнида ўзлаштирилади: биринчи буюмни тайёрлашда осонроқ меҳнат амаллари - навбатдаги буюмни тайёрлашда эса, мураккаброқлари ўзлаштирилади. Бу тизимнинг аҳамияти, бунда ўқувчилар буюмни тайёрлашда тўла иштирок этади ва ўз меҳнати натижаси (тайёр буюм)ни кўриш имкониятига эга бўлади. Бу эса, уларни бажариладиган меҳнатга бўлган қизиқишиларини янада орттиради.

Амалли-оқимли (поток) тизим. Ишлаб чиқариш жараёнида оқимли тизимнинг жорий этилиши ишлаб чиқариш таълимининг амалли-оқимли тизимини вужудга келишига сабаб бўлди.. ўқитишнинг бундай тизимида ишчи бир меҳнат операциясини бажариб, детални навбатдаги ишчига доимий йўналиши бўйича узатади. Технологик жараён нечта амалдан иборат бўлса, деталл шунча ишчи (иш ўрни)дан ўтади. Ўқувчилар ҳар бир меҳгнат амалини усулларинигина ўзлаштирумасдан, балки ҳар бир амалнинг технолгоик жараёндаги ўрнинин ҳам баҳолаш имониятига эга бўлади. Лкин бу тизим ҳам амалли тизимга хос бўлган камчиликларга эга. Ўқувчи фақат битта меҳнат амалини бажариш билан чегараланади, ўз меҳнати натижасини-тайёр буюни кўрмайди.

ЦИТ тизими. Ишлаб чиқариш таълимининг бу тизми ўтган асрнинг 20-йилларида Россия марказий меҳнат институти (Центральный Институт Труда) - ЦИТ да яратилган. Бу тизим "руслар" тизими номи билан ғарб мамлакатларида ҳам машҳур бўлган. Унинг моҳияти - меҳнат жараёни айрим меҳнат усулларига бўлинниб, улар машқлар тарзида бажарилган. ЦИТ томонидан ҳар бир меҳнат жараёни учун ўзига ўргатиш методикасини ишлаб чиқди. Бунда харакатга оид малакалар ёзма йўлланма беришлар ва тренажернинг қўлланиши таҳлилига асосланилган. Бу тизимнинг кўпайиши - унда ҳар бир касбга оид меҳнат бажариладиган меҳнат мазмунини, ҳамда (тартибини) чукур таҳлил қилиш натижасида қурилади ва ўқувчилармеҳнат амалларини бажариш (машқлар) жараёнида автоматлашган малакаларга эга бўладилар. Лекин, бу тизим бир қатор камчиликлардан холи эмас ади. Энг аввало ишлаб чиқариш таълими жараёнидаги яратувч меҳнат қадрланмай, алоҳида иш усулларини машқ қилиш ҳақиқий иш шароитидан ажралган тарзда олиб борилар эди. Ўқувчилар фақат қатъий белгиланган йўлланмалар бўйича ишлашга ўрганиб қолар эди.

Амалли-мажмуали тизим. Бу тизим ўқувчиларнинг алоҳида меҳнат амалларининг бажариш усулларинин ўзлаштириш ва уларнинг аста-секин мураккаблашиб борувчи иш хажларини бажаришни ўзлаштиришлари билан алмashiб туришига асосланган. Амалли-мажмуали тизимда меҳнат амалларини гурухларга ажратиш ва уларнинг бажарилиш кетма-кетлиги, шунингдек, обьектларни танлаш ва жойлаштириш муайян кетма-кетлик ва ўзаро боолиқ ҳолда амалга оширилади. Биринчи иш мажмуасиуч-тўртта амални ўзлаштиргандан сўнг бажарилган. Сўнгра ўқувчилар янада мураккаброқ меҳнат операцияларини ўзлаштирганлар. Улар, олдин ўзлаштиришган амалларни ўз ичига олган навбатдаги иш мажмуаларини бажариш жараёнида янада муастаҳкамланган. Шундай қилиб, ўқувчилар аста-секин барча иш усулларини уларнинг реал ишлаб чиқариш жараёнида учрайдиган биргаликларида эгаллашга эришганлар. Ўқувчилар меҳнат амалларини концентрик кетма-кетлика ўзлаштирганлар. Токар, чилангандурадгор касбларига оид ҳозирги ўкув ишлаб чиқариш таълимининг амалли-мажмуали тизими асосида тузилган. Лекин, амалли-мажмуали тизим бир қанча қулайликларга эга булиши билан бирга уни зич мукаммал, универсал тизим деб бўлмайди. У кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришнинг олдинги даврларини акс эттиради, чунки у ўқувчиларни асосн қўл ва машина-қўл меҳнати биланбажариладиган касбларга бевосита ўкув жараёнида ўргатишга мўлжалланган.

Инвариант-модулли тизим. Ишлаб чиқаришнинг бу тизими академик С.Я.Батышев томонидан ишлаб чиқилган. Унинг асосини касб-хунар таълимининг даврга бўлиш назарияси ташкил этади. Бунда ўкув-тарбиявий жараён иккита - асосий (барқарор) ва маҳсус (ўзгарувчан) даврларга бўлинади. Ишлаб чиқариш таълимининг бу тизими бевосита касб-хунар коллежи ва ишлаб чиқаришдаги касб-хунар таълимини ва ҳудудий даражаларда амалга оширишга имкон беради. Бунда муайян ишлаб чиқаришдаги шароит ва талабларга мувофиқ бўлган кадрлар тайёрлаш имконияти ҳам яратилади. Касб-хунар таълими бўйича давлат таълим стандартлари, намунавий ўкув режа ва дастурлар инвариант модулли тизим асосида ишлаб чиқилмоқда.

Муаммолли-таҳлилий тизим. Бу тизим ҳам академик С.Я.Батышев томонидан ишлаб чиқилган. Унда ўрганилаётган меҳнат жараёнларни таҳлил қилган ҳолда тўла ўқув жараёнининг нисбатан мустақил аҳамиятга эга бўлган алоҳида ўқув муаммолари, яъни ҳар бир муаммо бўйича унга оид меҳнат жараёнини ташкил этувчи қисмлари ва ўқувчиларнинг технологик жараён ва жиҳозларни созлашга оид ақлий фаолияти функцияари аниқланади. Ўрганилаётган муаммо хақиқий технологик жараённинг алоҳида қисмлари бўлиб ҳисобланади. Ишни бажаришга оид кўникма ва малакалар ҳар бир муаммо бўйича алоҳида, муайян кетма-кетликда эгалланади. Бунда мутахассисликка оид ҳақиқий технологик жараён ва унда мутахассиснинг иштирок этишининг характеристири оилнади. Ҳар бир муаммо алоҳида таркибий қисмларга - бир неча вазиятларга ажратилади. Дастлаб тўла технологик жараён тўорисида маълумот берилади. У муаммоларга ажартилади. Уларнинг таркиби ва ўзаро бооликлиги очиб берилади. Сўнгра ҳар бир муаммо алоҳида ўрганилади, бу муаммони яхлит технологик жараён тизимида тутган ўрни ва унинг таркибий қисмлари (вазиятлар) очиб берилади, ўрганилаётган материал хажми белгиланади.

Муайян вазиятни таҳлил қилиш методи - вазиятларни ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда уларга оид қарор қабул қилишдан иборат бўлади. ар бир вазиятни ўрганиб, унга хос бўлган хусусиятларни аниқлашдир. Бу ўқувчиларнинг таҳлилий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, муаммони ҳал қилишга тизимли ёндашувни қўллашга ёрдам беради, турли вариантлардаги ечимни топиб, улардан энг мақбулини танлашга имкон яратади. Муаммоли-таҳлилий тизим ишлаб чиқариш таълим мининг ўзаро кетма-кет жойлашган қўйидаги уч даврдан иборат бўлади: алоҳида вазият ва машқларни ўрганиш; тўла технологик жараённи ўрганиш ва уни амалга оширишга, созлашга ва назорат қилишга оид топшириқни мустақил равишд бажариш. Ўқув дастурининг муаммоларга ажралиган ҳар бир мавзу бўйича, борган сари мураккаблашиб борувчи машқларнинг методик мақсадга мувофиқ тизими ишлаб чиқилади. Бу билим, кўникма ва малакалрни эгаллашнинг энг қисқа йўлини белгилаб боради. Бироқ, бу тизимда ўқитиш айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмас: ҳар бир муаммонинг янгилик эканлигини ўзи ўқувчилар учун бир қатор қийинчиликлар туодиради. Айниқса, харакатларнинг бажарилиш кетма-кетлигини эслаб қолиш, кўникмаларни ривожлантириш, энг муҳим вазиятларни иккинчи даражаликларидан фарқлаш ҳам қийин. Ўрганилган вазиятга оид хатти-харакатларни янги, энди ўрганиладиган муаммога оид вазиятларга мувофиқ ҳолда қўллаш ҳам қийинчиликлар ҳам содир қиласди.

Лекин, умуман олганда, ишлаб чиқариш таълим мининг муаммоли-таҳлилий тизми ўқитишнинг дидактик принципларига жавоб беради, интеллектуал кўникма ва малакаларни турли вазиятларда қўллашда қулайлик яратади. Бунда, интеллектуал ва хатти-харакатга оид кўникма ва млакалар ўқувчиларнинг амалий машоулотларида шакллантирилади. Агар амлли-мажмуали тизимига асосий амаллар кўп марта такрорланиши хос бўлса, муаммоли-таҳлилий тизим эса бундан мустасно бўлиб, вақтдан ютилиш жуда муҳимдир.

Ўтган асрнинг 50-80-йилларида ишлаб чиқариш таълимининг бир қатор янги тизимлари яратилди. Бу ишчининг турли ишлаб чиқаришдаги функциясининг турлича бўлагнлиги учун ҳам, ишлаб чиқариш таълимининг ҳам турли тизимларини қўллашга эхтиёж ҳам табиийдир.

Бугунги илмий-техник тараққиётни ҳисобга олган ҳолда жуда ёшлиқ даврдан бошлабоқ ёшларда ижодий салоҳиятни шахсга хос бўлган мажбурий сифат тарзида шакллантириш керак. Цивилизациянинг барча дурдоналари ижодкор инсонлар томонидан ихтиро қилинган технология ва техник воситалар асосида яратилган. Кўпгина ривожланган давлатлар мавқеини ундаги мутахассисларнинг моҳир қўллари тутиб туради. Ўтган асрнинг бошларида ёк америкалик тадбиркор Эндрю Карнеги шундай деган эди: «Менга менинг фабрикамни қолдириб, одамларни олиб кетинг – тез орада фабрика поллари ўт билан қопланади. Мендан фабрикаларимни олиб, менга одамларимни қолдиринг – тез орада бизда олдингисидан ҳам яхшироқ заводлар бўлади». Шубҳасиз, у ўзларини фабриканинг асосий бойлиги деб тушунган одамларни кўзда тутган эди. Шу ўринда Жанубий Корея меҳнат вазирининг айтган гапини эслаш ўринли бўлади: «Кореянинг қазилма бойликлари йўқ, лекин унинг гуллаб яшнаши учун хизмат қилаётган яхши мутахассислари бор».

Барча ривожланган давлатлардаги олға силжишлар инсониятни тараққиётнинг янги поғоналарига кўтарувчи шундай шахслар туфайли юз беради.

ЎМҚҲТ тизимиға давлат ва жамият диққат-эътиборини тортиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Касб-хунар коллежлари (КҲК)нинг мавқеини кўтариш зарур. Бунинг учун уларда яратилган шарт-шароитлар, кам таъминланган оила фарзандлари учун ётоқхоналар, тиббий хизматлар ҳақида ёшларга кўпроқ ахборот бериш лозим бўлади. КҲКлари касбий ўсиш учун катта имкониятларга эга эканлигини тушунтириш зарур. КҲКларида инсон ўзини англаш йўлидаги илк қадамларини қўяди.

4-БОБ. ФАОЛИЯТГА ЙЎНАЛГАН ЎҚИТИШ НАЗАРИЯСИННИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ

4.1. Касб таълимида шахсга йўналтирилган ўқитиши

технологияларидан фойдаланиш масалалари

Ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими Давлат таълим стандартларида касб таълими тизимида ўқийдиганларнинг замонавий даражаси ҳисобга олинган. Сезиларли ижтимоий табақаланиш натижасида ўқишга келганларнинг ривожланиш даражаси турлича бўлмоқда. Шунинг учун Давлат таълим стандартларида ўқув материалини ўзлаштиришнинг учта даражаси кўзда тутилган:

1-даража – аввал ўрганилган манбалар, хусусиятлар, жараёнлар билан танишиш, ёрдамга таянган ҳолда амалларни бажариш;

2-даража – намунавий амалларни мустақил равишда ёддан бажариш;

3-даражасынан үрганилган намунавий амаллар асосида бажарилиши лозим бўлган янги фаолият алгоритмини яратади олиш, самарали фаолият кўрсатиш.

Ўзидаги комил инсон сифатларини мужассамлаштирган буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ҳам таълим олувчиларнинг шахсий, ўзига хос қобилияtlарини хисобга олиш зарурлигини таъкидлаган:

«Инсонлар табиатан тенг бўлсалар ҳам,

Аммо уларга турли фазилатлар берилган».

Буюк аллома Ибн Сино фикрича «ҳар бир инсонга мойиллигидан ва истеъодидан келиб чиққан ҳолда таълим бермоқ лозим, акс ҳолда таълим ва тарбия қўзланган натижани бермайди».

Демак, шахсга йўналтирилган ўқитиши технологиялари ғояси янгилик эмас. Унинг асосий концептуал ғоялари ва амалда қўллаш масалаларини кўриб чиқамиз.

Шахсга йўналтирилган ўқитиши технологияси инсонпарвар фалсафа, психология ва педагогикани ўз ичига олади. Педагогнинг диққат марказида – ўзининг имкониятларини максимал даражада намоён қилишга, турли хилдаги ҳаётий вазиятларда онгли ва масъулиятли танлаш қобилиятига эга бўлган, янги тажрибани қабул қилишга тайёр турган ноёб ўқувчи шахси туради.

Шахсга йўналтирилган ўқитиши технологиясининг ривожланиши манбаи Бахтин-Библернинг диаолог концепсиясида бўлиб, унда диалогнинг ҳамма учун умумийлик ғояси инсон онгининг асоси сифатида қаралади.

Анъанавий дидактик тизимларда ҳар қандай педагогик технологиянинг асоси тушунтириш деб ҳисобланади, шахсга йўналтирилган таълимда эса – тушуниш ва бир-бирини тушуниш. В.С.Библер уларнинг фарқини шундай тушунтиради: тушунтиришда – фақат битта онг, битта субъект бўлади, монолог; тушунишда – иккита субъект, иккита онг, бир-бирини тушуниш, диалог. Тушунтириш - доим «юқоридан пастга қараш», устунлик; тушуниш эса – бири-бирини тушуниб етишда мулоқот, ҳамкорлик, тенглик демакдир.

Асосий ғоя тушунтиришдан тушунишга, монологдан диалогга, ижтимоий назоратдан – ривожланишга, бошқаришдан – ўз-ўзини бошқаришга ўтишдан иборат. Педагогнинг асосий вазифаси предметни «ўқитишига» эмас, балки ўқувчилар учун мулоқот муҳитини яратишга, уларни тушунишга, ижод қилишлари учун уларни «озод қилишга» қаратилган бўлиши лозим. Ижод, тадқиқий изланишлар ўқувчиларнинг таълим муҳитида бўлиши ҳамда шахсга йўналтирилган ўқитиши технологияларининг мавжуд бўлиш усулидир. Бироқ ўқувчиларнинг жисмоний, ақлий, маънавий имкониятлари ҳаётий муаммоларни ва ўрганишнинг ижодий масалаларини ечишлари учун ҳали камлик қиласади. Ўқувчи

педагогик ёрдам ва қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлади. Мана шулар шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг тавсифида асосий таянч сўзларни ташкил этади.

Ўқувчини қўллаб-қувватлаш технологиялари ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларига мос келадиган ўқитиш ва тарбиялаш усуллари ва воситаларини излашдан иборат.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияларидан амалда фойдаланиш учун қўйидаги қоидаларга риоя қилиш зарур бўлади:

- бутун ўқув жараёни давомида ўқувчиларга ишонишингизни намойиш қилинг;
- гурух ва ҳар бир ўқувчига улар олдида турган мақсадни тушуниш ва аниқлаштиришда ёрдам беринг;
- ўқувчиларда ўқиш учун ички интилишни ҳосил қилинг;
- ўқувчилар сизни ҳамма нарсани биладиган ва исталган вақтда ёрдам олиш мумкин бўлган тажриба манбай сифатида қабул қилишсин;
- ўзингизни ва имкониятларингизни яхши билиб олинг;
- гурухнинг кайфиятини хис қилиб туринг;
- турли хилдаги педагогик технологияларни қўлланг ва шахсий тажрибага таяниб уларга тузатишлар киритинг;
- гурухдаги ҳар бир ўқувчининг имкониятларини билинг ва унинг ривожланишига ёрдам беринг.

Юқорида айтилганларнинг ҳаммаси касб таълими ўқитувчисига ўқув жараёнини ташкил қилиш ва уни Давлат таълим стандартлари доирасида ўрганувчиларнинг имкониятлари билан ўзаро боғлаш зарурлигини уқтиради. Демак, ёшларни танлаган мутахассисликлари бўйича тайёрлаш ҳар бир ўқувчига инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда шахсга йўналтирилган ўқитиш асосида олиб борилиши лозим. Каерда турли мураккабликдаги ўқув ишлаб чиқариш масалаларини ечишга ўқувчилар поғонама-поғона ва мақсадли равишда жалб қилинса, шу ерда билимлар мажбурий минимумига қўйиладиган талаблар бажарилишини амалиёт кўрсатмоқда. Кучига яраша ва поғоналик асосда ўқитиш шахсни ривожлантириш ва тарбиялаш имконини беради.

4.2. Касбий педагогик фаолият ва касбий таълим ўқитувчисига қўйиладиган талаблар

Маълумки “педагогика”, “педагог” атамалари Қадимги Юнонистонда пайдо бўлган ва таржимаси “бала етаклаш”, “болалар йўлбошчиси” деган маъноларни билдирган.

Вақт ўтиши билан педагогик фаолият ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисмига айланди. Бундан ташқари бу фаолият натижалари ижтимоий тараққиёт натижасини аниқлайди. Ёш авлодни тарбиялашдек қийин, лекин эзгу йўлни танлаган инсонлар хақида кўп илик сўзларни айтиш мумкин. Бироқ педагог учун зарур бўлган касбий сифатларни яхши англаб етиш зарур, уларсиз педагогнинг меҳнати зўрма-зўраки, мажбурий бўлади. Педагогнинг хатоси, унинг камчиликлари эса ўқув муассасаси доирасидан ташқарига чиқиб, жамият учун катта йўқотишларга олиб келиши мумкин.

Педагогнинг шахсий ва касбий сифатлари. Ўқув йиллари давомида ўқувчилар кўз ўнгидан турли фанлардан дарс берувчи кўп сондаги педагоглар ўтади, бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам ёдда қолмайди, энг ачинарлиси устозларнинг барчаси ҳам ўқувчилар қалбida ўз изини қолдира олмайди. “Номига” педагоглар шахсни тарбиялай олмайди. Шахснинг касбий муҳим сифатларини тарбиялаш ўқув жараёнини ташкил қилишда марказий масалалардан бири ҳисобланади.

Касб таълими ўқитувчисига зарур бўлган сифатлар энг аввало бу мутахассисликка кўйиладиган талабларнинг бошқаларга ўхшамаслигига кўра ўзига хосдир. Бу хусусиятлар олий ўқув юрти (ОЎЮ) дастурлари томонидан ҳисобга олинган. Бошқа фан ўқитувчиларини тайёрлашда бир ёки кам ҳолларда иккита умумтаълим фанни ўқитиши методикаси, технологиялари, тарбиялаш усуллари етакчи ўрин эгаллайди. Инженер-техник ОЎЮ лари эса муайян ишлаб чиқариш технологиялари ва уларни лойихалаш бўйича мутахассислар тайёрлайди. Улар ўзларининг ишлаб чиқаришлари учун кадрлар тайёрлаш таълимий технологиялари билан бутунлай нотаниш бўлишлари мумкин.

Касб таълими педагогини тайёрлаш таълимнинг психологик-педагогик ва инженер-техник компоненталарининг чуқур интеграцияси, уларнинг бирикиб кетиши ва бир-бирини бойитиши йўли билан амалга оширилади, ҳам педагогик, ҳам ишлаб чиқариш технологияларини қамраб олади. Бунга дидактика, умумметодик, умумтармоқ ва тармоқ, маҳсус психологик-педагогик ва хусусий методик тайёрлаш турлари киради. Ҳеч бўлмагандага битта кичик мутахассис касби бўйича малакага эга бўлиш кенг кўламдаги ўқув фанлари бўйича назарий таълим ўқитувчиси ва амалий ўқув устаси функцияларини қўшиб олиб бориш имконини беради.

Педагог маданияти ва эрудицияси муҳим аҳамиятга эга. Дарсда, дарсдан ташқари тадбирларда, оддийгина мулоқот вақтида ўқувчилар ҳар доим педагогнинг интеллекти, зиёлилиги ва инсонпарварлигини зийраклик билан кузатиб туришади.

Ўқитувчи ёки уста ўзини фақатгина ўқув дастурини “бажарувчиси” эмас, балки ўзи дарс берәётган ишлаб чиқариш соҳасининг тўла қонли вакили деб ҳисобласа ўқувчилар кўз ўнгидаги ҳайратли дунё очилади. Бу ностандарт фикрлаш, техника мўъжизаларидан ҳайратланиш ва реал вазиятларни таҳлил қилиш, излаш йўналишларини мустақил танлаш дунёси бўлади. Бундай педагоглар жамият ва шахс ҳаёти маънавий-аҳлоқий масалаларини жиддий ва муносиб тарзда кўтариб чиқишлари ва уларни юқори ва тоза нотада ўқувчилар билан муҳокама қилишлари ҳамда улар тарбиясида зарурӣ сифатларга эришишлари мумкин.

Ўз ишининг ҳақиқий устаси ўқувчиларига нисбатан фақатгина дўстона ва том маънодаги инсонпарварлик билан ажralиб турмайди. Ўз фаолиятининг натижаларини олдиндан кўра билиш, ўқувчиларнинг реакцияси ва кутилмаган вазиятларда унга тузатиш киритиш – педагогнинг касбий муҳим сифатларидан биридир. Очиқ тан олиш керак, ёш мутахассис у ёки бу вазиятда қандай йўл тутишни ҳар доим ва тезда топа олмайди. Лекин тўғри ечимни аниқлаш кўпинча педагогнинг шахсий тайёргарлигига боғлиқ бўлади.

Шахсий намуна – педагог ихтиёрида бўлган энг кучли воситадир. Шахсий маҳорат эса – шундай сифатки, у ўз ўқитувчини яхши кўрадиган ўқувчилар учун тақлид қилиш намунаси, ўзига тортиб турувчи кучли мотив бўлиб хизмат қиласди. Аввал ўқувчилар уни ҳафа қилиб қўйишдан қўрқишида, сўнг ўз ютуқлари билан ҳурсанд қилишга интилишида, кейинчалик эса ундан ўзиди кетишга ҳаракат қилишида. Бу ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчи учун катта баҳтдир.

Мавзууни Л.Н.Толстойнинг ушбу сўзлари билан тугаллаш истаги туғилди:
“Донишманд одамнинг хусусияти қуйидаги учта нарсадан иборат бўлади: биринчи – бошқаларга нимани маслаҳат берса, ўзи ҳам шуни бажариши, иккинчи – ҳеч қачон адолатга қарши чиқмаслик ва учинчи – атрофидаги одамларнинг камчиликларига сабр-бардошли бўлиш ”.

Буни касб таълими педагоглари учун қўрсатма деб қабул қилиш мумкин.

3.3. Ўқитувчи касбий педагогик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари

Педагогик фаолият инсон фаолиятининг энг қадимги ва доимий давом этувчи фаолиятидир. У жамиятнинг эҳтиёжлари билан бирга пайдо бўлди. Асрлар давомида касбий тайёргарлик ўқувчини ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш, ижодий лабораторияларда ишлаш асосида амалга оширилар, бунда устоз ўз ишининг устаси бўлиши лозим эди. Фан ва техниканинг жадал ривожланиши, уларнинг интеграцияси, илмий-техник тараққиёт шароитларда касбий фаолият структураси ва характеристининг мураккаблашуви, янги технологияларнинг пайдо бўлиши, буларнинг ҳаммаси мутахассисдан кенг миқдорда умумтаълим, илмий-техник, касбий ва маданий дунёқарашни талаб қиласди.

Махсус фан ўқитувчининг фаолияти бошқа фан ўқитувчилариникидан куйидагилар билан фарқ қиласи:

- касбий тайёргарликни таъминлайдиган фанларнинг хилма-хиллиги билан;
- ўқитиш жараёнининг ишлаб чиқаришдан ташқарида ташкил қилиниши билан;
- махсус фан ўқитувчиси ўз касбий-педагогик фаолият тизимини қуриши лозим бўлиши билан.

Психологияда фаолият инсон томонидан уни ўраб турган дунёни ва ўзини ўзгартирисга йўналтирилган инсон фаоллиги формаси сифатида қаралади. Фаолият моддий ёки маънавий бойликларни ишлаб чиқаришга йўналтирилганлигига кўра уни икки турга бўлишади: моддий ва маънавий. Улар структурасига кўра фарқ қиласи. Агар фаолиятни жараён эмас, балки бирорта субстанция деб қаралса, у ҳолда уларнинг ҳар бирида умумий структурали компоненталарни ажратиш мумкин: субъект, обект, восита, маҳсулот (натижা).

Педагогик фаолиятнинг бошқа ҳар қандай фаолиятдан фарқи унинг маънавий характердалигидир. Бу унинг барча компоненталарининг ўзига хослигини аниқлайди (2.5.жадвал).

2.5. – жадвал. Ишлаб чиқариш ва педагогик фаолият структураси Компонетлар

Фаолият

Ишлаб чиқариш

Педагогик

Субъект

Инженер, техник, ишчи

Педагог

Объект (предмет)

Мехнат куроллари: материаллар, технологиялар

Шахсни ривожлантириш ва шакллантириш

Воситалар

Асбоб-ускуналар, механизмлар

Таълим-тарбия методлари ва воситалари

Маҳсулот

Моддий бойликлар

Маънавий бойликлар: ўқимишли лик, тарбияланганлик ва х.к.

Хар қандай фаолиятнинг марказида “субъект”, яъни шу фаолиятни амалга оширувчи туради. “Объект” - фаолият нимага йўналтирилган бўлса шу. “Махсулот” – фаолият таъсирида ўзгарган обьектдир. Ишлаб чиқариш фаолиятидан фарқли ўлароқ бу фаолиятдаги “объект” сўзи шартлидир. Чунки унда бирорта ўзгариш қилиш, унга ишлов бериш жуда мушкул вазифадир.

Шундай қилиб, педагог энг олий, қимматбаҳо бойлик - талаба шахси билан иш кўради. У эса ўзини ривожлантириш, такомиллаштириш, ўзини ўқитиш қаби фаолиятларнинг субъекти ҳисобланади. Талабанинг ички кучларига, салоҳиятига, эҳтиёжларига мурожаат қилинмаса педагогик жараён самарали бўлмайди.

Талаба касб-хунар ўқув юртларига киришдан олдин касб танлайди ва бу бўлғуси профессионал сифатида субъект позициясини аниқлаб беради: янги вазифалар (касбий фаолиятни ўзлаштириш) ва мавжуд имкониятлар орасида, янги тизимлар муносабати билан шунга ўхшаш муносабатларнинг мактабда одатланиб қолинган қолиплари орасида зиддият келиб чиқади. Касбий тайёргарлик йўлининг ўзи талаба роли позициясининг жуда тез ўзгаришини талаб қиласди: ўқишининг бошида у мактаб ўқувчиси бўлиши керак эмас, унинг охирида эса – талаба бўлиши керак эмас. Буларнинг ҳаммаси талабаларнинг жадал ижтимоий улғайишини ва касбий - шахсий жиҳатдан ривожланишини талаб қиласди.

Таниқли педагоглар фикрига кўра педагогик фаолиятнинг ўзига хос хусусияти унинг бошқарувчанлиги, метофаолиятлигидан иборатдир, яъни педагог ўз фаолиятини талаба фаолиятига қараб қуриши лозим бўлади. Бошқа соҳа касб эгалари ўз фаолиятларини малакали бажариши етарли бўлса педагоглар учун эса билимларни сўзлаб бериш эмас, балки талабаларнинг ўқув фаолиятини ташкиллаштириши муҳим. Педагогик доираларда шундай дейилади: ёмон ўқитувчи ҳақиқатни айтиб беради, яхши ўқитувчи эса уни топишга кўмаклашади.

Шундай қилиб, педагогик фаолиятнинг моҳияти «шахсни обьектдан субъектга айлантириш» дан иборат. Шу нуқтаи назардан В.А.Сластенин ва А.И.Мищенконинг педагогик фаолиятнинг ҳақиқий обьекти педагогик жараёндан юлиб олинган ўқувчи эмас, балки, «ўзаробоғланган ўқув-тарбиявий вазифалар тизимидан иборат бўлган педагогик жараён бўлиб, унда тарбиялануви бевосита иштирок этади ва унинг асосий компоненталаридан бири сифатида фаолият кўрсатади» деган сўзларини эслаш жоиз бўлади.

Талабани субъект вазифасига «ўтказиши» учун педагогик жараёнда ўқитувчи ташкилотчи, менежер бўлган тақдирдагина мумкин бўлади. Махсус фан ўқитувчилари орасида энг кўп тарқалган хато – бу маҳсус фанларни ўқитиш учун яхши мутахассис бўлиш, уларни билиш, бу билимларни кўчириб ўтказаолиш ва ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиннинг ўзи кифоя деб ҳисоблашларидир. Педагогик фаолият ўз хусусиятларига, ўзининг технологияларига эга, мутахассис

уларни билмасдан ва эгалламасдан туриб бирор техник соҳада педагог бўла олмайди.

Касбий педагогик фаолиятнинг ўзига хослиги унинг мураккаб ва кўп қийматли характерга эгалигидир. Педагог ўз индивидуаллигига эга бўлган, ривожланаётган шахс билан иш кўради. Одатда ўқув гурухида кенг спектрдаги ёш шахслар бўлади. Сўзсиз, ишга ижодий изланиш ва ижодий муносабатда бўлиш ҳар қандай касбий фаолият самарали бўлишининг муҳим шарти ҳисобланади, бироқ айнан педагогик фаолиятда улар меъёр бўлиб ҳисобланади, усиз ушбу фаолият умуман юзага чиқмаслиги мумкин. Педагог шахсининг ижодий йўналганлиги замонавий таълимий вазиятда жуда зарур, чунки ўқитишнинг концептуал асосларини танлашда, индивидуал педагогик тизим сифатида ўз шахсий фаолиятини қуришда унинг роли ошиб боради.

Педагогик фаолият муҳим яратувчи ижтимоий функцияни бажаради: унинг натижасида нафақат муайян шахс шаклланади ва ривожланади, балки давлатнинг келажаги ҳам аниқланади, унинг маданий ва ишлаб чиқариш салоҳияти таъминланади. Педагогик фаолиятнинг прогностик характеристи шахс ва жамиятнинг нафақат бугунги эҳтиёжлари, балки келажак эҳтиёжлари, ёш мутахассисларнинг ижтимоий ҳаёт шароитлари ва касбий фаолиятга мослашиши, балки уни ўзгартиришга тайёрлигига йўналган мақсадлар туркумини аниқлайди.

Ўрта маҳсус, касб-хунар ўқув муассасаси ўқитувчисининг педагогик фаолияти кўпқиррали ва тизимили характеристидир: талабалар томонидан нафақат касбий билим ва фаолият усусларини ўзлаштириш, балки профессионалнинг шахс бўлиши ва ривожланиши, ушбу мақсадларни амалга ошириш, таълимий ва ривожлантирувчи муҳит ҳосил қилиш ва ҳ.к.лар учун шароит яратадиган талабалар гурухида муносабатларни қуришга ҳам йўналтирилган бўлиши керак.

Маҳсус фан ўқитувчиси фаолиятининг асосий йўналишлари ва мазмуни олий касб таълими стандартида берилган «касб таълими педагоги» мутахассислигининг малакавий характеристикасида аниқлаб берилган. У касбий педагогик фаолиятнинг куйидаги турларини бажаришга тайёр бўлиши лозим:

- касбга ўқитиш;
- ишлаб чиқариш технологик фаолият;
- методик ишлар;
- ташкилий - бошқарув фаолият;
- илмий-тадқиқий фаолият;
- маданий-маърифий фаолият.

Буларнинг ҳаммаси педагог шахсида умумий ва профессионал - педагогик маданиятни, кенг умуммаданият, бошқарув, маҳсус ҳамда психолого-педагогик мувофиқликнинг мужассам бўлишини англатади. Педагогик фаолиятнинг хилмалилиги уни ўқув-тарбиявий жараённинг яхлитлигини таъминлайдиган ўзаробоғланган ва ўзаро бир-бирини аниқловчи турли компонентларнинг мураккаб бирлиги сифатида қарашга имкон беради.

3.4. Педагогик фаолият тизим сифатида

Педагогикада тизимли ёндашув педагогик фаолиятни унинг барча қисмларининг самарали ўзароалоқасини таъминлайдиган яхлит жараён сифатида қуриш усусларидан биридир. Тизим деганда бир-бири билан алоқадор бўлган ва бир бутунликни ҳосил қиласидиган элементлар тўпламидан иборат бўлган кўп сатҳли таълим, мураккаб обьект тушунилади. Инсоннинг ўзи ўта мураккаб кўп сатҳли мураккаб тизимдир. Табиийки уни маълумотли қилиш жараёни ҳам мураккаб, кўп киррали ва кўп омилли тизим сифатида қаралиши лозим.

«Педагогик тизим» тушунчаси бир қийматли эмас, уни таълими функцияни бажарадиган бир қатор тизимларга киритиш мумкин. Касб таълимининг ўзи ва ўз ичига таркибий қисмлар сифатида «тарбия тизими» ва «ўқитиши тизими» ни олган муайян ўқув муассасасидаги педагогик жараён тизим бўлиши мумкин. Ўқитувчининг яхлит педагогик жараённи ташкил қилишга йўналтирилган педагогик фаолияти ҳам педагогик тизим бўла олади; ваниҳоят, алоҳида машғулотни ҳам элемент, ҳам ўқитувчи фаолиятининг тизимостиси сифатида қараш мумкин. Шундай қилиб, педагогик тизимларнинг иерархияси мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири умумийроқ тизимга элемент бўлади.

Ихтиёрий педагогик тизим марказида унинг мақсади, тарбия ва ўқитиши мазмуни ва ҳ.к. ларни аниқловчи, ушбу тизимнинг субъектлари ўқувчи ва педагог шахслари туради.

Ҳаттоқи ўқитишининг замонавий моделларида (масофавий, компьютерли, телевизион) ҳам педагогнинг роли сезиларли бўлмасада, унинг шахси жараёнда кўп қатнашмаса ҳам, у мана шу модел ва ундаги дастурнинг тузувчиси, амалга оширувчи ва ижодкори бўлиб қолади.

Педагогик жараён, педагогик тизимнинг самарали фаолият кўрсатиши ўқитувчининг маҳоратига, унинг умумий ва профессионал-педагогик маданиятига, қасбий қобилияtlарининг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Тизимнинг муайян таълим муассасаси даражасида шундай субъект сифатида бутун педагогик жамоа чиқади.

Педагогик мұхитда кенг тарқалған ҳодиса – бу ўқитувчилар онгида педагогик фаолият мақсадларининг нотүғри талқин қилинишидір, яғни воситаларни мақсадларга күчириш. Баъзи ўқитувчиларга хос бўлган «эгоцентризм» ва «предметоцентризм» уларнинг энг аввало ўз шахсий мақсадларига йўналтирилганлигига намоён бўлади. Улар сифатида талаба томонидан предмет билимлар тизими ва усулларини ўзлаштириш чиқади. Касбий ўқув муассасаси педагогининг мақсади энг аввало талаба шахсига, унинг профессионал бўлишига қаратилган бўлиши лозим, у ўқитадиган фан эса ушбу мақсадни амалга ошириш воситаси бўлиши лозим.

Ҳар қандай даражадаги педагогик фаолият мақсадларни қўйишдан бошланади. Ўрта маҳсус, касбхунар таълими педагогик тизимида мутахассисни тайёрлаш мақсадларининг умумий структураси мақсадлар иерархиясидан иборат: умумдавлат мақсадлари - таълим муассасаси мақсади – муайян фан бўйича ўқитиши мақсади.

Қўйилган мақсадлар касбий ўқитиши мазмунини танлаш ва мақсадларни амалга ошириш учун тарбия, форма, метод ва технологияларни, мос педагогик шароитлар яратишни аниқлаб беради. Уларга қўйидагилар киради: ташкилий - талabalар фаолиятини ташкил қлиш, таълимий мұхит ҳосил қилишга йўналтирилган; моддий – ўқув-тарбиявий жараённинг техник таъминоти; психологик – шахслараро ва берилган педагогик мақсадларга мос келадиган иш юзасидан муносабатларни куриш.

Ваниҳоят, педагогик фаолиятнинг натижавий – рефлексив компоненти унинг натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолашни ўз ичига олади. Бунда педагогик тизим самарадорлигини баҳолаш мезонлари қўйилган мақсад ва вазифаларга мос келиши керак.

Касбий-педагогик фаолиятнинг компоненталари унинг яхлитлигини таъминлаб, шу билан бир вақтда унинг кўп функционал характеристини акс эттиради. Бу тадқиқотчиларга ушбу компоненталарни функциянинг мустақил турлари сифатида ажратишга имкон берди. Мавжуд ёндашувларни таҳлил қилиш асосида фаолият ва амаллар турларининг тизими чизиб чиқилади (2.6.жадвал).

2.6.жадвал

Педагогик фаолият турлари ва унга мос педагогик амаллар

Педагогик фаолият турлари
Педагогик амаллар

1. Башорат қила олиш - олдиндан кўра билиш, педагогик фаолият нинг натижасини башорат қилиш ва педагогик жараён ни моделлаштириш
1. Педагогик вазиятни таҳлил қилиш

2. Педагогик мақсадларни илгари суриш
 3. Педагогик мақсадларга эришишнинг мумкин бўлган усулларини танлаш
 4. Натижаларни олдиндан кўра билиш
 5. Педагогик жараён босқичларини аниқлаш ва вақтни тақсимлаш
2. Лойиҳалаш ва кострукциялаш- педагогик жараённи лойиҳалаш ва режалаштириш
1. Ўрганувчиларнинг эҳтиёжлари, қизиқишлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мақсадларни аниқлаштириш.
2. Мақсад ва вазифаларни амалга ошириш усуллари ва босқичларини аниқлаш.
3. Ўқув материалларини танлаш ва жамлаш.
4. Педагогик шароитларни аниқлаш: - моддий, ташкилий, психологик
5. Амалларни режалаштириш: ўқитувчининг, талабанинг
3. Ташкилотчилик ўқитувчи ва талаба фаолиятининг педагогик амалларини ташкиллаштириш
1. Олдинда турган фаолиятга талабаларда мотивацияни ҳосил қилиш.
2. Ўқув материалларини ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига, уларнинг ҳаётий тажрибасига асосан танлаш ва мослаштириш.
3. Турли шакл ва усуллар ёрдамида талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкиллаштириш.
4. Талабаларнинг ижодий фаоллиги ва билиш мустақиллигини рағбатлантириш.
4. Коммуникативлик –самарадор педагогик жараёнини ташкил қилиш учун ўзаро муносабатларни қуриш
1. Мулоқот бўйича шерикларни психологик ҳолатини қабул қилиш (перцепция).
2. Ташқи сигналларни мос талқин қилиш асосида шерикларнинг якка хусусиятларини аниқлаш.
3. Коммуникативлик - ҳужум уюштириш (ўзига эътиборни жалб қилиш).
4. Гурух билан, ҳар бир талаба билан психологик контакт ўрнатиш.
5. Ҳамкорликдаги фаолият жараёнида мулоқотни бошқариш.

5. Рефлексив – педагогик фаолиятга яқун ясаш

1. Таълимий жараёнларнинг натижаларини назорат қилиш.

2. Олинган натижаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш.

3. Ютуқ ва камчиликларнинг сабабини аниқлаш.

4. Ўз касбини такомиллаштириш ва фаолиятига тузатиш киритиш йўлларини аниқлаш.

3.5. Ўқитувчи педагогик фаолият субъектидир. Педагогик маҳорат

Инсон фаолиятининг ҳар қандай соҳасидаги ўзгаришлар энг аввало унинг субъекти, унинг ижодкори, унинг яратувчисини ўзгартиришдан бошланиши керак. Қўйидагича фалсафий тамойил мавжуд: ўхшаш – ўхшаш тарзида яратилади, яъни шогирднинг маънавияти устознинг маънавияти асосида, билими - билими асосида, маҳорати - маҳорати асосида шаклланади.

Агар педагог касбий ва шахсий жиҳатдан бу фаолиятга тайёр бўлмаса, унга на замонавий педагогик технологиялар, на техник воситалар ўз педагогик фаолиятини қуришга ёрдам бера олмайди. Педагогнинг шахсига қўйиладиган талаблар жуда хилма-хил. Уларнинг энг биринчisi профессионализм, яъни ўз ишининг устаси бўлиши, унга энг яқин бўлган тушунча касбий мувофиқлик тушунчасидир.

Инсоннинг касбий фаолиятидаги етуклигини қўйидагилар аниқлаб беради:

- махсус мувофиқлик – етарлича юқори даражадаги касбий фаолиятга эга бўлиш, ўзининг касбий тараққиётини лойиҳалай олиш қобилияти;
- ижтимоий мувофиқлик – ҳамкорликдаги касбий фаолиятни амалга ошира олиш, ҳамкорлик қилиш, шу касбда қабул қилинган касбий мулоқот услубларини билиш, ўз меҳнатининг натижалари учун ижтимоий жавобгарлик;
- шахсий мувофиқлик – ўз тараққиётини ва ўзини намоён этиш усулларини билиш;
- индивидуал мувофиқлик – касбий ўсишга тайёргарлик, ўз-ўзини ташкил қилиш, ўз-ўзини реабилитация қилиш.

Одатда ўқитувчининг кабий мувофиқлиги ва касбий маҳоратини аниқлашда унинг педагогик укув ва малакаларга эгалиги ва педагогик жараённи ташкил қила олиш қобилияти тушунилади.

Касбий профессионализмнинг энг юқори чўққиси бу – педагогик маҳоратдир. У ўқув тарбиявий жараённи самарадор бошқаришда намоён бўлади.

Конструктив қобилиятлар – педагогик жараённи қуриш ва лойиҳалаш, башорат қилиш, натижаларни олдиндан кўра билиш.

Педагогик фаолият тор доирадаги мутахассислик билимдонлигига эга бўлиб қолишиликка йўл қўймайди, ўқитувчининг малакаси барча турдаги профессионал билимдонлик билан аниқланади. Бундан ташқари, касбий таълим ўқитувчисининг билимдонлигини инсон учун зарур бўлган малакадан қатъий-назар умумий билимдонлигининг профессионал фаолияти соҳасида талабаларни ўқитиш билимдонлиги ва психологик педагогик билимдонлигининг бирлиги сифатида кўриб чиқилади.

Ўқитувчининг асосий малакаси ва профессионал билимдонлиги – педагогик маҳорати, педагогик маҳоратга ва билимга эга бўлишдан иборат. Ўз навбатида билимга эга бўлишилик, педагогик жараённи тўғри ва мувофиқ равища ташкил қилишни таъминлайди. Юқори даражадаги профессионализм педагогик маҳорат деб ҳисобланади, ушбу маҳорат ўқитувчининг ўқув-тарбиявий фаолият билан талабаларни самарали бошқариш имконига эга маҳсус билим ва маҳоратининг комплекси каби аниқланади. Педагогик маҳорат ўқитувчининг маҳорати билан боғлиқдир.

Ўқитувчининг шахсий – иш сифатининг профессионал билимдонлиги билан бирлашиши каби профессионал педагогик фаолиятни ташкил қилишнинг юқори даражасини таъминлайдиган шахсият хусусиятининг комплекс сифатида кўриб чиқилиши аниқ ва тўғри фикр ҳисобланади. Турли муаллифлар томонидан тақдим этилаётган хусусиятлар таркиби кўп қиррали ва кенг ёритилгандир, лекин улар бир нечта гурухларга бирлаштирилган бўлиши мумкин.

Шахсият компоненти ўқитувчининг педагогик маҳоратини аниқлайдиган хусусиятларнинг мураккаб таркибида етакчи ўрин эгаллайди. У педагогнинг профессионал педагогик йўналганлиги ва индивидуал-психологик хусусиятларининг бирлиги сифатида қаралади.

Турли тадқиқотчиларнинг фикрича ўқитувчи-устоз эга бўлиши керак бўлган шахсият сифатларининг кенг рўйхати мавжуд. Уларни бирлаштириш асосида ўқитувчи шахсиятининг ўзига хос хусусиятини аниқлаш мумкин. Шахсада айrim қирраларни кўрадиган, ушбу қирраларнинг юзага келиши орасидаги “тўғрилаш”ни қидирадиган, баъзи психологларнинг фикрини танқид қилган ҳолда, С.А. Рубинштейн шахснинг бирлигини аморф бутунлик каби кўриб чиқишининг олдини олган. Шахснинг бутунлиги бу унинг таркибий бирлиги ҳисобланади, бошқа барча хусусиятларни бирлаштирадиган тизимли хусусиятларнинг мавжудлиги унинг бутлигига асос бўлиб ҳисобланади.

Ўқитувчи шахсининг профессионал-педагогик йўналганлигининг асоси профессионал педагогик фаолиятга қадрли муносабатлар тизими бўлиб хисобланади. Педагогик маҳоратнинг ахборот-назарий ва фаолият компонентларини шакллантириш педагогик маҳоратга эга бўлиш эҳтиёжини аниқлайдиган шахснинг профессионал-муҳим йўналишини ривожлантириш даражасидан ҳосил бўлиши ҳисобланади. В.Д.Шадриковнинг фикрича, жамият ва профессионал аҳамиятли муҳим мўлжалнинг шахсда мавжудлиги ишга бўлган муносабатни таъминлайди, излашга, ижод қилишга ундайди, ижобий мўлжалнинг йўқлиги мавжуд бўлган маҳоратнинг йўқолишига сабаб бўлиши мумкин.

Башорат қилиш, лойиҳалаш функцияларини бажариб, профессионал-муҳим мўлжал ўқитувчига ўз фаолиятининг моделини тузиш имконини беради. Ушбу фаолият ўзини ривожлантириш ва такомиллаштириш маёқи бўлиб ҳисобланади.

Ўқитувчи қадриятларида профессионал фаолиятнинг муҳим томонларига нисбатан муносабатларнинг уч гуруҳи мавжуд:

- педагогик меҳнатга (мақсадни ва ушбу фаолиятнинг шахсият учун маъносини англаш, унинг натижаларидан чуқур манфаатдорлик, ўқитилаётган фанига қизиқиш);
- талаба шахсиятига (уни сўзсиз қабул қилиш ва профессионалшахсий ривожланишига йўналганлиги);
- ўқитувчи шахсиятига ва ўзига педагог сифатида (профессионал идеал ва ўзи тўғрисида инсон ва профессионал, ўзини такомиллаштиришга интилевчи деган тасаввурлар тўплами каби ижобий концепциянинг мавжудлиги);

Улар ҳаммаси ўзаро боғлиқ, бироқ энг асосийси талаба шахсига муносабат ҳисобланади.

Шу билан ўқитувчининг мубаффақиятли фаолияти педагогик маҳоратни шакллантиришнинг якка-психологик шартшароитлари билан аниқланади. Педагогик маҳоратга умумий ва педагогик имкониятлар киради. Бундай имкониятлар ушбу фаолиятнинг усулларини тез, чуқур ва мустахкам эгаллашда аниқланади ва намоён бўлади. Педагогга зарур бўлган имкониятлар мажмуй ҳар қандай фаолиятни бажариш учун талаб қилинадиган умумий, ҳамда педагогик фаолиятни таъминлайдиган маҳсус қобилиятни ўз ичига олади. Маҳсус қобилиятларни мустақил ташкил қилиш умумий қобилиятлиликнинг таркибий қисмидан иборат. Қобилиятлар туғма бўлмайди, улар маълум фаолият жараёнида ривожланади. Педагогга зарур бўлган билим ва профессионал фаолият маҳоратларини ўзлаштириш уни ўзида бўлган қобилият билан бирга маълум қобилиятларни ривожлантириш билимга эришиш жараёнида содир бўлади.

Умумий қобилият шахснинг психофизиологик ривожланиши, темперамент, характер, интеллект билан аниқланади. В.А.Якуниннинг фикрича интеллект

педагогик фаолиятнинг муваффақиятини аниқлайдиган муҳим омил бўлиб ҳисобланади. У ўтказган тадқиқотидан маълум бўлдики, интеллектнинг даражали кўрсаткичи маҳоратли бўлмаган ўқитувчига нисбатан ўқитувчи-устада юкори. Интеллект педагогнинг бутун фаолиятини амалга оширишда муҳим ўрин тутади (башорат, лойиҳалаш, конструктив, рефлексив ва билим) педагогнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш даражасидан унинг гностик (билиш) қобилияти, ўзига ахборотни олиш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш қобилиятига боғлик.

Интеллектни яхши ривожланган фикр билан тенглаштириш мумкин эмас. Бу – мураккаб ва кўп даражали ўқитиш, унинг психик жараёнлар тизими атроф-муҳитни билиш, турли вазиятларда қарор қабул қилиш, ўз хуқуқини назорат қилишни таъминлайди. Психологлар интеллектни исталаган фаолиятнинг муваффақиятини таъминлайдиган – умумий маҳсус муаммоларни ҳал этишга мўлжалланган-профессионал ва шахслараро муносабатларни юзага келтирадиган ижтимоий, педагогик профессионал интеллектнинг юкори даражаси унинг бутун интеллектини ривожлантириши мумкин.

Шундай қилиб, фикрлаш қобилияти ўз – ўзидан педагогик маҳоратни юкори даражада таъминламайди. Сир эмас, назарий фикрлашга эга бўлган педагоглар кўпинча амалий педагогик вазифаларни ҳал эта олмайдилар ва педагогик ўзаро ҳамкорликнинг самарали усуllibарини билмайдилар. Педагог-уста учун турли хилдаги педагогик вазифаларни ечиш нафақат фикрлаш, мантиқий амал, хаттоқи ижодий жараён, педагогик санъат ҳисобланади. Педагог мастердаги педагогик фикрлашда ички ягона интеллектуаллик, эмоционал ва мисол учун педагог талаба билан ўзаро муомала қилиш, қийин вазиятда тез қарорга келиши керак деб ҳисоблайлик.

Бундай ҳолатда педагог ўз мантиқий қарашларига асосланиб ҳаракат қилиши мумкин-ми?

Мумкин эмас, биринчи навбатда педагог талабанинг мантиқий фикрини, хулқини тушуниши керак, тасаввурини, қузатувчанликни, интуициясини ривожлантирмасдан бунга эришиши қийин. Бир чизиқли ва ҳаддан ташқари мантиқий фикрлаш педагогни ижодий ишлашга, талабани тушуниш усуllibарини топишга, ҳалақит беради ва муруватли педагогик фаолиятда бир нечта фикрлаш хусусиятлари юзага келади.

Аналитик фикрлаш - зарур ахборотни педагогик қарорларни ҳал этадиган, бажарилган натижаларни танқидий баҳолайдиган турли вазиятни мантиқий қайта ишлаш, таҳлил қилиш қобилияти.

Қатъий фикрлаш – юзага келган шароитларга боғлиқ ҳолда вазиятга таъсир қилиш ва ҳаракатлар усулининг ўзгаришига ёрдам беради. Қатъий фикрлаш ажойиб, янги ва оптималь фаолият усуllibарини бир зумда топиш билан аниқланади.

Альтернатив ва очиқ фикрлаш муаммони ҳал этишнинг турли йўлларини кўриш, бошқа фикрларни тушуниш ва қабул қилиш қобилиятидан иборат.

Очиқ фикрли педагог ўз фикрини ягона тўғри деб ҳисобламайди ва бошқанинг фикрини нотўғри деб қабул қилмайди. У бошқаларнинг мантиқий фикрини тушунишга ва ўз қарашларини ўзгартиришга, ривожлантиришга қаратади.

Позитив йўналтирилган фикрлаш, фикр билан бирга юзага келадиган ҳистуйғулар билан аниқланади. “Кучли салбий фикрлар тасаввурдаги негатив фикр вазиятни юзага келтиради, у ўз навбатида тор йўналган ва қатъий чекланганлиги учун бузувчи ҳисобланади” деб таъкидлайди. Г. Вайнцваг.

Педагогдаги ижобий фикрлаш ўз ўкувчиларида ва ўзида яхши очиқлик томонларини кўриш қобилияти билан белгиланади. Унинг асосида оптимистик дунёқараш ётади, ўз навбатида педагог оптимизмида талабалар имкониятларига ва ўз кучига ишониш ётади.

Позитив йўналиш ва очиқ фикрлаш натижаси педагогнинг шахси сифатида идрок қилинадиган толерантлик ҳисобланади.

Толерантлик - талабалар ва ҳамкасбларнинг фикрлари, чунончи, ҳулқига нисбатан сабрли қарашлик билан аниқланади.

Креативлик – янги, оригинал фикрни юзага келтирувчи ижодий фикрни ривожлантириш даражаси билан ҳамда К.Роджерснинг фикрича педагог томонидан ўзининг ички моҳиятини ва индивидуаллигини юзага келтирадиган актуаллаштириш қобилияти билан аниқланадиган ижодга нисбатан умумий қобилият.

Умумий қобилиятлар педагогик қобилиятларга ўзгаради:

Конструктив қобилият - башорат қилиш, лойиҳалаш ва жараённи педагогик қуришни таъминлайди. Жараённи педагогик қуришга натижаларни аниқлаш, мақсад ва вазифаларни қўйиш, режа ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ўкув-тарбия фаолиятни самарали ташкил қилиш шароитларини аниқлаш киради. Инсоннинг ўз фаолиятини башорат қилиш қобилияти асосида фикрлаш ва тасаввур бирлиги ётади. Ўқитувчи ўзидаги педагогик тасаввурни – талабаларнинг қайси бири келажакда қандай бўлишини олдиндан билиш қобилиятини ривожлантириши зарур.

Коммникация қобилияти педагогик қобилиятнинг етакчи гуруҳларидан иборат. Педагогик қобилият тарбиялаш ва ўқитиш жараённида шахслароро ва иш юзасидан мулоқотда таъминланади. Улар ўз ичига қўйидаги қобилиятлар комплексини ва педагогнинг шахс жиҳатдан хусусиятларини олади:

- дилкаш – мuloқотга тез киришиш, мuloқот қилиш вазиятларига ориентация қилиш ва мuloқотдаги шеригига адекват таъсир этиш қобилияти;
- эътиборни тақсимлаш – атрофда содир бўлаётган барча нарсаларни кўриш, ўқитувчининг бир нечта фаолият билан шуғулланиш имконияти (материални бериш, олиш – яъни, уни талабалар қандай қабул қилишлари тўғрисидаги ахборотни бериш, уларнинг ҳар бирини эътибордан чиқармаслик ва ҳ.к.);
- эмпатия – кечинмаларни тушуниш, эмоционал алоқадорлик ва тушуниш имконияти ёки тасаввур қилиш ва интуиция ёрдамида бошқа инсоннинг ҳаёти, вазиятни ҳис этиш имконияти. Эмпатия эмоционал идентификация натижасида, бошқа инсоннинг ҳис-хаёжонини билиш ва бошқа инсон ўрнига ўзини қўя билиш имконияти асосида юзага келади. Шунинг учун, ўқитувчига ўзининг талабалик даврида бошидан ўтказган ҳолатлар ва муаммоларини эслаш зарурдир;
- идрок этиш – талабанинг ташқи кўриниши, мимикаси, ҳаракатлари билан унинг эмоционал ҳолатини кўриш ва аниқлаш имконияти. Ўқитувчининг идрок этиш имконияти педагогик кузатувчилик ва кўра олишни ривожлантириш, бошқа инсон томонидан англай олинмаган бир зумлик реакцияларни кўра олиш ва уларни “ўқиши”ни билиш билан боғлиқ;
- экспрессив имконияти – эмоционал ҳолатнинг муносабат жараёнида адекват узатишда акс этади, ушбу имконият бошқа барча имкониятлар билан хусусан, коммуникатив имконият билан ўзаро боғлиқдир ва ўқитувчининг ташаббускорлик сезгиси, педагогик ўзаро ҳамкорлиги тузилишида талабалар, гурухларининг психологик хусусиятини ҳисобга олиш имконияти ва бошқа кишиларда ташаббускорлик имкониятларини кўришда намоён бўлади;
- ўзининг ортидан эргаштириш имконияти, фаолият юритишга мотивацияни яратиш;
- бошқаларга ўз энергиясини юқтириш имконияти, у ўз навбатида ўқитувчининг эмоционал қувватига боғлиқдир;
- ўқитувчининг ички фаоллигига боғлиқ бўлган ташкилотчилик фаолиятига тайёргарлиги. Шахс фаоллигининг асоси нейтродинамик ва психофизиологик имкониятлар ҳисобланади. Ижрочилик фаолиятига эга ўқитувчилар юқорида келтирилган сифат ва хусусиятларни ўзида ривожлантириши зарур.

4.6. Касбий-педагогик билимлар. Педагогик техника. Индивидуал услубдаги фаолият

Ўз моҳияти жиҳатидан педагогик фаолият ўқитувчидан умуммаданий, маҳсус, психологик-педагогик билимлар тизимиға эга бўлишни талаб қиласди. Касб

таълими педагоги нафақат турли-туман касбий, балки умумий қизиқишларга ҳам эга бўлган ёшдаги ўқувчилар гурухи билан ишлашига тўғри келади.

Самрали педагогик ҳамкорлик қилиш, талабалар билан ўзароشاҳсий муносабатлар ўрната олиш педагог кенг дунёқарашга, умумий эрудицияга, ижтимоий, маданий, илмий, техник информацияга эга бўлган ва уларни доимий равиша ривожлантириб борган тақдирдагина мумкин бўлади. Ана шундагина ёшларни ўзига оҳанграбодек тортувчи, ижодкор, маънан бой шахс шаклланади.

Педагогнинг касбий билимларига қўйиладиган талаблар «касб таълими ўқитувчиси» мутахассислиги бўйича Олий касб таълими ДТСи билан аниқланади. Унга асосан касб таълими ўқитувчиси қўйидагилар тўғрисида тасаввурга эга бўлиши керак: ишлаб чиқариш учун кадрлар тайёрлаш тизими тўғрисида; ушбу ишлаб чиқариш касблари бўйича мутахассисларни назарий ва ишлаб чиқариш ўқувининг методологик асослари тўғрисида; турли хилдаги ишлаб чиқаришларнинг назарий асослари, тузилмаси ва уларни ташкил қилиш тўғрисида; уларнинг замонавий аҳволи, тенденциялари ва ривожланиш истиқболлари тўғрисида; асбоб-ускуналарни бошқариш тизимлари ва воситалари тўғрисида; тадбиркорлик фаолияти қонуниятлари ва молиявий асоси тўғрисида; ижодий фаолиятнинг асосий тамойиллари тўғрисида. Бундан ташқари, маҳсус фан ўқитувчиси қўйидагиларни билиши лозим: ишлаб чиқариш қонуниятларини; жиҳозларнинг турлари ва ишлаш тамойилларини; жиҳозлар, уларнинг тузилиши, уларни эксплуатация қилиш ва созлаш қоидаларини; ишлаб чиқариш технологиясини, маҳсулот сифатини бошқариш тизимининг элементлари ва тамойилларини; ўзлари ўқитаётган фаннинг назарий асосларини чукур билиш.

Ўқитувчига зарур бўлган психолого-педагогик билимлар тизими ўз ичига бир нечта блокларни олади. Бу энг аввало, педагогик фаолиятнинг хусусиятларини, унинг тузилмасини, педагог шахсига қўйиладиган талабларни билиш. Ўқитувчи унга онгли равиша педагогик жараённи қуришга ёрдам берадиган концептуал билимлар тизимида эга бўлиши керак: таълимнинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги моҳиятини, узлуксиз таълим тизимида касб таълимнинг ўрни ва аҳамиятини, унинг кўп қатламли тузилмасини, унинг ривожланиш тенденцияларини, мутахассисларни касбий тайёрлашнинг замонавий ёндашувлар тўғрисида ва ҳ.к.

Ундан ташқари, педагог ўқитишнинг қўйидаги психолого-педагогик асосларини билиши зарур бўлади:

- ўқитиши жараёнининг моҳияти, унинг қонуниятлари ва тамойилларини;
- талабалар ўқув фаолиятининг тузилмаси ва хусусиятлари, уни ташкил қилиш усулларини;
- ўзлаштириш жараёнининг психолого-педагогик асосларини;

- ўқув жараёнини лойиҳалаш усуллари ва касбий таълим мазмуни, ўқитишининг мос моделлари, форма, метод ва воситаларини, касбий таълимнинг замонавий технологияларини танлаш;
- талабаларнинг мустақил иш турлари ва моҳияти, ташкил қилиш усуллари, ўқитиши натижаларини назорат қилиш ва қайд қилиш;
- ўз педагогик фаолияти натижаларини таҳлили қилиш ва ташхис қўйиш усуллари.

Ваниҳоят, ўқитувчи мулоқотнинг психологик-педагогик асослари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши, тарбия жараёнининг назарий асослари ва ўрта маҳсус касб-хунар ўқув муассасаларида тарбиявий жараённи ташкил қилиш усулларини билиши лозим бўлади.

Ўқитувчи касбкорлик билимларининг ўзига хослиги уларнинг комплекс характерда эканлигидир: педагогик маҳорат даражаси кўпинча фан ва амалиётнинг турли соҳаларидан билимларни йиғиши қобилияти ва уларни шахсий достоянияга айлантириш, ўз профессионал фаолияти ва ўз-ўзини мукаммаллаштириш қуроли қилиб олишга боғлиқ бўлади.

Педагогик технология. Педагогик технология тушунчаси кўп қийматлидир. Педагогик технология ўқитувчи педагогик маҳоратининг компонентаси сифатида ўз ичига педагогик жараённи маълум амаллар ва процедуралар кетмакетлигидан лойиҳалаш ва амалга оширишни таъминлайдиган уқувлар тизимини ўз ичига олади. Агар педагог ўқув – тарбиявий жараённинг мантифи ва тузилмасини тушунса, унинг ҳамма босқичларини яққол кўра олса ва уларни тўғри жойлаштира олса, ҳар бир босқични ташкиллаштириш учун зарур бўлган уқувларга эга бўлса, фақат шундагина уни технологик қура олади.

Ўқитувчининг ҳар қандай турдаги фаолияти (ўргатувчи, тарбияловчи ва коммуникатив) учун амалларнинг технологик занжири ягона бўлиб, қўйидагicha қўринишга эга:

- 1) педагогик вазиятга (ўқитиши, тарбиялаш, шахслараро ва гуруҳлараро ўзароaloқалари вазиятлари) ташхис қўйиш;
- 2) мақсадларни қўйиш ва уларни вазифалар тизимида аниқлаштириш;
- 3) мос ҳолдаги мазмун, форма ва методларни танлаш, педагогик ўзаротаъсир учун шароитлар яратиш;
- 4) педагогик ўзаро таъсирни (ўргатувчи ва тарбияловчи) ташкиллаштириш;
- 5) тескари алоқа, фаолиятнинг жорий натижаларини боҳолаш ва унга тузатиш киритиш;

6) якуний ташхис, таҳлил ва педагогик ўзаротаъсир натижаларини баҳолаш;

7) янги мақсад ва вазифаларни қўйиш.

Шундай қилиб, ўқитувчининг педагогик технологияси ўз ичига гностик, прогностик, лойиҳалаш, конструктив, ташкилотчилик, коммуникатив, рефлексив ва аналитик уқувларни олади.

Педагогик техника. Педагог педагогик жараённи қураолиши учун у педагогик техника – ўзини бошқара олиш ва бошқаларга таъсир кўрсата олиш усуллари ва воситаларига эга бўлиши лозим бўлади.

Педагогик техниканинг биринчи гурӯҳ воситалари ўзини, ўзининг жисмини бошқара олишни, жисмоний ва руҳий зўриқишини олиш учун релаксация усулига, салбий ҳис-туйғуларни чиқариб ташлаб, уларни ижобийлари билан алмаштириш, ўзи учун ишчан, ижодий руҳиятни ҳосил қилиш усуллари ва ҳ.к. ларга эга бўлишни таъминлайдиган психотехник уқувлар билан боғлиқ.

Иккинчи гурӯҳ эса атрофдагиларга самарали таъсир кўрсатишга имкон берадиган вербал (сўз орқали) ва новербал воситаларни ўз ичига олади. Педагогик техниканинг ушбу гурӯхига қўйидагилар киради:

нутқ техникаси – унинг ҳиссиётлилиги, образлилиги, интонацион ифодалилиги, ритм ва темпи, аниқлик ва тил саводхонлиги, дикция;

новербал воситалар - мимика, жест, фикр ва хисларни узатишни таъминлайдиган мос ҳаракатлар.

Муаллимга педагогик таъсир ва ўзаротаъсир усул ва услубларини яхши билишнинг ўзи етарли эмас, уларни қўллай олиш зарур.

Педагог эмин-эркин бўлиши, мимика ва ҳаракатни эгаллаши учун актер ўз устида қандай ишласа, у ҳам шундай ишлаши керак. Бунда ўқитувчига замонавий техника воситалари - машғулотларнинг видео- ва аудио ёзувлари ёрдам бериши мумкин.

Сўзсиз, педагогик техника ёрдамчи вазифани бажаради ва педагог талабалар билан ўзароалоқага яққол қаратилган, чукур профессионал билимлар, ривожланган педагогик қобилият ва уқувлар каби хислатларга эга бўлмаса, унга ёрдам бера олмайди.

Индивидуал услубдаги фаолият. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган узундан-узоқ талаблар рўйхатини қараб чиқиб, машҳур педагог В.Н.Сорока-Росинский ушбу сўзларни айтганда ҳақ эди: «Ўқитувчи кўпинча у эга бўлиши керак бўлган хислатларнинг оддий арифметик йиғиндиси сифатида қарадади. Агар улар 100% бўлса – зўр педагог, 75% бўлса – яхши, 50% бўлса – ўрта, 50% дан кам бўлса ёмон. Равшанки, бундай эмас. Педагог эзгуликлар билан тўлдирилган қоп эмас, балки ҳар

бири ўз характерига, услугуга кўра – зотдир. Ҳар бир педагог ўзининг қандай зотдан эканлигини, ўзининг кучли ва кучсиз томонларини билиши, ўз қуролининг, яъни ўқитувчи ва тарбиячи сифатида ўз шахсининг хусусиятларини аниқлаши керак.

Ўзининг педагогик фаолиятини амалга оширишда педагог уни максимал даражада ўз имкониятлари, хусусиятлари, биринчи навбатда ўзида кўпроқ ривожланган қобилиятларига таяниб туриб мослаштиришга ҳаракат қилади.

Ўқитувчининг профессионал маҳоратга эга бўлишининг энг муҳим шарти ўз педагогик фаолиятининг индивидуал услубини аниқлашдан иборат, яъни унинг меҳнати самарадорлигини таъминловчи барқарор масалалар, фаолият усуллари тизими тушунилади. Психологик тадқиқотлар педагогларнинг индивидуал услуби, унинг ўзига хос бўлган педагогик дастхати кўпинча табиат томонидан ато этилган типологик хусусиятлар ва шахснинг бошқа сифатларига боғлиқлигини кшрсатган.

Кучли ва қўзғалувчан асаб тизимиға эга бўлган педагоглар тезкор, оригинал ва экспромт қарорлар ҳисобига муваффақиятларга эришадилар. Улар артистив, экспрессив бўлиб, уларга импровизацияга ҳозиржавоблик, бевоситалик ва эмоционал реакцияларнинг ифодалилиги хос.

Кучли, бироқ инерт ва босиқ асаб тизимиға эга бўлган ўқитувчилар ўз қарорларини обдон тайёрлайдилар ва минг ўлчаб бир кесадилар, шошилмасдан ҳаракат қиласдилар, кучли чидамга эга, эмоционал кўринишларда ўзларини тутадилар, қатъиятли ва ўжардирлар.

Табиатан кучисз асаб тизимиға эга бўлган педагогларнинг педагогик маҳорати энг аввало юзага келган педагогик вазиятларда ўйчанлик, зийраклик, ўқувчиларнинг ички дунёсини тушуниш қобилиятида намоён бўлади.

Педагогнинг индивидуал услуби тури типологиялари мавжуд. Педагогик фаолият турига қўра: ўргатувчи фаолият услуби, тарбияловчи фаолият услуби ва педагогик мулоқот услубига бўлинади. А.К.Маркова фикрига қўра фаолият услублари энг аввало педагогик меҳнат ва инсон имкониятларига қўйиладиган талаблар нисбати билан фарқ қиласди. Энг оптималь услуг эса педагог ҳохиш-қизиқишиларига мос келган ва шу билан бирга касб талабларига зид бўлмаган услуг ҳисобланади. А.К.Маркова ва А.Я.Никонова таклиф қилган ўргатувчи фаолият услублар классификациясига қўйидаги асос қилиб олинган: услубнинг мазмуний характеристикаси (педагогнинг асосан жараён ёки ўз меҳнатининг натижасига мўлжал қилиши); динамик (эгилувчанлик, барқарорлик, бир ҳолатдан бошқасига тез ўтиш ва ҳ.к); натижавийлик (ўқитувчи ва ўқувчининг билим ва қўникмалар даражаси ҳамда предметга қизиқиши). Шунга асосан тўрттга стил ажратилган: эмоционал-импровизацион (ЭИС), эмоционал-методик, мулоҳаза-импровизацион ва мулоҳаза-методик. Биринчи ва тўртинчи стиллар кутб бўлиб, бир-бирига қарши, худди ҳис-туйғу ва совуқ ҳисоб-китоб каби.

Эмоционал-импровизацион стил. ЭИСли педагог ўқитиши жараёнига қўпроқ йўналганлиги билан ажралиб туради. У машғулотни қатъий режалаштиришга ҳаракат қилмайди, импровизацияга йўл қўяди, материалнинг унча қизиқ бўлмаган қисмларини талабаларга мустақил ишлаш учун қолдириб, қизиқарлироқ жойларини танлайди. «Машақкатли иш» - такрорлаш ва мустаҳкамлаш, билимларни назорат қилиш билан шуғулланмайди. У учун юқори тезкорлик, катта сондаги ўқитиши методларидан фойдаланиш, ўқувчиларни фаол ижодий, тўсатдан (бирдан) юз берадиган фаолиятларга ундаш хос. ЭИС ли педагог учун интуитивлик билан етарли бўлмаган рефлексивлик ва ўз фаолияти натижасини таҳлил қилишнинг брикмаси хосдир.

Мулоҳаза (мушоҳада) юритувчи – методик стил (MMC). Асосан ўқитиши натижаларига эътиборини қаратган MMCли ўқитувчи машғулотларни қатъий режалаштиради, педагогик жараённи қаттиқўллик билан бошқаради, такрорлаш ва мустаҳкамлаш, билим, уқув ва кўникмаларни назорат қилишга кўп вақт сарфлайди. Юқори методиклик тор, стандарт тўпламдаги ўқитиши методларидан фойдаланиш, талабаларнинг репродуктив фаолиятини ёқлаш билан қоришиб кетади. Унча юқори бўлмаган темпда ва барча талабалар билан ишлашга қодир, рефлексивлик, яхши ривожланган аналитик қобилият билан ажралиб туради.

Қолган иккита стил – эмоционал-методик ва мулоҳаза юритувчи-импровизацион юқоридаги стилларнинг бир хил даражадаги брикмаси ҳисобланади. Равшанки, педагог ўзининг индивидуал стилини билиши ва профессионал фаолиятда унга таяниши зарур, бироқ ўз услубига тузатиш киритиш, охиригача қуриш ва такомиллаштириш қобилиятысиз бу муваффақиятга олиб келмайди. Ўз-ўзини шахсий ва касбий ривожлантириш ва такомиллаштириш орқали ҳар бир педагог, унинг фаолият услубидан қатъий назар, педагогик маҳоратнинг юқори чўққиларига эришиши мумкин. Шу билан бирга индивидуа фарқлар ҳар бир холда тайёрланиш усулини ва педагогик қарорлар қабул қилиш темпини аниқлаб беради. Таълим муассасаларининг маъмурияти буни эътиборга олишлари зарур ва ҳеч қачон унга бегона бўлган фаолият стилини, бу стил қанчалик яхши бўлмасин, сингдиришга ҳаракат қилмаслиги керак.

Ўқитувчининг педагогик маҳорати ва профессионал маданиятини мукаммаллаштириш фақатгина унинг бутун ҳаёти мазмунини ташкил этадиган ўз устида тинимсиз ишлаш жараёнидагина мумкин бўлади. Ўз-ўзини ривожлантириш ва мукаммаллаштиришга йўналтирилган фаолият маълум бир тузилмага, мантиққа, амаллар кетма-кетлигига эга.

Шахсий-касбий ўсиш дастури мақсадларни қўйиш ва ўзини англаш асосида қурилади. У педагогнинг ўз имкониятларини унинг профессионал идеалида ёки профессиограммадаги талаблар билан солиштириш жараёнида аниқлаш-тирадиган вазифаларга эришиш учун аниқ қадамларни белгилашни билдиради. Ўз-ўзини мукаммаллаштириш дастурини амалга ошириш педагогдан ўз-ўзини ривожлантириш усуллари ва услублари, адабиёт билан ишлаш, бўш вақти ва профессионал фаолиятини рационал ташкил қилиш кўникмаларига эга бўлишни

талаб қиласы. Ўз устида ишлаш – бу ушбу иш билан шуғулланаётган одамдан сабр-тоқат, матонат, ирода, оптимизм талаб қиласынан домий меңнатдир. Энг асосийси – инсон үзини намоён қилиш, үзининг эзгу орзуларини амалга ошириш, үзини мукаммаллаштира туриб бутун инсониятни мукаммаллаштириш учун дунёга келганинини ёдда тутиши лозим. Ўқитувчига касбий ва шахсий етуклика еришишдек машақкатли йўлда П.Вайнцвайг таклиф этган «Ижодий шахс шиори» йўлдошлик қилиши мумкин:

Ўз тақдиринг эгаси бўл.

Нимада мумкин бўлса, шунда муваффақиятга эриш.

Умумий ишга ўз ҳиссангни қўш.

Одамлар билан ўз муносабатларингни ишонч асосига қур.

Ўз ижодий қобилиятларингни ривожлантир.

Ўзингда мардликни тарбияла.

Ўз соғлиғинг ҳақида қайғур.

Ўзинга ишончни йўқотма.

Ижобий фикрлашга ҳаракат қил.

Моддий фаровонликни маънавий завқланиш билан уйғунлаштириш.

5-БОБ. ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ - АМАЛИЙ ПЕДАГОГИК ФАН СИФАТИДА

5.1. Ўқитиш жараёни самарадорлигини аниқлаш

Ўқув жараёнини яхлит амалга ошириш унинг тугалланганлиги, режалаштирилган ва прогноз қилинган натижаларга эришишни ҳамда унинг самарадорлигини тасдиқловчи тескари алоқани олишни билдиради. Ўқитиш самарадорлигини баҳолашнинг зарурый шарти унинг натижаларини диагностика қилишдан иборат бўлади. Диагностика ўз ичига қуидагиларни олувчи маҳсус фаолият сифатида қаралади:

объектни унинг ҳолатини аниқлаш мақсадида ҳар томонлама яхлит тадқиқ қилиш; бирорта нохушликнинг конкрет сабабларини, моҳиятини аниқлаш (уни йўқотиш мақсадида), яъни объекти айрим тадқиқ қилиш.

Ўқитиш жараёнида диагностика талабаларнинг ўқув фаолиятини ва педагогларнинг ўқитиш фаолиятини, унинг самарадорлигини аниқлаш ва кейинчалик унга тузатишлар киритиш мақсадида ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолашни кўзда тутади. Шундай қилиб, педагогик ташҳис иккита вектордан иборат бўлади:

- 1) Педагогик жараённи такомиллаштиришга йўналтирилган, юқори даражадаги ўқимишлилик ва ривожланишга эришишни таъминловчи талабалар ўқуви натижалари ташҳиси;
- 2) Ўқитувчи фаолияти самарадорлиги ташҳиси (ўз-ўзига ташҳис қўйиш).

Бу унинг профессионал ўсишига ва педагогик маҳорат даражасининг ошишига олиб келади.

Бунда ўқитувчи ўргатувчилик фаолиятининг натижавийлик кўрсаткичи биринчи омилдан иборат бўлади.

Ўқитиши самарадорлигини аниқлаш мезонларни ишлаб чиқиши билан боғлиқ. Улар асосида талабалар ўқув фаолиятининг натижалари баҳоланади ва кузатиб борилади. Тизимли ёндашувга асосан, улар ўқитишининг башорат қилинадиган мақсадларига мувофиқ келиши керак, яъни улар ўз ичига нафақат педагогик, балки психологик мезонларни ҳам олиши керак: ўрганувчиларнинг ўқимишлилик даражаси ҳамда уларнинг ривожланиш ва тарбияланганлик даражаларини ўлчаши лозим.

Афсуски ўқитиши натижалари ташхиси асосан дидактик мезонлар асосида амалга оширилади, яъни талабаларнинг ўқув материали мазмунини бирорта даражада ўзлаштириш натижаси баҳоланади. Бунга Е.Д.Божович таъкидлаб ўтганидек на замонавий билимларни тизимли ташкил қилиш, на ўқув фаолият усул ва воситаларини эгаллаш даражалари, на талбаларнинг ўқиши жараённида психологик ривожланиш даражаси, унинг асосида шаклланадиган янги ўзгаришлар эътиборга олинмайди.

Ўқитувчи ва касбий таълим яхлит холда ташхиснинг ушбу даражасига чиқиши фақатгина аниқ мезонлар ва уларга мос ташхисий инструментарийни ишлаб чиққандагина мумкин бўлади. Шунинг учун ушбу жараённинг битта ташкил этувчиси - ўқиб бўлинганлик ташхисига тўхталиб ўтамиз.

Ўқиб бўлинганлик – ўқиши натижасидир, яъни ўқувчилар томонидан билим, уқув ва кўникмалар тизимининг эгалланишидир.

Ўқиб бўлинганлик даражаси ўқув материалининг маълум мазмунини ўзлаштириш даражаси билан аниқланади.

Ўқиб бўлинганлик ташхиси ўз ичига қўйидагиларни олади:

- назорат (аниқлаш ва ўлчаш), ҳисобга олиш (статистик маълумотларни тўплаш) ва билим, уқув ва кўникмаларни баҳолаш;
- олинган маълумотларни таҳлил қилиш, ўрганувчиларнинг ўқиши жараённида силжиш динамикасини, унинг ривожланиш тенденцияси ва истиқболларини, тузатишнинг зарур йўналишларини аниқлаш.

Назорат функциялари. Талабаларнинг ўқув фаолияти самарадорлигига ташхис қўйишининг асосий инструменти сифатида назорат ўқув –тарбиявий жараёнда бир қатор бошқа функцияларни ҳам бажаради :

- назоратнинг дидактик (ўргатувчи) функцияси шундан иборатки, назорат жараённида талабада бўлган барча билим ва укувлар фаоллашади, уларни мустахкамлаш, умумийлаштириш, тизимга келтириш содир бўлади. Шу нуқтаи назардан назоратнинг ҳар бир тури ўзига хос ўргатувчи ролни ўйнайди. Масалан, зачет (синов) ва имтихонлар фақатгина талабаларнинг ўқув курси мазмунини

ўзлаштириш сифатида эмас, балки бутун ўқув материалини тизимлаштириш ва умумлаштириш, ўрганилаётган фанни ва уни ўрганиш жараёнида касбий фаолиятни яхлит тасаввур қилишни таъминлайди. Шунинг учун талабаларни назоратнинг ушбу шаклларидан озод қилиш тендинцияси (уларнинг семинар ва амалий машғулотлардаги ўқув фаолияти натижаларига кўра) ҳар доим ҳам мақсадга мувофиқ эмас;

назоратнинг тузатиш киритувчи функцияси талабаларнинг билимлари, уқувлари, кўникмаларидаги бўшлиқларни аниқлаш ва уларга тузатиш киритиш, такомиллаштиришга йўналганлигидан иборат. Ушбу ҳолат қисман назорат жараёнининг ўзида рўй беради;

ундовчи (мотивланган), мўлжал берувчи функцияси. Назорат ўқишининг қўшимча стимулидан иборат, талаба назоратдан ўтиш жараёнида ташқи баҳолаш, баҳога эмас, балки ўрганишда, навбатдаги мустақил таълимда олдинга интилиш шароитларида мотивациянинг муҳим элементини ташкил қиласди;

назоратнинг ривожлантирувчи функцияси шундан иборатки, у талабаларнинг ижодий салоҳиятини, уларнинг рефлексия ва ўз-ўзини таҳлил қилишга қобилияtlарини ривожлантириш билан боғлиқ;

назоратнинг тарбиявий аҳамияти талабанинг ўзини англашга, унинг муваффақиятга, эътироф этилишга бўлган эҳтиёжларини қондириш, назоратнинг масъулиятни шакллантиришга таъсири, ўзини ташкиллаштиришга бўлган қобилияtlар ва талабанинг иродасини ривожлантириш билан аниқланади.

Тескари алоқа тизимини қуришга қўйиладиган талаблар. Назоратни муваффақиятли ташкил қилиш ўқитувчининг ўқувчилар билан тескари алоқа тизимини қуришга қўйиладиган маълум бир талаблар бажарилганда амалга ошади.

1. Психологик қулай шароитларни яратиш. Одатда назорат ўқувчилар томонидан ўқитиш жараёнининг энг нокулай босқичи сифатида қабул қилинади. Талабаларнинг ўқув фаолияти натижаларини текшириш ва баҳолаш жараёнида уларда қўркув, асабийлашишнинг пайдо бўлиши, кўпроқ ҳосил қилинадиган атмосфера билан боғлиқ, баъзида бу ҳолат ўқитувчилар томонидан янада кескинлаштирилади. Ушбу зўриқиши қуйидаги шароитлар бажарилганда бартараф қилиш мумкин:

ҳар бир талаба томонидан ўқув материалини ўзлаштиришни назорат қилиш тизими, бутун ўқитиш жараёни давомида амалга оширилиши лозим. Бу зўриқиши холатини олади ва “сўрайди - сўрамайди” деган хавотирдан холи бўлади. Бу нуқтаи назардан В.Ф.Шаталова тажрибаси қизиқарлидир. У таянч конспектлар асосида назорат тизимини ишлаб чиқди. Бу тизим машғулотда ҳар бир ўрганувчидан бир неча бор сўраш ҳамда турли хил метод ва усулларнинг бирикмасини қўллаш имконини беради;

талабаларга назоратнинг альтернатив форма ва методларини танлаш, ҳар бирининг қобилиятига кўра ўқув материалини топшириш вақтини аниқлаш имконини беради. Ушбу мақсадда ўқитишнинг яккалаштирилган ва дифференциаллаштирилган технологияларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ;

психологик комфортнинг энг муҳим шарти педагогнинг ҳар бир талабага бўлган самимий муносабати, уни эшлишга, қўллаб –қувватлашга тайёрлигини намойиш қилиш;

шу билан бирга ўз-ўзини назорат қилиш форма ва методларидан ҳам фаолроқ фойдаланиш зарур, бу ҳам текшириш жараёнида зўриқиши ва тортинчоқликни камайтиради.

2. Назоратнинг объективлиги кўпинча ўқитувчининг юқоридаги талабларга қанчалик риоя қилишига ҳамда қуидаги шартларни нечоғлик бажаришига боғлик:

катъий баҳолаш мезонларига, ўқув материалини ўзлаштиришнинг ҳамма даражаларини аниқлашга имкон берадиган аниқ ва илмий асосланган диагностик тест вазифаларига эга бўлиш;

назорат вақтида ўрганувчиларга таклиф қилинадиган вазифалар улар ўргангандан ўқув материали доирасидан четга чиқмаслиги ва талабалар томонидан онгли равишда қабул қилинган, ўзлаштириш мақсадлари (эталонлари)га мос бўлиши лозим;

билим, ўқув ва кўникмаларни текшириш ва баҳолаш давомида ўқитувчи ўзининг шахсий симпатия ва антипатияларига кўра эмас, балки мавжуд мезонларга суюниши керак ҳамда талабанинг ҳар қандай олдинга интилишини рағбатлантириши лозим;

объективлик назоратининг турли форма, усул ва кўринишларидан фойдаланиш ҳисобига ҳам таъминланади. Улар билимларнинг турли параметрларини аниқлашга (13-жадвал) ҳамда ҳар бир талабанинг ўқиши натижалари тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлишини таъминлайди.

3. Назорат ва ўз-ўзини назоратнинг бирлиги - шахсга мўлжалланган касбий ўқитиш шароитларида энг муҳим талабдир. Яъни талаба секин-аста ўзаро назоратдан ўз-ўзини назорат қилишга ўтади. Бу эса уни мутахассис бўлишини, ўз касбий фаолиятининг субъекти бўлишини таъминлайди.

Назорат турлари ва шакллари. Ўқитиш натижаларини назорат қилишга қўйилган асосий талабларни ҳамда унинг етакчи функцияларини рўёбга чиқариш шарти талабаларнинг билим, ўқув, кўникмаларини текширишнинг турли кўриниш ва шаклларидан фойдаланишдир. Анъанавий тарздаги назорат турлари ва шакллари қуидагилардир:

1). Бошланғич (кириш) назорати ўқув курси ёки янги бўлимни ўрганишдан олдин амалга оширилади. У ўқувчилардаги ўқимишлилик (билимлилик) даражасини, яъни улардаги ўқув материалини олдинги босқичларда ўзлаштириш натижаси бўлган нақд билимларни аниқлашдан иборат. Кириш назорати қуидагилар учун имкон яратади:

- талабаларнинг билиш имкониятларини аниқлаш ҳамда ўқитишни яккалаштириш ва дифференциаллаштириш учун;
- талабаларнинг бошланғич билимлар ҳолатига ташхис қўйиш ва шу асосида унинг ўқищдаги кейинги ҳаракатини кузатиб бориш.

2). Жорий назорат. У ўқишининг барча босқичларида амалга оширилади: бевосита билим, уқув ва қўникмаларни ўзлаштириш, мустаҳкамлаш, умумлаштириш жараёнида ҳамда талабаларнинг билим, уқув ва қўникмаларини тезкор ташхислаш ва тузатиш, такомиллаштиришга имкон беради, уларни ҳар бир дарсда ўрганишга ундиади.

3). Даврий (оралиқ) назорат. Назоратнинг бу тури бирор мавзу, бўлим бўйича талабаларнинг ўқув фаолиятини тугаллайди ва билимларни умумлаштириш ва тизимлаштиришни, талабалар томонидан маълум, мантиқий тугалланган ўқув материали мазмунини ўзлаштириш самарадорлигини аниқлашни мақсад қилиб қўяди. Оралиқ назорат билимларни барча ўзлаштириш даражаларида текширишни назарда тутади ва ўқитувчига мазкур босқич самарадорлиги тўғрисида хулоса қилишга имкон беради.

4). Якуний назорат ўқув материалини бутун курс бўйича ёки курснинг катта бўлими бўйича умумлаштириш ва тизимлаштириш вазифасини бажаради. Одатда семестр охирида ёки ўқув йили охирида зачет, имтихон шаклида амалга оширилади.

5). Қолдиқ билимларни аниқлаш назорати. Назоратнинг ушбу тури зачет, имтихон топшириб бўлгандан сўнг маълум вақт ўтиб ўтказилади ва у ўзлаштиришнинг мустаҳкамлигини аниқлашга қаратилган бўлади (масалан, кейинги йил ёки семестр бошида). Бу талабаларнинг «топширдим - унутдим» қабилидаги психологик холатларнинг пайдо бўлишининг олдини олади.

Б) ўқитиш натижаларини комплекс текшириш. Унинг мақсади ўқув материалини бир эмас балки бир неча фанлар бўйича ўзлаштириш даражасини бир вақтда аниқлашдан иборат бўлади. Асосан мутахассисларни аттестациядан ўтказишда қўлланилади ва амалий ишлаб чиқариш ишларини бажариш, ишлаб чиқариш вазифаларини ечишни назарда тутади.

Диплом лойихалаш ишлари одатда шундай функцияларни бажаради.

Юқорида санаб ўтилган назорат турлари билим, уқув ва кўникмаларни текширишнинг тур хил шакл ва методлари ёрдамида амалга оширилиши мумкин:

1) Оғзаки текшириш: индивидуал ва фронтал сўров; кичик гурухларда ўзоро сўров (статик, динамик ва ўзгарувчан жуфтликларда, синов ва имтихон) талабаларнинг ўқув фаолиятини оғзаки текшириш назоратнинг бошқа турларига қараганда ўз камчилик ва устунлик томонларига эга. Устунлик томони ўрганувчиларнинг коммуникатив, интеллектуал имкониятларини ривожлантириш, ўрганилаётган материалга шахсий мунособатларини аниқлашдаги ролидан иборат. Бунда оғзаки текширишнинг турли методлари турлича дианостик, ўргатувчи ва ривожлантирувчи потенциалга эга.

Якка сўров юқорида санаб ўтилган барча ютуқли жиҳатларга эга, бироқ катта вақт харажатларини талаб қиласди, шу билан бирга башқа талабаларни ҳам фаоллаштириш (жавоб берувчига саволлар бериш, тўлдириш, жавобни рецензиялаш ва х.к.) ни талаб қиласди;

Фронтал сўров (репродуктив ва эвристик сухбат) катта сондаги талабаларни жалб қилиш имконини беради, бироқ ўқув материалини ўзлаштириш чукурлигини, билимларнинг тизимлилигини ва уларни баён қилиш мантигини аниқлашга имкон бермайди, талабалар нутқини интенсив ривожлантиришни таъминламайди. Бу нуқтаи назардан жамоавий бир-бирини ўқитиш технологиясида ишлаб чиқилган ўзаро назорат метод ва усуллари самаралироқ. Бироқ бунда ўқитувчи учун тескари алоқани олиш қийинчилик туғдиради.

2) Ёзма текшириш: назорат ишлари индивидуал вазифалар (карточкалар, рефератлар, курс ишлари ва диплом лойиҳалари). Ёзма сўровнинг асосий ютуғи (устунлиги) талабалар ишининг мустақил характердалигидир. Бу индивидуал вазифалар берилган холда ушбу назорат турининг объективлилигини таъминлайди. Ёзма назорат ўз ўқув фаолиятлари натижасини уларни этalon билан солишишириш асосида холисона боҳолашга имкон беради, кўпчилик талабалар учун психологик жиҳатдан анча қуладай айниқса интровертлар учун. Шу билан бирга педагогнинг амалий ишида ёзма назоратнинг кўпроқ бўлиши талабалар оғзаки нутқининг ривожланишини чегаралаб қўяди.

3) Амалий (сўров) текшириш (амалий назорат ишлари, лаборатория ишлари). Назоратнинг амалий форма ва методлари талабалар томонидан конкрет профессионал уқув ва кўникмаларнинг ўзлаштирилиш даражасини аниқлаш имконини беради. Шу билан бирга уларнинг назарий билимларини ўзлаштириш даражаси, уларни тажрибавий ва амалий фаолиятда қўлашга тайёрликни аниқлаш имконини беради.

4) Дастурлаштирилган сўров (компьютерли назорат қилувчи дастурлар ва х.к.). 60-70 йилларда дастурлаштирилган ўқитиш технологиясини ишлаб чиқиши ўқитувчига тескари алоқани тез олиш ва бир вақтда ҳамма ўқувчиларнинг

билимини текширишга имкон берадиган бир қатор машинали ва машинасиз дастурлаштирилган сўраш методларини яратишга олиб келди.

Тезкорлиги билан ажралиб турадиган ушбу назорат тури, баъзи-бир чеклашларга эга. Уларнинг энг асосийси педагог ва талабалар ўртасида бевосита контактнинг йўқлиги, бутун ўкув материалини талабалар томонидан ўзлаштирилиш даражасини чуқур ва тўлиқ билиш мумкин эмаслиги. Ҳозирги вақтда компьютерли назоратга қайтиш сабаби компьютерга осон киритиладиган ва ўқитиш натижаларига ташҳис қўйишнинг юқори самарадорлигини таъминлайдиган тест вазифалари тизимини ишлаб чиқиш билан боғлик.

5). Назоратнинг аралаш шакли (зичлаштирилган сўров) ўкув фаолият натижаларини текширишнинг бир неча шакл ва методларини бир вақтда қўллаш асосида амалга оширилади.

Шундай қилиб, ўқитиш натижаларини ташҳислаш самарадорлиги ўқтувчи томонидан назоратнинг ҳамма кўриниши ва методларидан комплекс фойдаланганда таъминланади. Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари буларга тест вазифалари, кесишли машиналарни ўзлаштириш билан боғлик, ўзаросўров, конкурслар, викториналар, ижодий ишлар, иншо, рефератлар, назорат ишлари ва бошқалар киради.

Синов ва имтихонлар. Якуний назоратининг ушбу шакллари ҳар бир фандан ўзлаштирилган билимларнинг тизимилиги, англаш чуқурлиги ва ишлаб чиқариш маслаларини ечишда уларни комплекс қўллаш уқувларини эгалашни кўзда тутади. Синов ва имтихонларга турлича муносабат талабларнинг қисқа вақт ичida турли курслардан катта ҳажмдаги ўкув материалларини ўзлаштириш билан боғлик бўлган стресс вазиятларни юзага келтиришидан иборат. Бундай муносабат синов ва имтихонларда билимларни текширишнинг репродуктив характеристики билан боғлик.

Ушбу муаммоларни бартараф қилиш, олдини олиш учун билетларда билим, укув ва кўнималарни ўзлаштиришнинг ҳамма даражаларини (нафақат репродуктив, балки ижодий) аниқлашга имкон берадиган саволларни киритиш, уларда назорат ва амалий саволлар, турли мураккабликдаги ишлаб чиқариш масалалари бўлиши лозим.

Келгусида якуний назоратнинг форма ва методларини такомиллаштириш лозим.

Механик ёдлаб олиш ва кўчиришни йўқ қилиш учун савол ва вазифалар характеристини ўзгартириш зарур: билимларни оддий тақрорлаб беришни олдини оладиган ижодий характеристидаги ўкув масалларини бериш лозим ҳамда ўкув қўлланмалар, маълумотномалар ва ҳ. к. лардан фойдаланишга рухсат бериш керак.

Ўқитувчи талабага иккита савол танлашни таклиф қилиши мумкин: биттаси талаба яхши биладиган, бошқаси эса у жавоб бериши қийин бўлган. Бунда талаба 2-саволда нима у учун мураккаблигини тушунириб бериши лозим.

Имтихон ва зачет топширишни жуфт бўлиб ёки микро гуруҳларда (3 киши бўлиб) ташкил қилиш мумкин: ҳар бир талаба битта саволли билет олади ва шу савол бўйича асосий жавоб берувчи бўлади, ўз дўстларининг билет саволари бўйича эса уларни тўлдиради ва аниқлаштиради.

Тақсимланган имтихон талабаларнинг ўқув фаолияти натижаларини анча ишончли текшириш учун шароит яратади: ўқув материали блок (модул)ларга бўлинади ва талабалар ҳар бир блокни симестр давомида кетма-кет топширадилар.

Тақсимланган имтихон шароитида вақт харажатларини қискартириш ва талабалар томонидан ўқув фанини ўзлаштиришни тизимли текширишни таъмилашга В.

Шаталов – А. Границкая усули ёрдам беради. У талабалар ўқув фаолияти натижаларини ўзаро назорат қилишга асосланган. Ўқитувчи имтихоннинг ҳар бир саволи бўйича этalon жавобларни тайёрлайди ва ҳар бир талабага танланган бир ёки бир нечта саволлар бўйича гуруҳ олдида чикишни таклиф қиласи. Агар талаба жавоби эталонга мос деб қабул қилинса, у ҳолда унга шу савол бўйича ўртоқларини имтихон қилиш ҳуқуки берилади.

Аудиторга жадвал осиб қўйилади, унда саволлар рақами ва улар бўйича имтихон оладиган талаба фамилияси кўрсатилади. Ўзаро сўров аудитория машғулотларидан ташқари ўтказилади ва ҳар бир талабага билетлардаги барча назарий саволларни топшириш ва ишлаб чиқишига имкон яратади, амалиёт саволларини эса ўқитувчи имтихонга олиб чиқади.

Ижодий синов ёки имтихон. Талабалар фанни ўзлаштириш жараёнида олган билим ва уқувларидан фойдаланиб ижодий лойиха ишлаб чиқишиади ёки ишлаб чиқаришни моделлаштиришиади.

5.2. Maxsus фанларни ўқитишга касбий йўналтирилган

технологиялар

Касбга йўналтирилган технология ўқитишнинг касбий технологик тизими шароитида амалга оширилади.

Технологиянинг мақсади – мукаммал касбий бошқарув, ишлаб чиқариш технологик, илмий методик, тадқиқот ишлари фаолиятига тайёр бўлган замонавий, рақобатбардош шахсининг касбий тайёрланишини таъминлашдан иборат.

Технологиянинг вазифалари (мақсади):

- ЎМКҲ таълим муассасаларининг битиравчиларида ўз касбий билимларига ва касбий фаолиятига яхши муносабатини шакллантириш, таълим дастурларининг кафолатли амалга оширилиши мутахассиснинг сифатли тайёрланиши ва режалаштирилган даражага эришиш, унинг шахсий ижодий потенциалини ривожлантириш.
- Жамиятда ўзини кўрсатишга тайёрлиги, тарбиянинг мукаммал йўналтирилганлиги.

Касбий-технологик таълимнинг зарурий дастлабки қоидалари қимматли муносабатлар, табиий гуманитар ва маданиятлили, илмий билимларни ўзлаштириш жараёнининг узлуксизлиги, ижодий билишни шакллантириш, ўқитиш фаолияти фазаларининг материаллашган ва материаллашмаган моддий бутунлаш, шахсга йўналганлик, ақлий фаолиятни шакллантиришдан иборат.

Ўқитиш жараёнининг мақсад ва вазифаларини ташқари, асосий субъектлари – муаллим ва талабалар, улар орасидаги ўзаро муносабатлар билан ҳам аниқланади.

Ўқувчиларнинг ўқув билиш фаолияти илмий билимлар тизимини ўзлаштириш жараёни, таълимдаги ижодий ўзлаштириш ва малакаларининг қадам-бақадам олға харакатини шакланиши, ақлий ривожланиш ва тарбиянинг бир даврда иккинчисига, босқичма-босқич, бир ўқув дарсидан иккинчисига, дарс фазасининг биридан иккинчисига, педагог ва талабалар ва шунингдек талабаларнинг, жамоавий-индивидуал, ижтимоий-касбий ўзаро муносабатларининг бўлинмас жараёнидан иборат.

Муаллимнинг ўқитиш фаолияти ўқувчилар учун мустақил ўқув-билиш фаолиятининг ташкилий – педагогик шароитларига яратишдан, дидактик, ривожлантирувчи ва тарбиявий масалаларни ақлий, материалланган ва психологик тартиблар ва методлар комплекси, воситалари ва педагогик ўзаро муносабатни шаклларининг кафолатланган ечимини таъминловчи методик ёрдамни амалга оширишдан иборат.

Ўқув дарсининг модели. Касбий технологик ўқитиш тизимида ўқув дарсининг модели (5.1.- жадвал) ўқувчиларни ўқитишнинг компонентлари, функциялари, фаолиятлари ва ўқитувчининг кўмаги бир бутун тузилишига эга.

1 – жадвалда тўла ўқув дарсининг ташкил этувчилари билан талабалар зарурий ва етарли илмий билимлар тузилиши психологик-педагогик тартиблари орасидаги ўзаро алоқасининг тузилиши структураси келтирилган, уларни ўқув-касбий фаолиятнинг аниқ шароитларида ўтказиш ва мужассамлаштирилган билимдорликни шакллантириш, дастлабки билимларини ривожлантириш, ижодий билимларини ва ўзгарувчан малакаларини ташкил этиш. Модел ташкилий, дидактик, технологик компонентларни ўз ичига олади.

5.1.-жадвал

Махсус фан бўйича ўқув машғулотининг модели

Ташкилий қисм

Дидактик ташкил этувчиси

Технологик ташкил этувчиси

I Кириш қисми

(3-7 мин)

Ўқитиши ва қўллаб қувватлаш фаолиятига тўлалигича мақсадли йўналтирилганлик.

1. Талабаларга тақдим этилган ахборотнинг тартиб рақами номланиши ва ўқув материалынинг дидактик бирлигини ўзлаштириш даражаси

II Асосий қисм

(25-35 мин)

Таъминловчи биринчи босқич

Шаклланти-

рувчи иккинчи босқич (60-70 мин)

- 1.1. Мақсадлар: ўқитиш фаолиятидаги қўллаб қувватлаш фаолиятидаги
- 1.2. Мазмун: ўқитиш фаолиятидаги қўллаб қувватлаш фаолиятидаги
- 1.3. Биринчи босқичдаги мақсад— ларни амалга ошириш методлари
- 1.4. Биринчи босқичдаги мақсад— ларни амалга ошириш воситалари
- 1.5. Ўқитиш ва қўллаб қувватлаш жараёнида субъектларнинг педагогик ўзаро таъсирларининг шакллари.

2.1. Мақсадлар:

- ўқитиш фаолиятидагига
- қўллаб-қувватлаш фаолиятидаги.

2.2. Мазмун: ўқитиш фаолияти.

Күллаб - қувватлаш фаолиятлари.

2.3. Иккинчи босқичнинг методларини амалга ошириш.

2.4. Иккинчи босқич мақсадларини амалга ошириш воситалари.

2.5. Ўқитиш кўллаш жараёни субъектларининг ўзаро сухбатининг педагогик шакллари.

3.1. Мақсад ўқитиш фаолияти.

Кўллаш фаолияти.

Машғулотда ўқув фаолиятининг умумлашган йўналтирувчи асосига шакллантириш.

Талабаларга ўқув фаолиятидаги методлар, усуллар, маросимлар ҳақидаги ўқитиш материалини тақдим этиш.

1. Ўқув ақлий ва моддийлаштирилган фаолиятдаги турли тузилишлар, технологиялар, методлар, усуллар, тарзлар қоидалар ҳақидаги билимни ўзлаштириш.
2. Ўқув масалалари, вазифалари, ҳолатлари очиш орқали умумлашган билимларни мустаҳкамлаш.
3. Ҳар бир талаба томонидан хотирадаги ахборотни қайта тиклаш асосида ўқув фаолиятининг йўналтирилган умумлашган асосини шакллантириш.
 1. Талабаларга ўқув материалларини тақдим этиш.
 2. Жамоавий ўқув фаолиятини ташкил этиш.
 3. Хусусий-шахсий ўқув фаолиятини ташкил қилиш.
4. Ўқув фаолиятнинг умумлашган, йўналтирилган асосларининг шаклланишини баҳолаш.

Муммоли ўқитиши методлари; ўқув масалаларининг чегаравий методи.

Муаммоли масалалар, вазифалар, ҳолатлар, муаммолар тўплами.

Ўқув тўғри ва тескари чегаравий масалалар тўплами.

Фронтал – ўқитиши фаолиятини ташкил қилишда ва режалаштиришда, масалалар – вазифалар қўйишиди.

Жуфт бўлиб – ўқув муаммолари, масалалари, ҳолатларининг, биргаликдаги фаолиятини моделлаштиришда

Шахсий - ўқитишининг шахсига хос фаолиятини моделлаштиришда.

Умумлашган йўналтирилган асосларни аниқ ўқув амалий, ишлабчиқариш фаолиятига ўтказишнинг психологик тайёргарлигини шакллантириш. Аниқ ақлий ва моддийлаштирилган ўқитиши фаолиятидаги ўқув материалларини талабаларга тақдим этиш (жуфтлик - ўқув масалаларнинг коллектив) фаолиятдаги ечимини моделлаштиришда; Шахсий - ўқув масалалардаги шахсий фаолият ечимини моделлаштиришда

1. Шакллантириш умумлаштириш асосида йўналтирилган ўқитиши фаолияти асосида ўқув фаолиятини ақлий ва моделлаштирилган билимларини шакллантириш.
2. Дастлабки билимга моддийлаштирилган билимлар асосида ўқув, ўқув-амалий, ишлабчиқишида моддий билимларни шакллантириш.

1. Талабалар учун ўқув материалларини тақдим этиш.
2. Биргаликдаги ўқув фаолиятнинг кўчирилишини ташкил этиш.
3. Шахсий ўқув фаолиятининг кўчишини ташкил қилиш.
4. Умумий йўналтирилган асосларни ўқув ёки ўқув – касбий фаолиятнинг аниқ шароитига ўтказишида ҳар бир талабанинг психологик тайёрлигини баҳолаш.

Ўқитишнинг муаммолари: ўтказишининг чегаравий ўқув масалаларини ечиш методи, мақсадни қабул қилиш, рефлексия; диалогик сұхбат, ижодий ва айланувчан малака ҳосил қилиш, ролли ўйинлар, ижтимоий психологик тренинглар.

Муаммоли масалалар, вазифалар, ҳолатлар, муаммолар, «ўтказиш учун» чегаравий масалалари, макетлар, моделлар, тренажерлар, ўқув стендлари, асбоб ускуналар тўплами.

Жуфтлик – жамоавий фаолиятдаги ўқув масалаларини ечишни моделлаштиришда; шахсий – шахсий фаолиятли ўқув масалаларини ечишни моделлаштиришда.

1. Дастрлабки билимларни ривожлантириш.
2. Техник, мистер, бригадирнинг касбий фаолиятида айланма ва ижодий қўникмаларни шакллантириш.

Машқлар асосида қўникмаларни шакллантириш учун талабаларга ишчи ўринларни тақдим этиш.

1. Харакатланувчан қўникмаларни кўп марта такрорлаш асосида яратиш.
2. Қайта ишланган технологиялар, тартиблар, усууллар, таъсирлар асосида ижодий малакаларни шакллантириш.
 1. Ўрнатилган давлат стандартлари асосида ўқув элементларини ўзлаштириш мақсадларига эришилганлиги ҳақида.
 2. Ўқитишдаги ҳар бир талабанинг олган баҳосини эълон қилиш.
3. Талабалар кейинги ўқув машғулотининг мақсади билан таништириш.

Ташкилий бўлими кириш, асосий ва якунловчи қисмларни ўз ичига олади. Ўқув машғулотининг режасида қўзда тутилган кириш қисми ўрганувчи ўқув гурухини ташкил қилиш, уларнинг педагогик ўзаро алоқага тайёрлигини баҳолашда фойдаланилади. Ўқувчилар ва муаллим фаолиятининг мазмуни дидактик ва технологик ташкил этувчиларида қаралади. Дидактик моделнинг асосий қисми: икки қисм назариётiga ва уч қисми амалий машғулотлардан: таъминловчи, шакллантирувчи, натижаловчи (практик) ташкил топади.

Кириш қисмини дидактик ташкил этувчиси қимматли-мақсадли технологик таклифларни ўз ичига олади. Ўқув машғулотининг ҳар бир асосий босқичида: мақсад, муаллим ва ўқувчилар фаолиятининг мазмуни ва шунингдек методлар, мақсадини амалга ошириш ва воситалари ва ўқитиш, кўллаш жараёни себъектларининг педагогикавий ўзаро муносабатлари қисқача баён қилинади.

Ўқув машғулоти асосий қисмини тузилишидаги технологик ташкил этувчиси ўқувчиларнинг ўқув билиш фаолиятидаги тизимли комплексининг илмий – методик, ҳар бир босқичдаги муаллим фаолиятининг ўргатувчи қисмини ўз ичига олади. Тизимли тўплам: мақсадлар ўқувчилар ва ўқитувчи педагогик фаолиятининг мазмунини, педагогикавий ўзаро муносабатининг методлар йигиндиси восита ва шаклларини ўз ичига олади. Тизимли комплекслар, бутунлик тузилишлиги, элементларининг ўзаро боғлиқлиги ўз-ўзини ташкиллаштириши, турғун ҳаракат механизмининг киритилганлиги тамойилларини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилади.

Муаллим ва талабалар фаолиятининг технологияси, ўқув машғулотларининг асосий қисмини биринчи босқичда таъминлашни ташкил этувчиларга қуидагилар киради:

- турли конструкциялар, технологиялар, методлар, усуллар, услублар, ўқув фаолиятининг қоидалари ҳақида ўқувчилар томонидан ўзлаштириладиган билимлар: таълим қимматлари каби улар натижаларини ўзлаштиришли тушуниб этиш; шакллантирилган қимматбаҳо нисбатан педагогик даражаларининг баҳоланиши;
- чегаравий ўқув муассасалари, топшириклари, ҳолатларини ечиш орқали умумлашган билимларни мустаҳкамлаш, шахсий бойлик ҳисобида уларни ечиш методларини ўзлаштириш;
- ўқитувчининг ёрдами ва кўмагида ҳар бир мустақил ўқувчиларнинг хотираси бўйича катта тиклаш йўли билан ўқув-касбий фаолиятга йўналтирилган умумлашган асосни шакллантириш, уларни таълим бойликлари сифатида қабул қилиш;
- гурухли – индивидуал ўқув билиш фаолиятини ташкил қилиш мақсадида ўқувчиларга муаллим томонидан ўқув материалларини тақдим этиш;

- ўқув параларининг кичик ўқув гурухларида руҳий, инсонпарварлик муносабатларни шакллантирувчи муаллим билан ўқувчилар билан биргаликдаги фаолиятини муаллим томонидан ташкил қилиш;
- ўқувчиларнинг шахсий мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилиш;
- ўқувчиларда мустақил ўқув фаолиятининг асосига йўналтирилганумумлашган, ҳар бири томонидан умуминсоний ва касбий бойликларни тушиниб ўзлаштирилган, ўзининг «мен»га бўлган даражаси ва сифатини муаллим томонидан баҳолаш.

Ўқувчиларнинг умумий назарий асослари аниқ шароитдаги ўқув, ўқув касбий, амалий фаолиятига мустақил ўтказишга психологик тайёрлигини шакллантириш юқори даражадаги интеллектуал кучланишни, бутунликдаги ақлий ва моддийлашган ҳаракатларни ақл билан бошқаришини кўзда тутади. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчиларга юқори бўсағали ўқув малалаларини ечиш учун кўпроқ умумлашганликдан камроқ умумлашган ҳолатларга, масалаларга, мақсадларга, лойиҳаларга, режаларга, касбий фаолият натижалари кўзда тутади.

Қаралаётган бўсағавий ўқув масалаларининг турининг фаолиятли асосини мақсад – лойиҳа – маҳсулот (натижажа) модели ташкил этади. Мақсадли фаолият дастурига кетма–кет ўтиш тизими Б.Ф.Ломов, В.Д.Шадриковлар томонидан баён қилинган ва қоида бўйича маъқулланган фаолият усули сифатида тақдим этилиши мумкин.

Ажратиб олинган бутунликда тузилиш элементлари бирлаштирилган. У ўзида турли даражада умумлаштирилган маълум чегаравий потенциалларга мос келувчи касбий фаолият дастурига эса маълум мақсад бўйича касбий фаолият натижаси маҳсулот олиш учун масалани ечишда энг катта интеллектуал кучланганликни талаб қиласди.

Талабаларнинг ўқиб-билиш технологиясида муаллимнинг илмий-методига, ўргатиш фаолиятининг учинчи натижавий ўқув фаолият босқичи уларда ижодий билишни шакллантириш зарурлигидан иборат. Бу ўқув ишлаб чиқариш амалиёти вазифасини ўқув, ўқув-амалий ва ўқув ишлабчиқариш фаолиятидаги сўнгги ўқув масалалари сифатида фойдаланишни кўзда тутади. Авваллари касбий фаолият асосига умумлашган ҳолда йўналтирилган кетма-кетликдатўлалигича шаллантириш, сўнг – уларни ўқув амалиёт фаолиятининг аниқ шароитига ўтказишни билиш (ўқув машғулотининг иккинчи босқичида) мавжуд қарама-қаршиликларни ечади, бу эса ўқув машғулотининг учинчи босқичида тушиниб етилган ижодий билимдонликни шакллантириш учун тизимли мақсадни таъминлайди.

Ўқув машғулотининг якунловчи қисмидаги баҳолаш, исботлаш фаолиятида, талабалар ва муаллим томонидан эришилган даражада сифат бўйича ўқитиши функциясини амалга ошириш, талабаларни ечилган ўқув масалаларнинг ҳосиллиги

даражаси бўйича ва тарбияланганликни – ҳар бир ўқувчи шахснинг йўналганлик даражаси бўйича объектив баҳолаш амалга оширилади.

Касбий – технологик ўқитишнинг самарадорлиги. Касбга йўналтирилган ўқитиш технологияси унинг самарадорлигини аниқловчи муҳим устунликларга эга. Самарадорликнинг энг аҳамиятли кўрсаткичлари:

- қаралаётган технологиянинг ўқитиш самарадорлиги бўйича;
- технология ўрта босқич мутахассисларининг тайёргарлик даражаси ва сифати давлат таълим стандартларининг талабини кафолатланган ҳолда бажарилишини таъминлайди;
- ўқув жараёнида ижодий фаол, аҳамиятли йўналтирилган шахс касб–мутахассисни, яратиш учун зарурий ва етарли шароитлар яратилади;
- технология талабаларнинг мустақил ўрганиш, ақлий ривожланиш ва тарбиясига қаратилиши дидактик тузилиш механизми, уни мослашишга эга;
- технология жараёнининг ҳақиқий мониторингини ва ўқувчиларнинг тайёргарлик натижаларини, уларни қийинчиликлардан чиқаришни, билишга интилишни ёқлаш ва ривожлантириш ишни амалга оширишга имкон беради;
- талабаларнинг муаллим ўқитиш фаолиятидан ва ўзларининг ўқув-билиш фаолиятидан умумий қониқиши таъминланади;
- технологияда ҳар бир муаллим, унинг касбий педагогик тажрибасидан қатъий назар амалга ошириш мумкин;
- технологияда ҳар бир талаба томонидан, ўргатилган стандарт даражасида, тўғридан-тўғри ўқув машғулотидаги ўқув материалини тўла ўзлаштирилиши таълимга имкон яратади.

5.3. Муаммоли ўқитиш технологияси

Тарихга назар. Ўқитишга муаммоли ёндашув Суқрот замонидаёқ бошланган. Бу ёндашув американлик файласуф, психолог ва педагог Д.Дъюи ишларида ўзининг назарий асосини топди. Д.Дъюи болаларнинг эҳтиёжларини ўқитишнинг бошланғич асослари сифатида қараган. У эҳтиёжларни инстинктлар (ижтимоий, конструкторлик, бадиий, тадқиқий) каби таърифлаган. Ўрганувчи материални элементар эшлишиш ва ҳис қилиш органлари асосида қабул қилиш билан эмас, балки билимларга бўлган эҳтиёжни ихтиёрий тадқиқий фаолият асосида қондириш

натижасида ўзлаштиради. Ўқитувчининг вазифаси талабаларнинг мустақил тадқиқий ишларини таҳлил ва ташкил қилишдан иборат бўлади. Бу уларнинг бирдан пайдо бўлган қизиқиши ва эҳтиёжларини амалга оширишнинг зарурый шарти ҳисобланади.

Д.Дъюи ўқитиш жараёнини ўрганувчининг қуйидаги босқичларни ўз ичига олган фаолияти сифатида таърифлаган:

- ўрганувчида қийинчилик ҳолатининг пайдо бўлиши;
- қийинчиликнинг сабабини аниқлаш;
- «агар . . . бўлса, у ҳолда . . .» каби таклиф ва фаразларни илгари суриш;
- фаразларни мантиқий текшириш;
- фаразларни амалда (тажриба йўли билан) текшириш.

Ўқитишнинг асосий шарти ўрганувчиларни амалий фаолиятга, ўйинга, меҳнатга жалб қилишдан иборат бўлади. Бунинг натижасида бирор нимани («ўрганишни истайман», «буни бажаришни ҳоҳлайман» ва ҳ.к.) эгаллашга эҳтиёж туғилади. Шундай қилиб ўрганувчи обьект эмас, балки ўз ўқув фаолиятининг субъектига айланади.

Муаммоли ўқитишнинг психологик жиҳатлари 1920-1930 йилларда очилган эди. Унда муаммоли ўқитиш асосида ётган фикрлашнинг психологик қонуниятлари очиб берилган.

Бу турдаги ўқитишнинг анъанавий (тушунтириш-кўргазмали) ўқитишдан фарқи талабаларнинг назарий ва амалий муаммоларни ечиш жараёнida янги билимларни олишга йўналтирилган тадқиқий фаолиятларидан иборат.

Муаммоли ўқитиш - ўқитувчи раҳбарлиги остида муаммоли вазиятлар ҳосил қилиш ва уларни ечиш бўйича ўрганувчиларнинг фаол мустақил фаолиятини ташкил қилишдир. Натижада касбий билим, кўникма, уқув ва фикрий қобилиятларнинг ривожланиши рўй беради.

Муаммоли ўқитишнинг ўзига хослиги ва кўпқирралилиги қуйидаги масалаларни самарали ҳал қилишда намоён бўлади:

- ўқишининг ички мотивациясини рағбатлантириш;
- билишга қизиқишининг ортиши;
- мустақилликнинг шаклланиши;

- ижодий қобилиятлар, тасаввурнинг ривожланиши;
- касбий таълимий муҳитда ўзини англаш шароитларининг ҳосил қилиниши;
- коммуникатив кўнималарнинг ривожланиши;
- ўрганилганларнинг мустаҳкамланиши;
- эътиқодларнинг шаклланиши;
- тадқиқий фаолият одатий кўнималарининг эгалланиши.

Бироқ таълимий муассасаларнинг амалиётида муаммоли ўқитишининг ўйланган ва тизимли тадбиги кам учрайди. Кўпинча ўқитувчилар унинг асосий ғояларини формал равишда тушунадилар ва муаммоли ўқитишини савол-жавоб шаклида талқин қиласидилар. Шу билан муаммоли саволнинг ўзига хослигини бузишади ва уни информацион, етакловчи, қўллаб-қувватловчи ўқитишиш шакли билан алмаштиришади. Шунинг учун муаммоли ўқитишининг асосий категорияларини ва уни самарали қуриш технологиясини очиб бериш масаласи туради.

5.3.1. Муаммоли ўқитишининг структураси, унинг даражалари ва методлари

Муаммоли ўқитиши структураси қуидагилардан ташкил топган:

- мос муаммоли вазиятни келтириб чиқарувчи ўқув муаммоси;
- уни ечиш бўйича таклиф ёки фаразлар;
- илгари сурилган фаразларни асослаш, яъни турли хилдаги исботлар (назарий, тажрибий, далилий);
- хулоса.

Элементларнинг бу блоки асосий блок бўлиб, у муаммоли тузилган блок деб аталади. У муаммоли ўқитиши ташкил этишда турли хил брикма ёки ягона кўринишда бўлиши мумкин. Агар қўйилган муаммо фақатгина битта фаразни илгари суриш ва уни исботлаш асосида ечилса, у ҳолда бу моноструктура бўлади. Агар муаммони ечиш давомида бир қатор фаразлар қилинса, у ҳолда биз параллел типдаги полиструктурага эга бўламиз. Уни схематик кўринишда қуидагича ифодалаш мумкин:

Фараз1 Исбот1 Хулоса1 Нотўғри

Фараз2 Исбот2 Хулоса2 Нотўғри

Муаммо

Фараз3 Исбот3 Хулоса3 Тўғри

.....

1-расм. Параллел турдаги муаммоли ўқитиш структураси.

Агар қўйилган муаммо катта бўлиб, уни кетма-кет ечиладиган кичик муаммоларга бўлиш мумкин бўлса ва кичик муаммони ечиш бошқасини келтириб чиқарса, у ҳолда бу кетма-кет турдаги полиструктурали муаммоли ўқитиш бўлади.

Муаммо Кичик муаммо Фараз1 Исбот1 Хулоса1 Кичик муаммо Фараз2
Исбот2 Хулоса2 Кичик муаммо Умумий хулоса.

2-расм. Кетма-кет кўринишдаги муаммоли ўқитиш структураси.

Кўпгина тадқиқотчилар муаммоли ўқитиш назариясида муаммолиликнинг бир нечта даражаларини ажратишади. Тадқиқот иши энг юқори даража ҳисобланади. Унда ўрганувчилар мустақил равишда муаммони илгари сурадилар ва уни ечадилар. Бу даражага тадқиқот методи мос келади. У муаммоли амалий ва назарий вазифалар шаклида амалга оширилади.

Кисман-изланувчан даражада муаммоли вазият ўқитувчи томонидан қўйилади, ечим эса ўрганувчилар томонидан мустақил равишда ўқитувчи раҳбарлигига топилади. Бу муаммолиликнинг ўрта даражаси бўлиб, у эвристик-мулоқот усули асосида ташкил қилиниши мумкин. Эвристик характердаги сұхбат шаклида амалга оширилади.

Муаммолиликнинг энг қуи даражаси – бу муаммоли баёндир. Унда муаммони ўқитувчининг ўзи қўяди, шу йўл билан талабаларда муаммоли вазият ҳосил қиласи, ўзи фаразларни илгари суради ва уларни исботлайди. Бунга мос метод

муаммоли баён методи дейилади, у муаммоли характердаги маъруза шаклида амалга оширилади.

5.3.2. Муаммоли вазият ва уни қуриш технологияси

Муаммоли вазият – муаммоли ўқитишнинг асосий категорияси ҳисобланади. Илмий адабиётларда унга кўплаб таърифлар келтирилган. Барча таърифларда қуидагилар эътироф этилган, яъни муаммоли вазият ўрганувчиларнинг маълум психик ҳолатини аниқлайди, у ирода акти ҳисобланади, унинг асосида ошкор ёки англанилмаган интеллектуал қийинчилик ётади, у инсон янги далилларни ўзида мавжуд бўлган билимлар ёрдамида тушунтира олмагандан пайдо бўлади. Ундан ташқари қийинчилик ҳолати муаммоли вазиятсиз ҳам пайдо бўлиши мумкин, масалан, талаба бирор сабаб туфайли ўқитувчи берган масалани ечишга қийналиши мумкин. Бу қийинчилик ҳолатининг бўлиши муаммоли вазиятнинг асосий мезони эмаслигини билдиради. Қийинчилик ҳолати йўлдош элемент бўлса, асосийси нимада?

Илмий-педагогик адабиётларни таҳлил қилиш натижасида шунга амин бўлдикки, муаммоли вазиятнинг етакчи элементи бу аниқланилган ва англанган зиддият экан. Агар ўрганувчи зиддиятларни аниқласа ва англаса, у ҳолда бу қийинчилик вазиятининг пайдо бўлганини билдиради, демак, буларни ажратиш мумкин эмас, уларнинг бирлиги муаммоли вазият деб аталувчи психологик ҳолатни келтириб чиқаради.

«Муаммоли вазият» тушунчасига берилган кўпчилик таърифларда албатта психологик ҳолат, яъни пайдо бўлган зиддиятларни ечишга интилиш, ҳақиқатнинг илдизига бориб етиш мавжуд. Бошқача қилиб айтганда, муаммоли вазиятда зиддиятларни аниқлаш, уларни қийинчилик сифатида қабул қилиш қизиқишининг пайдо бўлиши билан бирга олиб борилиши керак. Бусиз, яъни қизиқишиз муаммоли вазият пайдо бўлмайди. Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб муаммоли вазиятга қуидагича таъриф бериш мумкин:

- 1). Муаммоли вазият – бу ўрганувчиларнинг психик ҳолати бўлиб, у қийинчилик сифатида қабул қилинади, уларни ечиш эса янги билимларни талаб қиласди.
- 2). Ўрганувчи зиддиятларни ечишни истайди.

Муаммоли вазият пайдо бўлиши натижасида талабаларнинг онггида муаммо шаклланади. У одатда савол шаклида ифодаланади. Муаммо қанчалик чуқур бўлса, унга қизиқиш ҳам шунча юқори бўлади, натижада унинг ечими ҳам муваффақиятли бўлади.

Хозирги замонда катта сондаги зиддиятлар мавжуд бўлиб, улар ёрдамида ўқитиш жараёнида муаммоли вазиятлар ҳосил қилиш мумкин. Энг кўп тарқалган зиддиятлар қуидагилар:

- маълум ва номаълум орасидаги;
- формал ва ҳақиқий билимлар орасидаги;
- предметга одатий ва ғайриоддий қараш;
- ўзлаштирилган билимлар ва уларни янги амалий шароитларда қўллаш орасидаги;
- паст ёки анча юқори даража орасидаги;
- илмий ва ҳаётий билимлар орасидаги;
- фантазия ва ҳақиқат орасидаги;
- назария ва амалиёт орасидаги;
- маълум бўлган ва янги далиллар орасидаги.

Санаб чиқилган зиддиятларнинг ихтиёрийсидан фойдаланиш мумкин. Бирок ўқитувчининг асосий вазифаси-уларни топиш учун имкон яратиш, кўрсатиш, етказишдан иборат, яъни зиддиятни шундай «яланфочлаш» керакки, талабаларда юқори эҳтимоллик билан муаммоли вазият пайдо бўлсин. Муаммоли ўқитиш назариясида зиддиятларни кучайтирадиган, ўрганувчилар уларни топиши ва тушунишига ёрдам берадиган услублар кўп: эмоционал таъсир, долзарблик ва кутилмаганлик, парадоксаллик, ғоялар жангги, таққослаш, очик қўйилган муаммоли савол ва бошқалар.

Кўпинча бир вақтда бир нечта услублардан фойдаланилади, натижада муаммоли вазият ўрганувчилар учун яна ҳам аҳамиятга эга бўлади.

Муаммоли вазиятни ташкил этиш шакллари турлича бўлиши мумкин, масалан, зиддиятларни вербал тавсифлаш, муаммоли тажриба кўрсатиш, муаммоли вазифани шакллантириш, лабораториядаги тажриба.

Машғулотларда муаммоли вазиятни ташкил қилишга мисол келтирамиз. Масалан, «IP телефония асослари» мавзусини тушунтиришда ўқитувчи мавжуд бўлган маълумотларни узатиш технологиялари ва уларнинг камчиликлари тўғрисида саволлар бериши ва бу муаммони ечиш йўлларини талабалар билан биргаликда белгилаб олиши мумкин. Сўнг муаммонинг қандай пайдо бўлганлигини кўрсатади ёки тушунтиради. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш кўникмаларини ҳосил қиласди. Нима учун IP технологиясини ишлаб чиқиш зарурияти туғилди? Саволга

талабалар билан бирга жавоб изланади. Муаммони кичик муаммоларга бўлади ва эвристик сухбат уюштиради. Ахборотни тармоқлардан узатишда юз берадиган асосий муаммолар нимадан иборат? Интернет протоколларнинг афзалликлари нимада? Нутқ қўринишидаги ахборотни сиқиши усуллари тўғрисида гапиради. Муаммо устида фикрлашни ташкил қиласди, мантиқий, исботланган жавоблар қуришга ёрдам беради. Талабалар қўйилган саволларга жавоб излашади. Муаммоли саволларга жавоб излаш натижалари оғзаки баён қилинади. Муаммоли савол муҳокама қилинади. IP телефониянинг афзалликлари келтирилади. Ўқитувчи талабаларнинг якуний хulosаларини эшитади ва улар билан биргаликда таҳлил қиласди, умумлаштиради ва тизимлаштиради.

Муаммоли ўқитишни ташкил қилишга киришишдан аввал берилган ўкув материалини шу технология доирасида мақсадга мувофиқ ўзгартириш зарур бўлади. Бу ҳам ташқи, ҳам ички омиллар, уларнинг ажралмас бирлиги билан аниқланади. Ички омиллар деганда ўкув материалининг мазмuni ва унинг функцияларига боғлиқ бўлган нарсалар тушунилади. Ташқи омиллар талабаларга мўлжалланган ва уларга боғлиқ бўлган ҳамма нарасалар. Маълумки ўкув материалининг мазмuni нуқтаи назаридан характеристи бўйича турлича бўлган катта миқдордаги материалларни муаммоли ташкил қилиш мумкин. Энг аввало бу бирорта тарихий асосга эга бўлган дунёқарашга оид саволларни ўз ичига олган, методологик ва назарий аҳамиятга эга бўлган, аввал ўрганилганлар билан узлуксиз боғлиқ бўлган, курснинг етакчи ғояларини ўз ичига олган, сабаб-оқибат алоқаларни ўз ичига олган ўкув материали бўлиши мумкин.

Ўкув жараёнида муаммоли ўқитишнинг ўрни унинг функциялари билан қалин алоқада боғланган. Шу нуқтаи назардан ҳам ўкув материали имкон берса уни муаммоли баён қилган мақсадга мувофиқ: илмий ижоднинг шартларини моделлаштириш, талабаларга уларга мос келадиган фан методларини кўрсатиш, ижодий фаолиятнинг умумлашган методларини эгаллаш кўникмаларини ҳосил қилиш.

Шундай қилиб ўкув материалининг мазмuni ва функциясига кўра муаммоли ўқитишни қўллаш чегаралари етарлича кенг. Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, ўрганиш учун мўлжалланган ҳар қандай материални муаммоли баён қилиш мумкин. Ҳақиқатда ҳам шундай, ҳар қандай билиш обьекти зиддиятлар билан характеристланади. Бироқ материалнинг ҳаммасини муаммоли баён қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун репродуктив ва муаммоли ўқитишнинг нисбатини фақатгина сифат томондан эмас, балки миқдорий аниқлашга уринишлар мавжуд. Масалан, баъзи тадқиқотларда ўкув материалининг ярмини муаммоли, ярмини анъанавий ўқитиш керак деган хulosага келинган. Бошқа тадқиқотчилар курснинг 3-4 та мавзуларига муаммолар қуриш, қолганларини қисман муаммоларни ечиш йўли билан, қолганларини эса информацион-рецептив ва инструктив-репродуктив усуллар билан тақдим этиш лозим деган хulosаларга келишган. Ўйлаймизки бу тавсияларни худди шундай қабул қилиш керак эмас. Ҳар бир аниқ вазиятда ўкув жараёни олиб бориладиган реал шароитлар, ўрганувчиларнинг ривожланиш даражаси, эҳтиёжлари, қизиқишлигини ҳисобга олган ҳолда муаммоли ўқитишни

қўллаш мақсадга мувофиқлигини ўқитувчининг ўзига мустақил ҳал қилиш имкониятини бериш лозим.

Муаммоли ўқитишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаб ва шу йўл билан биринчи босқични амалга ошириб, иккинчи босқичга – муаммоли вазиятни ташкил қилишга ўтиш мумкин. Бу жараён жуда қийин ва кўп меҳнат талаб қиласидаган бўлиб, аниқлик ва қатъийликни талаб қиласиди. Мана шу босқич муаммоли вазиятни қуриш методикасини ташкил қиласиди ва қатор кетма-кет келувчи операцион амаллардан иборат бўлади.

Муаммоли вазиятни ташкил қилишга киришишдан олдин информацион блокдан ўзлаштирилиши лозим бўлган асосий ахборотни ажратиб олиш керак. Кейинчалик худди шунга муаммоли вазият қуриласиди. Ўрганилаётган материалдан энг асосий ахборотни ажратиш уни дидактик таҳлил қилиш натижасида амалга ошириласиди. Кўпинча бундай информацион блок сифатида дарсликнинг тушунтирув-кўргазмали матни хизмат қиласиди.

Навбатдаги вазифа муаммоли вазиятнинг асосини ташкил қилувчи бир қатор зиддиятларни англаш ва уларни ажратишидан иборат бўлади. Бундай эиддиятларни ажратиш юқори маҳоратни талаб қиласиди. Яъни бир томондан ўз касбий фанининг ҳозирги ва тарихий қирраларини билиш, бошқа томондан диалектик фикрлаш табал қилинади.

Ҳақиқатдан ҳам кўп ҳолларда муаммоли вазиятнинг асоси - зиддият саволнинг тарихида бўлади. Материални чуқур ва мустаҳкам билиш, яъни уни амалда, майший ҳаётда, ҳар қандай ҳаётий вазиятларда кенг қўллай олиш қобилияти ўқув мақсадлари учун зарур бўлган зиддиятларни осон аниқлашга ёрдам беради. Бироқ саволнинг тарихини ва ҳозирги ҳолатини билиш зарур, лекин етарли эмас. Саволнинг тарихини, материални яхши билиш ва шу билан бирга зиддиятларни кўра олмаслик ва ажрата олмаслик мумкин.

Шундай қилиб, муаммоли вазият қуриш технологияси қўйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- ўзлаштирилиши лозим бўлган асосий информацион-тушунтирув матнни аниқлаш;
- асосий матнда яққол кўринмайдиган қатор зиддиятларни аниқлаш;
- зиддиятлар ичидан дидактик жиҳатдан марказий бўлганини топиш (шунга муаммоли вазият қуриласиди);
- ўрганувчиларга ажратилган зиддиятни қўрсатиши мақсадида материални реконструкция қилиш, яъни бевосита муаммоли вазиятни ҳосил қилиш.

5.3.3. Муаммоли ўқитишни ташкил этиш технологияси

Кўпинча ўқитувчи тушунтирув-кўргазмали матнларга эга бўлган дарслик, ўқув қўлланмаларга таянади. Вазифа мавжуд матнни қайта ишлаб, уни муаммоли баёнга айлантиришдир. У эса ўз навбатида муаммоли машғулотнинг асосини ташкил қиласди. Агар ўқитувчи муаммоли баённи қуриш технологиясини билса, у ҳолда у иккинчи ва учинчи даражадаги муаммолиликни амалга ошира олади. Бошқача қилиб айтганда ушбу технология муаммоли ўқитишни ташкил қилиш учун асос бўлади.

Муаммоли ўқитишни қўллаш чегаралари етарлича кенг бўлиб, ҳар қандай ўқув материали муаммоли тарзда қайта кодланиши мумкин. Бу эса ҳар қандай тушунтирув-кўргазмали матнда зиддиятлар топиш мумкинлигини билдиради, улар ошкор ёки яширин бўлиши мумкин.

Муаммоли асосда қурилган матн аввало мулоҳаза юритувчи, сўнг эса информацион бўлади. Унда мумкин бўлган зиддиятлар белгиланади ва кўрсатиб берилади. Яхши қўйилган саволлар ҳисобига талabalар ўқитувчининг фикрларини илгарироқ билиб олишлари мумкин. Бундай матн эшитувчиларни доимий ҳаяжонда ушлаб туради, қатор муаммоли вазиятлар ҳосил қилиб, турли фаразларни илгари суради, исботлайди ёки рад этиб талabalарни фаоллаштиради, яъни муаммоли бўлади.

Муаммоли машғулотни қуриш босқичлари қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

1. Таянч билимларни фаоллаштириш.
2. Муаммоли вазифани таҳлил қилиш.
3. Муаммони ажратиш.
4. Барча мумкин бўлган таклиф ва фаразларни илгари суриш.
5. Излаш майдонини қисқартириш.
6. Ишчи фаразларни исботлаш.
7. Ечимнинг тўғрилигини текшириш.

Улар муаммоли-қурилган блок элементлари билан қўйидагича мосликда бўлади: 1, 2 ва 3-босқичлар муаммоли вазиятни ташкил қилиш босқичига мос келади, 4 ва 5 – фаразларни илгари суриш, 6-исботлаш билан, 7-хulosा билан.

Ҳар бир босқични унинг мақсади, амалга ошириш йўллари, натижаси ва талабаларнинг шахсий-касбий сифатларини ривожлантириш ва оширишдаги ўзгаришлар нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз.

1-босқич. Таянч билимларни фаоллаштириш.

Мақсад: мавжуд билимларни эслаш ва фаоллаштириш (биз нимани биламиз ва билишимиз керак).

Амалга ошириш йўли: ялпи сўров, ҳикоя-кириш, масала ечиш, якка оғзаки жавоб.

Натижа: зиддиятларни қабул қилиш ва англаш учун зарур бўлган таянч билимларнинг мавжудлиги.

Талаба шахсининг ўзгариш кўлами: жавобни намуна билан солишириш кўникмалари шаклланади, жавобларни аниқ қўйиш, ўзининг диққатини бошқариш, ўзаро ёрдам бериш ва қўллаб-куватлашга интилиш ривожланади.

2-босқич. Муаммоли вазифани таҳлил қилиш.

Мақсад: бошланғич шартларни тушуниш (Нима учун юз беради?).

Амалга ошириш йўли: жамоавий муҳокама, ўқитувчининг баёни, муаммоли тажриба қўйиш.

Натижа: қандайдир номутаносибликларнинг борлиги, мавжудлигини тушуниш.

Талаба шахсининг ўзгариш кўлами: ўз позициясига нисбатан масъулият билан ёндашиш шаклланади ва уни бошқаларнинг позицияси билан солиширади, ўз нуқтаи назарига тузатиш киритади.

3-босқич. Муаммони ажратиш.

Мақсад: зиддиятнинг моҳиятини ажратиш (Биздаги қийинчилик нимадан иборат? Биз нимани билмаймиз?)

Амалга ошириш йўли: гурӯхларда ишлаш («Ақлий хужум»), якка фикр – чиқишилар, жамоавий муҳокама, ўқитувчи баёни.

Натижа: муаммони вербал ифодалаш.

Шахснинг ўзгариш механизми: мантиқий фикрлаш ривожланади, зиддиятларни таҳлил қилишдан уни ечиш йўналишига ўтиш, фикрнинг мустақиллиги, шериклар билан интеллектуал ҳамкорлик қилиш кўникмаларини ривожлантириш.

4-босқич. Бўлиши мумкин бўлган фаразларни илгари суриш.

Мақсад: муаммони ечиш бўйича фаразларни илгари суриш (Саволларга қандай жавоб бериш мумкин? Қандай фаразлар бўлиши мумкин?).

Амалга ошириш йўли: гурухли иш, ақлий хужум, якка мулоҳазалар, ўқитувчи томонидан олға сурилган таклифлар.

Натижа: қатор фаразларнинг мавжудлиги.

Талаба шахсининг ўзгариш қўлами: эгилувчан тафаккур пайдо бўлади, ечим йўлини фикран очиш уқувлари шаклланади, аналитик-прогностик уқувлар шаклланади.

5-босқич. Излаш майдонининг торайиши (Истиқболи бўлмаганларни олиб ташлаш).

Мақсад: илгари сурилган ҳар бир фаразни ишлаб чиқиш (Қандайлари истиқболли эмас? Қандайлари истиқболлироқ?).

Амалга ошириш йўли: жамоавий муҳокама, гурухли иш, якка мулоҳаза, ўқитувчининг баён-фикари.

Натижа: ечимни излаш майдонини торайтириш, ишчи фаразларни аниқлаш.

Талаба шахсининг ўзгариш қўлами: муаммони ечишнинг эскиз лойиҳасини бажариш укуви, фаразларнинг истиқболлилигини таҳлил қилиш, муаллифи кимлигидан қатъий назар таклифларнинг камчилик ва устунлигини аниқлаш.

6-босқич. Ишчи гипотезаларни исботлаш.

Мақсад: Ишчи гипотезани исботлаш (Қандай назарий ва амалий асосни таклиф қилишимиз мумкин? Илгари сурилган фаразнинг тўғрилигини қандай исботлаш керак?).

Амалга ошириш йўли: гурухли иш, бир нечта талабалар ёки гурӯҳ вакили томонидан кетма-кет исботларни ўтказиш. Ўқитувчининг ўзи томонидан гипотезаларнинг исботланиши (мини-маъзуза, тушунтириш). Ўқитувчи раҳбарлиги остида жамоавий исботлаш (фронтал сұхбат).

Натижа: Қатъий исботлаш тизимининг мавжудлиги ва унинг моҳиятини тушунтириш.

Талаба шахсининг ўзгариш қўлами: Исботлаш мантигини шакллантириш ва тизимлаштириш, сабаб-оқибат алоқаларининг занжирларини қура олиш, ўз позициясини қуриш ва уни тузатиш ёки алмаштиришга тайёр туриш шаклланади.

7-bosқич. Фаразларни текшириш.

Мақсад: Бажарилган ишнинг рефлексиясини амалга ошириш, хulosса чиқариш (Ечимнинг тўғрилигини қандай текшириш мумкин? Ёки исботнинг тўғрилигини қандай исботлаш керак?).

Амалга ошириш йўллари: Вазифалар (бажарилган амалларнинг тўғрилигини босқичма-босқич текшириш, бошланғич шартларни ечимнинг мазмуни ва характери билан таққослаш ва ҳ.к.). Машқ (хulosанинг тўғрилигини уни бошқа ўхшаш вазиятларга кўчириш асосида исботлаш).

Натижа: олинган хulosаларнинг тўғрилигига ишонч.

Талаба шахсини ўзгартириш қўлами: тушунтириш қобилияти, ўз фаолиятини баҳолаш, эътиқод шаклланади.

Юқорида биз муаммолиликнинг учта даражасини ажратган эдик: 1) қўйи, 2) ўрта, 3) юқори.

Биринчи даражани амалга оширишда муаммони ўқитувчининг ўзи шакллантиради, зиддиятларни кўрсатади, вазифа ёки саволни қўяди, ўзи фаразни илгари суради, уни асослайди ва исботлайди, хulosса чиқаради.

Иккинчи даражада ўқитувчи фақатгина муаммони шакллантиради ва муаммоли вазиятни ташкил қиласди, талabalар эса ўқитувчи раҳбарлигига фаразларни илгари суради, уларни исботлашга ҳаракат қиласди, хulosалар чиқаради.

Учинчи даражада ўқитувчи ўқитишни шундай ташкил қиласди, унда зиддиятларни талabalарнинг ўзлари топишади, ўзлари фаразларни илгари суришади ва исботлашади, ўзлари хulosса чиқаришади.

Ҳар бир даражанинг ўз методи бор: Биринчига муаммоли баён методи мос келади ва у кўпинча муаммоли маъруза шаклида амалга оширилади. Иккинчи даражага эвристик сухбат усули мос келади, у семинар ва амалий машғулот дарсларида кўпроқ қўлланилади. Учинчига эса – тадқиқот иши мос келади, у амалий машғулотларда етакчи усул ҳисобланади.

Шундай қилиб, муаммоли ўқитиш ўз касбининг моҳир усталарини тайёrlашда катта имкониятларга эга экан, шунинг учун ундан олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар ўкув юртларида имкони борича кенг фойдаланиш зарур.

5.4. Инновацион педагогика. Инновацион ўқув юртлари

Ушбу ном расмий эмас лекин бутун дунё мутахассислари анъанавий педагогикани танқид қилишда яқдилдиirlар.

Асосий вазифаси инновациялар асосида ҳукмронлик қилаётган назарияни ўзгартириш ва бутун ўқув тарбиявий тизимни қайта қуришдан иборат бўлган янги фан тўғрисида жиддий гапирилмоқда. Инновацион педагогика тарбия парадигмасини алмаштиришни талаб қиласи. Парадигма (юононча *paradigma* намуна, этalon) –назарий ва амалий муаммоларни ечиш асоси бўлган ҳукмрон назария. Инноваторлар фикрича классик педагогик назария кераксиз даражада эскирган.

Янги шароитларда ҳозирги авлод тарбиясини унда қуриш мумкин эмас. Айниқса Собиқ Иттифоқ даврида бир неча авлод педагог ва талабаларнинг ҳаёти идеалистик ва социалистик педагогикаларининг кураш даврига тўғри келди; биринчисини йўқ қилишди, иккинчисини охиригача қуришмади ва тушунишмади. Ҳозир қайси кирғоқ томон сузиш керак? Ўсиб келаётган авлодни қандай назария асосида тарбиялаш лозим?

Агар педагогик ғояларнинг жаҳон тараққиёти манбаларига қайтилса, у ҳолда классик педагогиканинг метадологик асоси – Ян Амос Коменскийнинг “табиатга монандлик” тамоилини қайта тиклаш лозим. Совет педагогикаси уни “идеалистик” деб элон қилди. Уни ўқувчиларнинг онги хусусиятларини инобатга олиш деб аталган талаб билан алмаштириди. Идеологик догма туфайли Совет педагогикаси ҳеч қачон фан бўлмаган. Унинг инсонларнинг қобилияtlари тенглиги уларнинг ўқищдаги тенг хуқуқли имкониятлари тўғрисидаги бошланғич методологик тамоилини эслашни ўзи кифоя.

Бундай эмаслигини аччиқ тажриба кўрсатди. 1987- йилда Россия федерацияси мактабларидан турли сабаблар, асосан қобилиятысиз ва ўқиши истамаслиги сабабли икки миллион ўқувчи кетган. Тарбия билан қўп нарсани ўзгартириш мумкин, лекин табиатни ўзгартириб бўлмайди.

Педагогик фандаги вазият умумий ҳолда ана шундай, инновациялар бу ерда жуда зарур, педагогик назарияни қайси йўлдан бориши, янги фан ва ёшларни тайёрлаш, амалиётни қандай йўл билан қуришга боғлиқ. Педагогика илмий билимлар тизими-объективлик маъносида йўналганлик барқарорлик зиддиятсизлик унинг асосий таснифи. Педагогикани тизимини, бошқа илмий назариялар каби тизим ташкил этувчи тамоил бирлаштиради, ташкиллаштиради ушлаб туради. Объектив назариянинг асосий тамоили фақат илмий болиши мумкин “ идеологик ” эмас. Объективликнинг биргина талаби-инсонни билим даража унинг шакилланиши ва унинг тарбияланишига мос бўлишидадир.

Идеология – бу ҳар доим бир тамонлама у ёки бу ижтимоий жамоаларни ижтимоий манфатдор ёндашуви, улар буни мафкура сифатида етказишади. Жаҳон назариясида тарбия жараёни ҳокимиятда турган шахсларни манфати йўлида, улар дунё қарашларига боғлик бўлмаслиги кераклиги аллақачон тан олинган. Ўсиб келаётган авлод тарбияси жиддий масала уни ўткинчи нарсаларга боғлаб бўлмайди.

Собиқ Иттифоқ даврида узоқ муддат инсонни коммунистик рухда тарбиялаш мафкураси ҳукмронлик қилган. Унинг чақириқларни ҳаётга татбиқ этиш иштиёқи катталигига қарамай уни илмий деб бўлмайди, чунки ундаги холатлар инсон табиати ва ривожланишига қарши чиқади. Кучли ва барқарор тизимни фақат илмий исботланган ва тажрибада текширилган объектив фундамент асосида қуриш мумкин.

Шуларга асосан педагогик назарияни инновацион эканлиши деб аввал рад этилган. Я.А.Коменскийнинг табиатга монандлик назарияси асосларига қайтишга айтамиз. Инновацион жараёнларнинг яна бир йўналиши сифатида К. Роджерс талқинидаги инновацион тизимни инсонпарварлаштириш тан олинади. Икки йўналиш ҳам жаҳон педагогикаси учун янгилик эмас кўп нарса олиб ва ундан кўпроқ йўқотиб бизнинг педагогика 20 йилларда қаердан бошланган бўлса шу ерга қайтишга мажбур бўлмоқда. Табиатга монандлик тамоили ва унинг объектив педагогик назария қуриш учун аҳамиятини кўриб чиқамиз. У жуда тушунарли: болалар табиат ато этган турли хусусиятларига эга, педагогик жараённинг бориши ва натижалари у билан аниқланади.

Я.А.Коменскийнинг бу тамоилни жуда оддий тарифлаб берган: “Ўт, дарахт, ҳайвонлар турлича табиий хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли уларга турлича муносабатда бўлинади, инновацияларда ҳам турлича табиий иномлар борки бирига ундоқ бирига бундоқ муносабатда бўлиш керак. Шундай одамлар борки ҳамма нарсани эгаллайди, лекин улар ҳам қусурлардан холи эмас, баъзи предметларда улар ўта оми, баъзида олди сотди фойда - бургут, амалиётда эса бир лирали эшак. Баъзида мусиқага йўқ ўқишида эса қобилияти бўлиши мумкин. Бошқаларда будай холат мусиқа, мантиқ, математика билан бўлиши мумкин. Нима қилиш керак?

Қобилият йўқ соҳага тортма. Табиат билан курашиш бефойда... Агар ўқувчиларни ҳоҳишига қарши бирон нарса мажбурий қилинмаса, уларни ақл кучини ўтмаслаштирунади:

Ҳар бир ўқувчи унинг яширин инстикт қаерга бошласа, унша жойда муофакиятга эришиши мумкин”.

Джок Локк: “Худо ҳар бир инсоннинг юрагига маълум бир муҳр қўйган унинг ташки қиёфаси каби унга озгина ўзгартириш киритиш мумкин лекин уни бутунлай ўзгартириш мумкин эмас. Шунинг учун болалар билан ишлайдиган ҳар бир шахс балалар табиатини астойдил ўрганиши лозим”.

И.Г.Гестоцци шу мавзууни давом эттириб айтадики: “Ҳар бир илмий билимнинг охирги мақсади шу ким у инсон табиатини максимал юқори даражага кўтариб мукаммаллаштиради. Илмни эмас балки инсон табиатини ривожлантириш муқаддас масала ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, инсон табиати илмий билимга мослашиши эмас, балки илмий билимни инсон табиатига мослаштириш лозим.

Табиатга монандлик тамоилига қайтиб назария нимага эришади? Энг аввало ўқувчиларнинг имкониятларини аниқ тушуниб уларни ўзлаштириш сифатини объектив баҳолайди. Бу назарияда субъектта қаратилган тахминий қарашларга ўрин йўқ: Фақат тажрибада минг марталаб исботланган холатлар ҳақиқий деб ҳисобланади. Аниқ асосланган назария бошқарилмайдиган бўлиб кетган амалиётга тўғри йўлни кўрсатади. Амалиёт йўлини ёритувчи педагогик назариянинг камчиликларидан бири меъёрдан ташқари билим ва маълумотларни ёдлашдан иборатлигидадир. Назарий билимларнинг ҳаддан зиёд кўплиги жисмоний руҳий тарбияга заардир. Бу бизнинг мактабларимиз учун одатий ҳолга айланиб қолгани янада ачинарли. Касалманд тарбиясиз инсонга бундай билимлар нимага кераклигини ҳеч ким тушунтириб беролмайди?

Жисмонан ва психик носоғлом битиравчилар бундай ёндашув асиrlарига айланиб колишиди. Эски назария ва уни бошқарувчи амалиёт ҳар тамонлама инқирозга учради. Ундан чиқиш учун қилинган ҳар қандай ҳаракат инновацион ҳисобланади ва у ўзини оқляяпти. Инқирозни сабаби профессор В.Кумарин фикрича табиатга монандлик ва файласуфлар (Декард, Гельвеций, Маркс ва бошқалар) айтганидек туғма тенг қобилиятлилик ўртасидаги бахс бўлди. Бошқача айтганда: Бир хил мактаб дастурлари ва ўқтувчиларни у ёки бу фанни бир хил ўзлаштира олмагани инқирозга олиб келди. Профессор Кумариннинг кузатишлари табиатга монандлик тамоилини модерн концепцияларига алмаштирилиши кўпгина давлатларда педагогик тизимни инқирозга учратганини исботлади. Ўқувчилардаги психик ва жисмоний ўзгаришларни ва унлари соғлиги ёмонлашганини сезгач у мамлакатларни педагогларни ўз хатоларини тан олишдан қўрқмади ва тезлик билан эски классик педагогикага қайтишиди. Немис профессори Л.Гурлитт бунга куидагича изоҳ бериб ўтган:

“Жисмоний жароҳат орқали эришилган маданият, ҳеч нарсага ярамайди у маданиятсизликдан ҳам заарлидир. Ҳаётнинг ўзига яроқсиз, бадбашара қилиб тайёрланган “уни” ҳаёт мақсади деб бўлмайди. Агар бизни тарбиявий ишларимиз жисмонан ногирон, қамқон, руҳий ҳаста, шу сабабли иродасиз ва жаҳилдор инсонларни етиштирса у нотўғри йўлдан кетаяпти, уни бу йўлдан боришига сабабчи бўлаётган барча нарсалар зудлик билан тамиридан узуб ташланиши лозим. Инноватцион педагогикани кўпинча анъанавийга муқобил дейишади. Бундай эмаслигини оддий мулоҳазалар ҳам кўрсатади: синф ҳам, ўқтувчи ҳам, китоблар ҳам, йўқолмайди-ку аҳир...

Қани бу ерда муқобиллик? Агар педагогик тизим ўзгармай қолса унда уни фақат такомиллаштириш ҳақида гапириш мумкин.

Муқобиллик ҳақида гапириладиган бўлса ҳозирги инновацион педагогикага фақат биттагина ўхшаши бор у ҳам бўлса текширилган классик педагогикага қайтиш. Ҳақиқатда илмий ва шу туфайли иш берадиган табиатга монандлик педагогикаси мактабни қутқаради.

Болалар бундай туғилиши ҳеч кимга боғлиқ эмас. Ҳар бир инсон ҳаётда максимал ривожланиши, максимал даражага етиши, кўнглига яқин машғулот билан шуғулланиши ва ҳаётда ўз ўрнини топиши мактабга боғлиқ. Ҳамма болаларни яхши кўриш, ҳурмат қилиш ва ривожланиши учун имкон қадар яхши шароит яратиш даркор. Табиатга монандлик педагогикаси ўқувчига мослашишни талаб қилмайди, гуманистик педагогика уни мактаб муносабатларини ўртасига қўйишни ва ривожлантириш учун шароит яратишни талаб қиласди. Гуманистик педагогикани қўпинча инновацион дейишади, лекин у фақат биз учун инновацион: Ғарб тизимлари аллақачон гуманистик педагогикага ўтишни бошлади. Гуманистик педагогикани бемалол инновацион дейишимиз мумкин чунки у ички ўзгартиришлари орқали тизимни ўқув тарбиявий жараёнга ижобий таъсир ўтказади.

Гуманизм (лотинча *humanus* – одатий, одамга хос) инсонни энг олий қадриятлиги концепцияси. Бу концепциясида инсон шахсини ҳурматлаш озодлиги, ҳаққини тан олиш, ўз кучи ва имкониятларини тўла намаён этиш учун имкон яратиш, бунинг учун унга шароит яратиб беришга урғу берилган.

Нимага гуманистик педагогика ғояси продуктив, жалб қилувчи ҳосилдорлигига қарамай, оммовий амалиётни қўлга олмади, педагогик тизим тузилишини асосига айланмади?

Жавоб ойдек равшан:

Тоталитар давлатлар гуманистик ғояларни амалиётда қўллашдан манфатдор эмас улар авторитар педагогикани ишга солишиади. Инсонни энг олий қадрият деб элон қилиб бизни давлатимиз гуманистик ғоялар кириб келишига йўл очиб берди. Гуманизм нуқтаи назаридан тарбиянинг асосий мақсади, уни ҳар бир тарбияланувчиси ўзини имкониятларини тўла намаён этиш учун имкон яратиш ёрқин ўз фикрига эга ишビルармон келиб тарбиялашдан иборатдир. Тарбиявий жараён гуманизацияси ўлчови, бу жараён иштирокчиси табиатдан берилган имкониятлардан, эркин бўлишга ҳаракатда ижод қилишга моиллигига ўлчанади.

Гуманистик педагогика инсонга қаратилган.

Унинг асосий фарқ қилувчи белгилари:

Инсонни бир томонлама эмас, балки руҳий, жисмонан интелектуал, маданий ва маънавий ривожлантиришга қаратилган: мустақил фикрга эга ҳаракатчан, ҳаётни

хар хил вазиятларида тўғри йўлни топа оладиган шахсни шакллантиришга қаратилган.

Ўқув тарбиявий жараённи гуманизациялаш деганда авторитар педагогикадан, уни шахсга нисбатан босими, ўқтувчи ва ўқувчи орасидаги дўстона муносабатларни рад этишдан бутунлай воз кечиши, асосий этиборни ўқувчи эркинлигига қаратилиши тушунилади. Бу жараённи гуманизациялаш деганда ўқувчига шундай шароитлар яратиб бериш тушуниладики, бунда у ўзлаштира олмаяпти эмас, балки ўз имкониятларидан кам ўқимаслиги, тарбиявий жараёнга бефарқ бўлиб ёки ҳаётни шиддатли оқимини кузатувчисига айланиб қолмаслиги керак. Гуманистик педагогика мактабни ўқувчига мослаштиришини унга қулайлик ва “рухий ҳавсизлик” яратишни талаб қиласди.

Гуманистик мактабларнинг инновацион фаолиятини аниқ шакл ва усуллари ишлаб чиққилган.

Уларнинг ичида:

1. Ўқув тарбиявий фаолиятини фарқланиши;
2. Тарбия ва ўқув жараёнини индивидуаллаштириш;
3. Ҳар бир тарбияланувчининг қизиқиши ва қобилиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш;
4. Гомоген синфлар ва параметрларни шакллантириш;
5. Ўқув тарбиявий фаолиятни қулайлигини таъминлаш;
6. Ўқувчиларни руҳий ҳавсизлиги ва ҳимоясини таъминлаш;
7. Ўқувчини куч ва имкониятларига ишониш;
8. Ўқувчини қандай бўлса шундайлигича қабул қилиш;
9. Ўқув тарбиявий жараён самарадорлигини ошишини таминалаш;
10. Мактабни мақсадга мослашишини ўзгартириш;
11. Ҳар бир ўқувчининг ривожланиш даражасини асослаш;
12. Экстернат(сиртқи ўқитиш) ҳолатини олиб ташлаш;
13. Ўқувчининг ички шахсий мослашувини йўналишларини ўзгартириш;

14. Гуманитар таълимни кучайтириш.

Буюк гуманист. Унинг исми – Карл Роджерс 1902 йил АҚШда туғилган. Мактабда қобиляйтсиз дея ўқтувчилар томонидан кўп изза қилинган, бу уни педагогик касбга ўзини бағишлишга интилишини ошириди. Машхур Дж. Дьюи қўлида таълим олаган. Кейинчалик ўқтувчи бўлиб ишлайди, ўқувчилар билан мулойим бўлиб улар ҳаёти билан яшайди. Яхшилик ҳар доим ёмонликни енгишини тушунган. Ўзининг ҳамкасларини яхшилик йўлига ўтишини таклиф қилган, унинг ўз фикрида қаттиқ туриб олгани ўзига ва қилаётган ишига бўлган ишончи кўпгина ўқтувчилар унга қўшилишига сабаб бўлди, гуманистик ёндашув тўгарагига асос солди. Бу тўгарак йирик тадқиқот марказига айланиб ҳозиргача фаолият юритаяпти. К.Роджерс 1987-йил оламдан ўтди. Унинг педагогик қарашлари “Freedom to learn for the 80’s“ деган китобида изоҳланган, Роджерс таъкидлашича инсон ҳаракатини ўзгартиришга унинг ўз тажрибасига асосланиб ўсиши, ривожланиши ўқиб ўрганиш қобиляти сабабчи бўлади. Кимгadir тайёр тажрибани бериб ўзгартириб бўлмайди. Фақат инсонни ривожланишига ёрдам берадиган шароитни яратиш мумкин. Бундай шароит яратишни К.Роджерс “янгилашув” деб атайди. Инглизча (“facilitate”) янгилашув муҳитини яратувчи ўқтувчини бугун бутун жаҳонда фасилитатор дейишади. Бу муҳит яратилиши ўқтувчини билим ва интелектуал салоҳиятига боғлиқ бўлмайди. Ундан фақат бир нарса – тарбияланувчини яхши кўришини у билан қизиқишини ва шуғулланишга керак бўлса ёрдам беришга тайёrlигини билдириши талаб қилинади.

К. Роджерсни анъанавий педагогикада қўйидиги ҳолатлар қониқтирмайди:

1. Ўқитувчи билимларга эга, ўқувчи уларни ҳазм бўлишини кутади;
2. Дарс ва имтихон – асосий элементлар. Дарс асосий шакл; имтихон эса билим даражасини аниқлайди;
3. Ўқитувчи бошқарувчи; ўқувчи бўйсунувчи. Иккалasi мактаб бошқарувига бўйсунади. Назорат ҳар доим юқоридан пастга қаратилган;
4. Ўқитувчи авторитет бўлгани учун марказий фигура. У ҳайрон қодгудек даражада билимли, эрудит ёки диктатор бўлгани учун ҳурматсиз, лекин ҳар доим марказда.
5. Ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги ўзаро ишонч йўқолади. У доимий назоратсиз ўқувчи яхши ўқишини кутмайди. Ўқувчи унинг самимиyлигига ишонмайди.
6. Ўқитувчи тарбияланувчини даврий ёки доимий қўрқувда тутиб уни бошқариш тўғрилигига ишонади, ҳозирда олдингидек жисмоний жазолаш йўқ, лекин кўпчиликнинг ичидаги камситиш, устидан кулиш ва хатосини қайтариши мумкинлиги, ундан кучлироқ таъсир қиласди. Бу қўрқув таълим жараёнинг кейинги босқичларида янада ўсиб боради, шунинг учун ўқувчи доимо кўпроқ йўқотади.

7. Тарбияланувчилар ўқитиш мақсади, услуби, мазмунини аниқламайдилар, ўқитувчиларни танлаш ҳуқуқига эга эмаслар. Ўқитувчи ҳам овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

8. Мактабда жой шахсга эмас, билимдонга.

К. Роджерс таълимнинг анъанавий методи ўрнига – PCA(Person Centered Approach – шахсга коцепция) янгисини таклиф қиласди. Бу модел асосий 9 та холатни назарда тутади:

1. Асосий шарти: фасилитатор ўзига ва тарбияланувчиларга ҳурмати, уларни тушуниши учун етарли бўлиши – улар унга ўхшаб ўзлари ҳақида ўйлайдиган ўзлари учун ўқийдиган бўлиши керак. Агар бу шарт бажарилса PCA моделини кейинги аспектларга ўтса бўлади.

2. Фасилитаторлар ўқитиш ва тарбиялаш маъсулятини қолганлари билан бўлишади.

3. Ўқитувчи ўз тажрибаларидан келиб чиқсан ҳолда иш юритади.

4. Ўқитувчи ўзини дастурини ўзи ёки бошқалар билан биргаликда тузади ва ривожлантиради. Унинг ўзи маъсулиятни тўлиқ бўйнига олган ҳолда ўзини ўқув йўналишини танлайди.

5. Синфда қадамба–қадам ўқув жараёнини енгиллаштирувчи муҳит яратилади. Олдинига уни фасилитатор бошқаради. Кейинчалик тарбияланувчилар уни ўзлари яратади ва ушлаб туради. Икки тарафлама ўқитиш асосий ўринга чиқади.

6. Бор куч доимий ўқув тарбиявий жараёнга қаратилган, ўқув жараёни мазмуни муҳим бўлсада иккинчи ўринга ўтади. Натижа ўқувчи олдинга сезиларли қадам ташлаганида ўлчанади.

7. Ташқи тарбияни ўрнини ички тартиб эгаллайди.

8. Тарбияланувчи билим даражаси ва тарбияланганини ўзи баҳолайди, педагог ва гурух азоларидан маълумот тўплашга тушади.

9. Бундай муҳитда ўқув тарбиявий жараён чуқурлашиш, тез олдинга ҳаракат қилишга бошлайди. Шахс эса (унинг туйғулари қизиқишлири билан) бутунлигича ўз – ўзини ривожлантиришга киришади.

Бу ўқув йўналиши ўқувчининг шахсий танлови бўлгани учун содир бўлади.

Гуманистик ёндашувчи мактабда ўқувчида бутун таълим даврида кўпгина янги элементлар юзага чиқади:

- Нимани ўқиши ҳохласа, шуни танлашда иштирок этади.
- Ижод учун йўл топишга ҳаракат қилади.
- Туйғуларида, ўйларида, ишларида экспрессивроқ бўлади.
- Ўзига ва ўз ҳаракатини маъқуллашга ишонч ривожлантиради.
- Мактабга бориш вақтини интиқлик билан кутади.
- Ўқитувчи уни қандай севиб ҳурмат қилса, у ҳам уларни шундай ҳурмат қилади.
- Мактабда ўз қизиқишлиари учун жой топа олади.
- Билимлар йиғиш усуллари ва манбалари ҳақида ўз билимини ривожлантиради.
- Баъзи нарсалар ўрганиш учун қийин, шу сабабли кўп мاشаққат ва интизом талаб қилишини тушунади.
- Бундай ўқищдан қониқиш ҳис қилади.
- Бошқалар билан топшириқларни тенг бажаради.

Фасилитатор – ўқтувчи ҳар ким бўлиши мумкин. Бунга номзодлик қилаётган киши ўз имкониятларини ўзи баҳолай олиши керак. Буни аниқлаш учун У.К.Роджерс томонидан тузилган саволларга жавоб бериши керак.

Ҳаракат қилиб кўрамизми?

1. Ўсиб ривожланаётган шахсни ички оламига кира оласанми? Судья ва танқидчи бўлмай туриб, кириб бу оламни кўриб баҳолай оласанми?
2. Болалар билан самимий бўлиб, икки томон ҳам ниманидир ўрганиши мумкин очик экспрессив муносабатлар қура оласанми? Ёшларни интенсив жамоавий муносабатларида ўзлигингча иштирок этишга журъат қиласанми?
3. Ҳар бир шахсни қизиқишини очиб нима билан тугашидан қатъий назар уни ривожлантира оласанми?
4. Ўқувчини ўзига ва ўраб турган оламга бўлган қизиқишини сақлаб қолишга ёрдам бера оласанми?

5. Инсонлар, тажрибалар, китоблар ва бошқалар қизиқиши кучайтирадиган манбаларни ўрганишга хуш ёқувчи муҳит яратишда ижодкорлик кўрсата оласанми?

“Қандайдир мўжиза туфайли бу саволларнинг кўпчилигига “ҳа” деб жавоб берилса – К.Роджерс хулоса қиласди. Унда у ўз ўқувчилари ҳаётини енгиллаштира олади. Ёшларнинг кенг имкониятларини ривожлантиришга ёрдам беради”.

Инновацион ўқув юртлари. Ўқув муассасалари инновацион номини янгилик ёки унинг элементларини кўллашни бошлаганларида оладилар. Деярли барча ўқув юртлари ўзларининг инновацион жараёнларга таалуқлилигини даъво қиласидилар.

Ўқув юртларининг инновационлиги категориясини шакллантириш учун куйидагиларни ёдга оламиз:

- Янгиликлар ўқув–тарбиявий жараённинг бориши ва натижасини нафақат яхшилайди балки ёмонлаштириши мумкин.
- Инновацион деб эълон қилиш, ижобий самара олишни билдирамайди.
- Инновациялар инновация учун амалга оширмайди, балки ўқитиш ва тарбиялаш самарадорлигини яхшилаш учун амалга оширади.
- Педагогик тизимни бир вактда, бир неча параметрлар бўйича яхшилаб бўлмайди. Агар янгилик бир жиҳатни яхшилаб бошқасини ёмонласа – улар керакми?
- Номи ёки шаклга кўра эмас балки, фақат моҳиятига кўра инновациялар ўқув ва педагогик меҳнат шароитларини яхшилишга замин яратади.

Ўқув юртлари

Ноинновацион
Инновацион

Таъриф

Йил ва 10 йиллаб янгиликларни жорий қилишга ҳаракат қилмаган ўқув юрти асосан энергияси бўйича фаолият кўрсатади. Бир хиллик.

Ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш учун, асосан ички резервлар, педагогиканинг янги ғоя ютуқлари ҳисобига ўз шахсий ташабbusларига кўра янгиликларни киритиш.

Вазифаси

Билимларни бериш, йўл йўлакайига тарбиялаш, мавжуд маданият билан таништириш, ижтимоий тарбияни ўзлаштириш, ўқув юртининг мақомини мафкура сиёсат давлат аниқлаб беради.

Шахсни ўз – ўзини сафарбар қилиш, ўзлигини топиш анча такомиллашган шахслараро ва ижтимоий муносабатларни шаклланиши ҳаёт йўлларини моделлаштириш мақсад ва мақом шахсий талаблар билан аниқланади.

Фаолият тури

Асосан давлатга мўлжалланган.
Шахсга ва давлатга мўлжалланган.

Тамоиллари

Идеаллик трансформерланган.
Илмий, объектив.

Фаолият характери

Ижодий эмас нусха кўчирувчи.
Ижодий, продуктив.

Мақсади

Предмет бўйича билимларни ўзлаштириш.
Шахсни ривожлантириш тараққиёт тупикларидан огоҳлантириш.

Мазмуни

Кучсиз фанлараро боғланишга эга бўлган тарқоқ фанлар.
Қадриятлар (муносабатлар, эътиқодлар, фаолият мотивлари) интеграллашган курслар.

Ўқув жараёни

Фронтал шакллар ва репродуктив билимлар, намуна бўйича ҳаракатлар устунроқ.
Ижодий ёндашиш, индивидуал табақалашган шакллар устунроқ.

Технология

Кам самарали, эскирган кўп механик талаб қилувчи суст.
Янги, ўқув ва педагог меҳнатини янгилаштиришга мўлжалланган.

Бошқариш

Ўқувчилар – бошқариш обьекти.

Ўқувчилар – фаолият субъекти. Бошқариш обьекти яхлит педагогик вазият.
Ўрганувчиларнинг шахсий ташаббусларини қўллаб қувватлаш.

Стил

Авторитар – рефлексив.
Демократик – рағбатлантирувчи.

Ташкилий

Маъсулиятга, тортувчи бошқарувчи анъанавий.
Ўсмир ва ривожланиб борувчи шахснинг билимлари ва ҳаётий қонуниятларини
хисобга олишга асосланган.

Ўрганувчилар

Таъсир кўрсатиш обьекти. Фаолият мақсади ўқитувчи томонидан берилади.
Ўз шахсий ривожланишининг манбаи. Фаолият субъекти.

Ўқувчи

Хизматчи билимлар транслятори, ўқув–тарбиявий жараён ташкилотчиси.
Болалар дўсти, гуманист. Ўқувчилар учун очиқ ҳамкорликка йўналган.
Фацилилатор, енгиллаштирувчи.

Назорат

Ташқи операцион.
Ички яхлит.

Оқибатлари

Мактабдан, ўқтувчидан, ўқув қадриятларидан бегона бўлиш. Душманлик рақиблик.

Мактабга муҳаббат, ўқиши, ривожланиш истаги. Бир–бирини тушуниш, ишонч.

Натижалари

Ташаббус билим бўлаклари билан тиқиширилган, кам ҳаракат, ҳаётга кам
мослашган.
Фаол, ташаббускор, ривожланган, озод, ўзига ишонган, ҳаётга қобилиятли шахс.

Ушбуларни ҳисобга олиб ўқув юртларининг инновацион категориясини шакллантириш мумкин.

Ўқув юртлари инновацион бўлади, агар:

1. Ўқув тарбия жараёни табиатга монандлик тамойили ва унга бўйсунадиган классик педагогика тамоилларига асосланса;
2. Педагогик тизим гуманистик йўналишда инновацион тараққий этаса;
3. Ўқув–тарбиявий жараённи ташкиллаштириш ўқувчи ва педагогларни ортиқча зўриқтирумаса;
4. Ўқув–тарбиявий жараён ютуқлари натижалари ўрганувчи ва педагоглар селекцияси ҳисобига эмас, балки тизимнинг имкониятлари ҳисобига бўлса;
5. Ўқув–тарбиявий жараённинг маҳсулдорлиги қимматбаҳо восита – медија тизималарини қўллаш натижаси бўлмаса;

Ушбу мезонлар талабларининг маъноси шундан иборатки, турли имкониятларга, яъни базага, педагог ва ўрганувчилар, жиҳозлар, молиявий жиҳатдан ва ҳаказоларга эга бўлган ўқув юртларини таққослаш имконини беради.

Агар бу ёндашувдан фойдаланилмаса у ҳолда элита гимназия ҳар доим автоматик тарзда инновацион ўқув юртлари қаторидан жой олади. Чекка қишлоқдаги мактаб эса, қолоқлар қаторидан жой эгаллайди.

- 1- да маҳсулдорлик педагог ва ўрганувчиларнинг селлекцияси ҳисобига,
- 2- да эса ички резервлар ҳисобига, бу ҳақиқий инновациядир.

Тузилган қатегорияга асосан инновацион ва ноинновацион ўқув юртларини таққослаймиз.

Классик табиатга монандлик педагогикаси оқимиға қайтган ўқув юртларини профессор В. Кумарин худди асримизнинг бошидаги каби “янги” деб аташни таклиф килади. 1889 йилда шундай мактабга Англияда асос солинган эди. “Янги” мактабда ўқувчилар соғлом бўлиб, ақлий ривожланишга катта аҳамият берилган. Маъносиз куруқ ёдлаш йўқ. Ўқувчилар мустақиллигига катта эътибор берилган. Ўқитиши марказида ўқувчи кизикиши, унинг фаолликга булган эҳтиёжни қондириш қўйилган. Ташқи интизом ва бошқарув минимумга келтирилган. Мактабнинг бутун режими шундаки, у ўқувчини бутунлай қамраб олади. Шахсни ҳар томонлома ривожлантиришни тамиnlайди.

Америкада ҳамма болалар боғча ёшидан бошлаб тестдан ўтказилади. Бунда қандай таълимий таклиф болани туғма кобилияtlари билан устма –уст тушади ва уни

зўриқтирмайди. Мана шулар аниқланади. Бошланғич мақтабдан сўнг мажбурий предметлар 3-та: спорт, инглиз тили, жамиятшунослик.

Колганлари танлов асосида, 200 та таклиф бор. 17-21 очко тўпланмагунча ҳар бир предмет очко сонига эквивалент, (инглиз-тили -3, спорт-3, математика-2, география-1 ва ҳ.қ). мажбурий ва эрқин танланган предметлардан юқори синф ўкувчиси ўзига индивидуал режа тузади ва мақтаб тугагунча унга бўйсунади.

Шубҳасизки, келгуси қасби учун яхши ойлик, меҳнат бозорида рақобатбардош бўлиш учун нима зарур бўлса, шуни танлайди. Танлашнинг тасодифий бўлиши мумкин эмас, тестлаш ва профориентация ҳизматчилари одатда адашишмайди. Бундан ўқишга жиддий муносабат келиб чикади “ўзинг танладинг, ўзинг жавоб бер”, шу сабабли жуда юқори меҳнат самарадорлиги, мислсиз иқтисодий қудрат, уй баракага тўла. Европа ва АҚШ мақтаблари табиатга монандлиқ тамойилининг қудратли елкаларига таяниб кризисдан тез чиқиб кетдилар. Ўз фарзандларига янада яхши ҳизмат қўрсатмокдалар. Профессор В.А. Кумарин. –“агар ҳозирги қунда бизнинг мақтабларимиз Европа ва АҚШ мақтаблари каби касаллик билан оғриган бўлса, унда нима учун аҳмоқона инжиклик сабабли болаларни ва ўзимизни қийнашимиз керак?” бошқа дори йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, юз марта текширилган, тайёр болалар қувончи учун текин дорини олайлик ва ниҳоят бутунлай зилзилалардан чикиб кетайлик .

Хотима ўрнида

Келажак ва ҳозирги замон касб таълимини ривожлантириш учун ўтмишдан нафақат бизгача етиб келган, балки вақт синовидан ўтмаганларни ҳам билиш зарур бўлади. Ўқитиш ва тарбиялашнинг қадимги моделларини билмаслик қилинган нарсаларни қайтадан “кашф қилиш” га, хатоларни такрорлашга олиб келиши мумкин.

Биз ўз тарихимизни қанчалик чуқур ўргансак, маданий меросимизга, анъаналаримизга қаратсак, келажак авлодга шунчалик тўғри таълим берган бўламиз.

Замонавий ёш мутахассиснинг фаолиятини қўриб чиқиши ва унга баҳо беришда бу касбда уни нима ҳаракатга келтираяпти, нима учун ушбу иш билан шуғулланаяпти, у қандай қадриятлардан келиб чиқади, ўзининг қандай ижодий ресурсларини ихтиёрий равишда ва ички туйғу бўйича ўз меҳнатига қўшади каби саволларга жавоб излаш талаб қилинади.

Ўқитиш шараёнида бўлғуси мутахассисларда эстетик, меҳнат гўзаллигидан завқланиш, бадиий дид, гўзал буюмлар яратиш уқувларини тарбиялаш учун шароитлар яратиш зарур.

Яна бир муҳим сифат – бу иқтисодий тежамкорлик ва ишлаб чиқаришнинг экологик оқибатларини ҳисобга олишга одатланиш уқувларини шакллантириш лозим бўлади.

Мамлакатимизнинг дунё иқтисодий турмушига дадил кириб бориши, Ўзбекистон мутахассисларининг халқаро меҳнат бозорига чиқиши касб таълими жараёнида нафақат маҳсус, ўрганиш қобилиятини, балки шахснинг мулоқотга, ҳамкорликка киришиш қобилияти, шахсий ташшаббуси, тадбиркорлик қобилияти, интуицияси, мустақиллигини ҳам ривожлантиришини талаб қиласди. Киришимлилик имкониятлари нафақат техник воситаларни билиш, балки кўпроқ чет тилларини ўрганиш билан таъминланади. Корхоналарда, лабораторияларда, конструкторлик бюроси бўлимларида ишлаб чиқариш фаолияти учун тайёрланган ўрта касбий маълумотга эга, техник-механик, механик-конструктор, техник-технолог, синовчи техник лавозимларида ишлаётган техник, муҳандислик фани ва техникаси соҳасида янги интеллектуал маҳсулот яратиш жараёнида иштирок этиши керак. Шунинг учун касб таълими олиш жараёнида унинг ижодий онги ривожлантирилиши, ўз-ўзини ўқитиш, ривожлантириш баҳолаш усувларини, лойиха-технологик фаолиятини амалга оширувчи билим ва кўникмаларини эгаллаши лозим.

Ватанимиз касб-хунар таълими тизимини янги сифат даражасига кўтариш, фарзандларимизга муносиб таълим бериш, уларни замонавий технологияларнинг барча турларидан фойдаланишга, тизимли фикрлашга, замонавий ҳаёт ўзгаришларига мослашишга ўргатиш касб таълими педагогларининг вазифасидир.

Касбий педагогика

5111018 - Касб таълими (Информатика ва

ахборот технологиялари) йўналиши

талабалари учун ўқув кўлланма

«Техник таълим педагогикаси» кафедраси мажлисида

(2012 йил 8 май 35 - сонли баённома)

муҳокама қилиниб, ТАТУ илмий-методик

кенгаши томонидан нашрга тавсия этилди.

(2012 йил 25 май 50 - сонли баённома)

Тузувчи:

Михридинова М.Т.

Масъул мухаррир:

Закирова Ф.М.

Корректор:

Мигранова Э.А.

Босишга рухсат этилди _____

Бичими 60x841/16 . Адади _____

- буюртма. Босма табоғи _____

Тошкент ахборот технологиялари университети тасарруфидаги

«ALOQAChI» нашриёт-матбаа марказида чоп этилди.

Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 108-уй

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995.